1. Биотехнология микробного синтеза / Под ред. Баккера М.Е. – Рига, 1980. – 264 с.
2. Барбара Э., Хайнц Ш. Биогазовые установки: Практическое пособие /Под ред. компании ZorgBigaz. – Германия, 2008. – 268 с.
3. Быков В.А., Винаров Ю.Ю., Шерстобитников В.В. Расчет процессов микробиологических производств. – Киев: Редю Минск, 1985. – С. 244.
4. Крушневич Т. Биогаз: получение и использование. – Украина: Институт газа НАН, 2000. – С. 224-242.
5. Методы классической и современной теории автоматического управления / Под ред. Пупкова К.А. – М.: МГТУ им. Баумана, 2004. – Т. 1-4. – 204 с.
6. www.wikipedia.org

## **ORACLE MBBT DA PARAMETRLI HISOBOTLAR TAYYORLASH TEXNOLOGIYASI HAQIDA**

**Nosirova Shohista Elmurodovna**

*BuxDU magistratura talabasi*

**Boltayev Telman Bakayevich**

*BuxDU Axborot texnologiyalari kafedrası o'qituvchisi, f.-m.f.n.*

**Tayanch so'zlar:** MBBT – ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimi, hisobot, so'rov, parametrli so'rov, jadval, tip, protsedura, vakolat.

**Ключевые слова:** СУБД – система управления базами данных, отчёт, запрос, параметризованный запрос, таблица, тип, процедура, полномочие.

**Key words:** DAS - database administration system, report, survey, parametric survey, table, type, procedure, competency.

*Ushbu maqolada Rep paketidan foydalanib, parametrilashtirilgan hisobot yaratish texnologiyasi: foydalanuvchi sxemasini va undagi kerakli obyektlarni yaratish, kerakli vakolatlar berish, hisobot parameterlarni yaratish va hisobot protsedurasining tayyorlanishi haqida so'z boradi.*

*В данной статье разработан параметризованный отчет с использованием пакета Rep: создание схемы пользователя и необходимых объектов в этой схеме, наделение необходимыми привилегиями этих объектов, создание параметров отчета и способа разработки процедуры отчета.*

*The article deals with the technology development of a parameterized report using REP package, creating a user's scheme and necessary objects in this scheme, providing it with necessary competencies, creating report parameters and procedures of report preparation.*

Hisobotlar tayyorlash uchun foydalanuvchiga zarur ma'lumotlar asosida so'rovlar yasashga to'g'ri keladi. Agar so'rovlar parametrli ko'rinishda bo'lsa, hisobotlar yanada mukammal, to'liq va effektiv natija beradi. Bunday hisobotlarni tayyorlash uchun maxsus REP (hisobot tayyorlovchi) paketidan foydalanamiz.

Hisobot yaratish uchun mo'ljallangan mazkur REP paketi 2 ta jadvaldan tashkil topgan. Ular quyidagicha nomlanadi:

1. RFAC\_ACTION
2. S\_REP\_PAR

RFAC\_ACTION jadvali – hisobotlar haqidagi bosh menyu tuzilmasining ma'lumotlari. Unda har bir menyu komandasi alohida satr ko'rinishida saqlanadi. Ushbu jadval quyidagi maydonlardan tashkil topgan:

| <b>№</b> | <b>Maydon nomi</b> | <b>Maydon tipi</b> |
|----------|--------------------|--------------------|
| 1        | RFAC_ID            | NUMBER(10)         |
| 2        | RFAC_ID_HEAD       | NUMBER(10)         |
| 3        | ACTIONNAME         | VARCHAR2(255)      |
| 4        | CMD                | VARCHAR2(128)      |
| 5        | SNEWSSES           | NUMBER(1)          |
| 6        | INFO               | VARCHAR2(4000)     |
| 7        | ISREP              | NUMBER(1)          |

Maydonlar tavsifi:

RFAC\_ID – hisobotning belgilangan raqami va uning maksimal qiymati 10 ta raqamdan iborat sondan tashkil topishi mumkin.

RFAC\_ID HEAD – hisobot sarlavhasi (shapkasi)ning ID raqami. Uning maksimal qiymati 10 ta raqamdan iborat sondan tashkil topishi mumkin.

ACTIONNAME – hisobotning nomi va u maksimal 255 belgidan tashkil topishi mumkin.

CMD – hisobotning DOC\_REP paketidagi nomi va u maksimal 128 belgidan tashkil topishi mumkin.

SNEWSSES – foydalanuvchi sessiyasi. Agar foydalanuvchi sessiyasi yangi bo'lsa 0, mavjud sessiya bo'lsa 1 qiymat qo'yiladi.

INFO – shu so'rovning qisqacha tavsifi.

**ISREP** – so’rov uchun 1, so’rovning qismi uchun 0 qo’yiladi.

Yuqoridagi maydonlardan biri **RFAC ID** ga birlamchi kalit (Primary Key) o’rnatilgan. Bu hisobot tartib raqamining qayta takrorlanishi oldini oladi.

**RFAC ID HEAD** ustuni shu jadvalning **RFAC ID** ustuniga ikkilamchi kalit (Foreign Key) bilan bog’langan. Agar komanda menyu osti satri (“komanda osti”) bo’lsa, bu komanda o’zining “komanda usti”ga shu ko’rsatgich orqali ko’rsatadi. Ushbu maydon orqali menyu komandalarining daraxtsimon tuzilmasi shakllanadi. Daraxtsimon tuzilmali menyuning “barg”lari konkret hisobotlarni aniqlaydi [1, 2].

REP paketidagi **S\_REP\_PAR** jadvali – parametrli so’rovning parametrlari haqidagi ma’lumotni o’zida saqlaydi. Ushbu jadval quyidagi maydonlardan tashkil topgan:

| <b>№</b> | <b>Maydon nomi</b> | <b>Maydon tipi</b>  |
|----------|--------------------|---------------------|
| 1        | REPID              | NUMBER              |
| 2        | NUM                | NUMBER(3)           |
| 3        | LEV                | VARCHAR2(30 CHAR)   |
| 4        | NAME               | VARCHAR2(50 CHAR)   |
| 5        | TIP                | CHAR(1 CHAR)        |
| 6        | REQUIRED           | NUMBER(1)           |
| 7        | DEFVAL             | VARCHAR2(50 CHAR)   |
| 8        | MAXVAL             | VARCHAR2(50 CHAR)   |
| 9        | MINVAL             | VARCHAR2(50 CHAR)   |
| 10       | LENGTH             | NUMBER(3)           |
| 11       | PRECISION          | NUMBER(3)           |
| 12       | FIELDNAME          | VARCHAR2(50 CHAR)   |
| 13       | FORMATMASK         | VARCHAR2(50 CHAR)   |
| 14       | LOV                | VARCHAR2(1024 CHAR) |
| 15       | LEFT               | NUMBER(4)           |
| 16       | TOP                | NUMBER(4)           |
| 17       | WIDTH              | NUMBER(4)           |

REPID – hisobot so’rovi parametri

NUM – hisobot tartib raqami

LEV – hisobot darajasi (1-sentr, 2-oblast, 3-rayon)

NAME – parametr nomi

TIP – hisobotning unikal kod ko’rinishi

REQUIRED – parametrning vazifasi

DEFVAL – parametrning jimlikdagi qiymati

MAXVAL – parametrning maksimal qiymati.

MINVAL – parametrning minimal qiymati.

LENGTH – uzunlik

PRECISION – aniqlik

FIELDNAME – maydon nomlanishi

FORMATMASK – format maskasi

LOV – ma’no(значение)lar ro’yxati

LEFT – pozitsiya x

TOP – pozitsiya y

WIDTH – kenglik.

Bizga kerakli foydalanuvchi sxemalari 3ta bo’lib, bular: ORCL, REP va TALABA deb nomlanadi. ORCL – bu administrator sxemasi, Rep - hisobotlar tayyorlash jarayonini qo’llab-quvvatlovchi sxema, Talaba – Rep sxemasidan foydalangan holda konkret tatbiqiy sohada hisobotlar tayyorlangan sxema hisoblanadi. Ushbu sxema talabalar tatbiqiy sohasida hisobotlar tayyorlash uchun mo’ljallangan. Talaba sxemasida talabalar haqidagi ma’lumotlar joylashgan. Mazkur ma’lumotlardan foydalanuvchi uchun kerakli ma’lumotlarni hisobot ko’rinishida chiqarib berish uchun parametrli so’rovlar yasashga to’g’ri keladi.

Parametrli hisobot – shaklan bir xil, lekin tarkiban berilgan argumentning qiymatlariga nisbatan har xil hisobotlar majmuasi. Argument – parametr deb ataladi. Hisobot tayyorlash uchun har bir argumentga konkret qiymat berilishi kerak [2, 3].

Hisobot tayyorlashda dasturchi Rep paketiga murojaat qiladi. Buning uchun zarur bo’lgan vakolatlar berilishi lozim. Bu quyidagi ketma-ketlikda bajariladi. Eng avvalo, ORCL administrator sxemasining user qismiga o’tib Talaba sxemasi uchun zarur vakolatlar beramiz (1-chizma).



1-rasm. Talaba sxemasi uchun beriladigan vakolatlar

**Create any synonym** – sinonim yasash Talaba sxemasida yoziladigan hisobot dasturidan Rep paketiga murojaat qilishni osonlashtiradi, ya'ni Rep paketidagi jadvallar, so'rovlar, protseduralar va funksiyalarga qilinadigan murojaatni osonlashtiradi.

**Create any table**– jadvallar yaratish imkoniyati.

**Create any view** – so'rovlar yaratish imkoniyati.

**Unlimited tablespace** – jadvaldagi ma'lumotlarni saqlash uchun chegaralanmagan xotira ajratish imkoniyati.

Shundan so'ng Talaba sxemasida REP deb nomlanuvchi sinonim yasaymiz (2-chizma).



2-chizma. Talaba sxemasida REP sinonimini yasash

Navbatdagi bosqichda REP paketidan foydalanib, parametrli so'rovlar yasash orqali hisobotlar yaratamiz.

**Misol 1: Universitetda tahsil olayotgan talabalar ismi sharifi, ta'lim yo'nalishi va kurs bosqichi ma'lumotlari ko'rsatilgan hisobot yaratilsin. Bunda quyidagicha so'rov yaratiladi.**

```
create or replace view yun_kurs as
select t.id,t.familiya,t.ism,t.otasining_ismi,y.yo'nalish_nomi,k.kurs
from talaba t, yo'nalish y, kurs k,gruh g
where t.gruh=g.id and
g.yo'nalish_id=y.id and
g.kurs=k.id
```

So'rov natijasi quyidagi chizma (3-chizma) da keltirilgan:

| ID | FAMILIYA     | ISM       | OTASINING_ISMI   | YUNALISH_NOMI             | KURS |
|----|--------------|-----------|------------------|---------------------------|------|
| 1  | Askarov      | Amrillo   | Anvar o'g'li     | Kasb ta'limi: informatika | 2    |
| 2  | Baxshilloeva | Mukarram  | Sayfulllo qizi   | Kasb ta'limi: informatika | 2    |
| 3  | Bozorov      | Sunatullo | Shobiddin o'g'li | Kasb ta'limi: informatika | 2    |
| 4  | Hamroyeva    | Mariya    | Murodboy qizi    | Kasb ta'limi: informatika | 2    |

3-chizma. Universitetda tahsil olayotgan talabalar ismi sharifi, ta'lim yo'nalishi va kurs bosqichi (SQL so'rovi asosidagi) ma'lumotlari

Hisobot yaratish uchun DOC\_REP da quyidagicha protsedura yaratamiz.

```
procedure yo'nalish_kurs is
K number(4);
-- k number(50);
begin
Rep.OpenReport('yo'nalish');
Rep.NewReport;
Rep.IsPageTotal:=false;
Rep.AddCol('ID','N');
Rep.AddCol('Familiya','C');
Rep.AddCol('Ism','C');
```

```

Rep.AddCol('Otasining ismi','C');
Rep.AddCol('yo'nalish','C');
Rep.AddCol('kurs','N');
Y := rep.ParAsChar(1);- Hisobotning 1-parametri. Bu parametr belgili tipda bo'lib, unda talabaning tahsil olayotgan yo'nalishi parametr orqali ko'rsatiladi.
K:=rep.ParAsNumb(2); - Hisobotning 2-parametri sonli tipda bo'lib, unda talabaning tahsil olayotgan kurs bosqichi ko'rsatiladi.
Rep.Add('<p align="right"> Buxoro Davlat Universiteti'
 2015-yil');
Rep.StrRepBegin := '<CENTER>||' BUXDU '||Y||'YUNALISHI '||K||' KURS '||' TALABALAR RO'YXATI'!'!';
reP.SetPageHead(
'{№}'||'{Talabalar{Familiya}{Ism}{Otasining ismi}}'||'{GURUH}'||'{KURS}');
Rep.TuneEnd;
for a in (
select
c.id, c.familiya, c.ism,c.otasining_ismi, c.yunalish_nomi,c.kurs
from yun_kurs c
where
c.kurs=K and
c.yunalish_nomi=Y
) loop
Rep.td(a.id);
Rep.td(a.familiya);
Rep.td(a.ism);
Rep.td(a.otasining_ismi);
rep.td(a.yunalish_nomi);
rep.td(a.kurs);
Rep.tr;
end loop;
rep.EndReport;
rep.CloseReport;
end;

```

Ushbu hisobotning natijasini olish uchun SQL oynasida begin

```

rep.AddParam(1,'Fizika');
rep.AddParam(2,2);
doc_rep.yunalish_kurs;
end yunalish_proc;

```

select Rep.GetText html from dual;

rep.AddParam(1,'Fizika');-Rep paketining AddParam – belgili tipga mo'ljallangan protsedurasiga murojaat qilib, talabaning tahsil olayotgan yo'nalish nomi kiritilgan.

rep.AddParam(2,2); - Rep paketining AddParam – sonli tipga mo'ljallangan protsedurasiga murojaat qilib, talabaning tahsil olayotgan kurs bosqichi kiritilgan.

doc\_rep.yunalish\_kurs; - DOC\_REPNing yunalish\_kurs deb nomlangan protsedurasiga murojaat qiladi.

kodini tayyorlaymiz, komplyatsiya qilamiz. Yuqorida keltirilgan kodning oxirgi komandalari bajarilishi natijasida tayyor hisobot olinadi (4-chizma)

| №     | Talabalar  |          |                | Otasining ismi | GURUH | KURS |
|-------|------------|----------|----------------|----------------|-------|------|
|       | Familiya   | Ism      | Otasining ismi |                |       |      |
| 21 01 | Bahomurova | Talabati | Shaymurova     | Fizika         | 2     | 0.00 |
| 22 01 | Bahomurova | Talabati | Shaymurova     | Fizika         | 2     | 0.00 |
| 23 01 | Bahomurova | Talabati | Shaymurova     | Fizika         | 2     | 0.00 |
| 24 01 | Bahomurova | Talabati | Shaymurova     | Fizika         | 2     | 0.00 |
| 25 01 | Bahomurova | Talabati | Shaymurova     | Fizika         | 2     | 0.00 |

**4-chizma. Universitetda tahsil olayotgan talabalar ismi sharifi, ta'lim yo'nalishi va kurs bosqichi hisoboti**

**Misol 2: Universitetda tahsil olayotgan talabalarning tahsil olayotgan kursi, guruhining nomi va jinsi ko'rsatilgan hisobot yaratilsin.**

3 parametrli so'rov:

```
select t.id, t.familiya, t. ism, t.otasining_ismi, k.kurs, g.guruh_nomi, j.jins
from talaba t, guruh g, kurs k,jins j
where t.guruh=g.id and
g.kurs=k.id and
t.jinsi=j.id
```

3 parametrli so'rov asosidagi kurs\_guruh nomli protsedura:

procedure kurs\_guruh is

```
j varchar2(100);
k number(4);
g varchar2(100);
-- k number(50);
```

begin

```
Rep.OpenReport('JINS');
```

```
Rep.NewReport;
```

```
Rep.IsPageTotal:=false;
```

```
Rep.AddCol('ID','N');
```

```
Rep.AddCol('Familiya','C');
```

```
Rep.AddCol('Ism','C');
```

```
Rep.AddCol('Otasining ismi','C');
```

```
Rep.AddCol('kurs','N');
```

```
Rep.AddCol('guruh','C');
```

```
Rep.AddCol('jins','C');
```

j := rep.ParAsChar(1); - Hisobotning 1-parametri. Bu parametr belgili tipda bo'lib, unda talabanning jinsi parametr orqali ko'rsatiladi.

k:=rep.ParAsNumb(2); - Hisobotning 2-parametri. Bu parametr sonli tipda bo'lib, unda talabanning tahsil olayotgan kursi parametr orqali ko'rsatiladi.

g:=rep.ParAsChar(3); - Hisobotning 3-parametri. Bu parametr belgili tipda bo'lib, unda talabanning tahsil olayotgan guruhi parametr orqali ko'rsatiladi.

```
Rep.Add('<p align="right"> Buxoro Davlat Universiteti"
 2015-yil');
```

```
Rep.StrRepBegin := '<CENTER>||' BUXDU '||k||' KURS '||g||' GURUH '||j||' TALABALAR
RO"YXATI"||!';
```

```
reP.SetPageHead(
```

```
'{N}||' '{Talabalar{Familiya}{Ism}{Otasining ismi}} '|| '{KURS}'|| '{GURUH}'|| '{JINS}');
```

```
Rep.TuneEnd;
```

```
for q in (
```

```
select
```

```
b.id, b.familiya, b.ism,b.otasining_ismi,b.kurs,b.guruh_nomi,b.jins
```

```
from gur_kurs b
```

```
where
```

```
b.kurs=k and
```

```
b.guruh_nomi=g and
```

```
b.jins=j
```

```
) loop
```

```
Rep.td(q.id);
```

```
Rep.td(q.familiya);
```

```
Rep.td(q.ism);
```

```
Rep.td(q.otasining_ismi);
```

```
rep.td(q.kurs);
```

```
rep.td(q.guruh_nomi);
```

```
rep.td(q.jins);
```

```
Rep.tr;
```

```

end loop;
rep.EndReport;
rep.CloseReport;
end;
Ushbu hisobotning natijasini olish uchun SQL oynasida
Begin
 rep.AddParam(1,'ayol');
 rep.AddParam(2,2);
 rep.AddParam(3,'B');
doc_rep.kurs_guruh;
end guruh_proc;
select Rep.GetText html from dual;
rep.AddParam(1,'ayol');-Rep paketining AddParam - belgili tipga mo'ljallangan protsedurasiga
murojaat qilib, talabani qaysi jinsga mansub ekanligi keltirilgan.
 rep.AddParam(2,2);-Rep paketining AddParam-sonli tipga mo'ljallangan protsedurasiga murojaat
qilib, talabani kurs bosqichi keltirilgan.
 rep.AddParam(3,'B');-Rep paketining AddParam-belgili tipga mo'ljallangan protsedurasiga muro-
jaat qilib, talabani qaysi guruhda tahsil olayotganligi ko'rsatilgan.
doc_rep.kurs_guruh; - DOC_REP ning kurs_guruh deb nomlangan protsedurasiga murojaat
qiladi.
kodini yozamiz va kompyatsiya qilamiz (5-chizma).

```

| №  | Talaba     | Kurs | Guruh | Jins |
|----|------------|------|-------|------|
| 1  | Abdullayev | 2    | A     | ayol |
| 2  | Abdullayev | 2    | B     | er   |
| 3  | Abdullayev | 2    | A     | ayol |
| 4  | Abdullayev | 2    | B     | er   |
| 5  | Abdullayev | 2    | A     | ayol |
| 6  | Abdullayev | 2    | B     | er   |
| 7  | Abdullayev | 2    | A     | ayol |
| 8  | Abdullayev | 2    | B     | er   |
| 9  | Abdullayev | 2    | A     | ayol |
| 10 | Abdullayev | 2    | B     | er   |

5-chizma. Universitetda tahsil olayotgan talabalarining tahsil olayotgan kursi, guruhining nomi va jinsi ko'rsatilgan hisobot

ADABIYOTLAR

1. Аруп Н., Фейерштейн С. Oracle PL/SQL для админстраторов баз данных. – М.–С.-Пб., 2008. – 491 с.
2. Christopher Allen. Oracle PL /SQL 101. – М., 2001. – 492 с.
3. Мак-Дональд К., Кац Х. и др. Oracle PL / SQL для профессионалов: практические решения. – М. – С.-Пб.–Киев, 2005. – 550 с.

ANDROID OPERATSION TIZIMIDA DASTURIY MAHSULOTLARNI YARATISH TEXNOLOGIYALARI

**Babayev Samandar Samiyevich**  
 BuxDU Axborot texnologiyalari kafedrasini o'qituvchisi  
 e-mail [b\\_samandar@mail.ru](mailto:b_samandar@mail.ru)  
**Xayriyev Umedjon Narmon o'gli**  
 BuxDU talabasi  
 e-mail [xayriyev.umed@mail.ru](mailto:xayriyev.umed@mail.ru)

**Tayanch so'zlar:** Android, SDK, JDK, Virtual Device, Google Eclipse, Android Development Tools, Android Application, Plugin.  
**Ключевые слова:** Android, SDK, JDK, Virtual Device, Google Eclipse, Android Development Tools, Android Application, Plugin.  
**Key words:** Android, SDK, JDK, Virtual Device, Google Eclipse, Android Development Tools, Android Application, Plugin.

*Bu maqolada android tizimida oddiy dastur yaratish usuli bayon qilingan.*

*В данной статье представлена простая программа для системы Android.*

*The method of creating a simple program in Android system is presented in this article.*

Hozirgi kunda mobil qurilmalar uchun dasturiy ta'minot yaratishga bo'lgan talab keskin ortib bormoqda. Shuning uchun mobil qurilmalar ichida android operatsion tizimidan ko'p foydalanilgani sababli, shu operatsion tizim uchun dasturiy mahsulotlar yaratishga e'tibor qaratamiz. Dastlab, sodda dasturlar yaratish bosqichlarini birma-bir ko'rib chiqamiz.

### 1. Eclipse va Android SDKni sozlash.

Dasturlashning har bir sohasida dastur yozish uchun dasturlash muhiti kerak, Bu sohada Google Eclipse hamda uning Android Development Tools (ADT)ni ishlatish tavsiya etiladi. Biz ushbu mavzuda Eclipse hamda ADTni o'rnatish va sozlash jarayonini ko'rib chiqamiz.

Hozirda ko'pchiligimiz ishlatadigan kompyuterlarimiz (noutbuklarimiz) "Windows 7" operatsion tizimida ishlagani uchun biz ham ushbu operatsion tizimda ish olib boramiz.

#### 1.1. Java SDK – JDK.

Dasturlashtirish Javada olib borilayotgani uchun shunga mos bo'lgan SDK (yoki JDK) ni yuklab o'rnatish lozim bo'ladi. JDKning 6-versiyasini o'rnatishingizni tavsiya etamiz. Java.com saytining Java Platform, Standart Edition bo'limidan JDK Download silkasi bosiladi. So'ngra operatsion tizim tanlanib yuklanadi.

#### 1.2. Android SDK.

Android SDK o'zida Android dasturlarini yaratish uchun zarur bo'lgan barcha uskunalarni qamrab oladi. Android SDKni olgandan keyin uni o'zgarmaydigan biror katalog ichiga joylashtirish kerak. Ya'ni, sozlangan Android papkasini ko'chirish tavsiya etilmaydi.


#### 1.3. Eclipse.

Google bizga Eclipse Classic versiyasini tavsiya etadi. Shuning uchun mana shu versiyani yuklab olib Android papka ichida (android-sdk-windows papkasi yonida) arxivdan ochamiz.

#### 1.4. ADT.

Eclipse dasturi ochilgandan keyin unda shu vaqtning o'zida Android dasturlarini yaratish imkoniyati mavjud bo'lmaydi. Buning uchun Eclipsening maxsus ADT (Android Development Tools) pluginini o'rnatishimizga to'g'ri keladi.

Buning uchun Eclipseni (<Android>\eclipse\eclipse.exe) ochamiz. Birinchi yuklangan paytda Eclipse bizlardan ishchi katalogning qayerda joylashtirilishini so'raydi. Ushbu katalogni ham Android papkamiz ichiga joylashtiramiz, ya'ni <Android>\workspace.



1-rasm. Androidning ishchi papkasini ko'rsatish

Demak, Eclipse yuklandi. ADT pluginini yuklashga kirishamiz.

Menyudan quyidagini ishga tushiramiz: Help > Install New Software. O'ng tomonda, Add (Qo'shish) tugmasini bosamiz.

Name(ADTning nomi) maydonida "ADT Plugin" deb kiritamiz. Location maydonida esa <https://dl-ssl.google.com/android/eclipse/>.


OK(tasdiq)ni bosamiz va Developer Tools chiqqunicha kutib turamiz. So'ng ra Developer Tools ga belgi(galochka) qo'yib Next tugmasini bosamiz.

O'rnatiladigan komponentlar ro'yxatini ko'ramiz. Yana Next tugmasini bosamiz. Litsenziya bitimini o'qib chiqib Finish(marra) tugmasini bosamiz. Natijada komponentlarning yuklanishi boshlanadi. Agar biror bir ogohlantiruvchi oyna chiqsa, OK tugmasini bosamiz. Jarayon taxminan 1-2 daqiqa davom etadi. Shundan so'ng, Eclipseni qaytib yuklaymiz Eclipse - Restart Now.

Qayta yuklangandan so'ng quyidagi dialog oynasi chiqadi: birinchi punktida agar ba'zi bir sabablarga ko'ra SDK yuklanmagan bo'lsa, Eclipse avtomatik ravishda o'zi yuklab olishi mumkin. Bundan tashqari u yangi Android platformasini ham yuklashi mumkin.

Ikkinchi punktida esa SDKning manzili ko'rsatiladi, bizda bu manzil <Android>\android-sdk-windows. Nextni va Finishni bosamiz.

Undan so'ng quyidagi oyna chiqadi:



2-rasm. Android SDK Verification oynasi

Eclipseda ADTni o'rnatgandan keyingi oyna OK tugmasini bosamiz.

### 1.5. Android Platformasi.

SDK Managerni ochganimizda kattagina komponentlar ro'yxatini ko'ramiz. Ushbu ro'yxatda Androidning har xil versiyalari uchun ishlatiladigan komponentlari ro'yxati berilgan. Ulardan o'rnatilganlari to'g'risida, Status ustunida Installed deb yozilgan bo'ladi, qolganlarida esa Not installed degan yozuvni ko'rishimiz mumkin. Ro'yxatdan muhim komponentlarni yuklab olish uchun ularni belgilab chiqamiz. Ular quyidagilar:

- Tools papkasi;
- Extras papkasidagi Android Support Library komponenti;
- 4.\* versiyalari uchun SDK Platform (tizim platformasi) hamda Emulyator ishlashi uchun ARM EABI v7a System Image komponenti;
- Qolgan versiyalar uchun, asosan, SDK Platformaning o'zi.

Ta'kidlab o'tishimiz kerakki, har bir komponent va platformalar yuklab olish uchun kattagina hajmga ega. Shuning uchun boshlang'ich o'rganish ishlarida faqatgina 2.3.3 (API10) versiya uchun kerak bo'lgan komponentlarni olish yetarli. Agar internetda trafik(internet paket) masalasi chegaralanmagan bo'lsa, u holda barcha punktlarni yuklab olishni tavsiya qilamiz. Keyingi ochiladigan oynada Install X packages tugmasi bosiladi, so'ngra Accept All bosilib Install tugmasi orqali yuklab olinadi.

Yuklab olingandan so'ng Eclipse dasturi qayta yuklanadi. Eclipse yuklangandan so'ng Windows menyusining Preferences bandiga kiriladi.


Chap tomondan Android tanlanib, o'ng tomondan Browse tugmasi bosiladi va SDK - <Android>\android-sdk-windows papkasi tanlanadi. Apply tugmasi bosilgandan so'ng OK tugmasi bosiladi.

### 1. AVD yaratish.

Bizga dasturning natijasini ko'rish uchun Android Virtual Device (AVD) kerak bo'ladi. Bu android-smartfonning emulyatori bo'lib, uni biz Eclipsega o'rnatamiz va yaratilgan dasturlarning natijasini unda ko'ra olamiz. Keling, uni yaratishga harakat qilamiz.

Eclipseni ishga tushiramiz. Menyudan Windows > Android SDK and AVD Manager (Yangi versiyalarida esa Android AVD Manager). Chapdan Virtual Device ni tanlaymiz. New tugmasini bosamiz. Target ro'yxatida Androidning turli versiyadagi platformalari keltirilgan. Chapdan kerakli versiyani tanlaymiz va u bo'yicha ma'lumotlarni olish mumkin.

Eclipse ga qaytamiz, ro'yxatdan 2.3.3 (API Level 10) platformasini tanlaymiz. Nomini AVD\_233 deb qo'yamiz. Shuningdek SD Card=100 va ekran rejimini HVGA ni ko'rsatamiz.



3-rasm

Create AVD tugmasini bosamiz va AVD Manager oynasini yopamiz.


Nihoyat endi biz o'zimizning birinchi dasturimizni yaratishimiz va uni qanday ishlashini ko'rishimiz mumkin.

Shuni aytib o'tishim kerakki, Androidda har bir yaratilgan eng kichik dastur ham projekt ko'rinishda yaratiladi. Androidda projektzni quyidagicha yaramiz.

Shunday qilib, biz kerakli dasturiy vositalarni o'rnatib, telefon qurilmasi emuliyatorini sozlaganimizdan so'ng, an'anaviy "Salom, android" nomli o'zimizning ilk dasturimizni yaratishimiz mumkin.

## 2.2. Eclipseda projekt yaratish.

Android platformasida projekt yaratish juda oson. Buning uchun Eclipseni ochib, File – New – Androidni tanlaymiz va so'ngra Android Application Projektzni tanlaymiz va Next tugmasini bosamiz (4 rasm).



4-rasm

New Android Application muloqat oynasi ochiladi. Unga quyidagilarni kiritishimiz lozim.

Application Name - Salom, Android!

Project Name – SalomAndroid


Package Name – com.example.salomandroid

Minimum Required SDK - API 8: Android 2.2 (Froyo)

Target SDK – API 17: Android 4.2 (Jelly Bean)

Compile With - API 18: Android 4.2 (Jelly Bean)

Yuqoridagilarni kiritganimizdan so'ng Next tugmalarini bosamiz.




5-rasm

Next tugmalarini bosganimizdan so'ng Finish (marra) tugmasini bosamiz va projekt (loyiha)imiz hosil bo'ladi.

Loyihaning natijasini ko'rish uchun Run – Run As – Android Applicationlarni ketma – ket tanlash orqali ishga tushiramiz (6-rasm).

Bu projektimiz ishga tushganidan so'ng, (7 rasmdagi) natijani ko'rishimiz mumkin.



6-rasm



7-rasm

Bu dasturimizdagi “Salom, Android!” matni “res” katalogidagi “Values” katalog ostida joylashgan “strings.xml” faylga kiritilgan.

Bu maqolada sodda android dastur yaratish uchun zarur bo’lgan bosqichlar amalda ko’rsatib o’tildi. Rejalashtirilgan keyingi maqolalarimizda android tizimlari uchun boshqa turdagi dasturiy mahsulotlarni yaratish usullari haqida fikr yuritimiz.

#### ADABIYOTLAR

1. Лорен Дэрс, Шейн Кондор. ANDROID 3А 24 ЧАСА.- Санкт-Петербург, 2011. – 464 с.
2. Wei-Meng Lee. Beginning Android™ Application Development. Wiley publishing. Inc. – 450 p.
3. Голощанов А.Л. Google Android. Программирование для мобильных устройств. - Санкт – Петербург, 2011. – 438 с.
4. Savarese D. ONE Web to Rule Them ALL java. Pro August, 2001. – 58 p.

### ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПИВОВАРЕННЫХ ДРОЖЖЕЙ В ПРОИЗВОДСТВЕ ВЫСОКОПРОТЕИНОВОГО КОРМОВОГО ПРОДУКТА

**Бешимов Юсуф Саидович**

Доцент кафедры экологии Бухарского инженерно-технологического института, к.т.н.  
[yusuf.beshimov@rambler.ru](mailto:yusuf.beshimov@rambler.ru)

**Зарипов Гулмурод Тохирович**

Начальник отдела подготовки научных и научно-педагогических кадров БухГУ, к.т.н.  
[zaripovgul@mail.ru](mailto:zaripovgul@mail.ru)

**Акрамова Обида Косимовна**

Учитель Бухарского колледжа искусств

**Таянч сўзлар:** технология, ишлаб чиқариш, ем-хашакка оид маҳсулот, протеин, хамиртуруш, чиқиндилар, ферментлар, саноат.

**Ключевые слова:** технология, производство, кормовой продукт, протеин, дрожжи, отходы, ферменты, промышленность.

**Key words:** technology, production, feed-stuff, protein, yeast, waste products, enzymes, industry.

*Ушбу мақолада озиқ-овқат саноати иккиламчи чиқиндиларни қайта ишлашнинг микробиологик технологияси ишлаб чиқилганлиги ҳамда юқори оқсилли ем (ЮОЕ) ишлаб чиқаришда инокулят сифатида ачитқи хужайраларнинг ишлатилишига асосланган.*

*В данной статье рассмотрена технология микробиологической переработки вторичных отходов пищевой промышленности, а также обоснована причина использования дрожжевых клеток в качестве инокулята при производстве ВПК.*

*The article deals with the technology of microbiological processing of waste products of food industry. The reason of using yeast cells as inoculate in the production of high protein feed-staff is also based.*

Проблема утилизации отходов, в том числе – органических, является одной из острых проблем функционирования как любого большого города, так и области в целом. Отходы производства и потребления при их накоплении на свалках служат источником реальной эпидемиологической и экологической опасности для населения.

Пассивное накопление большого количества отходов, а также их сжигание, свидетельствует о неспособности государства использовать в достаточной степени такой вид местного сырья, как вторичные материальные ресурсы. Ведь, по большому счету, отходов, как таковых в природе не существует. Существуют вторичные ресурсы, которые человек еще

не научился включать в общий природный круговорот вещества и энергии и использовать себе во благо. А нерешенные экологические проблемы могут послужить серьезной опасностью полноценному существованию любого общества. Все указанные отходы поддаются биоутилизации или биоконверсии. В настоящее время предусматривается значительное расширение работ по созданию типовых проектов биоэнергетических установок различного назначения, где особое внимание уделяется разработке технологии микробиологической биоконверсии сельскохозяйственных и пищевых отходов.

Одна из таких технологий предназначена для переработки вторичных компонентов, не используемых в кормопроизводстве. Суть технологии заключается в следующем: вторичные сырьевые компоненты (отходы), содержащие сложные полисахариды: пектиновые вещества, целлюлозу, гемицеллюлозу и др. - подвергаются воздействию комплексных ферментных препаратов (дрожжевой клетки, палочковидной бактерии и симбиоза), содержащих пектиназу, гемицеллюлазу и целлюлазу. Ферменты микроорганизмов представляют собой очищенный внеклеточный белок. Они способны к глубокой деструкции клеточных стенок и отдельных структурных полисахаридов, т.е. осуществляется расщепление сложных полисахаридов на простые с последующим построением на их основе легкоусвояемого кормового белка.

Другими словами, трудноусвояемое сырье переходит в легкоусвояемую животными форму путём расщепления неусвояемой молекулы белка на простые аминокислоты.

Химический состав нормативов образования пивоваренных отходов приведен в таблице.

**Таблица**

| №  | Отходы                                    | Нормативы образования       | Химический состав, к абсолютно сухому веществу, % |         |           |         |      |       | Питат. ценность |
|----|-------------------------------------------|-----------------------------|---------------------------------------------------|---------|-----------|---------|------|-------|-----------------|
|    |                                           |                             | Влажность                                         | Протеин | Клетчатка | Жиры    | Зола | БЭВ   |                 |
| 1. | Зерновые отходы                           | 0,6 % к массе ячменя        | 12                                                | 20-25   | 18-20     | 1,8-2,1 | 7-8  | 40-45 | 0,75            |
| 2. | Солодовые ростки                          | 1% к массе солода           | 7                                                 | 25      | 12        | 1,5-2,0 | 9    | 35    | 0,70            |
| 3. | Сплав                                     | 0,8 % к массе замоч. ячменя | 30                                                | 10      | 12        |         | 3,5  | 2,0   | 0,6             |
| 4. | Осадочные пивные дрожжи и лагерные осадки | 0,75% от объема пива        | 85                                                | 55      | 2         | до 20   | 5-10 | 35    | 1,5             |
| 5. | Дробина                                   | 2 т/тыс. дал горячего сусла | 75                                                | 25      | 20        | 7       | 6,0  | 40    | 0,8             |
| 6. | Белковый отстой                           | 1% от объема сусла          | 78                                                | 31,8    | 5,5       |         | 5,5  | 35    | 0,63            |

Результаты химического анализа сухой золы показали, что сохраняется закономерность снижения белка и лактозы в смесях по мере увеличения доли пивоваренных отходов в них. Также наблюдается увеличение содержания минеральных веществ.

В качестве исходных сырьевых компонентов могут быть использованы следующие отходы:

1. Отходы зерноперерабатывающей промышленности: отруби, отходы при очистке и сортировке зерновой массы (зерновые отходы), зерновая сорная примесь, травмированные зерна, щуплые и проросшие зерна, семена дикорастущих растений, некондиционное зерно;
2. Отходы консервной и винодельческой промышленности, фруктовые и овощные отходы: выжимки, обрезанные концы плодов, жмых;
3. Отходы сахарной промышленности: свекловичный жом, меласса, рафинадная патока, фильтрационный осадок, свекловичный бой, хвостики свеклы;
4. Отходы пивоваренной и спиртовой промышленности: сплав ячменя (щуплые зерна ячменя, мякина, солома и др. примеси), полировочные отходы, частицы измельченной оболочки, эндосперма, битые зерна, солодовая пыль, пивная дробина, меласса, крахмалистые продукты (картофель и различные виды зерна), послеспиртовая барда, бражка;
5. Отходы масложировой промышленности: подсолнечная лузга, хлопковая шелуха и шрот.

Таким образом, любое растительное сырье и его производные, как лигноцеллюлозный источник, пригодны для микробиологической переработки в высокобелковые корма. Одновременно с переработкой кондиционных растительных и зерновых компонентов, технология позволяет восстановить прежние кормовые свойства сырья, зараженного патогенной микрофлорой, испорченного насекомыми или частично разложившегося из-за неправильного хранения. В процессе биообработки в некондиционных компонентах уничтожаются болезнетворная микрофлора, яйца гельминтов, возбудители тяжелых

заболеваний (бруцеллез, туберкулез, холера, тиф и др.), а также простейшие паразитирующие (аскариды, солитеры и др.). При этом кормовая ценность некондиционного сырья после соответствующей обработки превышает кормовую ценность кондиционных аналогов в 2-2,5 раза. После завершения процесса биообработки получаем высокопротеиновый кормовой продукт, который имеет свойства, в 3-4 раза превосходящие фуражное зерно хорошего качества, а также обладает рядом существенных и необходимых свойств, которыми не обладает традиционное зерновое и др. сырьё.

Достоинством конечной продукции, получаемой по технологии микробиологической обработки, является то, что сырье для производства кормового продукта ВПК проходит обработку в среде аналогичной микрофлоре начального участка пищевода, т.е. первый этап пищеварения – «подготовка корма к перевариванию» - начинается вне пищевода. Поэтому процесс переваривания таких кормов уже непосредственно в пищевode животных, птиц и рыбы характеризуется высоким уровнем биологических процессов и переваримостью корма, а также сниженными ферментными и энергетическими затратами организма на всем этапе пищеварения.


Таким образом, получаемый кормовой продукт ВПК отличается высокой питательностью (протеин 45...48%), более легкой усвояемостью, биологической активностью, а также ферментной, витаминной и минеральной ценностью. Кормовой продукт ВПК используется как основной компонент при производстве комбикормов в соотношении 1: 1, как добавка к грубым растительным кормам при производстве простых кормовых смесей с измельченным фуражным зерном, отрубями, зерноотходами и пр., с нормой ввода до 35-85 %. Средние затраты на производство 1 кг высококачественного корма по рассматриваемой технологии не превышают 250 сум, а по кормовой ценности превышают показатели фуражного зерна в 3-4 раза. Как и в традиционных кормах, продукция, полученная по альтернативной технологии, соответствует принятым стандартам по питательности и содержанию необходимого набора витаминов и микроэлементов, является экологически чистой.

В зависимости от вида исходного сырья и требований к готовой продукции, весь процесс микробиологической обработки может проходить от одного до трех этапов, а длительность полного цикла производства может находиться в пределах от 3 до 5 суток. С увеличением длительности процесса снижаются финансовые затраты на переработку сырья и повышаются зоотехнические показатели конечной продукции.

Технология предусматривает круглогодичный режим работы предприятия, низкие требования к квалификации большинства рабочих, малые энергетические затраты.

Технология – экологически безопасная, не имеет сточных вод и выбросов. Создание производственного комплекса для переработки отходов на основе альтернативной технологии микробиологической обработки в корма предназначено для решения многих задач. Ключевым элементом технологической цепи является биореактор, в котором и осуществляется процесс микробиологической обработки отходов в корма. Реакторы являются универсальными, позволяют работать с любым сырьем и получать различные кормовые добавки.

Технологическая схема производственного комплекса по микробиологической переработке растительных отходов в корма, показана на рисунке.



Влажная (55-70%) смесь различных отходов загружается в биореактор, куда добавляется инокулят чистой культуры дрожжевых клеток. При брожении отходов в биореакторе образуется углекислый газ и спирт. Процесс микробиологической обработки вторичных

материалов протекает в течение 3-5 дней (в зависимости от желаемых зоотехнических параметров конечной продукции). В результате получается влажный кормовой продукт – высокопротеиновый комбикорм (ВПК). Затем его сушат (влажность - 8-10 %) и измельчают до требуемого размера. После измельчения продукт можно использовать по назначению.

Выбор дрожжевых клеток в качестве инокулята обусловлен тем, что большинство веществ, входящих в их состав, легко усваивается живым организмом. Белковые вещества усваиваются на 90%, жиры - на 70%, углеводы - почти полностью. Таким образом, дрожжи являются высококачественным пищевым продуктом. Содержащиеся витамины комплекса В участвуют в регулировке обмена веществ в организме. Дрожжи содержат эргостерин, который под действием ультрафиолетовых лучей превращается в витамин D, предохраняющий молодой организм от заболевания рахитом. В пивных дрожжах содержатся также все основные аминокислоты, необходимые для создания белков, и нуклеотиды, являющиеся основной частью внутренних органов, в частности печени. Благодаря этим качествам дрожжи применяются в медицине и в фармацевтической промышленности. В пивоваренной промышленности известен способ использования остаточных дрожжей для приготовления сухих дрожжей. Сушку производят в металлических сушильных барабанах, шкафах или на вальцевых сушилках. Дрожжи, применяемые в лечебных целях, сушат при 35-40°C, чтобы не разрушить ферменты и витамины. Сушка дрожжей, используемых для создания кормов, производится при более высоких температурах. Хорошо высушенные пивные дрожжи могут храниться длительное время, для избавления пищевых дрожжей от горечи применяется специально разработанная технология. Этот способ предполагает использование 1%-ного раствора поваренной соли, затем их сепарируют, промывают водой и сушат при 110°C. Полученные сухие дрожжи содержат 8% воды. Они имеют приятный вкус и содержат белковые и минеральные вещества, витамины группы В и другие ценные вещества; используются в детском питании и в качестве лечебного препарата.

Для накопления дрожжевой массы необходимы благоприятные условия, которые заключаются в следующем:

1. В состав питательной среды должны входить такие вещества, которые нужны для построения дрожжевой клетки и ее жизнедеятельности;
2. Вещества, которые входят в состав питательной среды, должны находиться в растворенном состоянии, иначе невозможна диффузия их внутрь дрожжевой клетки, концентрация питательных веществ в среде должна быть ниже концентрации протоплазмы клетки;
3. Питательная среда должна непрерывно аэрировать, так как только при доступе кислорода дрожжи получают энергию, необходимую для их развития;
4. Для размножения и роста дрожжей необходимо создать благоприятные температурные условия и реакцию среды. Оптимальная температура для размножения дрожжей - 25-30°C, а также слабощелочная реакция среды (рН 4,8-5,8).

Свежие прессованные дрожжи в среднем содержат 75% воды и 25% сухих веществ. В состав сухих веществ входят азотистые вещества, углеводы, минеральные вещества, жир, клетчатка и др. Среднее содержание азотистых веществ - 44-47% на сухое вещество. Большую часть азотистых веществ составляют белки, остальная часть - нуклеиновые соединения, амиды, пептоны и др. Содержание гликогена в период бурного брожения может достигать до 30%. Из минеральных веществ дрожжи содержат калий, кальций, магний, фосфор, железо и другие элементы. Содержание золы в дрожжах - 6-8% на сухое вещество. Помимо перечисленных соединений, дрожжи содержат ферменты и витамины. При использовании дрожжей в хлебопечении особо важное значение имеет активный комплекс ферментов, вызывающих спиртовое брожение. В дрожжах содержатся витамины группы В, никотиновая кислота, пантотеновая кислота, эргостерин.

Таким образом, комбикорма, полученные по технологии микробиологической обработки отходов, обладают совершенно уникальными качественными показателями, высокобиологической активностью, а их переваривание характеризуется более сжатым по времени процессом пищеварения и высоким уровнем биологических процессов.

Продуктивность кормления и эффективность выращивания животных, птиц и рыбы при использовании комбикорма на основе ВПК на 25-30% выше, чем при скармливании

аналогичных комбикормов, приготовленных по традиционной технологии. Кроме того, комбикорм обладает лечебно-профилактическим и стимулирующим эффектом для иммунной, кроветворной систем и кишечного тракта, а также способствует удалению вредных веществ из организма (солей тяжелых металлов, радионуклидов и т.д.).

В отличие от классической технологии высокотемпературного гранулирования, комбикорм, произведенный по технологии микробиологического обработки, проходит низкотемпературное гранулирование без использования пара. Это исключает денатурацию белка и обеспечивает сохранность витаминов в корме даже при длительном хранении.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Косолапов В.М. Кормопроизводство: проблемы и пути решения // Ваш сельский консультант. - 2010. – № 2. – С. 25-28.
2. Калошина Е., Алсултанов Т., Токарь Н. Получение добавки на основе вторичного сырья //Комбикорма. - 2006. – № 7. – С. 47-48.
3. Сизенко Е.И., Комаров В.И. Вторичные сырьевые ресурсы пищевой и перерабатывающей промышленности АПК России и охрана окружающей среды: Справочник / Под общ. ред. Сизенко Е.И. – М., 1999. – 68 с.
4. Бешимов Ю.С., Зарипов Г.Т., Акрамов К.К. Использование отходов пивоваренного производства в кормовых целях //Современные инструментальные системы, информационные технологии и инновации: Сб. научных трудов XI-ой Международной научно-практической конференции. – Курск, 2014. - Том 1. – С. 258-259.

### МАҲАЛЛИЙ ЧИҚИНДИЛАРДАН ҚҲЙИ МОЛЕКУЛАЛИ ПОЛИЭТИЛЕН АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

**Фозилов Садриддин Файзуллаевич**

*БухМТИ Кимё кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди*

**Мавланов Бобохон Арашович**

*БухМТИ Кимё кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди*

**Садуллаев Шухратжон Асадиллоевич**

*БухМТИ магистратура талабаси*

**Жўраев Илхом Муратович**

*БухМТИ магистратура талабаси*

**Таянч сўзлар:** мономер, полимер, сополимер, Циглер-Натта катализаторлари, дизел ёқилғиси, суспензия, кимёвий реагент, қўйи молекуляр полиэтилен.

**Ключевые слова:** мономер, полимер, сополимер, катализаторы Циглери-Натта, дизельное топливо, суспензия, химический реагент, низкомолекулярный полиэтилен.

**Key words:** monomer, polymer, copolymer, a Ziegler–Natta catalyst, diesel fuel, suspension, a chemical reagent, low-molecular polyethylene.

*Ушбу мақолада маҳаллий чиқиндилардан қўйи молекулали полиэтилен ажратиб олишнинг технологик усулини яратиш муаммолари ўз ечимини топган.*

*В данной статье представлена технология выделения низкомолекулярного полиэтилена из местных отходов.*

*The technology of deriving low-molecular polyethylene from local waste materials is analyzed in the article.*

Республикамизда «Шўртангазкимё» мажмуаси (ШГКМ) ишга туширилиши ва полиэтилен ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши полимерлар турларини кўпайтириш имкониятини берди. «Шўртангазкимё» мажмуасида Циглер-Натта катализаторларидан фойдаланиб этиленни циклогексанон эритмасида полимерлаш жараёнида қўшимча маҳсулот сифатида қўйи молекулали полиэтилен (ҚМПЭ) чиқиндиси ҳосил бўлади. Унинг ҳажми йилига ўртача 1,5-2,0 минг тоннани ташкил этади. Ушбу чиқинди таркибида 5-40 %гача қўйи молекулали полиэтилен мавжудлиги аниқланди. Ҳозирги пайтда ушбу чиқинди яроқсизлантирилиб турли мақсадларда ишлатилмоқда.

Ушбу саноат чиқиндиси таркибида ҚМПЭ ва кўп компонентли эритувчилар аралашмаси мавжуд бўлиб, уларни қайта ишлаш ва саноат аҳамиятига эга бўлган самарали маҳсулотлар ишлаб чиқариш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. «Шўртангазкимё» мажмуаси чиқиндисининг физик-кимёвий тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**«Шўртангазкимё» мажмуаси чиқиндисининг физик-кимёвий тавсифи**

| Т. р. | Таркиби                             | Фоиизи %              | T <sub>к</sub> |
|-------|-------------------------------------|-----------------------|----------------|
| 1     | Циклогексан                         | 40                    | 82-83 (80 °C)  |
| 2     | Этилциклогексан                     | 25                    | 72             |
| 3     | Циклодекан                          | 10                    | 182            |
| 4     | Оралик фракция                      | 15                    | -              |
| 5     | Юқори ҳароратда қайнайдиган фракция | 5                     | -              |
| 6     | Қуйи молекулали полиэтилен          | 5                     | -              |
| 7     | Микроэлементлар                     | (10 <sup>-4</sup> %): | -              |
| 8     | Хлоридлар                           | 100                   | -              |
| 9     | Ванадий                             | 50                    | -              |
| 10    | Титан                               | 50                    | -              |
| 11    | Алюминий                            | 30                    | -              |

Полиолефинлар эритмасидан органик эритувчилар ёрдамида компонентларни ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган [1, 2]. Ушбу ишлаб чиқилган усул полиолефинларни ажратиб олишга мўлжалланган бўлиб, ушбу усулга асосан, полиолефин органик эритувчилардаги эритмаси уй ҳароратигача совитилади.

Ҳосил бўлган парафинсимон масса янчилади ва сув билан аралаштирилади ҳамда дастлабки органик эритувчи иштирокида олинган аралашма суюқланиш ҳароратидан пастроқ ҳароратларда иситилади. Ушбу қорингани 15-40 мм симоб устуни қолдиқ босимда то эритувчини тўлиқ ажралгунча сақланади ва сув қолдиқларидан филтрланиб, полимер ажратиб олинади. Сўнгра ажратиб олинган полимер қуритилади. Вакуумлаш босқичида эритувчи ва сув буғларининг конденсацияланиши амалга оширилади, кейинчалик улар ажратилади.

Ишлаб чиқилган ушбу усул ажратиб олинган полимер нархини арзонлаштиради, технологик жараёни оддийлаштириб тезлаштиради.

Яна қулай усуллардан бири техник моҳияти ва белгилари бўйича яқин бўлган органик эритувчиларда ПЭ эритмасидан компонентларни ажратиб олиш усулидир. Ушбу усул паст ва ўртача босим остида полимерни ишлаб чиқаришда қўлланилади ва чўктирувчидан фойдаланишни назарда тутаяди [2]. Қуйидаги жараёнларни амалга оширишда ушбу усулдан фойдаланилади:

- полимерлаш жараёнида ҳосил бўладиган органик эритувчида эриган ҚМПЭни катализатордан ва реакцияга киришмаган этилендан тозалаш босқичи;

- эритмани 30-50<sup>0</sup>С гача совутиш босқичи;

- сўнгра совутилган эритма суюқлик-чўктирувчи билан аралаштирилади. Бунинг учун чўктирувчи сифатида спирт қўлланилади, у эритувчи билан чексиз аралашади, аммо полимер билан ўзаро таъсир қилмайди. Натижада иккала суюқлик аралашуви натижасида ҚМПЭнинг суспензиясида кристаллари ҳосил бўлади.

Қуйидаги жараёнларни амалга ошириш йўли билан ҚМПЭ ажратиб олинади:

- ҳосил бўлган суспензия филтрланади;

- чўктирувчи модда билан филтрат ювилади;

- филтрат 60-70<sup>0</sup>С да қуритилади;

- суюқлик ажратилади (бунинг учун суюқликлар аралашмаси қуйи молекулали ПЭдан тозаланади);

- суюқликлар ректификацияланади.


Аммо ушбу таклиф этилган усул ҳам кўп босқичлиги, йирик ўлчамли қурилмалардан фойдаланишни тақозо этиши туфайли мураккаб жараёндир. Ушбу усулда кўп миқдорда чўктирувчи сифатида – спиртдан фойдаланишга тўғри келганлиги учун унча самарали эмас. Бундан ташқари, жараён давомийлиги 2,5 соатдан кам эмас, аммо қуритиш ва филтрлаш жараёнида эритувчи буғларнинг атмосфера ҳавосига ажралиб чиқиши туфайли ёнгин ва экологик нуқтаи назардан мазкур усул хавфсиз эмас. Бундан ташқари, таклиф этилган усул олинган суспензияни филтрлашни назарда тутаяди. Ҳолбуки, ҚМПЭни филтрлаш унча самарали усул эмас, зеро ушбу жараёнда филтр ғовақлари маҳсулот билан тўлиб қолади ва самарадорлиги пасаяди.

Юқоридагиларни инobatга олиб, энергия тежовчи ва жиҳоз воситаларини минимумга етказиб, органик эритувчиларда ПЭ эритмаларидан компонентларни ажратиш олишнинг оддий усулини ишлаб чиқиш муаммосини ечиш мақсадга мувофиқдир.

Суспензияларни технологик ажратишнинг турли усуллари ишлаб чиқилган. Улар орасида тиндириш, филтрлаш ва центрифугалаш усуллари алоҳида илмий ва амалий аҳамиятга эга. Фазаларни ажратиш олиш усулини танлаб олиш мақсадида суспензиядаги ҚМПЭ заррачалари ўлчами аниқланди. Бунинг учун оптик микроскопия усули қўлланилди. Суспензиядаги заррачаларнинг ўлчами 5,7 мкм дан (уларнинг умумий миқдори 80% дан юқори) 200 мкм гача ташкил этади. Уларнинг ўртача ўлчами эса 36,88 мкм ни ташкил этади. Бу ушбу ўлчамдаги заррачаларни суспензиялардан ажратиш олиш учун барча маълум усуллардан фойдаланиш имконини беради. Тиндириш усулидан фойдаланиш унча самарали эмас, чунки қаттиқ ва суюқ фазаларнинг зичлигидаги фарқ унча катта эмас. Суспензияни филтрлаб ажратиш усулини самарадорлиги кам, чунки филтр ғоваклари мумсимон ҚМПЭ билан тўлиб қолади. Шунинг учун фазаларни ажратиш учун центрифугалаш усулини қўлладик. Центрифугани танлаб олишда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак: ҳозиргача ишлатиб келинадиган турли центрифугалар филтрлаш принципига (бундай центрифугаларга филтрловчи центрифугалар деб аталади) ёки чўктириш принципига асосланган (бундай центрифугаларга филтрловчи сепараторлар деб аталади) бўлиши мумкин. Суспензияларни ажратишда фақат чўктирувчи центрифугалар – сепараторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу технологик режимни ишлаш принципи ўрганилганда суспензияни ажратиш самарадорлиги центрифугалаш вақтини ўзгармас сақлаган ҳолда, чўктириш центрифуга роторининг айланиш частотасига боғлиқлиги аниқланди.

Ажратиш самарадорлиги сифатида эритувчи ва ҚМПЭ сақлаган фазанинг ҳажмий нисбати қабул қилинди. Расмдан кўриниб турибдики, центрифугалаш давомийлигини ўзгармас сақлаган ҳолда, роторнинг айланиш частотаси ортан сари суспензияни ажратиш самарадорлиги ошиб боради. Роторнинг айланиш частотасининг мақбул чегараси 2000-3000 *айл/дақ*ни ташкил этади. Ушбу айланиш частоталарида суспензиянинг ажратиш самарадорлигининг центрифугалаш давомийлигига боғлиқлиги тадқиқ этилди. Олинган натижалар 1-расмда келтирилди.



**1-расм. Суспензияни ажратиш самарадорлиги ва чўкма суюқлик ҳажмий нисбатининг центрифугалаш вақтига боғлиқлиги:**

- 1-роторнинг айланиш частотаси 2000 *айл/дақ*.
- 2- роторнинг айланиш частотаси 3000 *айл/дақ*.
- 3-центрифугалаш вақти 20дақ.

Центрифугани танлаш унинг катта ёки кичик ҳажми узлуксиз ёки даврий ишлашга мўлжалланганлигига боғлиқдир. Чиқиндилар йилига 1,5 - 2,0 минг тонна йиғилиб қолишини инobatга олсак, унда центрифуганинг самарадорлиги ушбу ҳажмларга мос келиши керак.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, саноат центрифугаларнинг турлари кўп. Улар филтрловчи ва чўктирувчи гуруҳларга бўлинади.

Заррачаларининг ўлчами 5 дан 200 мкмни ташкил этган суспензияларни ажратиш мақсадида энг қулайи чўктирувчи центрифугалардир. Ушбу центрифуганинг асосий қисмини катта тезлик билан ўз ўқи атрофида айланадиган барабан ташкил этади. Барабан эса тешик металл варақадан тайёрланган бўлиб, унинг ички девори газламадан тайёрланган филтр материал билан қопланган. Барабандан суспензия филтр материал орқали марказдан қочма кучлар таъсирида сиқилади.

Бу центрифуганинг афзаллиги шундаки, уларнинг ҳажми ва қаттиқ фазани ажратиш тезлиги катта бўлиб, йирик ҳажмдаги чиқиндиларни қайта ишлаш самарадорлигини таъминлайди. Центрифуга роторнинг мақбул айланиш частотаси 3000 *айл/дақ*ни ташкил

этади. Ёнгин ва портлашга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш катта амалий аҳамиятга эга, чунки центрифугалаш жараёнида эритувчи буғлари ажралиб чиқади.

ҚМПЭ тозалаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

1. тиндириш;
2. органик эритувчи ёрдамида экстракциялаш;
3. вакуум остида қуритиш.

ҚМПЭ таркибидан учувчан моддаларни четлаштириш учун ёйиб шамоллатиш усулидан фойдаланилди. Бунинг учун ҚМПЭ центрифугалашдан кейин текис сиртда юпка қатламга ётқизирилиб, бир ой давомида уй ҳароратида сақланди. Натижада ёқимсиз ҳид кескин камайди. Намуна ёйиб шамоллатгандан сўнг оч сариқ рангли мумсимон кўринишга эга бўлди.

Экстракциялаш жараёнини амалга ошириш учун органик эритувчилардан гексан, ацетон ва этанолдан фойдаланилди. ҚМПЭ намуналарини центрифугалашдан сўнг, соколет асбобида 3 соат давомида экстракция амалга оширилди. Экстракциядан сўнг намуналар 40 °С да ўзгармас массага қадар қуритилди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**ҚМПЭ намуналарини органик эритувчиларда экстракциялаш натижалари**

| Эритувчи | Экстракциядан олдин намунанинг массаси, г | Экстракциядан кейин намунанинг массаси, г | Масса камайиши, % |
|----------|-------------------------------------------|-------------------------------------------|-------------------|
| гексан   | 32.6                                      | 21.4                                      | 34.4(11,2)        |
| ацетон   | 34.1                                      | 22.8                                      | 33.1(11,3)        |
| этанол   | 28.5                                      | 19.6                                      | 31.2(8,9)         |

Жадвалдаги натижалардан маълумки, ҚМПЭ таркибидаги 30% дан зиёдроқ моддаларни экстракциялаш йўли билан четлаштириш мумкин, бундан ташқари масса камайиши қарийб бир хил қийматга эга бўлиб, эритувчи табиатига боғлиқ эмас. Экстракциядан сўнг ҚМПЭ дан полиолифенларга хос ҳид келиб туради.

Чиқиндилардан ҚМПЭни ажратиш технологиясини қуйидагича:

1.(\*) Чизикли полимер (полиэтилен) нинг саноат чиқиндисини 2000-3000 *айл/дақ*да центрифугада 20-30 дақ центрифугаланади. ҚМПЭ чўкиндиларини ажратиб олиб, учувчан моддаларни четлаштириш мақсадида текис жойда ётқизилади. Ёйиш давомийлиги уй ҳароратида 20 кун. ҚМПЭнинг чиқими 1,5%, углеводородлар аралашмасининг чиқими 95% ни ташкил этади.

**Чиқиндини турли ҳароратда ҳайдаш натижалари**

3-жадвал

| Т.р. | Суюқ фракцияни ҳайдаш ҳарорати, °С | ҚМПЭ нинг чиқими, % | Углеводородлар аралашмасининг чиқими, % | Куб қолдиқнинг чиқими, % |
|------|------------------------------------|---------------------|-----------------------------------------|--------------------------|
| 1*   | 125-135<br>135-280                 | 1,5                 | 5,70                                    | 92,8                     |
| 2    | 125-145<br>145-280                 | 1,5                 | 14,2                                    | 84,3                     |
| 3    | 125-150<br>150-280                 | 1,5                 | 27,0                                    | 71,0                     |
| 4    | 125-160<br>160-280                 | 1,5                 | 32,7                                    | 65,3                     |
| 5    | 125-165<br>165-280                 | 1,5                 | 41,7                                    | 56,8                     |
| 6**  | 125-160                            | 2,1                 | -                                       | -                        |
| 7    | 125-160                            | 2,2                 | -                                       | -                        |
| 8    | 125-160                            | 2,3                 | -                                       | -                        |
| 9    | 125-160                            | 2,5                 | -                                       | -                        |


2.(\*\*) Чиқинди қайта ишланади, суюқ фракция-углеводородлар аралашмаси 125-160 °С да ҳайдалади. ҚМПЭ қолдиқлари ажратиб олинади ва ёйиб қўйилмайди, уни сокслет асбобига жойлаштирилади ва гександа 2 соат экстракцияланади, сўнгра ҚМПЭ уй ҳароратида доимий массага келгунча қуритилади. ҚМПЭнинг чиқими 2,1-2,5 %. Чиқиндини турли ҳароратда ҳайдаш натижалари 3-жадвалда келтирилди.

Центрифугалашдан сўнг қолган суюқ фазани ажратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Бунинг учун оддий ҳайдаш усулидан қўлланилди. Суюқ фаза 130-210 °С ҳароратларда ҳайдалди. Натижада чиқиндининг суюқ қисми 2 та фракцияларга бўлинди:

1) Қайнаш ҳарорати 125-240 °С зичлиги 0,78 г/см<sup>3</sup> га тенг бўлган, ташқи кўриниши тиник шаффоф суюқлик паст ҳароратда қайнайдиган фракция.

2) Қайнаш ҳарорати 240-280°С, зичлиги 0,83 г/см<sup>3</sup> га тенг бўлган, ташқи кўриниши қора-жигар рангли куб қолдиқлари.

ҚМПЭни ажратиш технологик схемаси центрифугалаш, қуритиш жараёни ва суюқ фракцияни ҳайдаш жараёнларини ўз ичига қамраб олади (2-расм).



Расм 2. Қуйи молекулали полиэтиленни центрифугалаш усулида ажратиб олиш принципиал технологик схемаси: 1-Центрафуга, 2- Мотор, 3-Насос, 4- Фильтр, 5- Ректификациялаш коллонаси, 6- Қуритгич, 7- йиғгич.

ҚМПЭ чиқиндидан центрифугалаш усулида ажратиб олинди. Центрифугалаш ва тозалашнинг мақбул режимлари аниқланди. Ишлаб чиқилган ажратиш усули ҚМПЭнинг 2 та шаклларга – мазсимон ва мумсимон маҳсулотлари шаклида олиш имконини беради.

Шундай қилиб, олиб борилган илмий – тадқиқот ишлари ШГКМда йиғиладиган чиқиндилар таркибидан ҚМПЭни ажратиб олиш мумкинлигини кўрсатди. Ажратиб олинган ҚМПЭ суперконцентратлар ишлаб чиқаришда, пластмассаларини қайта ишлашда антифрикцион қўшилмалар сифатида ва бошқа мақсадларда пластификацияланувчи қўшилмалар сифатида қўлланилиши мумкин.

Қуйи молекулали полиэтилен чиқиндиси асосида олинган депрессор қўндирмаларни дизел ёқилғиларининг қуйи ҳароратдаги хоссаларини, шунингдек, қўндирма қўшилган дизел ёқилғисини физик - кимёвий ва технологик хоссаларини стандарти талабларига мувофиқлигини таъминлайди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Веселовская Е.В., Северова Н.И., Дунтов Ф.И. Сополимеры этилена. – Л.: Химия, 1983. – 224 с.
2. Гуль В.Е., Дьяконова В.П. Физико-химические основы производства полимерных пленок. – М.: Высшая школа, 1978. – 279 с.

### ВОДОРОД ЭНЕРГЕТИКАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Авезов Ҳасан Тиллаевич**

БухДУ Кимё кафедраси доценти  
Avezov-65@mail.ru.

**Сулаймонова Зилола Абдурахмоновна**

БухДУ Кимё кафедраси ўқитувчиси

**Таянч сўзлар:** энергия, муқобил энергия, водород энергетикаси, водород иқтисодиёти, нефть, табиий газ, кўмир, электр энергия.

**Ключевые слова:** энергия, альтернативная энергия, водородная энергетика, водородная экономика, нефть, природный газ, уголь, электрическая энергия.

**Key words:** energy, alternative energy, hydrogen energy, hydrogen economy, oil, natural gas, charcoal, electrical energy.

*Мақолада энергетиканинг глобал муаммолари ва водород энергиясининг истиқболлари ёритилган.*

*В статье рассматриваются глобальные проблемы энергетики и перспективы водородного топлива.*

*The article examines global problems of energetics and the prospects for hydrogen fuel.*

Ҳозирги кунда инсоният олдида турган долзарб муаммолардан бири атроф – муҳитга антропоген таъсирни камайтириш ҳамда нефть ва газнинг ўрнини босадиган альтернатив

энергия манбаларини кенгайтириш ҳисобланади. Амалдаги энергетикада бу муаммони уран, торий, кўмир, биоёқилғи каби янги, кам чиқиндилли энергия манбалари орқали ҳал қилиш мумкин. Аммо, автотранспортда бу каби ёқилғиларга мўлжалланган қурилмаларнинг ўлчамлари катта бўлганлиги сабабли улардан фойдаланиш анча қийинчиликларни келтириб чиқаради [1].

Водород энергетикасига ўтиш мазкур муаммони ечиш усулларида бири ҳисобланади. Бензин ва дизел мотор ёқилғилари ўрнини водород ёқилғиси эгаллаши мумкин. Бунда чиқиш газлари сифатида оддий сув буғи ҳосил бўлади. Водород ўзининг “калориялиги” жиҳатидан бензиндан тўрт баробар устун туради.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 85 фоизидан кўпроғини углерод сақловчи ёқилғилар, 7 фоизини ядро ва гидроэнергетика, 1 фоизини эса қуёш, шамол ва геотермал энергия таъминлашига инсоният кўникаб қолган. Бунда углерод сақловчи ёқилғининг 40 фоизи нефтдан, 32 фоизи кўмидан, 23 фоизи табиий газдан олинади. Чуқур таҳлиллар ва узоқ баҳс - мунозаралар натижасида шундай хулосага келиндики, углерод энергетикаси ўз ёшини яшаб бўлди, энди янги давр - водород энергетикаси даври кириб келди. Ҳозирда “водород иқтисодиёти” ҳақида ҳам гапирилмоқда [2].

АҚШ аҳолиси дунё аҳолисининг 5% ни ташкил қилса ҳамки, дунё энергиясининг 25% ни сарфлайди. Ер юзи аҳолисининг 95 фоизи АҚШ аҳолисининг ҳозирги энергия истеъмоли даражасига кўтарилса углерод сақловчи ёқилғиларнинг заҳиралари батамом тугатилади. Бу табиатнинг, шу жумладан инсониятнинг муқаррар ҳалокатига олиб келади. Водород инқилобининг зарурати пайдо бўлди ва буни ҳаммадан олдин америкаликлар тушуниб етди [3].

Ҳали 1874 йил – “кўмир эрасидаёқ” Жюль Верн ўзининг “Ҳаво шарида саёҳат” романида сув келажак “кўмири”, у келажакда ёқилғи сифатида қўлланилади, - деб ёзиб қолдирган эди [1].

Ҳозирги кунда дунёда 400 миллиард кубометр водород ишлаб чиқарилмоқда, бу энергетика бўйича нефть ишлаб чиқаришнинг 10 фоизига мувофиқ келади. У асосан, кимё ва озиқ-овқат саноати учун сарф бўлмоқда. 1990 йилдан бошлаб водородга ёқилғи сифатида қизиқиш кескин тус олди. 1993 йилда Япония бу ишга 2 млрд. доллар пул ажратди. АҚШ ва Канада эса бу соҳада устувор дастурларни ишлаб чиқишди.

Мутахассисларнинг фикрича, 2050 йилда водород энергияси жами ишлаб чиқариладиган энергиянинг 1/3 қисмини ташкил этиши керак. “Шелл” нефть компаниясининг президенти Филл Ваттс “углеводород эрасининг” тугаётганлиги ва кўмир, нефть, газ ўз ўрнини водородга бўшатиб бериши кераклигини таъкидламоқда. “Шелл”, “Женерал моторс”, “Женерал электрик”, “Форд”, “Сименс” каби фирмалар автомобилларни водород ёқилғисига ўтказиш ишларига миллиардлаб доллар маблағ ажратмоқдалар [2, 4].

Водороднинг ёқилғи сифатида устунлиги шундаки, у ёнганда табиат учун зарарли моддалар ажралмайди. Бундан ташқари водород айнамайди, уни чекланмаган муддатгача сақлаш мумкин, шунингдек, водороднинг энергетик сиғими ниҳоятда катта (143,6 МЖ/кг). Унинг ёниши ернинг иссиқлик баланси учун яхшидир. Бундан ташқари, водороднинг иссиқлик ўтказувчанлиги жуда юқори, қовушқоқлиги эса жуда паст, бу эса қувурларда унинг ҳаракатланишини осонлаштиради. Агар водород олиш учун сув хом ашё сифатида қаралса, у ҳолда сув заҳираларининг чегараси йўқ (гидросферадаги сувнинг миқдори  $1,39 \cdot 10^{18}$  т). Водородни ишлатиш соҳаларининг кўп қирралиги: водороддан кўплаб кимёвий ва металлургия жараёнларида, шу жумладан, авиация ва автотранспортда алоҳида ёқилғи сифатида ёки мотор ёқилғисига қўшимча сифатида ишлатиш мумкинлиги унинг афзаллик томонларини янада бойитади [3, 5].

Водород – ажойиб энергия ташувчи ҳисобланади. У 33 кВт/с·кг энергияни сақлаш имкониятига эга. Бу дизель ёқилғиси кўрсаткичидан уч баробар юқори.

Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, зичлиги кичиклиги туфайли водородни сақлаш қийин - атмосфера босимида 1 кг водород 11 м<sup>3</sup> ҳажми эгаллайди. Ҳозирги вақтда газларни фақат сиқилган ҳолатда (700 бар босимда) ёки суюқ ҳолатда (-253<sup>0</sup>С да) сақлаш технологиялари мавжуд. Водородни сиқиш ёки суюқлантириш эса катта миқдор энергияни талаб этади. “McPhy” компанияси Н<sub>2</sub> ни қаттиқ шаклда - металлгидридлар, масалан, MgН<sub>2</sub> кўринишида сақлаш технологиясини ишлаб чиқдилар.

Мазкур технология бўйича Н<sub>2</sub> ни сақлашда жуда катта босим ёки жуда паст ҳарорат талаб этилмайди. “Қаттиқ” водород паст босимда нормал ҳароратда сақланади. Янги технологиянинг

асосий устунлиги шундаки, водородни бу усулда сақлаш мутлақо хавфсиз ва водородни сақлаш учун мўлжалланган махсус идишлар - гидрид баклар яратилди. Бу бак автомобилга ўрнатилади ва двигателнинг қайта ишланган газлари ёрдамида қиздирилади: гидрид парчаланиб, водород ажралади ва двигателга бензинга қўшимча сифатида узатилади. Бунда ажралаётган  $H_2$  жуда тоза (99,999%), ҳаттоки атом реакторлари учун ҳам яроқли ҳисобланади. Аммо бу усулнинг ҳам камчилиги мавжуд: бундаги водород манбалари массасининг юқорилиги, водород ажралиш тезлигининг пастлиги ва жараёни бошқариш мураккаблигидир.

Ҳозирги жаҳон тадқиқотида ишқорий металлларнинг боранлари ва боргидридлари асосидаги ишлар алоҳида ўринни эгалламоқда.

Американинг “Millennium-Cell” компанияси  $H_2$  манбаи сифатида натрий боргидриднинг 5% ли ишқорий эритмасини таклиф қилмоқда:  $NaBH_4 + 2H_2O = 4H_2 + NaBO_2$

Агар эритмага рутенийли катализатор туширилса, ундан яхши тезлик билан  $H_2$  ажралиб чиқа бошлайди. Бу реакцияни бошқариш анча оддий, ажралаётган водородни эса палладийли мембрана орқали ўтказиб тозалаш мумкин [6].

Водород энергетикасининг асосий мақсадларидан бири - бу экологик хавфсизликни таъминлаш ва дастлабки хом ашёни регенерациялашдир. Акс ҳолда бу энергетика ўз маъносини йўқотади. Бу реакцияда ҳосил бўлган натрий метаборатни саноат масштабида қайта тиклаш қулай эмас, у юқори ҳароратни талаб қилади ва реакция унуми жуда паст.

Бу усулни такомиллаштириш бўйича Россия олимлари катта ишларни амалга оширмоқдалар. Улар натрий боргидридни турли хил бензоалмашиланг краун эфирлари билан боғладилар. Боғланган боргидридлар нафақат органик эритувчиларда яхши эрийди, балки ундан  $H_2$  ажралишини бошқариш мумкин. Реакция маҳсулотларини регенерациялаш осон ва жараён экологик жиҳатдан хавфсиз. Реагентлар мобил телефонлари катталигидаги картрижларда жойлаштирилади. Яқин келажакда мана шундай картрижлар бензобакларнинг ўрнини эгаллайди.

Натрий боргидриднинг органик эритувчиларда эриган спиртлар билан реакцияси натижасида ҳам водород олиш мумкин. Бу реакциянинг устунлиги шундаки, ҳосил бўлган реакция маҳсулотлари (бор эфирлари ва натрий алкоголятни) осон қайта тиклаш мумкин:

Реакция:  $L \cdot NaBH_4 + 4ROH \rightarrow 2H_2 + B(OR)_3 + NaOR + L$

Бу ерда L- макроциклик лиганд

ROH- бирламчи спирт

Регенерация:

$B(OR)_3 + NaH \rightarrow NaBH_4 + 3NaOR$

$3NaOR + 2B_2H_6 \rightarrow 3NaBH_4 + B(OR)_3$

$NaBH_4 + L \rightarrow L \cdot NaBH_4$

Водород иқтисодиётини 4 та таркибий қисмга ажратиш мумкин: водород ишлаб чиқариш технологияси; уни тозалаш; сақлаш ва тарқатиш; ундан ёқилғи сифатида фойдаланиш.

Аввало водородни қаердан ва қандай қилиб олиш мумкин. Водород олиш манбалари унча кўп эмас: органик моддаларнинг кимёвий конверсияси натижасида синтез-газ олиш; сувнинг электролизи; сувнинг иссиқлик таъсирида парчаланиши; ядро энергияси. Ҳозирги кунда водород саноатининг таннархи қуйидагича: ёнувчи қазилмалардан -1,5 дол/кг, электролиздан -2,5 дол/кг, биомассадан -2,9 дол/кг.

Агар машиналарда водороддан ёқилғи сифатида фойдаланилганда, ички ёнув двигателларига нисбатан водороднинг энергетик сифими катталиги ва водород қурилмасининг ФИК юқорилиги сабабли  $H_2$  4 баробар кам сарфланади.

Ҳозирда водород саноатида икки йўналиш мавжуд:

1. Ањанавий усулларда  $H_2$  ишлаб чиқариш (табиий газ, нефть ва кўмирдан).

2. Сувни электролиз қилиб водород олиш.

Табиийки, электролизда электр энергияси керак бўлади. Барча мотор ёқилғиларини водород двигателлари билан алмаштириш учун зарур бўлган водородни электролиз усулида олиш учун дунё электр энергия ишлаб чиқаришни уч баробар ошириш зарур. Керакли миқдор водородни олиш учун ҳозирги кунда ишлаб турган электростанциялари етарли эмас. Бугунги кунда электр энергия ишлаб чиқаришни 3 марта эмас, ҳаттоки 10% га кўтариш –анча мураккаб масала ҳисобланади. Водород ишлаб чиқаришда ањанавий усуллар иқтисодий жиҳатдан

қулай эмас. Янги, ноанъанавий, қуёш ва ядро энергиясидан қўлланиладиган усулларни ишлаб чиқиш лозим.

Ҳозирда дунё миқёсида ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 60-65 фоизи иссиқлик электростанцияларида ишлаб чиқарилмоқда, қайсики уларда газ, нефть ва кўмир ёқилади.

Бу рақамларни камайтиришнинг ҳозирги кунда имконияти йўқ, ҳозирча термоядро синтези ёки шунга ўхшаш усул мавжуд эмас. Айти кунларда бу энергияни шамол, қуёш, геотермал иссиқлик энергияларидан олиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда электр энергия ишлаб чиқариш унумини оширишнинг ягона технологик реал усули-бу ядро реакторларидир. Ҳаттоки, ўз олдида АЭС энергиясидан фойдаланишни бутун дунёда миллий топшириқ қилиб қўйган Франция ҳам бу ишни эплай олмади, ҳалигача бу ишни мураккаблиги ва хавфлилиги сабабли бирор бир давлат такрорлашга уринмаяпти. Чунки инсоният кўз олдида ҳанузгача Чернобл воқеалари турибди.


Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, яқин ўн йилликларда водород ёқилғисига ўтиш учун ҳозирги кунда ёнувчан қазилмалардан, асосан, мотор ёқилғиси ишлаб чиқараётган саноатни водород ишлаб чиқаришга мослаштириш лозим. Албатта, мотор ёқилғисининг қандайдир қисми қолади [6].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, энг қулай йўл нефть ва газни қайта ишлаш саноатини водород ишлаб чиқаришга йўналтириш керак. Шундагина катта-катта шаҳарларни ифлосланишдан сақлаш мумкин.

Ҳўш, буни қандай амалга ошириш мумкин?

Табиий газдан водород олишнинг бир неча усуллари мавжуд:


1. Буғ конверцияси:



Ёқилғи қуйидагилар учун сарфланади:

- технологияга
- реакцияни амалга оширишга
- буғ ҳосил қилишга.


2. Буғ кислородли конверция:



Ёқилғи сарфи:

- технологияга
- реакцияни амалга оширишга
- буғ ҳосил қилишга
- ҳаводан кислородни ажратиб олишга.

3. Метанни парциал оксидлаш йўли билан:



Ёқилғи сарфи:

- фақат технология ва буғ ҳосил қилишга.

Парциал оксидланишнинг замонавий жараёни ҳавони блоklarга ажратишни талаб қилмайди.

Буғ конверсияси (1-реакция) ёрдамида водород олиш усули деярли 100 йилдан бери маълум, яхши ўрганилган, бу усул учун жуда яхши катализаторлар мавжуд, юзлаб фирмалар жуда яхши проектлаши мумкин. Бундан ташқари, бошқа технологияларга нисбатан бу усулни жиҳозлаш унча қимматга тушмайди. Аммо бу усулда сарфланадиган энергия кичик харажат эмас.

2 - усул буғ кислородли конверсияда дастлабки босқич кучсиз эндотермик реакция бўлиб, 1- босқичдан сўнг яна СО конверсиясини амалга ошириш керак. Бундай ҳолда ёқилғи 1-жараён учун ҳамда ҳаводан кислород олиш учун сарфланади.

3 - парциал оксидланиш усулида водород ишлаб чиқариш учун ёқилғи фақат техника ва буғ ҳосил қилиш учун сарфланади.

Буғ конверсия усулида бир молекула метандан 4 моль водород ҳосил бўлади, парциал оксидланишда эса бор-йўғу 2,5 моль. Аммо парциал оксидланиш жараёнида деярли 10% кам

метан талаб этилади. Бир хил қувватга эга 1т H<sub>2</sub> ёки 3,2 т мотор ёқилғиси билан тўлдирилган (1 хил масофани босиб ўтади) 2 та машинани таққослаймиз. 3,2 т бензин ёки дизель ёқилғисини ишлаб чиқариш учун 3,6-4,5 т нефть ёки 4,5-4,8 т табиий газ сарфланади. Керакли миқдор бензинни ишлаб чиқариш учун хомашё сарфи қайта ишлашга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, бир хил миқдор ёқилғини саноатда ишлаб чиқариш учун Россияда АҚШга нисбатан 20% кўп нефть сарф бўлади. Агар водород ёқилғисига келадиган бўлсак, 1 т водород олиш учун 3,4-3,6 т нефть ёки 2,8-3,1 т табиий газ сарфланади, олдин айтганимиздек табиий газдан 2 марта кўп водород ажралади.

Ҳозирги кунда Ерда мотор ёқилғиларини ёниши натижасида деярли етти миллиард тонна карбонат ангидрид ажралади, шулардан 188 миллион тоннаси - Россияда. Агар биз бензинни H<sub>2</sub> билан алмаштирсак, бунда чиқим миқдори камаяди. Аммо бу миқдор умуман олганда йўқолмайди, фақат H<sub>2</sub> ишлаб чиқарилаётган жойда ажралади, CO<sub>2</sub>нинг глобал балансига таъсир кўрсатмайди.

Энди электролиз жараёнини кўриб чиқамиз. Мазут-электр токи-электролиз занжирида қанча CO<sub>2</sub> ажралади? Электролиз ФИК 90% бўлган идеал усулдир. Электролиз - бу водород олишнинг энг яхши усулидир.

Савол туғилади: водородни биомасса конверсияси ёрдамида олиш мумкинми? Тўғри, бу усулда водород олиш мумкин, аммо биринчидан у CO<sub>2</sub> нинг камайишига умуман таъсир этмайди. Иккинчидан, шуни эсда тутиш керакки, ҳозирги кунда деярли барча ҳосилдор ерлардан унумли фойдаланилаётган бўлишига қарамасдан ер юзида 1 млрд. аҳоли очликдан азият чекмоқда [1].

Водород олишда қуёш энергиясидан фойдаланиш учун фойдали иш коэффициентини 10% ни ташкил қиладиган фотоэлементлар билан ер қобиғининг 4% ни қоплаш лозим, бу эса жуда катта ҳажм ва қиммат туради. Бу ҳақида гапиришга ҳали эрта. Агар космик ойналарни концентрацияловчи система яратилса, ҳолат ўзгаради. Ҳозирча бу фантастика.

Водород мантиясидаги H<sub>2</sub> дан фойдаланиш мумкинми? Мумкин, агар мантияни очиш, ёпиш имконияти туғилса - бу ҳам фантастик сюжетлардан биридир [7].

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, янги этап-водород энергетикасига ўтиш учун ҳали иссиқлик физикаси, электрохимия, гидромеханика, катализ, материалшунослик ва бошқа соҳалардаги бир қанча муаммоларни ҳал қилиш лозим.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Материалы Всероссийского совещания «Водород и топливные элементы». – 14-15 декабря. – Москва, 2013.
2. **Понамарев-Степной Н.Н., Столяревский А. Я.** Атомно-водородная энергетика – пути развития. – Москва: Энергия, 2014. - №1. – С. 3-9.
3. **Romm J.** The Hype About Hydrogen: Fact & Fiction in the Race to Save the Climate 2012.
4. **El kebir O., Szummer A.** Comparison of hydrogen embrittlement of stainless steels and nickel-base alloys -International Journal of Hydrogen Energy - Volume: 27, Issue: 7-8 July - August, 2012.
5. **Fuel Cell Engine Safety. U.S.** Department of Energy. Energy Efficiency and Renewable Energy.<http://www.avt.nrel.gov/pdfs/fcm06r0.pdf>
6. **Romm J.** The Hype About Hydrogen: Fact & Fiction in the Race to Save the Climate 2013.
7. **Amos W.** Costs of Storing and Transporting Hydrogen. U.S. Department of Energy Energy. Efficiency and Renewable Energy.  
<http://www.eere.energy.gov/hydrogenandfuelcells/pdfs/25106.pdf>

## ЗАМОН ВА МАЙЛ КАТЕГОРИЯСИ ШАКЛЛАРИНИНГ ЛЕКСЕМА СЕМАНТИК-СИНТАКТИК ВАЛЕНТЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Абузалова Меҳринисо Қодировна**

*БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди*

**Ражабова Раъно Зариповна**

*БухДУ Бошланғич ва мактабгача таълим услубиёти кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** лексема, лексема семантик-синтактик валентлиги, валентлик, бирикувчанликка таъсир, замон, майл, шахс-сон категориялари шакллари, кесимлик категорияси.

**Ключевые слова:** лексема, валентность лексемы, валентность, влияние на связь, время, категория наклонения, категория лица и числа, грамматические показатели сказуемого.

**Key words:** lexeme, semantic and syntactical valency of lexeme, valency, the effect on linking, tense, mood, forms of the category of person and number, grammatical indicators of predicate.

*Мақолада ўзбек тилидаги замон ва майл категорияси шаклларидаги лексема бирикувчанлиги таъсири – уларнинг асос лексема валентлигига ўзгариш ясай олиш масалалари ёритилган.*

*В статье обосновывается мысль о том, что категориальные формы в узбекском языке придают лексической основе новую синтаксическую валентность. На основании этого делается вывод о синтаксической сущности данной категории в тюркских языках.*

*The article is about the influence of the forms of the categories of tense and mood on the linking of lexemes in the Uzbek language and their ability to change the valency of the basic lexeme .*

Туркий тилларда замон, майл, шахс-сон категориялари шакллари предикативликнинг асосини ташкил қилади. Бир-бирини тақозо қиладиган мазкур шакллар яхлит ҳолда ҳамда алоҳида-алоҳида кўринишларда тилшунослиқда атрофлича ўрганилган. Айниқса, замон категориясининг майл категорияси билан диалектик бирлиқда эканлигини деярли барча туркийшунослар эътироф этган ҳолда, уларнинг маъновий жиҳати, қўлланиш хусусиятлари, шакллар тизимини изчил тавсиф этишган [3,5,6,10]. Ўзбек тилшунослигида А.Фуломов, А.Ҳожиев, Ғ.Абдурахмонов, Ф.Абдуллаев, Ж.Жўраева, Р.Жуманиёзов, У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев, Ғ.Зириллаев сингари тилшунослар томонидан замон ҳамда майл категориясига хос шакллар турли методлар асосида системалаштирилган, матнда намоён бўлувчи маънолари аниқланиб, ички бўлинишларга ажратилган ва мазмуни, қўлланиши, ҳосил бўлиши (ясаилиши) муфассал тадқиқ қилинган [1,2,3,4,11,14].

Ўзбек тилшунослигининг бугунги ривожланиш босқичида ҳам грамматик категориялар, жумладан, замон категорияси яна бир қарра тадқиқот объекти қилиниб, мазкур категориянинг мураккаб таркибли эканлиги, шунингдек, унинг субстанциал моҳияти бўлган категориал маъно билан биргалиқда бошқа категорияга хос маънолар (ёндош маъно, ҳамроҳ маъно) қоришган ҳолда мавжудлиги асосланган [7].

Дарҳақиқат, мавжуд дарслик ва қўлланмаларда воқеликнинг нутқ моментига муносабатини ифодаловчи замон категориясининг уч хил: ўтган, ҳозирги, келаси замон турлари ажратилиб, ҳар бир турнинг бир неча хил шакллар ёрдамида ифодаланиши қайд қилинган ва бу бизни улар баёни устида тўхталиб ўтишдан қутқаради. Аммо бу ўринда бир нарсани қайд этиш керакки, йиллар давомида ўрганиб келинган “ўтган замон ҳикоя шакли”, “ўтган замон давом шакли”, “ўтган замон эшитилганлик шакли” ёхуд “келаси замон гумон феъли”, “келаси замон мақсад феъли”, “аниқ келаси замон феъли” атамаларидаги *ҳикоявийлик, эшитилганлик, давомийлик, аниқлик, гумон, мақсад* каби унсурлар замонга дахлсиз ҳодисалар деб топилди, уларни замон доирасида ўрганиш ортиқча эканлиги эътироф этилиб, замон категорияси маъносига бошқа категория маъносининг қоришуви дея баҳоланди [7]. Замон ва майл категориялари мисолида категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно турларини тадқиқ қилган Н.Мусулманова бу хусусда қуйидагиларни билдиради: “Замон категорияси умумий грамматик маъноси учун “замон” маъноси категориал маъно бўлиб, у ҳар доим турли-туман майл маъноларисиз бўлмайди. Бошқача айтганда, замон категориясида замон ва майл маънолари диалектик боғлиқликда ва бири иккинчисисиз юзага чиқмайди. Замон категорияси шакллари нутқда воқеланар экан, бу маънолар ўтқинчи, беқарор нутқий маънолар ҳисобига яна бойийди.

Бу маънолар замон умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишини мураккаблаштирувчи воситалар бўлиб, унга субстанциал боғлиқлик касб этмайди. Ҳамроҳ маънолар сифатида баҳоланувчи бу маънолар сирасига “гумон”, “ҳаракат реаллиги”, “ҳаракат ирреаллиги”, “истак”, “мақсад” каби маъноларни киритиш мумкин [7]. Замон категориясининг УГМ (умумий грамматик маъно)си “пайт валентлигига таъсир этиш орқали кесимни шакллантиришда иштирок этиш ва ундан англашилган воқеликнинг нутқ моментига муносабатини ифодалаш” тарзида белгиланган экан, замон шакллариининг кесим вазифасида турган сўзнинг валентлигига, албатта, таъсир этиши англашилади.

Грамматик категориялар таснифида кесимлик категорияси, одатда, синтактик категория саналади ва юқорида айтиб ўтганимиздек, бу мураккаб синтактик категориянинг таркибий қимсларидан бири майл ва замондир. Шунинг учун энг аввало, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кесимлик категориясининг синтактик моҳияти замон категориясида ўз инъикосини топади (бу эса, шубҳасиз, синтактик бирикувчанлик, жумладан, эга-кесим муносабатлари билан предикатив алоқага кириша олиш қобилияти билан боғлиқ). Чунки бу муносабатда кесимлик категорияси умумийлик (аниқроғи, бутунлик), замон категорияси хусусийлик (бўлак) муносабати билан боғланади. Умумийликнинг моҳияти эса хусусийликда ҳамма вақт муайянлаштирилган кўринишда воқеланиши шарт ва зарур. Шунинг учун кесимлик категориясининг синтактик валентлиги замон шаклларида ўз аксини топади. Лекин замон категориясининг ўзи кесимлик категориясидан алоҳида равишда ўз хусусий синтактик бирикувчанлик хусусиятига эгаки, буни кесимлик категориясининг валентликка таъсири нуқтаи назаридан таҳлил этиш мумкин эмас. Бунга замон категориясининг яна бир хусусияти алоқадордир. Бу хусусият шундан иборатки, замон категорияси кесимлик категориясининг таркибий қисми сифатида фақат гапда кесим вазифасида келган сўз таркибида, яъни кесим таркибидагина воқеланади. Лекин замон шакли ва маънолари нафақат кесим таркибида, балки кесимдан бошқа вазифаларда келадиган сифатдошлар, равишдошлар ва, ҳатто, ҳаракат номларида ҳам воқеланади. Равишдош, сифатдош, ҳаракат номларида замон шакллари кесимлик категорияси таркибидаги замон шаклларида таъсир топади. Бу маъно-моҳиятга эга; кесим таркибида замон ҳаракатнинг мутлақ ёки нисбий нутқ моментига муносабатини ифодаласа, сифатдош, равишдош, ҳаракат номларида улар таъсир топади. Бу маънога, чунончи, якунланган ҳаракатнинг белгиси, ҳаракатнинг гап кесими англаган ҳаракат ёки ҳолатдан олдин/кейин/бир пайтда содир бўлиши, ҳаракат натижасининг белги сифатида нутққа киритилиши каби нутқ momenti билан мутлақо алоқадор бўлмаган маъноларига эга [9]. Замон категориясининг синтактик бирикувчанликка таъсири замон шакл ва маъноларининг ҳам кесим таркибида, ҳам кесимдан бошқа вазифаларда келган сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ҳосилаларига ҳам бир хил алоқадордир. Шунинг учун бу хусусиятни замон шакллари ва маъносининг кесимлик категориясидан фарқли бўлган ўзига хос валентлиги – ўзи бирикиб келган лексеманинг семантик-синтактик валентлигига таъсири сифатида баҳолаш мумкин.

Чунончи, исталган феъл том маънода ўзи ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат, албатта, маълум бир замон ва маконда воқеланади; ҳаракат/ўзгарувчанлик/тараққиёт борлиқнинг яшаш тарзи бўлса, макон ва замон унинг яшаш шаклидир [13]. Феъл туркумида мужассамланган ҳаракат маъноси том маънода замоннинг кўринишларига – ўтган, ҳозирги ёки келаси замонда эканлигига нисбатан мутлақо бефарқ. Чунончи, *келмоқ, ёзмақ, бермоқ, ўлмоқ, тирилмоқ, туғилмоқ* каби беҳисоб феъллар луғавий маъноси асосида ўтган замон маъноли *кеча, ўтган йили, бултур...* каби; келаси замон маъноли *эрта, индин, келгусида, келажакда...* каби; ҳозирги замон маъноси орқали боғланган *ҳозир, шу дамда, шу тобда, яқинда, шу онда...* каби сўзлар билан эркин бирикиб келади ва буни қуйидаги чизмада умумлаштириш мумкин:

1-чизма

|                                                     |              |
|-----------------------------------------------------|--------------|
| <i>Кеча<br/>Ўтган йили<br/>Бултур</i>               | <i>келиб</i> |
| <i>Ҳозир<br/>Шу дамда<br/>Яқинда<br/>Шу сонияда</i> |              |

|                                                                               |  |
|-------------------------------------------------------------------------------|--|
| <p><i>Эрта</i><br/><i>Индин</i><br/><i>Келгусида</i><br/><i>Келажакда</i></p> |  |
|-------------------------------------------------------------------------------|--|

Замон шакллари мана шу бирикишни маълум даражада чегаралайди – феълнинг темпорал сўзлар билан бирикишини, замон маъноси билан уйғунлашишни талаб қилади [10]. Чунончи, ўтган замон маъноли феъллар келаси замон ёки ҳозирги замон маъносини ифодаладиган пайт ҳоллари билан бирика олмайди, “*Индин келди*” деб бирикиш ҳосил қилиш мумкин эмас. Бундай бирикишлар ҳосил бўлганда ё окказионал маънолар ёки кўпгина пайт сўзларининг икки маъносидан бири воқеланади. Чунончи, *Эрта келади*. “*Эрта*” сўзи нутқ моментидан кейин содир бўладиган пайтга ишора қилиб келмоқда. *Эрта келди*. “*Эрта*” сўзи барвақт, муддатдан олдин, мўлжалланган пайтдан олдин маъноли пайт ҳолига ишора қилиб, нутқ моментига умуман алоқадор эмас. Шунинг учун бу сўзга биринчи гапда русча “*завтра*” сўзи, иккинчи мисолда “*рано*”, “*раньше времени*”, “*преждевременно*” сўзлари тўғри келади.


Биз юқорида замон шакллари ҳақида фикр юритганда, замон категориал маъносига ҳар доим майл категорияси маъноси ёндош маъно ва, аксинча, майл категориал маъносига замон категорияси маъноси ёндош маъно сифатида яшаши, уларнинг шу аснода диалектик бирлик ҳосил қилиши ҳамда бу категорияларга хос шакллар тизими, улар ифодаладиган маъно турлари хусусида қилинган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтган эдик.

Адабиётларда ўзбек тилидаги феъл майлининг учтадан то олти-еттигача тури қайд этилганини кўрамиз. Тилшунос Ш.Шукуров феъл майлларида учтасини: буйруқ-истак, шарт, аниқлик майлларининг мавжудлигини айтиб, бошқа “мақсад”, “шартли”, “ижро” каби майлларнинг исбот талаб қилишини таъкидлаб ўтган [15]. Дарҳақиқат, майл турлари сонини кўпайтирувчи ва бизни чалғитувчи сабаб, боғлиқлик, мақсад, гумон, шарт каби маънолар майл категорияси таркибида “ҳамроҳ”лик қилади. Н.Мусулманова ўз тадқиқотида бунинг функционал нуқтаи назардан услубий вазифа сифатида баҳолаб, субстанциал нуқтаи назардан нокатегориал, яъни замон шаклларига ҳамроҳ маъно сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ эканлигини уқтириб ўтган.

Майлларнинг лексема семантик-синтактик бирикувчанлигига таъсири моҳиятан замон шаклларида фарқ этмайди ва бунинг сабаби майл ҳамда замон шакл/маъноларининг диалектик бирлигида, майл замон маъносисиз, замон (кесим таркибида) майл маъносисиз воқелана олмаслигидадир.

Маълумки, майл ҳаракатнинг воқеликка муносабатини сўзловчи томонидан белгиланиши – унинг реал (содир бўлган) ва идеаллигини (содир бўлмаган ёки содир бўладиганини) ифодалайди. Майлни бундай тушунганда моҳиятан замон маъносини ҳам ўз ичига қамраб олади. Чунки реал ҳаракатлар сифатида воқеланган ва воқеланаётган (resp. тилда ўтган ва ҳозирги замон шакллари билан ифодаланадиган) ҳаракатлар, идеал (ҳаракатлар) сифатида эса воқеланиши мақбул, мумкин, лозим, шарт, зарур, тахминий, номақбул, имконли бўлган (тилда келаси замон; истак, шарт, хоҳиш, буйруқ, мақсад, гумон майллари ва ҳ.к.) ҳаракатлар қаралиши мумкин. Майлнинг бундай таснифи адабиётларда кўрсатилганидек [8], қуйидагича график тарзда ифодаланиши мумкин:

**2-чизма**



Бу чизма майл ва замоннинг онтологик бирлигини ва бу бирликнинг лисоний тизимдаги инъикосини очиқ, равшан намоён қилади. Шунинг учун майл шаклларининг сўз лексик-семантик бирикувчанлигига таъсири моҳиятан замон шаклларининг бу хусусиятидан фарқ қилмайди. Зоҳирий фарқ шундаки, замон шакллари лексеманинг пайт маъноли сўзлар билан бирикишига таъсир этса, майл шакли лексеманинг сўзловчи томонидан баён этилаётган воқеа, ҳаракат, ҳолат, ҳодисага бўлган муносабатини ифодаловчи актантлар (resp. лисоний ҳоллар, киритмалар) билан бирикувчанлигига таъсир қилади ва чеклайди. Чунончи, аниқлик майлининг ўтган замон ва ҳатто, ҳозирги ҳамда келаси замон шакллари истак, гумон, тахмин маъноли киритмалар (сўз-гаплар) билан бирика олмайди, яъни ўзбек тилидаги гап

курулишлари учун *Кошки, келди. Эҳтимол, келди.* каби бирикувлар хос эмас. Бундан биз хулоса қила оламизки, ўзбек тилида замон ҳамда майл категорияси шакллари сон, субъектив баҳо шакллари каби лексема бирикувчанлигини чегаралайди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. I том. – Т., 1975. – Б. 475-504.
2. Ғуломов Айюбнинг илмий мероси (2-китоб). – Т.: Университет, 2007. – Б. 40-54.
3. Жўраева Ж. Келаси замон маъносининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1959. - №3. – Б. 23-25.
4. Зикриллаев Ғ. Ўзбек тили морфологияси. – Б.: Бухоро, 1994. – Б. 53.
5. Иванов С.Н. Родословное древо тюрк Абу-л-Гази-Хана: Грамматический очерк. – Т.: Фан, 1969. – С. 135.
6. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л., 1960. – 448 с.
7. Мусулманова Н. Грамматик шаклларда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категориялари мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2007. – 110 б.
8. Неъматов Ҳ.Ғ. Феълда майл ва замон категорияларининг муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1971. - №1. – Б. 31-34.
9. Неъматов Ҳ.Ғ. Феъл, унинг форма ва категориялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1972. - №1. – Б. 39-47.; - №2. – Б. 42-50.
10. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Т.: Фан, 1989. – С. 89.
11. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili (darslik). –Т.: Universitet, 2006. – В. 182-188. – 464 б.
12. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Қурбонова М. ва б. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Университет, 2007. – Б. 206-212.
13. Туленов Ж., Ғафуров З. Фалсафа. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 384 б.
14. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 332-347.
15. Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. – Т.: Фан, 1976. – Б. 7. - 159 б.

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “НАВОДИРУШ-ШАБОБ” АСАРИДА ҚИЗИЛ РАНГНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**Жумаев Турсунали**

*ҚарДУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди*

**Шарипова Дилноза Мансуровна**

*ҚарДУ магистратура талабаси*

**Таянч сўзлар:** ранг, этимология, фонетик вариант, парадигма, доминанта, ички флекция, лексема, композиция.

**Ключевые слова:** цвет, этимология, фонетический вариант, парадигма, доминанта, внутренняя флекция, лексема, композиция.

**Key words:** color, etymology, phonetic version, paradigm, dominant, internal inflection, lexeme, composition.

*Мақолада “қизил” сўзининг лингвистик хусусиятлари диахроник ва синхроник жиҳатдан тасниф этилади.*

*В данной статье рассматриваются диахроническое и синхроническое обоснования лингвистической особенности слова «красный».*

*Linguistic characteristics of the word «red» are analyzed from synchronic and diachronic aspects in the article.*

Мустақиллик йилларида ўз давлатчилигимизни шакллантиришда маданиятимиз, маънавиятимиз сарчашмаларига, ҳали чуқур ўрганишни тақозо қилувчи улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, бой тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча ўзгаришларни юзага чиқариш, ривожлантириш борасида тарихий имкониятлар очилди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда

муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий кадрятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён деб ҳисоблаймиз» [1]. Юртбошимизнинг айтганлари бизни ҳазрат Алишер Навоий ижодига қайта-қайта мурожаат этишга ундайверади. Биз ушбу мақоламизда ҳазрат Алишер Навоийнинг ранг ифодаловчи сўзлардан фойдаланиш маҳорати хусусида фикр юритамиз. Тилнинг асосий луғат фонди ўз моҳиятига кўра, узоқ тарихий даврлар маҳсули, аниқроғи тилда узоқ даврлардан бери узлуксиз қўлланиб келинаётган сўзлар системаси занжиридир. Бу сўзлар ўз «хаётий йўли» нуқтаи назаридан ҳам тарихийдир. Шу туфайли тил луғат таркибидаги ушбу лексик ядро архисистема деб ҳам юритилади. Архисистема ҳар қандай тил луғат таркиби учун хос бўлиб, у универсал ҳамда ижтимоий аҳамиятга кўра энг муҳим лексик-семантик воситалар занжиридир. Ҳозирги ўзбек адабий тили учун рангни ифодаловчи «қизил» сўзи ҳам шундай сўзлар қаторига киради.

Ҳозирги ўзбек адабий тили учун рангни ифодаловчи «қизил» сўзи жуда фаол ва у туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида қадимдан қўлланиб келади; унинг таснифи лексикографик манбаларда, хусусан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да куйидагича изоҳланган:

«Қизил – қон рангидаги; қирмизи, алвон. Қизил муқовали китоб. Қизил кўйлак...» [2].

«Ўзбек тилининг этимологик луғати»да эса: «Қизил «қон рангидаги», «алвон». Патнисда тўртта кулча, икки бош қ и з и л чиллаки бор эди (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англаган бу сифат асли «қизил тус ол-» маъносини англаган қыз- феълидан (ДС, 450) -(ы)л қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ы унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: қыз- + ил = қызил > қизил» [3].

Шунингдек, «қизил» сўзининг этимологик талқинини жаҳон туркийшунос олимлари атроф-лича талқин қилишади. Ҳ.Вамбери бу сўзни қыз «қизиллик», «қизимоқ», қызы- «қизимоқ», «қизил» сўзлари билан боғлайди<sup>1</sup>. Бу фикрга В.В.Радлов<sup>2</sup>, В.Банг<sup>3</sup> ҳам қўшилади. В.Банг талқинига кўра «қизил» сўзи қыз- ва -сыл «қизғиш» формантларидан келиб чиққан бўлиб, қыз- «қизи-асосли феълга -сыл сифат нисбатини ҳосил қилувчи қўшимчанинг бирикишидан ҳосил бўлган. Ҳозирги ўзбек тилида бу -сил қўшимчасининг -мчил/-мтил фонетик вариантлари истеъмолда. Масалан, оқимчил, кўкимчил, кўкимтил, сарғимтил сингари [4].

«Қизил» сўзи семантик жиҳатдан феълдан келиб чиққанлиги билан яшил сифатига ўхшайди: йашы-л. Бу фикрни эса Г.Дёрфер<sup>4</sup>, К.Ҳ. Менгес<sup>5</sup>, А.Габен<sup>6</sup>, Брокелман<sup>7</sup>лар ҳам тасдиқлайдилар. Г.Рамстедт<sup>8</sup> ва Н.Поппелар<sup>9</sup> туркий тилдаги «қызыл» сўзини мўғул тилидаги эрталаб куёш чиқишидаги ҳамда кечкурун куёш ботишидаги «шафақ қизариши» маъносидagi kiraga сўзи билан боғлашади. Бу фикрни Г.Дёрфер маъқулламайди; мўғул ва туркий тиллардаги бу сўзнинг тарихий этимологияси мос келмаслигини қайд қилади.

Қызыл сўзи қадимги туркий тилда qizqil тарзида қўлланган бўлиб, «малла» маъносини англаган ва бу сифат от рангига нисбатан қўлланган<sup>10</sup>. Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зот – Алишер Навоийнинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий ижод даҳоси замон ва чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз. Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирор бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса,

<sup>1</sup> Vambery H. Cfgataishe Sprachstudien enthaltend grammatikalischen Umriss, Chrestomatie und Worterbuch der Cagataischen Sprache. Leipzig, 1867. – P. 80-90

<sup>2</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. – СПб., 1996. – 826 с.

<sup>3</sup> Банг В. Das negative Verbund der Turk sprachen. SPAW. XVII–XX. 1923. – 298 p.

<sup>4</sup> Doerfer G. Turkleche und mongoleche Elemente in Neupersischen... I. Mongoleche Elemente im Neupersischen. Wiesbaden. 1963.

<sup>5</sup> Menges K.H. Glossar zu den volkskundlichen Texten aus Ost-Turkestan, II. Wiesbaden. Jahr, 1954, № 14.

<sup>6</sup> Gabain A. Altürkische Grammatik. 2. Aufl. Leipzig, 1950.

<sup>7</sup> Brockelmann OGM – Ostürkische Grammatik der Islamischen Literatursprachen Mittelasiens. Leiden. 1954.

<sup>8</sup> Ramstedt G.J. Studies in Korean etymology. Helsinki, 1949. – 112 б.

<sup>9</sup> Poppe N. Altaich und Urtürkisch. – UJb., 6, ½. Berlin–Leipzig, 1926. – 111 p.

<sup>10</sup> Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – 450 с.

Навоийга бадиъат ва ёвтиқод билан қарамаса, Алишер Навоий иккундан шундан бир умматки, ундан исталган касб эгаси маъно дурларини таради. Шу жумладан, сўз гавҳарин терувчилар ҳам. Фикримизни таҳлилга тортган сўзимиз доирасида ибтотлашга ҳаракат қиламиз.

Алишер Навоийнинг “Наводируш-шабоб” асарида эса қизил рангни билдирувчи сўзлар адади 15 тадан кўп (қуйида келтириладиган байтлар айнан шу асардан олинган) [5], бу парадигмага кирувчи сўзлар серунум синонимик қаторни ҳосил қилади: **қизил, ол, сурх, аҳмар, шингарф, лавн, алвон, ҳумрат** ва бу синонимик қаторнинг доминантаси туркий этимологик қатламга хос **қизил** лексемаси ҳисобланади.

*Кўзум қизарди, қизил ашк рангидин гарчи*

**Қизил** бўлур сую, бўлмас анга ҳубоб **қизил**. («Наводир-уш шабоб»дан)

Синонимик қаторда доминанта бўладиган сўз эмоционал-экспрессив бўёқ ҳамда услубга нисбатан нейтраллиги билан характерланади, шу боис у турли қўшимча белги-ху-сусиятларга нисбатан оралиқ ҳолатда бўлади. Синонимик қатордаги сўзлар маънони қай даражада ифодалаши жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Баъзи сўзлар белгини нормал (нейтрал) даражада ифодаласа, бошқалари кучли ёки кучсиз даража билан ифодалайди.

Буюк шоир Алишер Навоий қизил рангига энг яқин синоним сифатида арабча тарихий этимологик қатламга хос **ол** ҳамда эроний этимологик қатламга оид **сурх** сўзларидан фойдаланади.

*Чу ёздинг субҳиға ёрлиқ босарға ол тамғасин,*

*Шафақдин ҳал қилиб шингарф қилдинг, меҳрдин хотам.*

\*\*\*

*Бир қадаҳ май бирла бўлди сурхрў аҳли ҳумор,*

*Кун аро гўёки маҳлул айламиш ҳаммор лаъл.*

Асар тилида қўлланган барча ўзлашма қатламга хос қизил рангни ифодаловчи сўзлар белгининг ортиқлигини кўрсатиш учун хизмат қилган. Демак, сифатнинг орттирма даражаси лексик усул билан, шунингдек, ўзга тилларга оид лексик бирликлар орқали намоён қилинган. Қуйида келтирилган арабча **аҳмар** ва **лаъл** сўзлари ҳам шу фикрнинг исботи учун хизмат қилган:

*Захмлик кўнғлум лабинг шавқида бўлмиш қон аро,*

*Лаъли руммони била ёқути аҳмар кўнғлидек.*

\*\*\*

*Хотами лаъл оғзидур, лек ҳадиси жон олур,*

*Заҳр ниҳон қилибдурур лаъли магар нигин аро.*

Шуниси характерлики, шоир байтда ийҳом санъатидан усталик билан фойдаланади: бир байтнинг ўзиде иккита қизил рангни ифодаловчи сўз қўлланиб, икки лексик ва икки грамматик маънони юзага чиқариш учун хизмат қилган. (Агар биринчи мисрада **лаъл** ранг маъносини берган бўлса, иккинчи мисрада **лаъл** инжу маъносида қўлланилган).

*Чу ёздинг субҳиға ёрлиқ босарға ол тамғасин,*

*Шафақдин ҳал қилиб шингарф қилдинг, меҳрдин хотам.*

Яъни, арабча **ол** сўзи рангнинг оддий даражадан ортиқлигини ифодалай олади, шоир ҳис-туйғуларини янада орттириб кўрсатиш учун форс-тожикча **шингарф** сўзини қўллаган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида **алвон** сўзи қизил рангнинг оддий даражадаги белгисини ифодалайди. Алишер Навоий эса бу мақсадни ифодалаш учун **лавн** сўзини қўллайди.

*Соқиё, бир бода тут, дўзах ўтидек ҳирқати,*

*Лек жаннат кавсаридек лавн ила сафват анга.*

Шоир Алишер Навоийнинг сўз маъносини жуда теран мушоҳада этиши ва улардан назмий жавоҳирларида ўринли ҳамда таъсирчан фойдалана олиши китобхонни қайта-қайта ҳайратга солаверади. Кейинги байтларда шоир рангнинг кўзланган мақсаддан ҳам ортиқлигини намоён қилиш учун **алвон** сўзидан фойдаланади. Маълумки, араб тилида грамматик категориялар икки йўл билан: а) ички флексия; б) ташқи флексия орқали ҳосил бўлади, яъни арабча сўз бўлмиш оддий даражадаги **лавн** сўзи араб тили учун хос бўлган ички флексия билан ҳосил бўладиган **алвон** орқали юзага чиқарилади, демак белгининг орттирма даражаси мазкур сўз зиммасига юкланади:

*Неча байрамларда кийган жандасин фақр аҳлининг*

*Хор кўрма, эйки хильятдур неча алвон санга.*

Арабча *хумрат* сўзи сифатдан ҳосил бўлган от *қизиллик* семасининг ифодаси учун “Наводируш-шабоб” асари тилида қўлланган. Бу сўз, ўз навбатида, бир неча қизил ранглар мажмуининг ифодаси учун келтирилган, яъни *хунхора*, *қон ила мамзуж*, *май каби*.

*Хумрат этмиш ошкор ул усруку хунхора кўз,  
Қон ила мамзуж май гўёки ошом айламиш.*

Алишер Навоий ўз асарларининг сержило, пурмаъно ва услубий жиҳатданг ранг-баранглигини таъминлаш учун талай синонимлардан фойдаланган. Бундай ифода мустақил лексемалар билан рўёбга чиққанлигидек, сўз ясовчи қўшимчалар орқали ҳам ҳосил қилинган. Бундай ифода имконияти белгининг ортиқлигини кўрсатиб беришга хизмат қилиш билан бирга, услубий ранг-барангликни таъминлаган. Хусусан, форс-тожик тилидан сифат ясовчи -*гун* аффикси ҳам арабча, ҳам форсча сўзларга тенг қўшилиб, белгини, аниқроғи, қизил ранг белгисини ифодалаган.

*Меваедурким назар боғида баъзи тутти ранг,  
Қатра-қатра лаългун бу дона-дона ёш аро.*

\*\*\*

*Жолаларнинг полазор ичра йўқ онча зебиким,  
Лолагун рухсоринг атрофида дурлар зевари.*

\*\*\*

*Қатраи саҳбо Сухайлидин лабинг майгун эмас  
Ким, ақиқедур буқим ранг олур андин юз Сухайл.*

Шунингдек, тарихан форс-тожик тилига тегишли бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тили учун хос бўлмаган -*вор* аффикси орқали ҳам қизил ранги ифода этилган.

*Кўз қонидин демак этагим лоловордур,  
Ким, кўҳи дардининг этаги лолозордур.*

Шу ўринда юқоридаги бадий парчалар учун хос яна бир хусусиятни таъкидлаш жоиз кўрилади. Назмий парчаларда муайян тасвир воситаси соф ҳолда учрамайди. Албатта, алоҳида олинган бадий санъат бошқа бир тасвир воситаси билан қоришиқ ҳолда келиб, шоир ғоявий ниятини китобхонга равшан кўрсатишда ёрдам беради. Биламизки, адабий асардаги тўла маънодаги жозибаторлик, нафосат ва ғоявий-маънавий таъсирчанлик бадий сўзлар туфайли шаклланади, шоир ўша юксак шавқдан китобхонни ҳам баҳраманд этади. Буни биргина қизил сўзи мисолида кўриб турибмиз. Бундан ташқари, асар тилида қизил сифатининг ҳосил бўлишида композиция усули билан ҳам ишлатилган; мустақил лексема ҳисобланмиш *рўй* сўзи аффиксоидликка кўчиб, ранг маъносини ҳосил қилишда иштирок этган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу фикрни жозибали ва таъсирчан, ғоявий мақсадни ёрқин юзага чиқариш омили сифатида хизмат қилган.

*Насими лоларўйим маҳмилиға майл қилмаским,  
Қуюндек рашқдин хоки таним юз қатла тўлғонмас.*

Шарқ мумтоз адабиётида алоҳида ўринга эга бўлган Алишер Навоий асарларининг қўлами кенглиги ва даврлар ўтиши билан яна янги талқинларга асос бўла олиши кишини таажжубга солади. Шоир ижодида қўлланилган синонимлар барча даврларда ҳам нутқимизнинг бойлиги бўлганлигини, улар нутқ ширасига путур етказувчи ўринсиз такрорларнинг олдини олувчи тил воситаларидан эканлигини англаймиз. Зеро, синонимлар адабий тилни бойитиш манбаларидандир. Шоир ижодида келтирилган синонимлар бир-бирига яқин ранг маъносига эга бўлишдан ташқари, уларда ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари – услубий фарқлари борлиги кўрилади. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ўз фикрларини кўзланган мақсадга мувофиқ ифодалаш учун синонимларнинг ана шу хусусиятларидан фойдаланади ва синонимик қатордаги сўзлардан кераклисини - энг нозик фикрларни ифода эта оладиган ранг семасини воқелантирувчи вариантларни танлаб олади, бу лексик бирликларнинг энг сара муқобилларини танлаб олиб қўллайди [5]. Бутун ҳаётини, ижодини халқ ва унинг фаровонлиги учун бағишлаган улуғ шоир Алишер Навоий қолдирган маънавий мерос фақат ўзи яшаган давр учун қимматли бўлиб қолмади, балки шоир асарларида ёритилган масалалар ҳам, уларда қўлланилган ҳар бир сўз ҳам барча даврлар учун долзарб ва қимматлидир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 524 б.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: ЎзМЭ, 5-жилд, 2005. – 277 б.  
 3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. –Т.: Университет, 2000. – 538 б.  
 4. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм, – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б. 447.  
 5. Навоий Алишер. Наводируш-шабоб. 8-том. – Т.: Фан, 2006. – 621 б.  
 6. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. –Т.: Фан, 1984. –160 б.

## СЕМАНТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ АНГЛИЙСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ПО ОНОМАСТИЧЕСКОМУ КОМПОНЕНТУ

Насруллаева Нафиса Зафаровна

Старший научный сотрудник- соискатель СамГИИЯ, к.ф.н.

[nafisa82@bk.ru](mailto:nafisa82@bk.ru)

**Таянч сўзлар:** ижтимоий-маданий ахборот, тарихий қувват, тасниф, шахс номи, библиоизмлар, антропонимлар (якка ва гуруҳ), топонимлар, мифонимлар, мифлар, адабий манбалар, миллий-лисоний ўзига хослик.

**Ключевые слова:** социально-культурная информация, исторический потенциал, классификация, имя собственное, библеизмы, антропонимы (индивидуальные и групповые), топонимы, мифонимы, мифы, литературные источники, национально-языковая специфика.

**Key words:** social-cultural information, historical potential, classification, proper name, bibleisms, anthroponyms (individual and group), toponyms, mythonyms, myths, sources of literature, national linguistic specificity.

*Мазкур мақолада инглиз тили фразеологик бирликларининг ономастик компонентлар бўйича семантик таснифи тилнинг маданий ва тарихий ифодаси сифатида илмий тадқиқ этилган.*

*Настоящая статья исследует семантическую классификацию английских фразеологических единиц с ономастическим компонентом, связанным с культурой и историей носителей языка.*

*The article investigates semantic classification of English phraseological units with onomastic component connected with the culture and history of native speakers.*

Фразеология тесно связана с историей, культурой, традициями и литературой народа, говорящего на данном языке. Одним словом, фразеологизм - носитель социокультурной информации, то средство, на основе которого можно познать культуру любой нации. Эта связь наиболее четко прослеживается во фразеологических единицах, в состав которых входит имя собственное. Многие фразеологические обороты этого типа связаны с фактами давно забытых дней, событий и людей. Например, когда англичане употребляют выражение Hobson's choice - «отсутствие какого-либо выбора», они зачастую не знают что Hobson - фамилия реально существовавшего владельца конюшни, который не давал своим клиентам права выбора лошади.

Часто имя собственное в составе фразеологизма становится «потенциальным словом», «опустошенным» лексически, нередко наблюдается появление значений «общего рода», что само по себе является доказательством абстрактного характера значений имени собственного в единицах этого типа. Исторический потенциал, заключенный в имени собственном, проявляется в том, что оно неразрывно связано с разнообразными сферами человеческой деятельности. Наиболее отчетливо это можно проследить на примере фразеологизмов с компонентом «имя собственное» [2, 191].

Собственные имена имеют три основных источника: переход лексической единицы в имя собственное, переход имени собственного из одного разряда в другой, заимствование иноязычных имен собственных. Они могут быть созданы и искусственно.

К именам собственным (онимам) относятся антропонимы (собственные имена людей), топонимы (собственные имена географических объектов), теонимы (собственные имена божеств), зоонимы (имена и клички животных), астронимы (собственные имена небесных тел), космонимы (собственные имена зон космического пространства и созвездий), фитонимы (собственные имена растений), хрононимы (собственные имена отрезков времени, связанных с историческими событиями), идеонимы (собственные имена объектов духовной культуры),

хремотонимы (собственные имена объектов материальной культуры) и др. Один и тот же оним может быть топонимом, антропонимом, зоонимом и т.д.

Все имена собственные обладают неким значением предметности, т.е. частью их содержания является как бы сообщение о существовании некоего предмета или класса. Большинство имен собственных обозначают какой-то класс предметов, среди которых один выделяется особо. В значении имени собственного можно выделить примерно 4 компонента:

Бытийный, как существование и предметность обозначаемого. Этот компонент является общим для всех предметно-словесных знаков.

Классифицирующий, как принадлежность предмета к определенному классу – денотату имени (денотатом антропонимов, например, являются люди, денотатом топонимов могут быть континенты, океаны, моря, реки, острова и т.д.).

Индивидуализирующий, как специальная предназначенность данного имени для наре чения одного из предметов в рамках денотата, т.е. референта.

Характеризующий, как набор признаков референта, достаточных для того, чтобы собеседник понимал, о чем или о ком идет речь.

Однако этими компонентами семантика имени собственного не ограничивается: имена собственные имеют также способность приписывать какие-то свойства ряду объектов, т. е. приобретают свойства нарицательных. Таким образом, значимость имени собственного выделяется в языковом плане. Она уравнивает собственные имена с другими частями речи, выделяя и объединяя их друг с другом.

ФЕ с компонентом именем собственным в основе своего происхождения имеют следующие источники: история и традиции Британии и США, литературные источники, в том числе Библия, античная мифология. Причем большинство фразеологизмов с именами собственными имеют исторические и культурологические корни.

Во фразеологизме имя собственное имеет определенное значение, придает всему выражению эмоциональную окраску и семантическую выразительность. Существуют различные классификации фразеологизмов с компонентом «имя собственное»: по гендерному признаку (И.В. Зыковой), по семантическим особенностям (А.Ф. Артемовой, О.А. Леонович). Наиболее полной является классификация, составленная А.Ф. Артемовой и О.А. Леонович на основе работ Смита Логана, выделяющая 4 семантические группы фразеологизмов:

1. Фразеологические единицы, в состав которых входят библейские имена собственные. Они содержат неисчерпаемую культурно-историческую информацию. Библизмы существуют в языках всех стран, история которых в той или иной мере связана с христианством. Однако никакой другой язык не испытал на себе такого заметного влияния Библии, как английский. В течение столетий Библия была наиболее читаемой и цитируемой в Англии книгой. Не только отдельные слова, но и целые идиоматические выражения вошли в английский язык с ее страниц. Результатом этого является широкое проникновение в язык и частое употребление библейских выражений. Ссылки на библейский текст – весьма распространенное явление в английской литературе [1, 73]. Приведем в пример следующие библейские фразеологизмы:

A doubting Thomas – Фома неверующий, т.е. человек, которого трудно заставить поверить чему-либо. ФЕ возникла из евангельской легенды о том, как один из апостолов Фома, когда ему рассказали о воскресении распятого Христа, не поверил этому.

The land of Nod – царство сна, возникло в результате игры слов, основанной на одинаковом звучании английских слов nod - дремота и Nod - название библейской земли Нод, куда был сослан Каин после убийства Авеля. Выражение создано Дж. Свифтом: go into the land of Nod – отправиться спать («Polite Conversation»). The apple of Sodom – красивый, но гнилой плод; что-л. сулящее удовольствие, наслаждение, но приносящее лишь горькое разочарование. По преданию, около города Содома росли яблоки, превращавшиеся при первом прикосновении к ним в дым и пепел. Другими примерами ФЕ, в состав которых входят библейские имена собственные, служат: a Juda's kiss – поцелуй Иуды, предательский поцелуй; old as Adam – стар как мир; the daughter of Eve – представительница прекрасного пола.

2. Фразеологические единицы, включающие имена собственные, связанные с античной мифологией. Мифонимия – это своеобразный сектор ономастического пространства, созданный наподобие реальной его части. В него входят имена людей, животных, растений,

народов, географических и космографических объектов, различных предметов и т.д., в действительности никогда не существовавших. Особое место в нем занимает теонимия (имена богов), наиболее ярко представленная в религии, и демонимия (наименования различных духов).

В английском языке, как и в языках других европейских народов, являющихся наследниками античной культуры, много образных выражений, возникших у древних греков и римлян. Немало среди них и содержащих имена собственные [1, 74]: Pandora's box – ящик Пандоры (источник всяческих бедствий); between Scylla and Charybdis – между Сциллой и Харибдой (безвыходное положение); a labour of Sisyphus – сизифов труд (тяжелый и бесплодный труд); Lares and Penates (книжн.) – лары и пенаты (то, что создает уют, домашний очаг); the thread of Ariadne (книжн.) – ариаднина нить, путеводная нить (способ, помогающий выйти из затруднительного положения); Achilles' heel – ахиллесова пята (слабое, уязвимое место); Augean stable(s) – авгиевы конюшни (загрязненное место); the sword of Damocles – дамоклов меч (нависшая опасность); to cross the Rubicon – перейти Рубикон (сделать решающий шаг); a Trojan horse – скрытая опасность; a Hercules' labor – геркулесов труд (исключительно трудное дело).

Основная масса выражений с компонентом-мифонимом возникла на базе сходства поведения: David and Jonathan – Давид и Ионафан, «неразлучные друзья» (Ионафан – сын царя Саула, друг Давида, будущего царя Израиля, который много раз укрывал Давида от гнева его отца, завидовавшего популярности Давида среди народа и боявшегося, что тот займет его престол). Например: «And David lamented with his lamentation over Saul and over Jonathan his son». Фразеологическому значению сравнительных библейских оборотов свойственна двуплановость, поскольку одно сравнивается с другим: as old as Methuselah – стар как Мафусаил, «очень стар».

Фразеологические единицы данного типа обладают высокой степенью семантической целостности, которая основывается на отсутствии мотивированности единого значения фразеологизмов значениями компонентов, их составляющих, на современном этапе развития языка. Представляя собой лаконичные формулировки идей и представлений, конденсируя сложные образы, античные мифы, библейские легенды, они вызывают ряд ассоциаций. Недостаточное знакомство с конкретными их условиями возникновения приводит к тому, что значение фразеологических единиц с именем собственным библейского и античного происхождения понимается неправильно. Для правильного понимания и употребления необходимо знание конкретных условий их появления, т.е. их этимологии [3, 84].

3. Фразеологические единицы, в которых имя собственное связано с бытом, литературой и фольклором англичан. В данную группу входят:

а) фразеологические единицы с традиционными, популярными мужскими и женскими именами. Такие английские имена, как Betty, Tom, Jack, John, Mary и др. стали носителями определенных черт характера людей. Так, например, имя Jack чаще всего ассоциируется с веселым, проворным парнем: before you say Jack Robinson – в два счета, в мгновение ока, и ахнуть не успел; Jack is as good as his master – работник не хуже хозяина; the house that Jack built – дом, который построил Джек.

б) фразеологизмы с именами выдающихся людей своего времени: монархов, политических деятелей, ученых – или людей, прославившихся добрыми или дурными делами: Joe Miller – старый анекдот, избитая острота (по имени человека, опубликовавшего первый сборник анекдотов); Murphy's law – закон подлости, закон бутерброда.

в) фразеологические единицы, в которых имена собственные взяты из литературных источников: Mark Tapley – неунывающий человек (по имени персонажа в романе Ч.Диккенса «Мартин Чезэлвит»); Barkis is willing – «Баркис не прочь», мне очень хочется (Баркис – персонаж романа Ч. Диккенса (Давид Копперфильд)).

г) топонимы как имена собственные обслуживают категорию географических объектов, это могут быть континенты, океаны, моря, страны и т. д. В связи с этим классифицирующий компонент значения у топонимов нередко получает формальное выражение. Во-первых, название денотата может являться неотъемлемой частью самого названия, например, the Strait of Dover, Coney Island. Во-вторых, обозначение денотата может входить в топоним как некая псевдоморфема: Kingstown, Peterborough. В-третьих, существуют морфемы,

специфичные для денотата, но не называющие его прямо. В английском языке его функцию выполняет окончание, например, -ton, -field, -bridge, -burg, -shire, land и другие. Потенциально безграничное количество возможных географических объектов, а также различная степень их значимости для общества приводят к тому, что языковой статус различных групп топонимов различен. Фразеологизмы, содержащие названия улиц, районов, достопримечательностей Лондона, со временем стали обозначать род занятий или социальное положение живущих или работающих там людей: Downing street – правительство Великобритании; Fleet street – английская пресса; Harleystreet – врачебная профессия.

д) фразеологические единицы с названиями английских графств, областей, районов, городов, рек. Например, фразеологизм go to Bedfordshire имеет значение «идти спать, отправиться на боковую» (название графства имеет созвучие со словом bed – кровать).

4. Фразеологические единицы с именами собственными, возникшими из американского варианта английского языка: Arkansas toothpick – арканзасская зубочистка, т.е. длинный охотничий нож; Chicago pineapple – чикагский ананас, т.е. граната. Фразеологические единицы с именем собственным, возникшие на американской почве принципиально ничем не отличаются от британских. В их состав входят имена собственные, связанные с американской действительностью, историей, литературой и т.п. Особенно богат фразеологизмами с именами собственными американский сленг. Как правило, это субстантивные фразеологические единицы, в которых топоним выполняет функцию определения: а Rip Van Winkle – Рип Ван Уинкл», отсталый, косный человек, ретроград (по имени проспавшего двадцать лет героя одноименного рассказа); the last of the Mohicans – последний из Могикан» (по названию романа). Могикане – вымершее племя североамериканских индейцев; Arkansas lizard (в старом военном сленге) – вошь, (букв.) арканзасская ящерица (от штата Арканзас); California blanket – газета, в которую заворачиваются бездомные, устраивающиеся на ночлег на улице, (букв.) «калифорнийское одеяло». Фразеологические единицы с именами людей – антропонимы - называют, но не приписывают никаких свойств. Они обладают понятийным значением, в основе которого лежит представление о категории, классе объектов. Этому значению присущи следующие признаки:

1) указание на то, что носитель антропонима - человек: laugh like little Audrey - "смеяться, как малышка Одри", от души смеяться; Billy Bunter - прожорливый, толстый, неуклюжий подросток; Brown, Jones and Robinson - "Браун, Джонс и Робинсон" - простые, рядовые англичане; Good-time Charlie - гуляка, повеса, прожигатель жизни.

2) указание на принадлежность к национально-языковой общности: David and Jonathan - Давид и Ионафан, неразлучные друзья; Dr. Jekyll and Mr. Hyde - человек, в котором одерживает верх то доброе начало, то злое; let George do it - пусть кто-нибудь другой это сделает, мне-то что за дело, пусть несёт ответственность другой.

3) указание на пол человека: Tom Tiddler's ground в отличие от nice Nelly.

В обобщенном значении, очень близком к значению местоимений, употребляются популярные английские имена в выражениях: To astonish the Browns – бросить вызов общественному мнению; Every Tom, Dick and Harry – всякий, каждый, первый встречный; To sham Abraham – притворяться больным, симулировать; Jack and Jill – неразлучная пара, влюбленные; Jack of the clock (перен.) – орудие в чьих-либо руках; John long the carrier – человек, медлящий с доставкой чего-то; Johnny Newcomer – новичок, молокосос; The Black Maria – тюремная карета; Johnny-come-lately – человек, пришедший в последнюю минуту.

В значении английских личных имен присутствует в большинстве случаев все три признака, в значении фамилий - только первый и второй признаки. Поскольку набор возможных признаков очень ограничен, получается, что на общезыковом уровне многие антропонимы обладают обобщенно-предметным значением, поэтому в качестве дифференцирующих эти признаки выступают не столько для отдельных имен, сколько для обширных групп антропонимов. Однако в речевой практике антропонимы постепенно обретают способность к более точной идентификации человека. Поэтому выделяют индивидуальные и групповые антропонимы [3, 81].

а) индивидуальные антропонимы: the admirable Crichton - "несравненный Крайтон", учёный, образованный человек, учёный муж; clever Dick - умница; big Bertha - "Большая Берта",

немецкая пушка большого калибра; blue Pete - флаг отплытия; John Hancock – собственноручная подпись.

б) групповые антропонимы: The Scavenger`s daughter - тиски (орудие пытки); Vox and Cox - люди, занимающие помещение поочередно; to astonish the Browns - бросить вызов общественному мнению; Dr. Jekyll and Mr. Hyde - человек, в котором одерживает верх то доброе начало, то злое. Этим именем стали называть человека, воплощающего в себе два начала - доброе и злое.

Исходя из вышеизложенного, можно сделать вывод о том, что изучение имен собственных в составе фразеологизмов вытекает из потребности их более глубокого понимания, так как имя собственное, войдя в состав фразеологизма, придает ему особое значение, связанное с культурным и историческим наследием языка.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. **Артемова А.Ф., Леонович О.А.** Имена собственные в составе фразеологических единиц //Иностранные языки в школе. - 2003. - № 4. - С.73-78.
2. **Болдырева М.В.** Использование фразеологизмов с компонентом «имя собственное» в современном английском языке //Сборник научных трудов конференции «Ломоносов - 2013». – Башкирский государственный университет, 2013. – С.191-193.
3. **Кучешева И.Л.** Лексико-семантический анализ имен собственных в составе английских и русских фразеологических единиц: лингвокультурологический подход //Иностранные языки в школе. - 2008. - № 5. – С. 81- 84.

### ЗООНИМ КОМПОНЕНТЛИ МАТНЛАРДА ОЛТОЙ ДАВРИ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ИФОДАПАНИШИ

**Тошева Дилдора Абдумаликовна**

*ЎзМУ Ўзбек филологияси факультети Тил назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** олтой даври, халқ оғзаки ижоди, мақол, зооним, семантика, ЛМГ.

**Ключевые слова:** алтайская эпоха, устное народное творчество, пословица, зооним, семантика, ЛСГ.

**Key words:** altay epoch, folklore, proverb, zoonym, semantics, LSG.

*Ушбу мақола олтой даври хусусиятларини ўзида акс эттирган зооним компонентли матнларнинг семантик тадқиқига бағишланган бўлиб, асосий эътибор олтой тилларидаги халқ оғзаки ижоди намуналари – мақолларда келтирилган зоонимларнинг ЛМГлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларига қаратилган.*

*Статья посвящена семантическому анализу текстов с зоонимическими компонентами, определяющими особенности алтайской эпохи. Особое внимание уделяется одному из жанров устного народного творчества – пословицам алтайских народов.*

*The article is devoted to the semantic analysis of the texts with zoonym components which reflect peculiar features of Altay epoch. A special attention is given to the samples of Altay folklore and to the LSG of zoonyms in proverbs and their characteristic features.*

Халқ тарихи маданият, маърифат тарихи билан узвий боғлиқдир. Ўзига хос тарихий тараққиёти, маданий ривож, этнографик хусусиятларига эга бўлган олтой халқлари турмуш тарзи, дунёқараши, маданияти ва этник қатламига доир маълумотлар халқ оғзаки ижоди асарларида, бадиий матнларда ўз ифодасини топади.

Фольклор намуналари олтой халқлари тарихида муҳим аҳамият касб этади, халқ дунёқараши, маиший турмуш тарзи, иқтисодий тараққиёт даражаси ва маданий ҳаёти ҳақида маълумот беради. Уларда асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган олтой халқларининг доно ўғитлари, билим ва тажрибалари, маданий ва маърифий дунёқараши ўз аксини топган.

Халқ қўшиқлари, афсона, ривоят, асотир, ибора, мақол ва маталларда зоонимларнинг қўлланиши бежиз эмас. Негаки зоонимлар олтой халқлари турмуш тарзи, маданияти билан бевосита боғлиқ. Олтой халқлари турмуш даражаси ҳайвонлар, паррандалар ҳаёти билан алоқадор. Айрим ҳайвонлар транспорт воситаси (от, эшак, туя, буғу, ит), ҳимоячи (ит)

сифатида хонакилаштирилган бўлса, ёввойи ҳайвонлар териси ёки гўшти учун ов қилинган, кишиларнинг моддий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган, паррандалардан гўшт ва тухум маҳсулотлари олинган. Ҳайвонларнинг айримлари инсоният ҳаётининг бир қисмига айланган. Кишилар бора-бора ҳайвонлар ҳаракатини, табиатини ўзлаштира борган. Жониворлар тимсоли орқали инсон хатти-ҳаракатини тасвирлаш, феъл-атворини ёритиш одат тусига кирган. Бундай ёндашув, даставвал, халқ оғзаки ижоди, хусусан, паремаларда, мақол ва ҳикматли сўзларда кузатилади.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида инсон турли нарса-предмет, ҳашарот ёки ҳайвон образлари орқали тасвирланиши мумкин. Бунда асосий эътибор муайян шахс ютуқ ва камчиликларига қаратилади. Аммо тасвирий ифода воситалари орасида жониворлар ўз ҳаёт тарзи ва бир-бирини такрорламайдиган одатларга эгаллиги билан ажралиб туради. Шу боис, қадимдан турли миллат вакиллари ўзлари яшаб турган ҳудуд табиати ва иқлимидан келиб чиққан ҳолда жониворларнинг ноодатий ҳаракатларини маълум бир воқеа-ҳодиса билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилишган. Масалан, ўзбекларда туянинг ғайритабиий ҳаракатланиб, “рақсга тушиши” кишининг қаттиқ келишини; олтой халқларида эса, ҳайвонларнинг бир-бирини ялаши ушбу йилда туғилиш кўп бўлишини; бир-бирининг жунини ейиши эса, халқда қирғин ва қаҳатчилик бошланиши, уруш бўлишини англатган.

Чуваш тилида олтой даврининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари бошқа туркий тилларга қараганда кўпроқ сақланиб қолган. Чуваш халқ оғзаки ижодида шахс тавсифи турли ҳайвон тимсоллари орқали ёритилган энг қадимги мақоллар ҳозирга қадар қўлланиб келинмоқда. Масалан, **эшак** тимсоли воситасида яратилган халқ мақол ва маталларида *тепағонлик*, *нодонлик*, *қайсарлик* каби семалар мавжуд бўлиб, улар кишини чуқур мушоҳадага чорлайди.

**Беда за бедой, когда осёл за спиной** (Орқангда эшак борлигини билсанг, фалокатни ҳис этавер) мақолида эшакнинг *тепағонлиги*, *жисмонан кучлилиги*, шунинг баробарида, *нодонлиги* ҳам тасвирланган. Негаки, орқасида жисмонан бақувват, аммо ақлан заиф одам бўлса, киши ўзини нина учидан ўтирган каби ҳис қилади. Хавф-хатарнинг олдини олиш чораларини излай бошлайди.

**Где смех, там и осёл** (Қаерда кулгу бўлса, ўша ерда эшак бор) дейилганда эса, ўйламай ҳаракатланадиган, укувсиз инсоннинг “кулгули” вазиятларга тушиб қолиши тасвирланган. Бу ўринда атрофидагиларга масхара бўлиб, ҳеч бир ишни эплай олмайдиган одамларга ишора қилинган.

**Глядя на мать, бери осла** (Онасига қараб эшак ол) мақоли ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланилади. Ўз маъносида жониворнинг зотдорлиги, ишчан ва бақувватлиги назарда тутилади. Негаки, ҳайвонлар подасида кўп ҳолларда ота уруғи номаълум бўлиб, насл онага қараб белгиланади. Ҳатто, эшак боласи сотилганда ҳам, эгаси унинг онасини мақтаб, харидорни жалб қилади. Кўчма маънода эса, эшак образи орқали инсонларга ишора қилиниб, “онасини кўриб қизини ол”, мазмуни англашилади. Яъни, қиз онадан ўрнак олади: нутқ одоби, уй-рўзғор буюмларини озода тутиш ва уларни саранжомлаш кўникмалари, умуман, барча ижобий ва салбий жиҳатлар онага қиёсан бажарилади. Бу мақол туркий халқларда фаол қўлланадиган “қуш уясида кўрганини қилади” мақоли мазмуни билан ҳамоҳангдир.

**Гнилая липа сто лет стоит, а осёл - двести** (Чирган дарахт юз йил турса, эшак икки юз йил турар) мақолида эшакнинг чидамлилиги ва жисмонан бақувватлиги назарда тутилган. Бинобарин, бу жонзот маънавий жиҳатдан маълум камчиликларга эгаллига қарамасдан, жисмонан жуда чидамли, ҳаракатчан ва оғир юмушларни бажариш учун инсоннинг кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутиши билан характерланади. Инсонга қиёслаганда *сабр-бардош ва қаноат* семалари акс этган. **В народе найдутся сильнее сильного, умнее умного и упрямее осла** (Халқда кучлидан кучли, ақлидан ақли ва эшакдан қайсарлар топилади) мақолида эса, *қайсар*, *ўз билганидан қайтмайдиган* инсонлар эшакка қиёсланган. Бу мақол халқ табиатини очиб бериш учун хизмат қилади. Демак, кўпчилик туркий халқлар мисоли чуваш халқида ҳам қайсар, айтганидан қайтмайдиган, бир сўзли, дангал инсонлар мавжуд бўлиб, уларнинг борлиги ҳам ижобий, ҳам салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Халқ вакилларининг бир сўзли, ўз сўзидан қайтмас бўлишлари уларга бўлган ишончни орттириб, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги учун муҳим аҳамият касб этади. Аммо айрим вазиятларда ҳаддан ортқ даражада қайсарлик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Мақол семаларидан хулоса

қилиб айтадиган бўлсак, инсон ҳамиша чегарани сақлай билиши ва меъёрдан ошмаслиги лозим.

Эшакнинг нодонлиги ва қайсарлиги акс эттирилган ҳамда воқеалар ривожи давомида инсонларга тегишли маслаҳатлар, ўғитлар берилган, панд-насиҳат руҳи акс эттирилган халқ оғзаки ижоди намуналари, муайян шахс томонидан яратилган асарлар талайгина бўлиб, улар инсоният бугуни ва эртаси учун қимматлидир. Юнон донишмандларидан бири Эзоп масалларида ҳам эшак образига тез-тез мурожаат қилиниб, турли тоифага мансуб инсонлар тимсоли яратилган. Устига туз ортилган эшакнинг бошидан кечирганлари ҳақида ҳикоя қилинган масалда ҳам эшакнинг нодонлиги, калтабинлиги ва эринчоқликнинг салбий оқибатлари баён этилган. Воқеалар ривожи устига туз ортилган эшакнинг тўсатдан тойиб кетиб сувга йиқилиши ва устига ортилган тузнинг эриб кетиши натижасида юкнинг енгиллашиши билан бошланади. Бир марта омади келган нодон эшак кейинги сафар “Сувга йиқилсам юким енгиллашади, кейин туриб кетавераман”, деб ўйлайди-да, атайин йиқилади. Аммо бу гал унга ювғич ортилгани туфайли юки янада оғирлашган жонивор уни кўтара олмай сувга чўкиб кетади<sup>11</sup>. Ушбу масалдаги эшак образи орқали ўйламасдан иш қиладиган инсонлар огоҳлантирилади. Шунингдек, ўз манфаатлари йўлида қинғир-қийшиқ йўллар билан амалга ошириладиган ишларнинг салбий оқибатлари ҳам кўрсатиб берилади. Масал хулосаси сифатида инсон ҳаётида рўй берадиган ҳар қандай вазиятда ҳам қийинчиликларни енгиш, турмушнинг паст-баландларига бардошли бўлиш лозимлиги ўқувчига ўқтирилади.

Шунингдек, бурят ва тува халқ мақолларида ҳам зоонимлар кенг қўлланилиб, улар турли лўғавий маъно гуруҳларини ҳосил қилади. Чунончи, қуйида келтирилган бурят халқ мақолларида *садоқат ва ишонч* семалари устун: **Конь познается в горах, а друг - в беде** (От тоғда (оғир вазиятда, қийинчиликда), дўст доғда (кулфатда) билинар); **В дороге надейся на коня, а в трудности - на друга** (Сафар чоғида уловинга, оғир дамингда ўртоғинга суян). Яъни, узоқ ва машаққатли йўлга чиққанда отга суянгандек, оғир дамда дўстга суяниш лозим.

Маълумки, қадимдан от туркий халқлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, ундан уй-рўзгор юмушларини бажаришда, далани шудгор қилишда, юк ташишда, жангу-жадалларда кенг фойдаланилган. Шунингдек, отнинг сути жуда фойдали ичимлик саналган. У тиббиётда даволаш воситаси сифатида қўлланилиб, кундалик ҳаётда истеъмол қилинган. Отнинг гўшти ва ёғидан озиқ-овқат маҳсулоти сифатида фойдаланилган. Ёли ва терисидан мўйнадўз, этикдўзлар турли кийим-кечак ва арқон тайёрлашган. Энг оғир, машаққатли ва узоқ йўлларда инсониятнинг яқин дўсти, сирдоши, ҳамроҳи ва суянган тоғи унинг тулпори бўлган. Шу маънода бурят халқи: **Одна чашка прокормит день, а табун лошадей - целый год** (Бир пиёла чой бир кун тўйғизар, бир бутун улов бир йил тўқ тутар), дея уларни эъзозлаган.

Олтой халқлари орасида байрамлар ва сайлларда, албатта, пойга ўтказилиб, энг тезкор ва шиддатли чавандоз рағбатлантирилган. Шу боис, зотдор тулпорлар халқ орасида жуда қадрланган. Қуйида келтирилган мақолда эса, чопқир от қудрати тасвирланган: **Хороший друг надежнее каменной крепости, а хороший конь быстрее ястреба** (Яхши ўртоқ тошли тўсин каби ишончли бўлса, яхши улов лочиндан-да тез). Шунингдек, зотдор отнинг ғолиб бўлиш-бўлмаслиги тўғри парвариш ва моҳир чавандоз ҳаракатига ҳам боғлиқ эканлиги **Лошади необходимо седло, мужчине - рассудительность** (Отга толиқтирмайдиган эгар, эр йигитга босиқлик ярашар) мақоли орқали ёритиб берилган. Яъни, отга қулай ва кишини толиқтирмайдиган эгар қўйиш қанчалик зарур бўлса, эр йигитнинг босиқ ва чидамли бўлиши ҳам шунчалик муҳим. Кишидаги сабр-тоқат ва чидамлилики каби ижобий хислатлар **Человек закаляется в труде, конь - преодолевающая горы** (Киши меҳнатда ҳақиқий инсон бўлса, тулпор тоғ кечи толмас бўлур); **Хорошего коня чесотка погубит, хорошего парня - водка** (Яхши отни қичима сўндирса, эр йигитни шароб хор қилар) мақоллари орқали ифодаланган. Биринчи мақолда кишининг қийинчиликларни енгиши ва жисмоний меҳнат қилиши – келгусидаги саодатдан нишона эканлиги айtilган бўлса, иккинчисида инсон иродаси ҳар қандай оғир дард ва ғамни енга олиши тасвирланган. Бинобарин, қичима касалига чалинган от ҳам, ароққа ружу қўйган инсон ҳам мустаҳкам ирода соҳиби бўлмаса, касалликни енга олмайди, таслим бўлади. Бурят халқ мақолларида эса, эр йигит ва унинг

<sup>11</sup> www.adabiyot.uzedu.uz

тулпори узоқ йўл азоби бўладими, очлик ё ташналикми, оғир дард, толиқиш, барча-барчасига бардошли бўлиши лозимлиги айtilган.

Ўзбек халқида *ёшликда олинган билим – тошга ўйилган нақш*, деган қараш мавжуд бўлиб, у ҳар бир киши иродаси, сабр-бардоши, маънавий олами ёшлигидан тарбияланиб бориши лозимлигига ишора қилади. Зотан, ёшликда инсон хотираси кучли ва мустақкам бўлади. Бурят халқида ҳам шу маънодаги мақол бўлиб, у халқни ёшлиқдан маърифатли бўлишга ва турли касб-хунар сарҳадларини эгаллашга чорлайди: **Необъезженного коня и детей учи с малых лет** (Минилмаган отни ёшлигидан қўлга ўргат, болани – илмга).

Тува халқ оғзаки ижодида ҳам зооним компонентли мақоллар кенг семантик тараққиётга эга. Чунончи, *меҳнатсеварлик ва яхши ният билан ҳаракатланиш* семалари устунлик қилувчи қуйидаги мақоллар кишини доимо олдинга интилишга, фароғатли турмуш учун ҳаракат қилишга чорлайди: **Ведро припаси - хоть нет коров, нет коня - аркан приготовь** (Сигир бўлмаса-да, челақ ҳозирла, отинг бўлмаса ҳам, арқон соз айла); **Кто рано утром встаёт, коня с седлом себе найдёт** (Эрта турган киши эгарли от топади). Дастлабки мақол яхши ният қилиб яшаш, тўсатдан кулиб боқадиган омадга ишонишга даъват этса, иккинчи мақол кишини кут-бараканинг борлигига ишонттиради.

Олтой халқлари, жумладан, туркий халқлар меҳнаткашлиги, оилапарварлиги, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни қадрлаши билан қадимдан ажралиб туради. Тува халқ мақоллари таркибида ҳам зоонимлар иштирокидаги оила ва уни қадрлаш, асраб-авайлаш семалари устувор бўлганлари талайгина. Масалан, **Воронята черны, да вороне дороги** (Болалари қора бўлса-да она қарғага – азиз) мақоли орқали оналарга хос самимий меҳр-муҳаббат нафаси уфуриб туради. Ўзбек халқидаги *Қора қўнғиз боласини оппоғим дер, тирпратикан юмшоғим* мақоли боласида бор камчиликларни пайқамайдиган, уни борица яхши кўрадиган, суйиб-эркалайдиган оналарга қарата айtilган.

**Оперится орлёнок - везде полетает, подрастёт ребёнок - везде побывает** (Қанот кўйган полапон ҳар ёққа учиб кўрар, оёқ чиқарган бола қизиқиб юриб кўрар) мақолида болаларга хос қизиқувчанлик ва ўзига хос жасурлик белгилари таъкидланган. **Вырастет конь из жеребёнка, человек - из ребёнка** (Саман тойчоқдан, инсон чақалоқдан улғаяр); **Верблюду стареет, верблюжонок растёт** (Туя қариса, боласи ўсар) мақолларида *от ўрнини той босади*, деган ғоя илгари сурилган. Яъни, инсон ҳар қандай шароитда улғаймасин, унда барибир ота-онаси ва умуман, ўз наслида бўлган хусусиятлар мавжуд бўлади. Шу сабабли ҳам қадимда хунармандлар, косиблар, заргарлар, этиқдўз ва мўйнадўзлар ишларини авлодлари давом эттирган. Асрлар давомида аждодлари қолдирган сир-асрорларни ўз фарзандларига ўргатганлар. Айниқса, туркий халқларда ота-боболар касб-корини, шунинг баробарида, барча инсоний фазилатларни, ментал хусусиятларни авлодларга етказиш анъана ҳисобланган. **Птица гнездо стережёт, человек детей бережёт** (Қуш инини кўриқлар, инсон – боласини) мақолида ота-оналарнинг ҳаммиша ўз фарзандларини асраб-авайлашга интилиши, уларга доимо яхшилик тилашлари таъкидланган.

Чуваш, тува, бурят халқлари алоҳида миллат, тил ва маданиятга мансуб бўлса-да, энг қадимги, олтой бобо тил даврига хос хусусиятлар бу халқларни бирлаштириб туради. Чунончи, эл-юртга садоқат, атрофдагиларга бўлган меҳр-оқибат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, оилапарварлик, фидойилик каби хислатларни ҳайвонлар тимсолида акс эттириш ҳар учала халқ вакилларига ҳам хос. Бу халқлар тилида олтой даври хусусиятлари кўп кузатилади. Чуваш, тува, бурят тилларида ҳозирга қадар қўлланиб келинаётган зооним компонентли матнларнинг мазмуни мазкур халқларнинг олтой давридан шаклланган этник-маданий қарашлари, яшаш тарзи, урф-одат, анъаналари билан боғланади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: ЎЗМЭ, 2003. – 712 б.
2. Кароматова К., Кароматов Н. Proverbs. Maqollar. Пословицы. –Т.: Mehnat, 2000. – 397 б.
3. Farrux Hasan o'g'li. Ziyo istagan qalblar uchun – Besh Muchal yoxud Inson asri. - [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
4. Феофраст. Характеры. – Л.: Наука, 1974. – С.120.
5. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент, 1990. – 523 б.
6. [www.adabiyot.uzedu.uz](http://www.adabiyot.uzedu.uz)

## АТОВ БИРЛИКЛАРИ ҚЎЛЛАНИШНИНГ МАХСУСЛАШУВИ ЛИНГВИСТИК МУАММО СИФАТИДА

**Тожиева Гулбаҳор Номозовна**

ҚарДУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

[tojievagulbakhor@rambler.ru](mailto:tojievagulbakhor@rambler.ru)

**Таянч сўзлар:** борлиқ, полифункционаллик, ихчамлилик, “эски фонд”, луғавий ва синтактик валентлик, “оказионал” ифода, асос ва ҳосилалар, маънонинг кенгайиши ва торайиши.

**Ключевые слова:** бытие, полифункциональность, сжатость, “старый фонд”, лексическая и синтаксическая валентность, “оказиональное” выражение, основа и производные, расширение и сужение значения.

**Key words:** existence, semi-functionality, compaction, “old fund”, lexical and syntactical valency, “occasional” expression, basis and derivative, extension and compaction of meaning.

*Мақолада атов бирликлари қўлланишининг махсуслашуви хусусида сўз боради. Лексемаларнинг грамматик шаклланган ҳолатида янги луғавий маъно касб этиши барча мустақил сўз туркумларида учраб турадиган ҳодиса эканлиги мисоллар асосида ёритилган.*

*В статье научно обосновано утверждение, что специализация использования номинативных единиц является лингвистической проблемой. На основе примеров доказывається, что при грамматической оформленности лексемы приобретают новые лексические значения, и это явление встречается во всех знаменательных частях речи.*

*The article deals with the specialization of the usage of nominative units. The examples given in the article prove that lexemes can have a new literal meaning when they are in grammatically formed state and that it is the situation peculiar to all parts of speech.*

Борлиқни онгда акс эттириш ва ифодалашда инсон учун тил асосий қуроллардан биридир. Унинг ёрдамида инсон борлиқ ҳақидаги тасавурларини умумлаштиради, хусусий кўринишларини ҳосил қилади, ажратади ва фарқлайди. Инсоннинг борлиқни ўзлаштириши узлуксиз жараён бўлиб, бу жараёнда тил ҳам тўхтовсиз ишлайди, инсоннинг беминнат кўмакчиси сифатида унинг “оғирини енгил қилиш” билан бирга, ўзи ҳам сайқалланиб боради, тил ифодаларининг маъновий қирралари ортиб, полифункционаллиги кучайиб боради.

Тил бирликлари борлиқ ҳодисаларини умумлаштириш босқичини босиб ўтгач, уларнинг бу умумийликка мансуб маълум бир хусусий кўринишларни бошқа алоҳидаликлардан ажратиш ифодалаш жараёни бошланади.

Тил тежамкор бўлиб, камдан-кам ҳолларда янги ифодалар ҳосил қилади, асосан, мавжуд бирликларидан унумли фойдаланиб, янгидан-янги шакл ва маъно яхлитликларини вужудга келтиради. Ҳатто, айтиш мумкинки, “человек не придумывает новых корней (новые корни появляются в языке в результате заимствования либо в результате переразложения, или опрощения основ – то есть из “старых” корней). С некоторой долей условности можно сказать, что человек не придумывает новых слов – он просто использует возможности существующих в языке продуктивных словообразовательных моделей, “активизирует” ранее не использовавшиеся, но потенциально существующие слова. Следовательно, потребность в обозначении новых объектов и ситуаций обеспечивается, главным образом, (хотя и не абсолютно) за счет использования уже существующих языковых единиц в новых значениях, то есть за счет полисемии” [4, 2]. Полисемия тилнинг ихчамлигини, ифода воситалари яшовчанлигининг системавийлиги ва барқарорлигини, фаоллиги ва давомийлигини таъминлайди. Тилда эски ва янгининг узвий боғлиқлиги ва муттасил ҳамкорлигини кўрамыз. Ижтимоий онгда тинимсиз ошиб борадиган янги тушунчаларни ифодалаш учун тил ҳар доим “эски фонд”идан восита танлайди ва уни янги мазмун билан бирлаштиради, натижада янги ва оҳорли ифода воситаси вужудга келади. Ҳар қандай борлиқ ҳодисаси ифодасида фонетик, лексик ва грамматик жиҳатлар уйғунлиги мавжуд. Бирор лексик восита фонетик ва грамматик хусусиятдан холи бўлиши мумкин эмас. Шу боисдан бу уч сатҳ тилнинг асосий “суяг”и саналади. Тилда янги ифодаларнинг вужудга келиши (юқорида айтилганидек, биз бунда том маънодаги янги ифодани эмас, балки янги тушунчани ифодалаётган эски ифодани назарда тутяпмиз)да лексика ва грамматиканинг янги муносабати вужудга келади. Масалан, мавжуд

маънолари асосида янги маънони ифодалашга ўтган тил бирлигида янги грамматик хусусиятлар ҳам вужудга келади. Дейлик, сўз янги ҳосила маъноси асосида ўзи мансуб туркумнинг бошқа грамматик гуруҳига кириб кетиши мумкин. Масалан, *очмоқ* феълнинг луғавий ва синтактик валентликларини аниқлаш орқали бунга амин бўлиш мумкин:

*Терговчи жиноятни очди.*

*Жиноят терговчи томонидан очилди.*

*Американи Веспуччи очди.*

*Гул очилди.*

1- ва 2-мисолда *очмоқ* феъли валентликларини тўлдирувчи сўз (терговчи)нинг маъноси ўзгармаган, лекин синтактик шакли (*терговчи* – бош келишиқда, *терговчи томонидан* – кўмакчили) ўзгарган. Демак, *очмоқ* лексемасининг маъновий валентлиги ўзгаришсиз сақланган, синтактик валентлиги ўзгарган. Бу ўзгариш *очмоқ* феълга *-ил* мажхул нисбат кўшимчаси томонидан киритилган. 3-мисолда эса феълнинг синтактик валентлиги ўзгаришсиз қолгани ҳолда маъновий валентлик ўзгаришга учраган. Чунки *Америка* сўзининг маъноси *очмоқ* феъли маъносига мувофиқ келмайди. Аммо синтактик шакли мос. 4-мисолда эса ҳам маъновий, ҳам синтактик валентликлар буткул ўзгарган. Чунки *гул* сўзи *очмоқ* феълга маъновий жиҳатдан мос эмас. Бундан ташқари, бирикувчи сўзнинг синтактик шакли (*гул* – бош келишиқ) *очмоқ* феълга *-ил* кўшимчаси кўшилиши натижасида ўзгаришга учраган” [6, 241]. “Таким образом, общим и единым механизмом семантического сдвига для предикатных слов (и других “признаковых” единиц) является изменение типа актанта – и соответствующие изменения ограничений на актанта (синтагматический фактор).

Среди других важных факторов, влияющих на семантические изменения и тип производного значения, можно выделить:

1) семантическую парадигму (класс) глагола и тип исходного значения (парадигматический фактор);

2) семантический процесс (метафорические и метонимические переносы; расширение и сужение значения)” [4, 2].

Грамматик ва лексик ҳодисаларнинг бундай тартибдаги ўзгариши лингвистик постулат сифатида атоқли тилшунослар томонидан кенг ва атрофлича ўрганилган [1]. Лексемаларнинг грамматик шаклланган ҳолатида янги луғавий маъно касб этиши барча мустақил сўз туркумларида учраб турадиган ҳодиса. Айниқса, бу от ва феъл туркумларида яққол кўзга ташланади. Мисолларга мурожаат қиламиз:

**АБАДИЙЛАШМОҚ.** Абадий мавжудликка эга бўлмоқ; мангулик касб этмоқ. *Хотираси абадийлашди.*

**АБАДИЙЛАШТИРМОҚ.** Абадий унутилмайдиган, йўқолмайдиган қилмоқ; авлодларга мангу қолдирмоқ. *Олимнинг номини абадийлаштирмоқ* [7, 25].

**АВТОМАТЛАШМОҚ.** Автомат асбоблар, машиналар билан қуролланмоқ, автоматика усулларида кўчмоқ. *Автоматлашган ишлаб чиқариш.*

**АВТОМАТЛАШТИРМОҚ.** Иш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматик асбоблар, машиналар асосига ўтказмоқ. *Таржима ва сўзлик яратиш жараёнларини автоматлаштириш жуда қулай ва бу катта иқтисодий самара беради.* Ғ.Саломов, Таржима назариясига кириш [7, 35].

Сон туркумига мансуб грамматик шаклланган *биринчи* сўзининг лексемалашган турли маъноларида луғавий ва грамматик яхлитликнинг ўзига хос кўринишлари кўзга ташланади:

**БИРИНЧИ 1.** *тртб. сон* Тартиб ўрни 1 рақами билан белгиланган, 1 номерли.

2. Қаторда энг олдинги ўринда турган, энг олдингиси, энг аввалгиси.

3. Бошқаларига нисбатан энг олдинги, бош; тўнғич. *Биринчи фарзанд.*

4. Санаб ўтилган, зикр қилинган ёки кўзда тутилган нарсаларнинг олдингиси, аввалгиси.

5. Иш-ҳаракатда ҳаммадан олдин қатнашган ёки қатнашадиган, энг аввалги, илк.

6. Энг аввал, илк бор пайдо бўлган, юзага келган; ҳаммадан олдин содир бўлган, юз берган; дастлабки.

7. Олдин кўрилмаган, энди илк бор юз берган.

8. (*-лар кўшимчаси билан*) Олдинги ўринни олган, олдинда боровчи; пешқадам, илғор. *У Мирзачўлга биринчилар қаторида келган эди.*

9. Малакаси, маҳорати жиҳатдан энг юқори, устун; энг моҳир. *Шаҳарда биринчи уста.*

10. Ҳаммасидан зарур, энг муҳим, асосий, бош.

Саналган маъноларнинг айримларида грамматик шаклланган *бир* сўзи бошқа бир грамматик яхпитликка ҳам эга бўлади: *биринчилардан* каби (8-маъно). Шунингдек, биринчи сўз шакли – *дан* чиқиш келишиги грамматик шакли билан ҳам ўз луғавий маъносини уйғунлаштиради:

**БИРИНЧИДАН** *крш. с.* Гапда санаб ўтиладиган нарса, воқеа-ҳодиса ва ш.к.нинг энг асосийсини, энг олдингисини кўрсатади ва “биринчи шуки”, “аввали шуки”, “аввало” каби маъноларни билдиради. *Биринчидан, халққа нуқул фойдали иш, чунки сиз халқни тўғри йўлга бошлайсиз; иккинчидан, юрт тинчийди, учинчидан, номингиз кўтарилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ман санга икки оғиз гапирай: биринчидан, пулнинг қадрини бил, лўлининг эшагини суғор, пулини ол.* Ойбек, Танланган асарлар [7, 247].

Асосий маънодан ҳосила маънолар ўсиб чиқар экан, улар ифодаланаётган тушунчанинг моҳиятига ҳар жиҳатдан – ҳам семик, ҳам грамматик жиҳатдан мувофиқлашади, акс ҳолда бир ёки санокли марта намоён бўладиган “оказионал” ифода сифатида тилнинг ишламайдиган бирликлари “музей”идан жой олиб кетаверади.

Ҳосила маъно вужудга келиши билан сўзларнинг бирикувчанлик хусусиятлари ҳам ўзгаради. Айниқса, лексеманинг грамматик шаклланган ҳолатида лексеманинг ҳам маъновий, ҳам синтактик валентликларида туб бурилишлар юз беради. Масалан, *келмоқ* феълнинг грамматик шаклланган ҳосилаларида вужудга келган янги маънолар бу феълнинг хусусий валентликларини *келишган* лексемасида буткул янгилаган. Ўзбек тилида *келмоқ* лексемасининг грамматик шаклланган ҳосилалари талай:

*келишган*  
*келишик*  
*келишимли*  
*келишмаган*  
*келишмовчилик*  
*келишмоқ*  
*келиштирмоқ*  
*келишув*  
*келишувчилик*  
*келтирмоқ*

Уларнинг баъзиларида *келмоқ* феълдан маъновий ва грамматик жиҳатдан анча узоқлашиш мавжуд бўлса, айримларида у билан маъновий алоқанинг бирмунча зичлигини кўра-миз. Асос ва ҳосилаларни ўзаро алоқадорликнинг зичлик даражаси бўйича қаторлаштирадиган бўлсак, даражаланиш қатори қуйидаги кўринишни олади: *келмоқ – келтирмоқ – келишмоқ / келиштирмоқ – келишув / келишувчилик / келишмовчилик – келишган/ келишмаган – келишик*. Бу ҳосилалар *келмоқ* феълнинг турли маънолари асосида шаклланган. Бунинг учун ушбу феълнинг маъноларини келтирамиз:

**КЕЛМОҚ 1.** сўзловчига қарама-қарши томон/жойдан у турган томон/жойга йўл олмоқ/етмоқ; *зид. кетмоқ, бормоқ.*

2. Сўзловчи бўлган/турган жойга ёки у томондаги жойга етмоқ; *зид. кетмоқ, жўнамоқ.*

3. Вақт маъноли ифодалар билан қўлланганда тегишли пайт/фуркат/замон етган/бошланганлиги.

4. **Шахснинг** ж.к.даги сўз билдирган иш/нарса/ҳодисада тўхташи.

5. Ж.к.даги сўз билдирган нарса-ҳодисага ўтиш.

6. **Нарса/ҳодисанинг** ч.к.даги сўз билдирган шахс ёки нарса томонидан бўлиши.

7. Боғланган сўз ифодалаган нарса юзага келиши.

8. Боғланган сўз билдирган ҳолатнинг бўлиши.

9. Эвази нумеративли сўзга эваз бўладиган миқдорни, шунга бериладиган/келадиган /олинадиган нарса.

10. Тенглик.

11. **-ган** қўшимчаси шаклида (**келган**) ч.к.даги сўз билан қўлланиб, шу сўз билдирган белги/ҳолатга мойиллик/ўхшашлик.

12. 2-ш. Буйруқ майли шаклида (**кел, келинг**) даъват/ундаш.

13. *Ёрд. фл. өзф. 1) шв.* боғлама вазифасида “бўлмоқ” маъноси [8, 347].

*Келмоқ* феълининг ҳосилалари бўлган янги лексемалар ушбу маънолардан бирини хусусийлаштириш натижасида ихтисослашиш, семантик ва синтактик жиҳатдан шакл ва вазибаларини уйғунлаштириш жараёнини бошидан ўтказди. Масалан, *келмоқ* феълининг энг яқин ҳосиласи бўлган *келтирмоқ* феълининг ҳар икки (**1.Келмоқ** феълининг орттирма нисбат шакли: *нон келтирмоқ*; **2.** Фикрни исботлаш учун бошқа фикр қўшмоқ. *Мисол келтирмоқ*) маъноси ҳам унинг иккинчи (“сўзловчи бўлган/турган жойга ёки у томондаги жойга етмоқ”) маъносини орттирма нисбат шакли билан бирикиб хусусийлаштирган ва шу ҳолдаги доимий қўлланиш грамматик шаклланган лексемага янги лексема тусини берган. Фақат *келмоқ* лексемасининг семантик валентлиги ўзгариб (ўрин/жой маъноли сўзлар ўрнига тафаккур маҳсули ифодалари), синтактик валентликлари ўз жойида қолади: *-дан, -га, билан каби.*

*Келишмоқ* феълининг маъноларида айрича моҳиятни кўраимиз. Лексема куйидаги маъноларга эга:

1. Маълум бир фикр/хулоса/битим/қарорда тўхтамоқ.
2. Муносиб/маъқул бўлмоқ.
3. **Бирор нарсага ўхшамоқ.**

Биринчи маъно *келмоқ* феълининг 4-маъноси асосида вужудга келганлигини ушбу феъл мазкур маъносининг изоҳидан англашимиз мумкин: “**4.** Ж. к. даги айрим сўзлар билан қўлланганда, шахснинг шу келишиқдаги сўз билдирган иш, нарса-ҳодисада тўхташини, шундай нарса-ҳодиса юз беришини билдиради. *Бир тўхтамоқ келмоқ. Шундай хулосага келмоқ. У ўйлаб-ўйлаб, бир фикрга келди шекилли, анча енгил тортиб: “Ҳаҳ, шунчалик осон гап экан-а”, деб илжайиб қўйди. К.Яшин, Ҳамза. Муқаддам анжомларини йиғиштириб бўлгунча, бир қарорга келди-ю, чақирди. Ў.Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол*” [8, 347]. Изоҳнинг биринчи қисмидаги “тўхташ” узви *келмоқ* ва *келишмоқ* феълларини маъновий жиҳатдан боғлаб туради. Бунда ҳам маъновий, ҳам синтактик валентликлар *келмоқ* феълининг бош маъносидан тўртинчи маъно асосида ўзгариб кетганлигини кўришимиз мумкин. Бунда синтактик валентликлардан фақат *-га* жўналиш келишигидаги сўз билан бирикиш, семантик валентликлардан эса қарор, тўхтамоқ, хулоса, фикр каби тафаккур тушунчалари ифодалари намоён бўлади. Демак, ушбу лексемада асосга нисбатан ҳам семантик, ҳам синтактик валентликлар тораяди: “Как исходные, так и производные значения глагола существенным образом связаны с семантическими характеристиками актантов. Поэтому, в принципе, при каждом глаголе должны быть указаны семантические ограничения на актанты, то есть заданы классы объектов (и соответствующих существительных), заполняющих его валентности. Для глаголов действия речь идет прежде всего о валентностях субъекта и объекта (агенса и пациенса). Однако в словарях при исходных значениях (в отличие от производных) такие ограничения обычно не указываются” [4, 9].

*Келишган* лексемасида ҳам маъновий, ҳам синтактик валентликлар буткул ўзгарганлигини кўраимиз:

“**КЕЛИШГАН** 1. *Келмоқ* фл. ўтг. зам. 3-ш. шакли. *Меҳмонлар кеча келишган.*

2. Қадди-қомати чиройли, хушбичим. *Келишган йигит. Қомати келишган қиз. [Муаттар:] Сен у йигитни кўрмабсан, дунёга келмабсан. Қалам қош, қуралай кўз, бир келишган, бир келишган эди. Н.Сафаров, Шарқ тонги. Бу тор, таранг кийимда унинг келишган қомати янада бўртиб турарди. С.Сиёев, “Отлиқ аёл”* [8, 346].

Луғатда бир-бирини тақозо этувчи маънолар сифатида берилган ушбу икки маъно орасидаги алоқа анча заифлиги билан характерланади. Аслида изоҳдаги биринчи маъно иккинчи маънони англаш оптималлигини таъминлаш учун келтирилган. Шаклан иккинчи маънодаги сўз маъно жиҳатдан *келмоқ* феълининг биринчи маъноси билан боғланишга эга эмас. Аслида бу *келмоқ* феълининг ҳосиласи бўлган *келишмоқ* лексемасининг “маълум бир фикр/хулоса/битим/қарорда тўхтамоқ” маъносидан келиб чиққанлигини айтиш мумкин. *Келишган* лексемасининг ушбу маъноси асос маънолардан анчайин узоқлашганлигини унинг белги билдирувчи лексемалар парадигмасига мансублик касб этганлиги (*чиройли, хушбичим, келишган, хушқомат* каби), шунингдек, ҳам семантик, ҳам синтактик жиҳатдан валентлик хусусиятларининг тубдан ўзгарганлиги билан асослаш мумкин. Белгининг агенси бош келишиқдаги сўз бўлиб, семантик жиҳатдан шахс билдирувчи сўзлар билан ифодаланади.

Ушбу ҳосила маънонинг метафорик кўчим асосида асос маънодан трансформация-ланишини таъкидлаш лозим. Зеро, сўзнинг асос лексемадан семантик-синтактик жиҳатдан фарқланиши метафорик кўчимнинг қувватига ишора қилади: “На уровне семантической

структуры это объективируется сначала общим представлением о характере её специального значения, указывая на то, что обозначаемый феномен есть агент действия трансформации. В специальном же значении знака, обозначаемого в языковом поле в виде профессиональной метафоры, дополнительно имеются весьма существенные дискретные элементы, определяющие специфику агента действия и самого действия. Наличие этих дополнительных элементов семантического значения, не вытекающих из значений компонентов, и делает метафору в её специальном значении знаком, т.е. семантически целостным образованием” [3, 231]. *Келишган* лексемаси кўшимча белгиларга эга бўлган, бу аввало, унинг грамматик жиҳатдан бутунлай бошқа туркумга мансублик касб этганлиги бўлса, синтактик жиҳатдан бирикувчиларнинг сифат жиҳатдан янгиланганлигидир. Кўринадики, бирикувчиларнинг чекланмаганликдан чекланганликка интилиши, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши маънонинг махсуслашувини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Шу маънода биз тадқиқотчи Г.И.Кустованинг қуйидаги фикрини методологик қийматга эга деб ҳисоблаймиз: “Если бы таких ограничений не было, то по мере появления в опыте и внеязыковой практике человека новых объектов просто расширялся бы круг актантов без изменения значения глагола, т.е. полисемии не существовало бы. На самом деле одновременно происходят два противоположенных семантических процесса: с одной стороны, круг актантов расширяется, и глагол “вбирает” все большее количество новых объектов – и в этом смысле исходное значение и прототипическая ситуация действительно выступают как источник некой “абстрактной схемы”, под которую “подводятся” разные объекты; но с другой стороны, происходит “приспособление” глагола к новым типам объектов, семантическое согласование с их признаками, что приводит к более или менее заметному сдвигу значения и формированию новых, производных значений” [4, 3].

Тилшуносликда асос маъно билан ҳосила маъно орасидаги муносабатларни тавсифлашда, маънонинг қандай усуллар билан ҳосил бўлиши, семантик ва синтактик валентликлар, яъни асос ва ҳосила актантларининг сифат ва миқдори билан биргаликда, асос ва ҳосила орасидаги семантик силжишларда маъно кенгайиши (умумлашиш) [2, 35-36] ва маъно торайиши (ихтисослашиш) [5] ҳодисалари ҳам фарқланади. Кўп ҳолларда сўзларнинг маъно кўчишлари метафорик ва метонимик асосларда бўлиб, кенгайиш ва торайиш кўринишларида воқеланади. Албатта, “кенгайиш” ва “торайиш” ҳодисалари мантикий ва лингвистик нуқтаи назарлардан тубдан фарқланиб, мантиқан кенгайиш борлиқнинг каттароқ парчасини, торайиш эса камроқ парчасини қамраб олиш сифатида тушунилса, лингвистик нуқтаи назардан, маънонинг кенгайиши мавҳумлашиш ва саёзлашиш тусида бўлса, маъно торайиши муайянлашиш ва чуқурлашиш сифатида талқин қилиниши мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР

1. **Апресян Ю.Д.** 1974 – Лексическая семантика. Синонимические средства языка. – М., 1974.
2. **Апресян Ю.Д.** Типы информации для поверхностно-семантического компонента модели “Смысл <=> Текст” // Wiener Slavistischer Almanach. Sonder-band 1. - Wien, 1980. – P. 76-79.
3. **Dirven R., Verspoor M.** Cognitive exploration of language and linguistics. – Amsterdam (Philadelphia), 1998. – P. 35-36.
4. **Зубкова О.С.** Метафора в профессиональной семиотике. – Курск: КГУ, 2011. – С. 231.
5. **Кустова Г.И.** Когнитивные модели в семантической деривации и система производных значений // Вопросы языкознания. - 2000. - № 4. – С. 3.
6. **Ullmann S.** Semantic Universals // Universals of Language / Ed. by J. Greenberg. M. I. T. Cambridge (Mass.), 1963; **Гак В.Г.** К проблеме общих семантических законов // Общее и романское языкознание. – М., 1972. – С. 145-151.
7. **Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. ва б.** Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Т.: ФТМ, 2010. – Б. 241.
8. **Ўзбек тилининг изоҳли луғати 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 5 жилдли. Т.Мирзаев таҳрири остида. 1-жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2006. – 25 б.**
9. **Ўзбек тилининг изоҳли луғати 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 5 жилдли. Т.Мирзаев таҳрири остида. 2-жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2006. – 347 б.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ РИТМИК-КОМПОЗИЦИОН ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА  
БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

**Ражабов Дилшод Зарипович**

*БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди*

**Маҳмудова Садоқат Холматовна**

*БухДУ Бошланғич ва мактабгача таълим услубиёти кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** халқ қўшиғи, поэтика, қўш қўшиқлари, образ, ритм, қофия, банд, бадиий санъат.

**Ключевые слова:** народная песня, поэтика, полевые песни, образ, ритм, рифма, стихотворная строфа, художественное искусство.

**Key words:** folk song, poetics, plough songs, character, rhythm, rhyme, line, literary art.

*Ушбу мақолада ўзбек халқ қўш қўшиқларининг бадиий талқинлари ва таҳлили берилган. Қўш қўшиқларининг ўзбек фольклорида тутган ўрнига алоҳида аҳамият берилган.*

*В данной статье представлены художественный анализ и трактовка полевых песен. Особое внимание уделяется роли полевых песен в узбекском фольклоре.*

*The article deals with the literary interpretation and analysis of Uzbek folk songs. A special attention is given to the role of plough songs in Uzbek folklore.*

Йиллар ва асрлар ўтгани сайин ибтидоий одам меҳнат қуролиларини тобора мукаммаллаштириб борди. Ов қуролиларини ибтидоий бир қадар шакллантириб олгач, ер ҳайдаш ва оловдан фойдаланишнинг самарали усулларини ўзлаштирди. Жамоа-жамоа бўлиб яшаш натижасида ўзига хос урф-одатлар, ирим-сиримлар, маросимлар шаклланди. Ана шуларнинг ўзида халқ айтишмалари, шеър қўшиқлари йилдан-йилга сайқал топиб борди. Қўшиқнинг ритмик-интонацион белгилари ҳаракат орқали шаклланди. Айниқса, қўш қўшиқларида образ ва тасвирлар ғоятда қуюқ поэтик бўёқларда берилди, қўшиқда илгари сурилган ғоя мантиқий боғлиқлик касб этади. Қўшчи ўз дарди ёки қувончини тўлароқ ифодалаш учун ҳам мазмун, ҳам шакл, ҳам вазн, ҳам оҳанг жиҳатдан бир-бирига мос равишда уйғун тўртликларни муайян бадиий-мантиқий изчилликда бир-бирига улаб куйлайверади. Натижада, бир неча, баъзан ўн-ўн бешта тўртликни қамраб олувчи яхлит қўшиқлар тизими ҳосил бўлади. Бундай қўшиқлар учун эса ҳар қандай руҳий ҳолат, турли вазият, меҳнат жараёни ва у билан боғлиқ маросимларни қамраб олувчи тўртликлар яратилган бўлиб улар халқ бадиий хотирасида сақланган.

Қўш қўшиқлари мустақил тўртликлар шаклида яратилган. Ундаги ҳар бир тўртлик ўзига хос ғоя ва бадиий воситалар тизимига эга. Бу тип қўшиқларнинг дастлабки икки мисраси ритмик-синтактик параллелизмлардан иборат бўлиб, улар кейинги икки мисра учун ритмик имконият ва қофия қолипни тайёрлашдан ташқари мантиқий-руҳий параллелизм сифатида муайян бадиий-эстетик вазифани ҳам бажаради.

Ана шу ритмик-синтактик, мантиқий-руҳий параллелизмни баъзан айнан, гоҳида жузъий ўзгартириш эвазига сақлаш билан кейинги икки мисра тамоман янги мазмунда ўзгартирилиб, янги қўшиқ яратилади. Жумладан:

*Шохларим бор чамбарак,  
Кўзларим ёнган чироқ.  
Қўшга тушсам меҳнатимдан,  
Эгамнинг бўлар вақти чоғ [1, 273].*

Тўртликнинг дастлабки икки мисрасида ифодаланган фикр ривожлантирилиши натижасида куйидаги тўртлик шакллантирилган:

*Шохларим бор чамбарак,  
Кўзларим ёнган чироқ.  
Дехқонлар минган чироқ,  
Сен ҳайвондан чақроқ [1, 273].*

Меҳнат қўшиқлари турига кирувчи қўш қўшиқлари ҳақида келтирилган фикрлар фольклоршуносликдаги анъанавий қарашлар асосида шакллантирилган. Гарчи қўш қўшиқлари мустақил тўртликлар сифатида кўзга ташланса-да, мазмун моҳиятига кўра яхлит фикрни талаб қилади. Таҳлилга тортилган сатрларда қўш қўшиғи таркибидаги товушлар гармонияси ўнлаб ифода-

тасвир воситалари учун асос бўлади. Биринчи тўртликда “ш” ундоши шундай яқраглик учун хизмат қилган бўлса, кейинги тўртликда “а”, ундан кейинги тўртликда эса “и” унлилари оҳанг учун алоҳида аҳамият касб этади. Дейлик, “а” унли олд қатор, қуйи кенг, лабланмаган бўлса, “и” ҳам олд қатор, юқори тор, лаб-ланмаган товушдир. Ана шу ўринда унлиларнинг фонологик хусусияти ҳамда фонема сифатидаги ўрни англашилади. Хўш, бунинг тўртлик ёки умуман қўшиқ композицияси учун нечоғлик аҳамияти бор деган савол туғилади. Халқ қўшиғининг “фоно-ритмик асоси” [3, 46] аллитерация, яъни товушлар гармониясида пайдо бўлади. Ана шу ҳолатда қўшиқнинг ритмик-интонацион бирлигидаги дастлабки асос шаклланади. Қўшиқнинг фоно-ритмик асоси товушлар тизимининг энгил ҳаракати натижасида секинлаштирилган темп орқали шеърнинг паузасида (тўхтамида), яъни туроқларида шаклланади [3, 47], дейди Б.П.Гончаров. Натижада шеърнинг маъно ва мазмунига, мусиқаси ва ритмига мос бирлик пайдо бўлади. Б.П.Гончаров бу хусусда сўзлар экан, шеърнинг фоно-ритмик асосига қуйидагиларни киритади:

- 1) товушлар йиғиндиси;
- 2) шеърнинг асосий тўхтамлилари (паузалар);
- 3) шеърнинг секинлаштирилган темпи [3, 47].

Ўзбек халқ қўшиғида эса юқоридагилар билан бир қаторда ритмик интонацион воситалар сифатида аллитерация, рефрен, қофияни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Зеро халқ қўшиғида кўпроқ ҳаракат ва мусиқа уйғунлиги рефренни талаб қилади. Бироқ такрор ва рефрен ҳақидаги баҳслар алоҳида масаладир.

Мисраларнинг бошланма вазифасида келиши ва поэтик қайтариқлари рефрен санъатини вужудга келтиради. Рефрен шеъринг матнда бандларнинг маълум бир ўринда айнан такрорланган мисраси ёки мисралардир. Бу такрорлар ғализликни эмас, балки қўшиқда ритмик оҳангдорлик ва ўйноқиликни таъминлайди.

Мисраларни алмаштириш усули, асосан, ритмик-синтактик параллелизмларда юз берса ҳам, бироқ бу ўринда мантиқий–руҳий параллелизмларни ҳам сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Чунки кейинги ўзгарувчан мисралар мавжуд вазн қолипиди, дастлабки ташланган руҳий асосга мазмунан мос келувчи, ғоя жиҳатдан шеъринг матн ғоясини давом эттирувчи ва яқунловчи мисраларнинг ягона қофия асосида бирлашишини талаб этади.

Демак, алмаштириш ритмик-синтактик, мантиқий–руҳий параллелизмларни сақлаш ҳамда уларни янги мазмун, янги образ, янги ғоя асосида ривожлантириш асосида янги қўшиқларнинг яратилишидаги синалган бадиий усул ҳисобланади.

Параллелизм халқ оғзаки ижодида фаол қўлланилган бадиий санъат – поэтик тасвир усулларида биридир. Бу усулда бир-бирига тенг бўлган икки ёки ундан ортиқ нарса –ҳодиса ёхуд белги-хусусият ёнма-ён қўйилиб, поэтик мазмун қиёсий таҳлил йўли билан очилади. Параллелизм қадимдан халқ қўшиқларида кенг қўлланилган бўлиб, фольклор ва адабиёт ўртасидаги ўзаро алоқалар жараёнида ёзма адабиётга ўтган. Масалан:

*Тоғларда бор новшати,  
Уни зарғар ушати.  
Қўлимдаги тол химча,  
Қовургангни қақшати.*

Тўртликда тоғдаги новшати билан тол химча деталлари ўзаро параллел ҳолда қўлланилган. Мазмун-моҳиятига кўра биринчи байтдаги мазмун иккинчи байтдаги моҳиятни очишга хизмат қилади, далиллайди. Бу мумтоз адабиётда мураккаб маънавий санъатлардан бири бўлган ҳусни таълилга мисол бўлади.

Ҳусни таълил–чиройли асослаш, бирор фикр ёхуд мақсадни асослаш учун муносиб далил келтириш санъатидир. Бу далил реал бўлмайди, балки уни қувватлаш учун келтирилган поэтик далил ҳисобланади. Ҳусни таълилнинг тўрт тури мавжуд бўлиб, мазкур мисол биринчисига тегишлидир, чунки “Аввалги тури улдурким, ул сифат ул нимада ҳақиқатта бўлур, аммо анинг кўрунуб турган сабаби бўлмас, ўшанга бир сабаб кўргузурлар” [8, 41].

Оҳангдош сўзларни маълум бир ўлчовда тузишни ўрганган одамлар энди улардан фақат дил овунчоғи, кўнгилхушлик воситаси сифатидагина эмас, балки ўткир маънавий қурол сифатида ҳам фойдаланганлар. Қўшиқ одамларни меҳнатга чорлаган. Вақт ўтган сайин шеър ёки қўшиқ қофиялари борган сари мукамаллик касб этган, улар шеър ёки қўшиқ

эмоционаллигини кўтариш, воқеа-ҳодисалар шиддатини ва шу каби жуда кўп мақсадларни амалга оширишга бўйсундирилган.

Кўш кўшиқларининг мазмуни ва шакли ҳамда қофияланиш тизимидаги турли-туман кўринишлар эътиборни ўзига жалб қилади. Кўшиқ мисраларининг кўпинча содда ва оддий қофияланиши кўзга ташланади.

*Эниб келдинг / экишдан / =7 бўғин*

*Тўрт оёғинг / кумушдан / =7*

*Очкўз бой / қарашмади / =7*

*Базўр чиқдинг / бу қишдан / =7 [1, 273].*

Келтирилган тўртлик мисралари етти ҳижоли бармоқ вазнида бўлиб, мисраларнинг 4+3=7 шаклида туруқланиши туфайли кўшиқ бир текисдаги изчил ритмга эга бўлаётир. Тўртликнинг учинчи мисраси очиқ қолиб, биринчи, иккинчи ва тўртинчи сатрлари қофия асосида ўзаро уйғунлашиб келаётир. “Экишдан”, “кумушдан”, “қишдан” сўзлари эса мисралар охирида бир хил оҳангдошлик асосида такрорланиб, ўзаро қофияланиб келган. Бунда “ш” ундош товушли аллитерациясини ҳам кузатиш мумкин. Модомики, “ш” сирғалувчи товуш констант аллитерация учун асос бўлиб хизмат қилаётган экан, ана шу фонеманинг матндаги ўрни қофияни ташкил этиш учун муҳим восита бўлаётир. Агар шеъринг парчада товушлар уйғунлиги маълум гармонияни ҳосил қилса, унда ритмик маром вазнининг ифодасида айрича аҳамият касб этади. Гарчи учинчи мисрада туруқлар 4+3 эмас, балки 3+4 шаклида бўлса-да, оҳанг яхлитликни таъминлаётир. Маълумки, унли ёки ундош товушлар аллитерацияси тилнинг товуш тизимида ифода топди. Товушлар йиғиндиси маълум бир нарса, ранг-тус, маза-таъм, сон-санок, ҳаракатнинг белгиси ёхуд ҳолати, шунингдек, ҳаракатнинг ўрнини ифодаловчи сўзга, яъни лексемага ҳам айланади. Эга аллитерация шу тизим асосидаги матндан англашилаётган фикр ва маънога ҳам таянади. Ниҳоят аллитерация ижро ва ритмда мусиқий уйғунликни ҳосил қилади. Сирасини айтганда, туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги “Девону луғатит- турк”да бу масала ифодасини бир қадар теран топиб улгурган. Юқорида таҳлилга тортилган тўртликда ягона умумлашган фикрни ритмик-интонацион бирлик ташиган мотивдан билиб олиш мумкин. *Экишдан эниб келганнинг тўрт оёғи кумушдан, аммо очкўз бой унга қарамаганлиги туфайли қишдан базўр чиқди*, – деган кўшма гап ҳосил бўлади. Натижада гапнинг том маънодаги эгаси яшириниб, грамматик марказ, яъни кесим орқали маъно англашилади. Бу ўз навбатида туркий шеърлар учун феъл-қофия асосдир, деган хулосани яна бир карра тасдиқлайди. Инверсияга кўра юқоридаги тўртликнинг ҳар бир мисрасидаги феъллар - “келдинг”, “қарашмади”, “чиқдинг” фақат бир феълга - “чиқди (чиқмоқ)”га бирлашади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида қофия жуда қадимийдир. Қофиянинг келиб чиқиши халқ шеърятининг юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, поэтик мисралар беагаги, мазмун ва мусиқийликни вужудга келтиришда шеъринг санъатлар қатори асосий воситалардан бири вазифасини ўтаб келган.

*Галагавда тўрт ҳўкиз, а*

*Тўртлови ҳам йўрт ҳўкиз. а*

*Ўз ишини тиндириб, б*

*Салманлаган йўрт ҳўкиз. а*

*Ўроқ олмоқ, олмоқ-солмоқ, а*

*Кўш ҳайдамоқ бормоқ-келмоқ а*

*Ҳаммасидан қийин экан, б*

*Эй ҳўкизим, рўзғор қурмоқ, а*

Юқоридаги тўртликларда мисраларнинг қофияланиш тартиби “а-а-б-а” шаклида бўлиб, биринчи, иккинчи ва тўртинчи сатрлар ўзаро қофияланиб келувчи бандлар тарзида тузилган. Кўш кўшиқларининг аксарияти шу зайлда қофияланган, лекин баъзи ўринларда “а-а-а-б” шакли ҳам учрайди. Жумладан:

*Ётар жойим ўнқир-чўнқир, а*

*Ётолмайман, тинчим йўқтур, а*

*Тана-тўшим бўлди чуқур, а*

*Мен кўшга қандай ярайин?! б*

Ёпиққинамни ўясан,                    а  
 Ярамга пахта қўясан.                    а  
 Юролмай қолсам сўясан,            а  
 Токай мен ҳам юрган бўлай?! б

Юқоридаги тўртликларнинг биринчи, иккинчи, учинчи, мисралари ўзаро қофияланиб, тўртинчи сатри очиқ қолган. Халқ қўшиқларида қофиянинг “а-а-б-б” шакли қўлланилсада, аммо қўш қўшиқларида бу тарздаги қофияланиш жуда кам учрайди:

Беришинг бир боғ буруғ,            а  
 Ҳайдашинг ботмон қўйруғ,        а  
 Мен қайдан илдам бўлай,            б  
 Сенга ишламай мен ўлай?! б

Қофия – шеър мусиқийлигини ва ритмини таъминловчи энг муҳим бадий воситалардан бири бўлиб, унинг яна бир муҳим вазифаси шеър қурилишида композицион уюштирувчилик вазифасини ўташида билинади: мисраларни бир-бирига қовуштириб, шеърнинг яхлит “организми”ни вужудга келтиради. Қофия орқали шеърий матн бир бутунликка, тугалликка эришади.

Қофиянинг шеърий матн қурилишидаги яна бир вазифаси шеър интонациясини (оҳангини) юзага келтиришга қўмаклашишдан иборат. Шеърнинг поэтик мазмуни, ундаги сўзлар оҳанги, ритми, вази ва банд тузилиши билан узвий боғлиқ ҳолдагина қофия ўз вазифасини ўтай олади. Шеъриятдаги ритм - ўққа, қофия - банддан бандга ўтаётган ўтга қиёс этилади. Бинобарин, ритм - шеърий нутқдаги муайян, бир-бирига монанд бўлақларнинг, сўз ҳамда товушларнинг маълум тартиб ва маромда такрорланиб келишидир. Ритм шеърда мисралардаги бўғинларнинг тенглиги, туюқ тартибини бир маромда такрорланиши билан яратилади [6, 31].

Ритмик нутқнинг юзага келиши ҳам меҳнат жараёни, шунингдек, кишилик жамиятининг илк ривожланиш давридаги иш фаолияти билан боғланади. Масалан, қўш ҳайдаётган деҳқон ўз ишига монанд ҳаракат қилса, деҳқончиликнинг иши енгиллашади, ёки алла айтаётган она қўшиқ маромига хос бешикни тебратса, бола ором олиб уйқуга кетади. Ҳатто, бугдой ўраётган ўроқчининг, ёрғичоқ тортаётган аёлнинг ҳаракатлари, раққосанинг рақси, айниқса, қўл, оёқ ёки юз ифодасида яққол кўринади. Демак, ритмнинг ҳосил бўлишида меъёр, вақт бирлиги ва такрор асос сифатида кўринади. Шунингдек, ритм мусиқийликни келтириб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, қўш қўшиқларида қўлланилган пурмаъно сўз, ҳижо ёки қофия ҳамда рангин радифлар эвазига ритм ҳосил бўлади. Умуман, халқ қўшиғида матннинг аҳамияти ва структураси ниҳоятда кенг маъно касб этади. Мумтоз адабиётда бўлгани каби халқ ижоди намунасида ҳам радиф ритм учун етакчи хусусият касб этади.

Халқ оғзаки ижодида мумтоз адабиётда мавжуд бўлган барча банд кўринишлари ва унинг оғзаки ижодга хос товланишлари учрайди. Булар орасида тўртлик шакли ва мисраларнинг кетма-кет қофияланиб келиши ҳамда тадрижли қофияланиш устунлик қилади.

Қўш қўшиқлари тўртликлар асосида қурилади. Зотан, тўртлик қўш қўшиқларида композицион бутунликни, ритмик бирликни юзага келтириш учун қулай шеърий шакл саналади. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, бундай қофияланишнинг ўзи қўш қўшиқларида ўндан ортиқ кўринишга эгадир. Қўш қўшиқларида учровчи яна бир қофияланиш тури тадрижли ёки воқеабанд қофиядир [6, 49].

Бундай тадрижий ёки воқеабанд қофияланиш, асосан, бандлараро юз беради, аниқроғи, ҳар бир банднинг сўнги сатрлари ўзаро қофияланади. Бунда бандлар кўп ҳолларда тўртликлардан иборат бўлади. Дастлабки тўртлик алоҳида, ундан кейингиларнинг уч мисраси ўзаро уйғунлашиб, қолган тўртинчи қатори биринчи банд мисралари қофиясига мослашиб боради. Буни воқеабанд қофия атамаси билан юритиш мақсадга мувофиқдир [6, 49]. Равшанлашаётирки, қофия нафақат мумтоз адабиётда яратилган асар учун, балки халқ оғзаки ижодининг турли жанрларида ёритилган асарлар учун ҳам муҳим ўрин тутади.

Ётар жойим ўнқир-чўнқир,  
 Ётолмайман тинчим йўқтир.  
 Тана-тўшим бўлди чуқур,  
 Мен қўшга қандай ярайин?! [2, 273].

*Қобирғам бор вассадай,  
Гаврон ясарлар ҳассадай,  
Ҳар бир кўзим шокосадай  
Мен кўшга қандай ярайин?! [1, 272].*

Юқоридаги тўртликларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи мисралари ўзаро қофияланса, тўртинчи мисрада бу ҳолат банддан бандга кўчаётир, шу боис ҳам Ф.Райхоновнинг фикрига таяниб иш кўриш мумкин, чунки халқ кўшиғида воқеабандлилик кўзга яққол ташланиб турибди. Бу ўринда товушлар такрори аллитерация ҳолатида учрайди. Биринчи тўртликнинг биринчи, иккинчи сатрлари Ё (графемаси) ҳарфи билан бошланиб, ундош+унли аллитерациясини пайдо қилган. Иккинчи тўртликдаги қофияни вужудга келтирган “вассадай”, “ҳассадай”, “шокосадай” сўзлардаги охириги “д”, “а”, “й” товушлари эпифара, яъни сатр охиридаги товушлар такрорини ҳосил қилган. Умуман, ўзбек халқ шеърида, айниқса, кўш кўшиқларда қофия кўпинча сатр охирида бўлади ҳамда бир тўртлик яхлит фикрни ифодалашга хизмат қилади. Тўртликнинг ажойиб шакли учун инверсия, сўз ўйини, мантиқий урғу, ассонанс, эпифара ҳамда аллитерация етакчи ўрин тутаяди.

Кўш кўшиқлари бармоқ вазнида яратилган бўлиб, унинг муаллифи халқдир. Бадиий изчиллик хусусида шуни ҳам айтиш керакки, асосий мисра ўлчовига нисбатан битта кам ёки битта ортиқ бўлган бўлиб туриши оғзаки поэзиянинг поэтикасида жоиз ва мумкин ҳисобланган. Бармоқ вазни қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, ўзбек халқининг энг қадимги оғзаки поэзияси намуналари асосида вужудга келган.

Ўзбек халқининг бизгача етиб келган қадимги оғзаки ижодига оид шеърий парча ва поэтик намуналар, кўшиқ ва термалар бармоқ вазнининг бой ва узоқ тарихга эга бўлган шеърий тизим эканлигидан далолат беради.

Кўш кўшиқларида бўғинлар миқдори 7,8 бўғиндан иборат бўлиб, туроқланиш тартиби  $4+3=7$ ,  $4+4=8$  тарзида бўлиши анъанавийлашган. Кўш кўшиқларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, унда мисраларнинг мусикавий уюшмаси фақат бўғинлар сонининг тенг бўлиши билан чекланмайди. Барча ўринларда мисра ўртасида туроқларга риоя қилиш қоидаси кузатилади.

Тўғри, туроқларга риоя қилиш ҳамма вақт ҳам изчил ва мунтазам бўлади, деб бўлмайди. Аммо ҳар галда бир банд доирасида ва ҳатто бир парча давомида муайян туроқлар сақланиб туради. Туроқ шеърда ритмик танаффус ролини ўйнайди.

Кўш кўшиқларида муболаға, кичрайтириш, қиёслаш ва шунга ўхшаш бадиий санъатлар муҳим ўрин тутаяди. Уларда бадиий санъатлардан фойдаланиш орқали меҳнат жараёнини талқин этиш халқ талантининг яна бир нурли қиррасини кўрсатишга хизмат қилади. Бадиий санъатлар кўш кўшиқларининг ўзига хослигини, латофати ва назокатини, ранго-ранглигини, жозибдорлигини ва таъсирчанлигини ифодаловчи поэтик тасвир воситаси ҳисобланади.

Кўш кўшиқларида бадиий санъатларнинг қўлланиши халқ тафаккурининг юқори савияда эканлигидан далолат беради:

*Бир тўнкариб ўгса ҳаво,  
Тошдай қотиб бедаво.  
Бир уйни кўрмайсан раво,  
Токай мен ҳам юрган бўлай?! [7, 49].*

Мазкур тўртлик интоқ санъатининг гўзал намунаси бўлиб, ҳўкизнинг шеърий нутқи ҳисобланади. Интоқ санъати “сўзлатиш”, “гапиртириш” маъносини билдиради. Бунда ҳайвонлар ёки жонсиз нарсаларни инсонларга хос бўлган хусусият, бу ўринда сўзлатиш орқали тасвирлаш назарда тутилади.

Юқоридаги тўртликда ҳўкиз тилидан меҳнатнинг рутубатли дамлари, қийинчилик билан гаврон азобини тортиши масал йўли орқали куйланган. Интоқ санъатини қўллашдан мақсад, ҳўкиз ва кўшчи ҳаёти нақадар аянчли эканлигини ифодалашдир. Кўш кўшиқларининг аксариятида интоқ санъатидан фойдаланилганлиги кузатилади.

Тўртликда интоқ санъати билан бир қаторда ўхшатиш санъати ҳам мавжуд. Ўхшатиш икки ёки ундан ортиқ нарса, ҳодиса, хусусиятларни улар ўртасидаги ўхшашлик, умумийлик (сифат, белги ёки функция) нуқтаи назаридан қиёслашдир. Тўртликда, “Тошдай қотиб мен бедаво” мисраси келтирилган бўлиб, бунда -*дай* кўшимчаси “янглиғ”, “сингари”, “мисли”, “мисоли” сўзлари ўрнида қўлланилган бўлиб, нолиш, норозилик мотивини пайдо қилаётир. Ҳамда

“хаво”, “бедаво” ва “раво” сўзлари қофия учун яхлит ритмик-интонацион бирликни ҳосил қила олган. Қўшиқнинг тўртинчи сатри “Токи мен ҳам юрган бўлай” тарзида образли фикр учун асос бўлган. Яъни “Хўкиз” образлантирилиб алам ва дардни ифода этаётир.

Қўш қўшиқларида қўлланадиган яна бир бадиий санъат тури истиорадир. “Истиора” арабча сўз бўлиб, “омонатга олиш, кўчириш” каби маъноларни билдиради. “Истиоранинг маъноси бир нарсани ориятга олишдир ва бу санъатнинг моҳияти шундан иборат, -деб ёзган шеършунос Рашидиддин Ватвот, - ҳар сўзнинг ҳақиқий маъноси бўлиб, шоир ... сўзни шу маъно нуқтаи назаридан нақл қилади ва бошқа бир ўринда ўша сўзни орият учун (бошқа маънода) ишлатади. Агар истиора табиий бўлса, сўзга гўзаллик бағишлайди” [9, 70].

Истиора икки предмет ёки ҳодиса (ўхшатилаётган ва ўхшатаётган) ўртасидаги ўхшашликка асосланади. Бунда ўхшатилаётган нарсага ўхшатаётган нарсанинг хусусиятлари, сифати, белгилари кўчириб ўтказилади.

Масалан:

*Қўш ҳайдайдиган саман сариқ,*

*Хўкизлари жуда ориқ.*

*Жовринлари қўтарилмас,*

*Ерда қолди бўйинтуруқ.*

Юқорида келтирилган тўртликдаги “саман сариқ” сўзи ўз маъносида эмас, балки кўчма маънода “хўкиз” тушунчасини англатишга хизмат қилган.

Қўш қўшиқларида жуда кўп учрайдиган санъатлардан яна бири сифатлашдир:

*Эниб келдинг экишдан,*

*Тўрт оёғинг кумушдан*

*Очкўз бой қарашмади,*

*Базўр чиқдинг бу қишдан.*

Илмий адабиётларда сифатлаш ёки тансиқ ас-сифат – бадиий адабиётда муайян предмет, воқеа-ҳодиса, тушунча ва кишиларнинг белги-хислатларини аниқлаш, изоҳлаш, тавсифлаш усули, [2, 357] дея изоҳланади.

Сифатловчи сўз аниқланмиш сўз билан бирикиб, ўз белги-хусусиятларини унга кўчирган ҳолда муайян ҳодисанинг у ёки бу томонларини аниқлаштиради. Сифатлашлар икки хил бўлади: оддий ва доимий. Доимий сифатлашлар халқ оғзаки ижодида, айниқса, эпосда кўп учрайди. Юқоридаги тўртликда “тўрт оёғинг кумушдан”, “очкўз бой” иборалари эпитетга мисол бўлади.

Хўкиз оёғининг кумушга менгзалиши қўшчининг хўкизга меҳр билан, хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишининг ифодасидир. “Очкўз бой” иборасида бойнинг хусусияти сифатланиб, унинг хасислик қилгани, яъни ўз хўкизини шунчалар аянчли аҳволга солиб, қиш вақтида уни парваришламагани кўзда тутилади.

Қўш қўшиқларини зийнатлаган яна бир санъат бадиий тазоддир. “Тазод” арабча сўз бўлиб, бир-бирига зид тушунчаларни ифода этувчи сўзларни маълум бир эстетик мақсадда бир-бирига боғлаб ишлатиш усулидир. Шайх Аҳмад Худойдод Тарозий “тазод”ни “алмутазод” деб номлаган. Бу шеърини санъатда маъно жиҳатдан ўзаро зид, қарама-қарши бўлган сўзларни қўллаганда таъсирчан бадиий тимсоллар, лавҳалар яратилиши назарда тутилади. Тазод санъатидан мумтоз шеърятимизда ҳамда халқ оғзаки ижоди намунаси бўлмиш қўш қўшиқларида кенг фойдаланилган:

*Беришинг бир боғ буруғ,*

*Ҳайдашинг ботмон қуйруғ.*

*Мен қайдан илдам бўлай,*

*Сенга ишламай мен ўлай?!*

Бу тўртликда “бир боғ” ва “ботмон”, “илдам бўлай”, “ишламай мен ўлай” каби сўз ва сўз бирикмалари тазод санъатининг гўзал намунаси бўлиб келган.

Қўш қўшиқларида бадиий санъатларнинг қўлланиши унинг жозибадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Бадиий жиҳатдан мукамал, яхлит тизимни ҳосил қилган қўш қўшиқлари қанча вақт ўтмасин, барибир ўша давр деҳқонлари ҳаётининг бадиий инъикоси бўлиб қолади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Бойчечак: Болалар фольклори ва меҳнат қўшиқлари (тўпловчилар О.Сафаров, К.Очилов) – Т.: FACH, 1984. – 273 б.
2. **Бобоев Т.** Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 357.

3. Гончаров Б.П. Звуковая организация стиха и проблемы рифмы. – М.: Наука, 1975. – С. 274.
4. Хусайний А. Бадойиъус-санойиъ. – Т.: Фан, – Б. 138.
5. Оқ олма, қизил олма. Тўплаб нашрга тайёрловчи М. Алавия. – Т.: FACH, 1972. – Б. 172.
6. Райхонов Ф. Шеър қанотидаги юлдузлар. – Т.: FACH, 1986. – Б. 31.
7. Очил К. Қалдирғочни кўндирган кўшиқ. – С.: Зарафшон, – Б. 49.
8. Ҳожиаҳмедов А. Бадиий санъатлар. –Т.: Шарқ, 1998. – Б. 41.
9. Муродий Т. Истиора //ЎТА, 1972. – № 6. –Б. 70-80.

## ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСОНАЛАРИДА ШОИР ВА БАХШИЛАР ОБРАЗИ

**Раҳмонова Маҳбуба Равшановна**

*Бухоро ВПКҚТ ва МОИ Тиллар кафедраси мудири, филология фанлари номзоди*

**Таянч сўзлар:** афсона, тарихий афсона, образ, шоир, бахши, анъанавий мотив.

**Ключевые слова:** легенда, историческая легенда, образ, поэт, бахши, традиционный мотив.

**Key words:** legend, historical myth, character, poet, bakhshi, traditional motif.

*Мақолада ўзбек халқ афсоналарида шоир ва бахшилар образининг бадиий ифодаланишига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилган.*

*В статье представлено своеобразие раскрытия образов поэтов и бахши в узбекских народных легендах.*

*The article is about peculiar features of literary expression of the character of poets and bakhshis in Uzbek folk legends.*

Ўзбек халқ афсоналари орасида шоир ва бахшилар ҳақида яратилган афсоналар ҳам мавжуд. Шундан келиб чиқиб, таниқли фольклоршунос У.Жуманазаров ўзбек тарихий афсоналарини таснифлашда унинг бир мавзуй гуруҳини бахши ва шоирлар ҳақидаги афсоналар сифатида кўрсатиб ўтган. Чунки бахши ва шоирлар ҳақида яратилган афсоналар ҳам кенг тарқалган бўлиб, ўзига хос алоҳида мавзуй туркумни ҳосил қилади. Уларда бирор-бир таниқли бахши ёки шоирнинг биографияси хаёлий уйдирма асосида ҳикоя қилинганлиги кузатилади.

Бахши ва шоирлар тарихий шахслар ҳисобланади, шунинг учун бундай афсоналар тарихий афсоналар таркибига киради. Бахшилар дoston ижрочиларидир. Аммо бахши сўзи баъзи жойларда афсунгарлик, фолбинлик, шомонлик қилувчиларга нисбатан ҳам ишлатилиши маълум. Сабаби, узоқ ўтмишда бу икки вазифани бир шахс бажарган. Бироқ халқимиз орасида учрайдиган баъзи мақолларда афсунгарлик, фолбинлик, қушночлик, дуохонлик, кинначилик, шомонлик қилувчи бахшиларнинг мулла деб аталгани ҳам кузатилади. Бундай мақолларда бахши образи билан мулла образининг зид қўйилганлиги кузатилади. Масалан:

*Бахши тўрда яхши,  
Мулла – гўрда.*

Яна:

*Бахшаники “ҳай” билан,  
Мулланики “вой” билан [6, 501].*

Бу мақолларда бахши образи дoston куйловчи, мулла эса шомонлик билан шуғулланувчи киши тимсолини англатмоқда.

Меҳнаткаш халқ дoston куйловчи бахшиларни беҳад ҳурмат қилган. Шунинг учун халқ мақолларида “Бахши бор жойда яхши бор”, дейилади [6, 52]. Чунки халқ оммаси маданий-сиёсий ҳаётида улкан ўрин тутган бахшилар меҳнаткаш халқ ўртасида жуда катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлганлар.

Ҳ.Т.Зарифовнинг ёзишича, бахши мўғулча ва бурятча *бахша*, *бағша* сўзларидан олинган бўлиб, *устод*, *маърифатчи* деган маъноларни беради [2, 228-229]. Бахшилар дoston куйлаб, халқ қалбига эзгулик олиб кирганлар. Одамларни яхшилик сари етаклаганлар. Шу сабабли юқоридаги мақолда бахши бор жойда яхшилар кўпайишига алоҳида урғу берилмоқда.

Бахшилар ўз касбини сир тутиб, кўпинча уни афсонавийлаштириш орқали илоҳийлаштиришга ҳаракат қилдилар. Бу ҳақидаги афсоналарда бахшичилик бахшига гўё

гойибдан берилган илоҳий неъмат сифатида талқин қилинади. Бахшиларнинг ўз сиғинадиган касб пири, илоҳий ҳомийлари борлиги таъкидланади.

Бахшилар халқ дostonларини кўпинча дўмбира билан ижро қиладилар. Шунинг учун халқ орасида бахшининг асосий қуроли – дўмбира ҳақида яратилган афсоналар кенг тарқалган. Қадимги одамлар чолғу асбобларида қандайдир сирли қудрат мавжуд, ана шу сеҳрли куч тингловчини ўзига ром этади деб ўйлаганлар. Шу тариқа чолғу асбобларининг мифологик табиати тўғрисидаги халқ қарашлари ва афсоналар келиб чиққан. Ўзбек халқ афсоналарида талқин қилинишича, энг қадимий чолғу асбоби дўмбира бўлиб, унинг пайдо бўлиши Одам Ота ва Мома Ҳаво номи билан боғланади. Анъанавий термаларда бунга алоҳида ишора қилинади:

Дўмбирамнинг торини,  
Мома Ҳаво эшдилар.  
Дўмбиранинг чаноғин,  
Одам Ато тешдилар.

Дўмбиранинг яратилиши ўтмишда рўй берган реал воқелиқдир. Бу чолғу асбобини илк бор ясаган ва унда куй чалган уста ҳақидаги аниқ тарихий маълумотлар даврлар ўтиши билан нутилиб кетган. Халқ афсоналарида дўмбира вужудга келишининг Одам Ато образи билан боғлаб тушунтирилиши эса бу чолғу асбобининг ниҳоятда қадимийлиги, бинобарин, мусиқанинг умри ҳам инсоният ёши билан тенглигидан далолат беради.

Ўзбек фольклорида Қамбар бобо куйчилар, бахшилар ва шоирлар пири, жуда моҳир созанда сифатида талқин қилинади. Этнограф В.Б.Басилов Қамбарни мусиқа ва кўшиқчилик ҳомийси сифатида тасаввур қилишга асосланган асотирий қарашларнинг генетик илдизлари қадимги шомон мифологиясига бориб тақалишини таъкидлайди. У ҳақидаги афсоналарда Қамбарнинг биринчи дуторни ясаб, унда илк бор куй чалган афсонавий шахс эканлиги айтилади. Чиндан ҳам Ўрта Осиё халқлари орасида созандалар, бахшилар, кўшиқчилар пири сифатида тасаввур қилинган Қўркут ота, Ошиқ Ойдин каби мифологик персонажлар бевосита шомон ҳомийлари тўғрисидаги эътиқодий қарашлар негизида келиб чиққан. Шомонларнинг афсонавий ҳомий-аждоди ҳақидаги мифлар кейинчалик бахши-шоирлар, созанда-ю кўшиқчиларнинг пири культининг вужудга келишига асос бўлган. Мусиқачи ва кўшиқчилар пири ҳақидаги инончлар Ўрта Осиёда яшаган қадимги аждодларимизнинг исломдан аввалги мифологик тасаввурлари маҳсули бўлиб, кейинчалик Қамбар тимсолига кўчирилган.

Бахшилар қобилияти, иқтидори, юсак ҳофиза қувватига эгаллиги билан кишиларни ҳайратга солганлар. Чунки уларнинг ҳар бири ўттиз-қирқдан ортиқ дostonларни ёддан куйлаган. Ҳар бир дoston жуда кўп мисрали шеърини қисмини ва каттагина насрий қисмини ўз ичига олиши ҳисобга олинса, халқ бахшиларининг нақадар ҳайратомуз ёдлаш ва эсда сақлаш қобилияти, бадиҳагўйлик маҳорати борлиги аён бўлади [1, 23-58].

Халқ ўртасида буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ва Бобур ҳақида ҳам анчагина ривоят ва афсоналар кенг тарқалган. Уларда кўпроқ бу улкан файласуф шоирларнинг характер-хислатлари, ўз тахаллусларини қандай олганликлари бадиий изоҳланади.

“Алишер билан булбул” афсонасида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ҳақида ҳикоя қилинади. Унда Алишер Навоий булбул тилини тушунадиган инсон сифатида афсонавийлаштирилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ривоятларга қараганда, Алишер Навоий олти яшарлигида Фаридиддун Атторнинг “Мантиқут-тайр” (“Қушлар матиқи”) номли фалсафий-мажозий дostonини ёддан билган.

“Алишер билан булбул” афсонаси улуғ шоир биографиясига алоқадор ҳақиқий тарихий маълумотлардан бошланган. Унда Ғиёсиддин кичкина деган одамнинг Алишер исми ўғли бўлганлиги, бу бола ёшлигидан зийрак бўлиб ўсганлиги, етти ёшга тўлганда шеърлар ёза бошлагани, одамлар у ёзган шеърларни кулоқ бериб тинглайдиган бўлишгани ҳақида айтилган. Дарҳақиқат, А.Навоийнинг отасини Ғиёсиддин кичкина деб атаганлар. Ёш Алишер бадиий ижодни жуда эрта бошлаган.

*Алишер бир кун янги шеърни ёзиб тугатибди-да, боққа чиқиб уни баланд овозда ўқий бошлабди. Шу пайт боғдаги дарахтга чирмашган қирқ оғайнининг шоҳида ўтирган булбул Алишернинг ёқимли овозини эшитиб қолибди. Ёш шоирнинг гоҳ кўнғироқдай жарангдор, гоҳ тонг шамолидай майин овози булбулни ўзига мафтун этибди. Қушча дарҳол унинг елкасига кўнибди-да: – Эй, хушовоз шоир, сен ўқиган шеърлар булбулларнинг эрта тонгдаги навосидан ҳам ёқимли экан. Номингни билсам бўладими?– дебди. – Мен Алишерман! – деб,*

жавоб берибди бола. – Билдим, билдим, янги чиққан шоир экансан-да. Энди сен ўзингга чиройли бир ном танлаб, шеърларингнинг остига ўша номингни қўшиб кетгин. Алишерга булбулнинг бояги “наво” деган сўзи ёқиб қолибди. Шундан кейин ёзган ғазаллари остига “Навоий”, деб ёзиб қўядиган бўлибди [5, 130-131].

Ушбу афсонада буюк шоирнинг куш билан сўзлашиши воқеаси хаёлий уйдирма, бўрттириш бўлиб, бош қаҳрамон шахсини идеаллаштиришда ҳамда асар жанрини белгилашда етакчи белги вазифасини ўтамоқда.

Машҳур ўзбек шоири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ҳам жуда кўп афсона ва ривоятлар яратилган [3, 42-44]. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳинд мутафаккири ва жамоат арбоби Жавоҳарлаъл Неру таъкидлаганидек: “Бобур – дилбар шахс... Уйғониш даврининг ажойиб ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди. Ҳаётдан завқ олишни яхши кўрарди”.

Шоҳ ва шоир Бобур Мирзо ҳақидаги афсона ва ривоятлар ҳанузгача одамлар орасида оғиздан-оғизга кўчиб сақланиб келганлиги, айниқса, муҳимдир. Уларни тўплаш мақсадида бир гуруҳ олимлар “Бобур Мирзо юрган йўллардан” илмий экспедициясини тузиб, республикамизнинг қатор туман ва шаҳарларига ҳамда вилоятларига ташриф буюрдилар. Шоирнинг қадамжоларини зиёрат қилиб, у тўғрисидаги афсона ва ривоятлар, достонлар ва маталларни ўргандилар. Шунингдек, Бобур Мирзо номи билан боғлиқ бўлган жуғрофий ҳудудлар, сойлар, зовурлар, сардобалар, қир-адирлар, йўллар ва тепаликларни бориб кўрдилар.

Улар сафарни Бобур Мирзо яшаб подшоҳлик қилган Аҳси қўрғонини зиёрат қилишдан бошладилар. Шундан сўнг Санг сойи орқали Чуст туманидаги Карнон қишлоғига йўл олдилар.

Экспедиция аъзолари Қўқон, Тошкент, Китоб, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари, Поп, Гулзор ва Деҳқонобод туманларида бўлиб, Қуруқтов Ясси тоғларидаги “Бобур тахти”, “Бобур энган”, “Бобурнинг ери”, “Бобур қўрғони” сингари топонимлар билан танишдилар. Бу ҳақда яратилган афсона ва ривоятларни ёзиб олишга муваффақ бўлдилар.

Бобур ҳақидаги афсоналарнинг бирида дилбар шоирнинг ўз таҳаллусини қандай олганлиги хаёлий уйдирма асосида изоҳлаб берилади. “Бобур лақаби” деб номланувчи бу афсонада Заҳириддиннинг ёшлигидан анча ақлли, довюррак, зийрак бўлганлиги алоҳида таъкидланади.

Маълумки, “бобур” сўзи арабча “бобр”, яъни “йўлбарс” деган маънони билдиради. Афсонада айтилишича, бу ном Бобур томонидан таҳаллус сифатида танланмаган, балки одамлар томонидан унга лақаб қилиб берилган. Бунга эса унинг ёшлигида адашиб, улкан йўлбарс уясига кириб қолиши, аммо ақлли ва тадбиркорлиги сабаб у ердан эсон-омон қутулиб чиққани сабаб бўлганлиги айтилади.

*Отаси билан овга чиққан Заҳириддин шикор авжига чиққанда чангалзорда адашиб қолибди, бироқ довюрраклигидан ҳеч бир қўрқувга тушмабди. Йиғлаб-сиқтамабди. Кун ботишда кимсасиз бир ғорни кўриб қолибди. “Шу ерга кириб ётаман, тонг отгач, чиқиб, албатта, отамни ахтариб топаман”, деб ўйлаб ғорга кирибди. Ярим кечага борганда киши қулоғини қоматга келтирувчи даҳшатли ўқириш овози эшитилибди. Шунда ҳам ваҳимага тушмабди, нима бўлишини кутиб, қимир этмай ўтирибди. Ҳалиги овоз ғорга тобора яқинлашиб келаверибди. Қараса, оғзида каттакон ўлжани тишлаб олган бир она йўлбарс ғорга қараб келаётган эмиш. Бола “бу ёғи нима бўлар экан?”, деб жим тураверибди. Йўлбарс ҳайбат билан кириб келибди. Шу пайт йўлбарсваччалар бир-бирларини қувлашиб, шундоққина Заҳириддиннинг ёнидан ўтиб, онасига ёпиша кетибди. Она йўлбарс болаларини искабди, эркалатибди, келтирган ўлжасини уларнинг олдига ташлаб, овқатлантирибди. Шундай қилиб, Заҳириддин эрталабгача мижжа қоқмабди. Тонг отибди. Она йўлбарс ўлжа ахтариб ғордан чиқиб кетибди. Заҳириддин Муҳаммад бир пас индамай турибди-да, таваккал қилиб йўлбарсваччалар ёнига борибди. Йўлбарсваччалар болани ёқтирмай қарши олишибди. Бола қўрқмабди. Улар билан ўйнашиб, тезда апоқ-чапоқ бўлиб олибди.*

*Заҳириддиннинг отаси Умаршайх эса овга берилиб кетиб, ўғлининг йўқолганини пайқамабди. Кеч бўлиб, карнай-сурнай тортилиб, шикор тўхтагач, Заҳириддин Муҳаммаднинг йўқлиги билиниб қолибди. Бунга эшитиб Умаршайх роса қайғурибди, фарёд кўтарибди. Машъалалар ёқиб, чангалзорни қадамма-қадам қараб чиқишни буюрибди. “Болам топилмаса, ҳаммангнинг каллангни танангдан жудо қиламан”, – дебди.*

*Бир пайт Умаршайхнинг кўзи йўлбарс изидаги қонга тушиб қолибди. “Боламни йўлбарс олиб қочибди”, деб ўйлаб ҳушидан кетиб, отидан йиқилибди. Умаршайх ўзига келиб, йўлбарс*

изидан боришни буюрибди. Овчилар изма-из боришиб, чангалзор четидаги бир ғор олдидан чиқиб қолишибди. Ғорга кириб қарашса, бир бола икки йўлбарсвачча билан умбалоқ ошиб ўйнашаётган эмиш. Ўғлини соғ-саломат кўриб, Умаршайхнинг юраги ёрилаёзибди.

Овчилар йўлбарснинг болалари ва Заҳриддин Муҳаммадни олиб саройга қайтишибди. Бу воқеа тезда бутун шаҳарга тарқабди. “Ҳазрати олийларининг ўғиллари йўлбарс билан олишиб, уни енгибди”, деган хабарни етти ёшдан етмиш ёшгача барча эшитибди. Ҳамма ҳайратдан ёқасини ушлабди.

Шундан сўнг боланинг асл исми Заҳриддин Муҳаммад ёнига Бобур, яъни “Йўлбарс” лақабини қўшиб айтадиган бўлибдилар.

Бобур ҳақида афсона ва ривоятларнинг кўпчилиги улуғ шоирнинг ҳаётлик чоғидаёқ вужудга келган ва кенг тарқалган. Ҳатто, уларнинг аксарияти ўша даврда яратилган тарихий-биографик, хотиравий китоблардан ва бошқа ёзма манбалардан ўрин олган.

Фольклоршунос Й.Раҳматовнинг фикрича: “Бобур ижодидаги Ватан соғинчи ва саховатпешалик мотивларининг халқ руҳияти билан ҳамоҳанглиги халқ ижодиётида у ҳақида асарларнинг яратилишига имкон яратиб берди. “Ойчинор” ва “Шайбонийхон” дostonларининг яратилишида халқ ижодкорлари Бобур ва Шайбоний ҳақида яратилган халқ афсона ва ривоятларига ижодий таянганлар. Яъни, Бобур ва Шайбонийхон ҳақида яратилган тарихий афсона ва тарихий ривоятлар “Ойчинор” ва “Шайбонийхон” дostonлари учун эпик замин вазифасини ўтаган” [4, 10-11].

Хуллас, ўзбек халқ афсоналари орасида шоир ва бахшилар ҳақида яратилган афсоналар ҳам мавжуд. Шунинчун олиб, бундай афсоналарни тарихий афсоналарнинг мавзуий бир гуруҳи сифатида таснифлаб кўрсатиш мумкин. Уларда бирор-бир таниқли шоир ёки бахшининг биографияси ҳаёлий уйдирма асосида ҳикоя қилинганлиги кузатилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: Наука, 1947. – С. 23-58.
2. Имомов К. ва б. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 228-229.
3. Иномхонов М. Афсонада бордир ҳақиқат... //Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2004. - №1. – Б. 42-44.
4. Раҳматов Й. Тарихий дostonларда тарихий шахс образининг эпик таққини (“Ойчинор” ва “Шайбонийхон” дostonлари мисолида). НДА. – Т., 2009. – Б. 10-11.
5. Ўзбек халқ асотирлари. Ўзбек асотирлари, ҳикматлари, ривоятлари. Ўн жилдлик. 3-жилд. – Т.: А.Қодирий, 1993. – Б. 130-131.
6. Ўзбек халқ мақоллари. Ўзбек халқ ижоди: Кўп томлик. Тўплам. Тўпловчилар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусоқулов. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 501.

#### МИФОПОЭТИКА РОМАНА ДЖОНА АПДАЙКА «КЕНТАВР»

**Темирова Джамила Хасановна**

Ст. преподаватель кафедры русского языка и литературы БухГУ

[gitemirova@mail.ru](mailto:gitemirova@mail.ru)

**Бокарева Марина Александровна**

Ст. преподаватель кафедры русского языка и литературы БухГУ

**Таянч сўзлар:** рецепция, парадигма, изоҳлаш, мифологема, менталитет, хос рақам, универсаллик.

**Ключевые слова:** рецепция, парадигма, толкование, мифологема, менталитет, код, универсальность.

**Key words:** reception, paradigm, interpretation, mythologem, mentality, code, universality.

Мазкур мақолада америкалик адиб Джон Апдайкнинг “Кентавр” романида мифлардан ижобий фойдаланганлиги тадқиқ қилинган.

В данной статье исследованы формы рецепции и трансформации мифа в творчестве американского писателя Джона Апдайка, а именно в его романе «Кентавр».

*The article deals with the forms of reception and myth transformation in the literary activity of the American writer John Updike and in his novel "The Centaur" in particular.*

Обращаясь к проблеме рецепции и интерпретации мифа в современной литературе, следует выявить причины и корни его исторической действительности. Миф как культурный феномен интересует ученых еще со времен античности. Это одна из самых сложных реальностей культуры, его можно интерпретировать в самых многочисленных и взаимодополняющих аспектах. Разные исследовательские позиции и уровни интерпретации мифа связаны с самой универсальностью мифа. В истории каждого народа обязательно есть этап мифологического сознания, о чем свидетельствует повторяемость многих сюжетных ходов, мифологем, спектр мифологических индивидуальностей, единство ценностно-познавательных и этико-эстетических моментов.

Миф аккумулирует смысл явлений, соединяет нравственные, социальные и космологические аспекты. Он дает возможность создать философскую модель мира с особой структурой времени и пространства; акцентируя вневременное и космическое, рисует законы особого духовного пространства - ноосферы. Именно поэтому миф выступает как источник нормативной деятельности и является одной из мотивировок человеческого сознания.

Проблема мифа, его связи с познанием мира, истины, социально-политическим порядком, нравственными установками, верой, поэтическим творчеством, логическими формами миропонимания не потеряла своей актуальности и в XX веке. Более того, интерес к мифу актуализировался, о чем свидетельствуют исследования первых величин западной и отечественной культурологии и философии современности - К. Юнга, З. Фрейда, И. Хейзинги, К. Леви-Стросса, М. Хайдеггера, А. Ф. Loseва, Я. Голосовкера и других. Борьба мифологических школ свидетельствует о стремлении постичь через миф фундаментальные законы бытия.

В истории литературы мифу принадлежит особая роль как арсеналу культурных парадигм. Они связаны тесными узами. Переосмысление и художественная обработка мифа привели к созданию эпоса, поэзии, драмы. У мифа особая структура, соединяющая исторический, динамический и диалектический аспекты. Это обуславливает и разные исследовательские позиции и уровни его интерпретации, которые следует учитывать, раскрывая специфику мифа.

При изучении античной литературы происходит осмысление мифа как культурного феномена на двух уровнях - историко-культурном и филологическом. Первый подход исследует конкретные мифологические модели мира, генеалогии богов и предков, влияние мифологических представлений на историю становления народов, национальный менталитет. В этом смысле мифология воспринимается как определенная сетка координат, в которой данный народ воспринимает мир, формирует свой миропорядок, исторические традиции. Второй - филологический, исследует закономерности эстетического бытия мифа в разных культурных системах и предполагает языковой анализ мифа, исследование его динамической структуры и образов в движении, анализ самой поэтики мифа. Однако эти два подхода не дают полного представления о сущности мифа, его внутренней природе и самого мифологического сознания. Таким образом, изучение мифа сопряжено со всем спектром культурологических и философских проблем [1].

XX век внес свои коррективы в традиционные формы мифологического мышления и поэтической мифологии. Мифологизация стала одним из основных принципов поэтики XX века. Здесь стоит отметить восприимчивость русского философско-эстетического и художественного сознания к мифу, о чем свидетельствует творчество писателей как XIX, так и XX века. Художественный мифологизм являлся отличительной чертой русских поэтов - В. А. Жуковского, Г. Р. Державина, А. С. Пушкина, М. Ю. Лермонтова, А. Фета. Мифопоэтические модели мира поэтов рубежа XIX-XX вв. А. Ахматовой, Б. Пастернака, О. Мандельштама, М. Цветаевой, Н. Гумилева, В. Ходасевича демонстрируют самые разнообразные формы и способы освоения мифа. Эти формы исторически изменчивы, так как каждый раз миф по-новому интерпретируется с точки зрения нового семантического сознания, начиная от самых примитивных (аллегорических, эмблематических) до самых сложных, когда поэтические формы взаимодействуют с памятью культуры в скрытом, закодированном виде.

С обращением к мифу связана усложненная символика, тяготение к притче, параболе, смысловой многослойности - это характерные параметры художественных миров Дж. Джойса, Л. Малербы, Ф. Кафки, Г. Маркеса, Т. Манна, К. Вольф, Дж. Апдайк и других писателей.

Формы трансформации мифа и его структурные функции разнообразны в каждом отдельном случае. Он может являться главным способом организации смыслового содержания художественного повествования (Т. Манн «Иосиф и его братья»; К. Вольф «Кассандра», «Медея»; Д. Апдайк «Кентавр»), через миф выявляются универсальные общечеловеческие парадигмы существования (Г. Д'Аннунцио, Х. Э. Носсак, А. Деблин), то есть миф позволяет выйти за рамки конкретно-исторических и временных параметров. Примером этому может служить использование сюжетных эпизодов «Одиссеи» Гомера в романе Джеймса Джойса «Улисс». С мифом связаны все смысловые нагрузки, уровни смысла каждого эпизода, переосмысленные в пародийно-ироническом ключе. Стоит отметить, что ирония и пародия стали почти обязательным элементом в современной трактовке мифа. Функции мифа могут быть ситуативно-значимыми, представлять какой-либо уровень текста, выступать в качестве аллюзий и реминисценций. Мифологическая аллюзивность является отличительным качеством прозы Т. Манна, А. Деблина, М. Спарк, Г. Грасса, У. Голдинга, Д. Фаулза, Х. Кортасара [2].

Также отношение к мифу является одним из ведущих признаков культуры. При этом, как отмечает Л.А. Софронова, наличие в художественном произведении «древних мифологем, реликтов народных представлений о мире может быть следствием как осознанного, так и бессознательного обращения к народной культуре», но всегда «свидетельствует об их жизненной активности, о вневременном вхождении в культурную память» [3, 50].

Джон Апдайк считает мифологию существенной частью книги. Так как миф вносит элемент стройности в ту картину сумятицы текущей жизни, которую воссоздает писатель и опознает явления и начала, которые повторяются от эпохи к эпохе, не растворяясь в потоке исторического времени.

В связи с вышеизложенным, в данной работе основной интерес сосредоточен на исследовании форм рецепции и трансформации мифа в романе «Кентавр» американского писателя Джона Апдайка.

«Кентавр» - один из лучших и наиболее известных романов писателя. В нем много автобиографического, хотя он и озадачивает своей необычностью, здесь сплелись воедино древнегреческие мифы и действительность. Автор писал: «Идея книги родилась из нескольких строк, встреченных мною в собрании легенд и древних мифов. Ныне ими открывается роман. В этих строках меня потряс образ Хирона, жертвующего, подобно Христу, собой и своим бессмертием ради человечества. Мне захотелось пересказать, заново прочесть эту легенду. В моем воображении она сливается с воспоминаниями собственного детства, Пенсильвании 1947 года» [1].

В книге Джона Апдайка «Кентавр» речь идет о тупиках, куда неизбежно попадает личность, избравшая для себя конформистскую ориентацию, подчинившаяся ей, пусть скрипя сердце, о поисках выхода из этих тупиков, о попытках преодоления, о подлинной и иллюзорной духовной свободе, о том, для чего живет человек [5, 256-257].

Герой романа Дж. Апдайк – провинциальный школьный учитель – добрый, талантливый и самоотверженный. Однако сомнительно, что он может стать выразителем великой идеи в соответствии с замыслом автора. Чтобы приподнять этот образ, сделать его масштабным и величественным, Апдайк отождествил скромного учителя с бессмертным кентавром, жертвующим собой ради человечества, слил оба образа воедино. Масштаб конфликта можно почувствовать уже в самом начальном эпизоде, определяющем тональность романа, его поэтику, построенную на постоянном столкновении мифологического и реального планов. Во время урока естествоведения кто-то запустил в преподавателя железной стрелой, пробившей лодыжку, – возможно и отравленной, как та стрела, которая сразила Хирона. Миф и реальность не соприкоснулись, а именно столкнулись, чтобы возникла важная антитеза светлого мира легенды и сумрачной будничности Олинджера, самоотверженности Хирона и беспомощности Колдуэлла, возвышенного и земного в самом учителе.

Усиливая эту антитезу всеми средствами повествования, Апдайк добивается максимально плотного сращения мифа и достоверности, заставляет нас одновременно следить за Колдуэллом, испытывающим боль в ноге, и сопутствовать Хирону в его последние часы перед тем, как кентавр вознесется сияющим Стрельцом среди созвездий

Все действующие лица романа одновременно и американцы и мифологические герои, причем первые буквы американских фамилий совпадают с именами (инициалами) мифологических героев; они облагорожены вторым планом. В преданиях Зевс – божество всемогущее, грозное и величественное. Директор школы Зиммерман сохранил от этого мифологического прототипа лишь чувство своей беспредельной власти над подчиненными, сладострастие, превратившееся в мерзкую старческую похоть, и глумливое своеволие чиновника, которого некому одернуть. Кузнец Гефест на Олимпе был равным среди равных – олинджерский механик Хаммел, хоть у него и золотые руки, еле сводит концы с концами и, конечно, не выдержит конкуренции со стороны хорошо организованных фирм. Афродита навсегда осталась для человечества символом красоты, а учительница физкультуры Вера даже для влюбленного в нее Колдуэлла не больше чем героиня тех грез, в которых животное начало современного кентавра заглушает благородство и ум, присущие ему как человеку. И сам Прометей, явившийся на страницах романа в облике Питера Колдуэлла, страдающего и от обостренного ощущения собственной социальной отверженности, и от неумения приладиться к нравам окружающей среды, и, наконец, от кожного заболевания, может быть воспринят только как трагикомическое снижение легенды.

Мифы участвуют в романе в разных функциях: иногда подчеркивают ощущение контраста, порой их назначение – сатирически заострить мысль, либо пробиться сквозь материальный мир, отделить его от мира идеального, чтобы еще резче оттенить отчужденность Колдуэлла от этого материального мира. Реалистическое отображение и мифы, взаимопроникая, дополняют друг друга и действительность создает некую оболочку мифа.

Принцип двоемирия, положенный Апдайком в основу романа «Кентавр», является определяющим и в духовной жизни Америки. То, что для одних является реальностью, другим кажется мифом, и наоборот. Для мистера Зиммермана, миссис Герцог, пастора Марча, Майнора Кретца и других героев романа, миф чужероден. Их практицизм и отрицает всякую возможность взгляда на мир сквозь волшебную призму чудесного. Таким образом, «антимифологичность» этих персонажей романа дает возможность писателю использовать миф в качестве сатирического оружия.

Необходимо отметить, что одним из смыслообразующих противоречий романа «Кентавр» является противоречие между двумя подходами к оценке внутреннего, духовного состояния человека, принятых в Древней Греции и современной Америке. В соответствии с «американской мечтой» американец верит, что тот, кто не ощущает себя постоянно счастливым – ненормален. Эллин же, напротив, убежден, что ненормален тот, кто ощущает себя постоянно счастливым. Страдание есть естественное состояние человеческой души. Жить для эллина значит страдать. Страдание порождает трагедию, трагедия – искусство.

Примечательно, что страдающий Хирон-Колдуэлл и самодовольно-счастливый Зевс-Зиммерман – выразители двух диаметрально противоположных взглядов на состояние человеческой души. Апдайк протестует против унижающей высокое назначение человека «американской мечты».

Таким образом, благодаря мифологическому ключу изображение действительности приобретает под пером автора широкий временной размах и метафорическую глубину. Таким приемом Д.Апдайк стремился подчеркнуть «извечность» нравственно-этических проблем, поднятых в романе, неизменность свойств человеческой природы, противоборства в ней разумного и чувственного начал, добра и зла.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. - [http://www.gumer.info/bibliotek/Buks/Literat/melet1/03\\_.php](http://www.gumer.info/bibliotek/Buks/Literat/melet1/03_.php).
2. Мифологизм в литературе XX века // Литературный энциклопедический словарь. – М., 1987.
3. Софронова Л.А. Еще раз о проблемах истории культуры // Современное славяноведение. – 1990. - № 2. – С. 44-52.
4. Стояновская Е.В. Беседа с автором «Кентавра» // Иностранная литература. - 1965. – №1. – С. 255-258.
5. Зверева А.Н. Предисловие. Тупики и преодоления. – М.: Радуга, 1984. – 768 с.

## ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА РАНГ ВА БАДИИЙ ТАСВИР

Рўзиева Мохичеҳра Ёқубовна

БухДУ Бошланғич ва мактабгача таълим услубиёти кафедраси ўқитувчиси

**Таянч сўзлар:** фольклор, достон, руҳият, рамзийлик, образ, тасвирий ифода, мифология, магик қарашлар, анимизм, тотемизм, ранг, оқ, қора, қизил, кўк, сариқ, яшил.

**Ключевые слова:** фольклор, поэма, психология, символизм, образ, художественное выражение, мифология, магические взгляды, анимизм, тотемизм, цвет, белый, чёрный, красный, синий, жёлтый, зелёный.

**Key words:** folklore, poem, psychology, symbolism, character, artistic expression, mythology, magical views, animism, totemism, colour, white, black, red, blue, yellow, green.

*Бу мақолада ўзбек фольклорининг эпик жанрларида рангларнинг рамзий маънолари ҳақида фикр юритилган. Хусусан, халқ достонларида рангларнинг образлиги, бадиий тасвирий восита сифатидаги аҳамияти кўрсатилган.*

*В данной статье рассматриваются символические значения употребления цвета в эпических жанрах узбекского фольклора. В частности, показаны цветовая образность и способы их художественного выражения.*

*The article deals with symbolic meaning of colours in epic genres of Uzbek folklore. The imagery of epic poems and their importance as the means of expression are presented in the article.*

Халқ достонларида наср ва шеър уйғунлик касб этса-да, қаҳрамонларнинг руҳий олами, ўй-фикрлари кўпинча шеър орқали ифодаланади. Бахшилар достон куйлар экан, тайёр эпик қолиплардан достон воқеалари, қаҳрамонларнинг ҳолатига мос равишда фойдаланади ва бу билан достоннинг бадиий қимматини кучайтиришга интилади. Достонларнинг шеърий қисмида келувчи барқарор анъанавий поэтик формулалар орасида ранг билан боғлиқ намуналар ҳам кўплаб учрайди. Бу хил намуналар сирасига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

**Қизил ранг:** “Боғбон бўлиб қизил гулни тераман”, “Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча”, “Ўнғе қўлингда чаман қизил гул бўлсин”, “Ўртанмасин қизил гулдай танаси”, “Тоғда бўлар қизилгулнинг тармоғи”, “Қизил гулдай жайнашади”, “Қизил гулдай сўлар эди”, “Устига юклаган қирмизи парча”, “Устингга кийганинг гулгун қирмизи”, “Кийгани гулгун қирмизи”, “Қизил, яшил кийинганди”, “Калма келар менинг қизил тилимдан”, “Сўйлаганда қизил тили”, “Оқ олма, қизил олма, Олар бўлсанг, қуруқ қолма”.

**Ол ранг:** “Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин”, “Ол-ол юрди, ол юрди, Озгинамас мўл юрди”, “Ол-ол юрди, ол-ол юрди, ол юрди”.

**Оқ ранг:** “Хол бўлсин деб оқ юзингни тилдирай”, “Ойна олиб, оқ юзингни кўрасан” “Ойим қизсан, зулфинг тоблаб ўрасан, Ойна олиб, оқ юзингни кўрасан”, “Найза текса оқ бадандан қон оқар”.

**Кўк ранг:** “Устима кийганим кимхоб кўк эди”, “Устима кийганим менинг яшил кўк”, “Устима кийганим яшил кўк эди”

**Сариқ ранг:** “Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман”.

**Қора ранг:** “Ханжар чекиб қора бағрин тилдирай”, “Ханжар солиб қора бағрин тилдирай”, “Ханжар солар, қора бағрим тилдирай”, “Бошига мен қора кунлар солайин”.

Келтирилган барқарор шеърий мисралар барча достонларда кенг қўлланилади ва достондаги воқеа, тасвир, образнинг ички кечинмалари билан боғлиқ равишда муайян ўзгаришлар пайдо қилишга хизмат қилади. Халқ достонларидаги барқарор шеърий мисралар таркибида энг кўп кўзга ташланадигани қизил ранг иштирокидаги бирикмалардир. Жумладан, “Алпомиш” достонининг қураш шарти бажарилиш жараёнида Кўкалдош алпнинг Алпомишга “..Ўзбак! Сен бундай бўйни йўғонлик қилма, ғариби ғуристон бўлиб ўлма, ҳали ҳам қўйгин, ёрингдан умид қилма, ҳалак бўп келган йўлингдан қолма” деб катта гапирганда Алпомиш унга бундай сўзлар билан жавоб беради:

Боғбон бўлсам, қизил гулни терайин,  
Ҳар на қисмат ёзилганин кўрайин,  
Келгин, қалмоқ, бирга майдон қилайин,

Насиб этса, сенинг додинг берайин,  
Сенинг билан майдон қилиб кўрайин,  
Зўрлик қилсанг, тақдирга тан берайин,  
Кўтарилма, бир олишиб кўрайин! [1, 162].

Бунда дафъатан, “*Боғбон бўлсам, қизил гулни терайин*” дейилиши бежиз эмас. Чунки Алпомиш кураш олдида турибди. Унинг Кўкалдош алпдан ғолиб келиш-келмаслиги ҳали номаълум. Қаҳрамон ҳолатини ифодалашда бахши барқарор шеърий мисрани жуда ўринли қўллаган. “*Боғбон бўлсам, қизил гулни терайин*” мисраси қаҳрамоннинг орзу истаги ва Барчин висолига етишиш учун курашга чоғланиши ўз ифодасини топган. Алпомишнинг: “*Ҳар на қисмат ёзилганин кўрайин*”, дейиши эса шу гапларни тасдиқлайди.

Халқ дostonларида “*Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча*” барқарор шеърий мисра кенг қўлланилиши билан ажралиб туради. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан дostonларида ушбу мисра кўп такрорланиб келади.

“Гўрўғлининг туғилиши”да Гаждумбекнинг кўчасидан ўтаётганда Равшанга кўзи тушган Ҳилолой унинг бу шаҳарлик эмаслигини сезиб сўз қотади. Ҳилолойнинг гапи шундай яқун топади:

Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча,  
Тоқатим йўқ шу кун гул очилганча.  
Сен йиғладинг, менда тоқат қолмади,  
От бошини пича тўхтат, бекбачча! [2, 15].

Гаждумбек синглиси Биби Ҳилолнинг илтимоси билан бозорга тушиб, Ҳамзанинг қулни кўриб, бу Биби Ҳилол истагига мос экан деб, Ҳамзага айтган сўзида “*Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча*” барқарор шеърий мисра қуйидаги ҳолатда келади:

Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча,  
Сарсон бўлди кўчаларда бир неча.  
Ясовулбоши, қулни бозор солибсан,  
Айтгин, қулингнинг баҳоси қанча [2, 20].

Ушбу мурожаатларнинг биринчиси аёл киши, иккинчиси эркак томонидан айтилмоқда. Бу ўринда ҳолат ва вазият ҳам икки хил. Биринчи ўринда барқарор шеърий мисра ўзга юртда ўзига бир ҳамдам, сирдош дўст топа олмай изтиробга тушган дуркун қизнинг дил изҳорини ифодалашга хизмат қилса, кейингисида эса савдо учун бозорга борган кишининг мақсадини ёритиб бермоқда.

“Далли” дostonида от бозорига борганда Ҳасанхонга учраган Кўса ундан отингни сотасанми, деб сўраганда бундай дейди:

Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча,  
Тоқатим йўқ тағи гул очилганча,  
Бизнинг элга от опкелган бойвачча,  
Сўрайман отингнинг баҳоси неча? [3, 175].

Бу ўринда биринчи байт (яъни барқарор шеърий мисра билан бирга) харидорлик иштиёқининг қатъийқарорга етганини англатади.

“Равшан” дostonида ҳам ўғлини излаб борган Ҳасанхонга учраган Айноқ полвон: “Сен қаердан бўласан?” – деб сўроқлаганида айни ифода такрорланади:

Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча,  
Тоқатим йўқ тағи гул очилганча,  
Сурати қаландар, тарзинг хонзода,  
Сўйлагин, бўйингдан, қаландар бачча [5, 160].

Хуллас, Ҳилолойнинг Равшанга, Кўса ва Айноқ полвоннинг Ҳасанхонга мурожаатида “*Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча*” барқарор шеърий мисрасидан кейин “*Тоқатим йўқ тағи гул очилганча*” (“Гўрўғлининг туғилиши” дostonида “*Тоқатим йўқ шу кун гул очилганча*” тарзида жузъий ўзгариш билан келган) сатри такрорланмоқда. Бу такрор эса қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатида вазиятни билиш, мақсадни амалга ошириш истагининг кучли эканлигини англатади. Зеро, Биби Ҳилол Равшаннинг ким эканлигини билишга, сирдош, яқин дўст топишга, Кўса эса Ҳасанхоннинг отини сотиб олишга, Айноқ полвон Ҳасанхоннинг дўст ёки душманлигини билишга ошиқмоқда.

Ўнг қўлингда чаман қизил гул бўлсин,  
 Подшоларнинг этагида фил бўлсин,  
 Ғайрат билан минибсиз отнинг устига  
 Э қўзи-қўчқорим, иним, йўл бўлсин? [4, 147].

“Қундуз билан Юлдуз” достонида ифодаланишича, Нурали отасини излаб йўлга тушганда унга дуч келган Равшанбек инисидан: “Йўл бўлсин?” деб сўрашдан олдин “*Ўнг қўлингда чаман қизил гул бўлсин*” дейдики, бу барқарор шеърий мисрадир. Аммо бунинг “Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча” дейилишидан мазмунан фарқи бор. Чунки Равшаннинг иниси Нуралига билдирган тилаги барқарор шеърий мисрадан кейинги “*Подшоларнинг этагида фил бўлсин*” сатрида ойдинлашади. Яъни, кучли филлар сафига соҳиб бўлган подшо лашкари енгилмас қудратга эга бўлади. Шундай экан, Равшан куч-қудрати тошиб бораётган Нуралининг сафаридан ғолиб қайтишини истаётгани англашилади. Айни вақтда Равшаннинг ортида Гўрўғли султон бошлиқ бутун Чамбил аҳлининг турганлигига ҳам ишора бор. Демак, барқарор шеърий мисралар матндан матнга ўтганда янги ҳолат, вазият, муносабат ва маъноларни гавдалантиришга хизмат қилади.

Қизил гул тимсоли билан боғлиқ барқарор шеърий мисралар тасвирида гулнинг яшнаб туриши ёки сўлғинлиги матн мантиғига кўра белгиланади. “*Қизил гулдай жайнашади*”, “*Қизил гулдай сўлар эди*” ана шундай барқарор шеърий мисралардандир.

“Қундуз билан Юлдуз” достонида Қундуз парининг отаси томонидан берилган тўй таърифида шундай дейилади:

Дорбозлар дорини созлаб,  
 Ёш боллар баланд парвозлаб;  
 Ҳар ким ўз созини излаб,  
 Ҳар тўдаси минглаб, юзлаб,  
 Ўйинчилар ўйнашади,  
 Қизил гулдай жайнашади,  
 Ҳар туслидан ўйин қилиб,  
 Қозондайин қайнашади [4, 239-239].

Тўй тантанаси, омма руҳидаги қувончу шодликни турли бадий тасвир воситасида тасвирлаётган бахши-шоир тўй қатнашчиларининг хурсандлик ҳолатини: “*Қозондайин қайнашади*”, дея таъкидласа, уларнинг юрак-юрақдан яйраб-яшнашини “*Қизил гулдай жайнашади*”, деб тасвирлайди.

Маълумки, халқ дostonларида қаҳрамонларнинг либосларига ҳам алоҳида аҳамият берилади. Гулнинг сифати фақат гўзаллик ва нафислик эмас, балки ранг ҳамдир. *Устинга кийганинг гулгун қирмизи*”, “*Кийгани гулгун қирмизи*”, “*Қизил, яшил кийинганди*”, “*Устига юклаган қирмизи парча*” каби барқарор шеърий мисралар кийимдаги қизилликка нигоҳни қаратади.

Кийгани гулгун қирмизи,  
 Қарамайди кўп канизини,  
 Беҳабар ўзбакнинг қизи,  
 Уйландим деб ҳалак бўлган,  
 Сарсон Қоражоннинг ўзи [1, 51].

Ёки:

Устинга кийганинг гулгун қирмизи,  
 Ақлимни олади жодугар кўзи,  
 Кўп бўлади элибойнинг қимизи,  
 Бор бўлса, йўқ дема, ўзбакнинг қизи [1, 52].

Барчинга устидаги “гулгун қирмизи” либос, биринчидан, уни бошқа канизаклардан ажратиб кўрсатса, иккинчидан, ҳусни-жамол ва латиқликда унинг тенгсизлигини урғулайди. “Гулгун қирмизи” кийган санамни кўриш иштиёқи қалмоқ алпларининг ўй-ҳаёлини эгаллаб қимиз баҳонасида уларни овулга боришга ундамоқда.

Достонларда лирик қўшиқ намуналари дoston матнига уйғун тарзда киритилган ҳолатлар ҳам учрайди. Хусусан, “Алпомиш” дostonида зиндонда суяқдан ясаган чанқовуларни

Қайқубот Тавканинг бозорига олиб бориб сотиши вақтида Алпомиш айтган қўшиқда шундай диффузион шакл келган:

Оқ олма, қизил олма  
Олар бўлсанг, қуруқ қолма,  
Йиғилишган бели толма,  
Бу созимдан қуруқ қолма,  
Э, олмоққа ишқинг борма?! [1, 265].

Қайқуботнинг Тавка ойимга ишқи тушган, Тавка ойим деб чўпонлик қилиб юрибди. Халқ қўшиқларида олма рамзи севги, муҳаббат рамзи бўлганлиги боис, анъанавий ифодага асосланиб Тавкага дил изҳорини: “Оқ олма, қизил олма” мисраси орқали ифодалайди. Бу ўринда оқ олма – йигитнинг, қизил олма эса қиз боланинг муҳаббатига ишоратдир.

Қизил ранг билан боғлиқ бирикмалардан яна бири “қизил тил” бирикмаси ҳисобланади. “Алпомиш” достонида шундай сатрлар бор:

Калма келар менинг қизил тилимдан,  
Пиёдаман ҳеч иш келмас қўлимдан,  
Қўлдан бериб, сендай зулфакдоримдан –  
Мен энди айрилдим кирдикоримдан [1, 152].

Пойгага кетган Қоражоннинг кечикишидан хавотирланган Алпомиш дурбинда йўлга қараб, Кўқдўнан билан йўл талашиб келаётган Бойчиборни тўриқ тусли кўриб таниёлмайди. Чунки, оёқларига михлар қоқилиб қийналган отнинг туси чанг ва тердан ўзгариб кетган эди. Шунда Алпомиш армон билан: “Ҳам отимдан, ҳам юртимдан айрилдим”, деб ҳушидан кетиб йиқилади. Барчин келиб ундан ҳол сўраганида у “*Калма келар менинг қизил тилимдан*” деган гапни ҳам айтади. Бунда барқарор шеърий мисра теран мазмунга эга бўлиб, қаҳрамон руҳиятида кечаётган барча қарама-қарши ўй-фикрлар тўфонини аниқ ифодалаши билан характерлидир. Бир зумда қўлидаги барча имкониятларидан айрилган кишининг худодан бошқа нажоткори, ҳамкор, ҳамдами қолмайди. Ана шу кулфатни айнан “*Калма келар менинг қизил тилимдан*” барқарор шеърий мисра аниқ изоҳлайди, деса бўлади. “Қизил тил” бирикмаси “Гўрўғлининг туғилиши” достонида ҳам қўлланилган:

Булбулнинг қўнгани боғда гул бўлди,  
Мажлисда сўйлаган қизил тил бўлди,  
Олиб келсак шу меҳмонни мажлисга  
Ҳам Аҳмадга, Холжувонга ул бўлди.  
Кайвони, маслаҳат қандай бўлади? [2, 92.]

Гўрўғли Така-Ёвмитга келди, уни хон авлоди сифатида барча расман тан олди. Аҳмад сардор билан Холжувон ойим уни ўғилликка қабул қилишди. Ўз боғида булбулнинг эркин сайрагани ва фавқулотда қувончли хабарнинг барча элларга ёйилгани – қизил тил бўлганлиги эри.

Достонлар таркибида келувчи анъанавий барқарор шеърий мисралар орасида кенг қўлланилувчи “*Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин*” стилистик формуласидаги ол ранг қизил ранга синоним ҳисобланади.

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,  
Кўнгил суйса ёрнинг лаби бол бўлсин.  
Сендай ўғлон бу ерларга келмайди,  
Туркманнинг эгаси сенга йўл бўлсин [4, 230].

Ёки:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,  
Узундир, калтадир, ҳар тўн мўл бўлсин,  
Бу аҳволда ақл-хушни йўқотиб,  
Юртимнинг эгаси, сизга йўл бўлсин? [6, 27].

Биринчи тўртликда Юлдуз пари изидан тушган Авазхонга Тўтигул “Йўл бўлсин” деб сўраётган бўлса, иккинчи ҳолатда Аваз хафа бўлган Гўрўғлига мурожаат этмоқда. Шу сабабли ҳам барқарор шеърий мисрадан кейин бир-бирига мантиқан монанд келмаса-да тилак билдирилмоқда. Зеро, “Ол-ол бўлсин, ол бўлсин...” эзгу тилакка йўл очаётир.

Кўринаётирки, ранглар иштирокида келувчи барқарор бирикмалар матн воқелиги ва барқарор мисрадаги бошқа сўзлар билан биргаликда рамзий мазмун ифодалайди. Бу ўринда

ушбу бирикмалардаги ҳар бир рангнинг анъанавий рамзий маънолари мазмунни оидинлаштиришда, тушунча уйғонишида таянч вазифасини ўтайди.

Хулоса қилиб айтганда, дostonларда ранг жонли ҳамда таъсирли мазмун ва ғоянинг юзага чиқишида хизмат қилиши билан бирга, муҳим бадиий ва эстетик вазифани ҳам бажаради. Умуман, ранг дoston воқелиги, қаҳрамонлар тақдирини ўз онгида қайта идрок этишга ўқувчига яқиндан ёрдам беради. Фольклор асарлари бадииятини ўрганиш халқ бадиий тафаккур тарзи, унинг тарихи, ривожланиш босқичларини тадқиқ этишга кенг йўл очади. Эпик асарлар таркибидаги ранг семантикасини ўрганиш ҳам шу умумий вазифани ҳал этишга хизмат қилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. **Алпомиш.** ЎХИ. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов/. – Т.: Шарқ, 1998. – 400 б.
2. **Гўрўғлининг туғилиши.** ЎХИ. – Т.: Ф.Фуллом, 1967. – 164 б.
3. **Далли** //Булбул тароналари //2-том. Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли. Тайёрловчи У.Исмоилов . – Т.: Фан, 1972. – 175 б.
4. **Қундуз билан Юлдуз** //Булбул тароналари //3 том, Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли. – Т.: Фан, 1972. – 230 б .
5. **Равшан** //Булбул тароналари //2-том. Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли, ёзиб олувчи: Ҳоди Зариф/. – Т.: Фан, 1972. – 172 б.
6. **Хуш келди** //Булбул тароналари //Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли.– Т.: Фан, 3-том. 1982. – 70 б.

### БИОГРАФИК РОМАНЛАР СЮЖЕТ ВА МОТИВИДАГИ МУШТАРАКЛИК

**Хажиева Феруза Мэлсовна**

*БухДУ Инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси*

*e-mail: feruza11031979@mail.ru*

**Таянч сўзлар:** биографик роман, сюжет, эпизод, асар ғояси, бадиий персонаж, поэтика.

**Ключевые слова:** биографический роман, сюжет, эпизод, идея произведения, персонаж, поэтика.

**Key words:** the biographical novel, plot, episode, idea of the novel, personage, poetics.

*Мақолада Ирвинг Стоуннинг “Изтироблар ва қувончлар” ва Мақсуд Қориевнинг “Ибн Сино” номли биографик романлари таҳлил қилинган. Асарларнинг сюжет ва мотивидаги муштараклик қиёсий-типологик таҳлил орқали кўрсатиб берилган.*

*В данной статье представлен анализ биографических романов Ирвинга Стоуна «Муки и радости» и Мақсуда Қориева «Ибн Сино». Произведения сравниваются в сюжетно-эпизодном плане.*

*The article presents the literary analysis of the biographical novels “The Agony and the Ecstasy” by Irving Stone and “Ibn Sino” (Avicenna) by Maqsud Qoriyev. The similar episodes and leitmotifs in the plots of the novels are shown through comparative typological analysis.*

Адабиётшунослик, қиёсий адабиётшунослик соҳаларида амалга оширилган тадқиқотларда турли адабий ҳодисалар муқояса қилинган. Бир ёки бир неча адабий ҳодисани типологик тадқиқот марказига қўйиш орқали бадиий асарларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари топилади. Кенг қамровли типологик таҳлил амалга оширилади. Ўзбек адабиётшунослигида кенг миқёсли типологик тадқиқотга мисол сифатида А.Қосимовнинг “Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертациясини [5, 45] кўрсатиш мумкин. Ишнинг асосий мақсади А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижодидаги анъана, новаторлик масаласи, ижодкорларнинг ўзбек тилига қилинган таржима вариантларини таҳлил қилиш, А.Камюнинг замонавий ўзбек насрига таъсири муаммоларини ўрганишдан иборат бўлиб, вазифалар қаторига ғоя талқини, анъана, новаторлик, жанр ва қаҳрамонлар ўртасидаги типологик ўхшашликларни аниқлаш, А.Камю маҳорати қирраларини белгилаш ва бошқалардан иборатдир. Демак, типологик қиёс нафақат бир адабий ҳодисани ўрганишни, балки бир неча типологик ўхшашликларни таҳлил қилишни тақозо этиши мумкин. Шундай экан, ишда биографик роман жанри хусусиятларини кўрсатиш учун жанр намуналари имкон қадар ҳар

томонлама таҳлил қилиниши талаб этилади. Роман жанрига хос бўлган жиҳатлардан бири роман поэтикаси масаласи ҳисобланади.

“Бадиийлик”, “бадиият”, “поэтика” сингари атамалар сўз санъати намунасининг ўзига хос хусусиятини билдиради. Бу атамалар ғоят кенг тушунчаларни ифодалайди. Адабий асарнинг марказий ғояси сингари катта муаммодан тортиб энг кичик тафсилотгача бадиият доирасида кузатилади. Бошқача айтганда, бадиият ёки поэтика – катта-кичик барча унсурларнинг санъат талабларига тўла жавоб берадиган бадиий асарда яхлит бир тизимга уюштириши, уйғунлаштириши демак. Уйғунликсиз алоҳида олинган унсурларнинг бадиийлиги ҳақида гапириш мумкин эмас. Бадиийлик барча унсурларнинг ҳам алоҳида-алоҳида, ҳам уйғунликда юксак санъат талабларига мутаносиблигидир. “Бадиийлик, – деб ёзади Ҳотам Умуров, – ҳаётни жонли ва таъсирли қилиб тасвирлашнинг умумий белгиси, ўхшаш қилиб қайта яратилган оламнинг тирикчилигини, мўъжизакорчилигини, таъсирчанлигини таъминловчи ҳодисадир. Яъни бадиийлик – бадиий ижоднинг ҳамма унсурлари (образ, характер, тип, сюжет, эпизод, деталь, композиция, бадиий тил, ифода тасвир воситалари, поэтик синтаксис, жанрлар, услуб...) ни ўз ичига қамраб олади” [3, 28]. “Буюк ёзувчи доим буюк сеҳргардир. Биз унинг индивидуал ёзувчилик сеҳрини англаб, роман ёки шеърларининг услуб, образлилик ва структурасини идрок этган пайтимиздагина асарнинг энг мароқли томони бошланади” [2, 39].

Демак, бадиийлик деганда воқеликни ҳаётий, жонли картиналарда, ўқувчида эстетик завқ, жонли тасаввур уйғотадиган қилиб тасвирлаш даражаси тушунилади ва у бадиий асарнинг композицияси, сюжет, ғоя, образлар, характер ва турли бадиий воситалар каби тушунчалар билан боғлиқ. Бадиий асарнинг моҳиятини тушунганимиздагина, биз муаллифнинг эстетик оламига кириб, бадиий асардан тўла баҳраманд бўламиз.

Ўзбек адаби Мақсуд Қориев томонидан яратилган “Ибн Сино” ҳамда америкалик ёзувчи Ирвинг Стоун қаламига мансуб “Изтироблар ва қувончлар” романларининг ҳар бирида мавзу ва ғоя, сюжет ва композиция ўзига хос тарзда намоён бўлади.

“Ибн Сино” ҳамда “Изтироблар ва қувончлар” романларига диққат қаратадиган бўлсак, уларда турли давр воқеалари бадиий ифода топган бўлса ҳам, сюжетни шакллантиришда муштараклик бор. Икки асар реалистик услубда ёзилганлиги сабабли воқеалар динамик тарзда, сабаб-оқибат занжирида ривожланиб боради. Романлар сюжети бевосита биографияси баён этилаётган шахслар ҳаёт йўллари тасвирловчи ва уларнинг вафотлари билан тугайдиган чизиқдан иборат. Ҳар иккала асар сюжети анъанавий биографиядан фарқ қилади. Романлар қаҳрамонларнинг дунёга келиш воқеаси билан бошланмайди. Бири – ўн уч ёшли ўспириннинг ҳаётдаги ўз йўлини белгилайдиган лаҳзадан, яъни Микеланжело санъат оламига кириб келишидан; иккинчиси – ўн саккиз ёшли йигит Ибн Синонинг ҳали ёш бўлишига қарамасдан элга танилган, билим олишнинг энг юқори палласига кўтарилган давридан бошланади. Қаҳрамонларнинг болалик йиллари, ота-оналари тўғрисида маълумот ретроспекцияда берилди. Бу билан биографик роман муаллифлари китобхонни баён билан зериктирмай, сюжет тугуни сифатида ўз қаҳрамонлари ҳаётининг зиддиятлар, конфликтлар, бўронли ижодий ҳаёт, бошқача айтганда, изтироблар ва қувончлар бошланадиган драматик лаҳзасини белгилайдилар. Ўқувчини воқеалар гирдобига тўғридан-тўғри жалб қилиб, қизиқтириб қўйдилар. “Изтироблар ва қувончлар”нинг дастлабки саҳифаларида фреска чизиш бўйича биринчи устози Гирландайо билан дастлабки учрашувга отланиши арафасида ҳаяжондан кечаси ухломмай чиққан Микеланжелонинг ички ҳиссиётлари тасвирланган. Ундан сўнг Микеланжело туғилган Флоренциянинг кўҳна кўчалари, арка ва гумбазли бинолари, мрамрдан ўймакорлик йўли билан яратилган фасадлар, ҳайкаллар, бозорларни экспозиция сифатида бадиий тасвирлайди.

“Ибн Сино”да муаллиф асарни Бухорои шарифнинг гумбазли бинолари, тор кўчалари, бозору дўконлари тасвирдан бошлайди, сўнг аллома Ибн Синонинг китоб дўконидан Форобийнинг “Илоҳиёт” рисоласини сотиб олиб, кечаси билан ухламасдан “закий муаллим”и билан гаплашиб чиққанлиги воқеасини баён этади. Ҳар икки асарнинг дастлабки қисмларида ора-орада ҳар икки алломанинг ота-оналари, оила аъзолари ҳақида маълумот бериб борилади. Бу маълумотларга Микеланжелонинг укалари, туққан онаси ва туғилиш воқеаси, ўғай онаси, унинг пазандалиги, итальянча овқатлар, одатлар; Ибн Синонинг ота-онаси ва уларнинг тўнғичларига меҳр-ихлослари, алломанинг ягона укаси, Афшонадаги дала ҳовлилари, болалик хотиралари кирди.

Сюжетлар орасида фарқ ҳам мавжуд. Ирвинг Стоун асарида сюжет Микеланжело ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бир линиядан (бу кўпроқ биографик жанрга хос) иборат бўлса, “Ибн Сино”да у бир неча тармоқдан ташкил топган. Шу ўринда айтиш жоизки, Мақсуд Қориев оташпарастлар динига мансуб Санам билан боғлиқ сюжет чизиғини яратади. Унда Ибн Синонинг ушалмаган муҳаббати, ўша замондаги оддий халқ вакилларининг ҳаётини кўрсатиш ва, асосийси, халқ орасида Ибн Сино ҳақида ёйилган афсоналардан фойдаланиш мақсади назарда тутилган. Ибн Сино тарафидан ўлимга қарши яратилган дори, унинг шогирди қўлидан бехосдан тушиб кетиши оқибатида инсонни ўлимдан асраб қолишдан иборат оламшумул кашфиётнинг амалга ошмай, ора йўлда қолгани, шундан сўнг алломанинг вафот этганлиги тўғрисидаги ривоят ва шу кабилар Санам билан боғлиқ сюжет чизиғидан жой топган. Асар бошида туташ ҳолда турган сюжетнинг бу икки чизиғи воқеалар ривожини давомида алоҳида икки линия бўлиб шаклланади.

Ҳар икки асарни инсон буюклиги ва у қолдирган мероснинг абадийлиги ҳақидаги мавзу бирлаштириб туради. “Изтироблар ва қувончлар” да ҳам, “Ибн Сино” да ҳам икки буюк шахснинг ҳаёти, фаолияти ва қолдирган ўлмас асарлари бадиий тусда ҳикоя қилинади. Ўқувчи сюжетнинг ана шу воқеалари силсиласида тафаккури, мақсад ва интилишлари, ҳаёллари билан ўз замонасидан анча илгарилаб кетган, ўз тафаккури мевалари билан ҳамма замонларга хизмат қила оладиган улуғ мутафаккирга рўбарў келади.

Бу икки асарда яна бир муқобил мотив бор. Микеланжело санъатда қотиб қолган догматик диний қарашларга қарши чиқиб, яратган фигураларининг жонли чиқиши учун инсон танасининг ички аъзоларини ўрганишни истайди, аммо ўрта асрларда инсон танасини ёриш - мурдани ҳақорат қилишдан ташқари Худога қарши чиқиш, Худонинг ишларига аралашиб деб тушунилган ва шу сабабли ҳеч қандай шарт билан бундай тажрибаларга йўл қўйилмаган. Шунинг учун бундай тажрибани очиқдан-очиқ ўтказиш имкониятидан маҳрум бўлган Микеланжело ўликларни дафн этишдан олдин яширинча бориб ёриб кўрган ва инсоннинг ички тузилишини ўрганган. Бундай хатти-ҳаракатни амалга ошириш учун мустаҳкам ирода ва жасурликдан ташқари, ўша даврда, ҳатто, давлат ва қирол ҳам сўзсиз бўйсунадиган улуғвор куч-қудратга эга бўлган, шаккоқларни даҳшатли жазоларга гирифтор этадиган черковга қарши чиқа билиш, бошқача айтганда, муқаррар ўлимни бўйинга олиш керак эди. Ирвинг Стоун мурдани ёриш билан боғлиқ эпизодда ёш йигитнинг жасорати ва шижоатини юксак маҳорат билан тасвирлаган:

“Where to begin? (...) he brought the knife down and made his first incision: from the chestbone down to the groin(...). He asked himself, “Where is the blood?” for it didn't flow. This increased his impression of cold and death. Then he saw the fat, a soft, deep yellow. He knew what it was, he had seen fat cut from animals in the markets. He made a deeper cut to reach the muscle, which was different in color from the skin and the fat, and harder to cut. He studied the dark red columns of fibres. He cut again and saw the bowel(...). He picked up his candle and held the light close to the innards, for this was his first complete view. He saw something pale red, netlike in design, and of solid in tissue, which he deduced was the lungs. This network had a black covering, something that he had heard happened to wool workers.

Experimentally, he pressed the lung: a hissing noise came out of the mouse of the corpse(...) he realized that in touching the lung he had forced out the residual air, and for the first time he understood what the breathing was (...).

After he had moved aside the lung he noticed a dark red mass; this must be the heart. It was covered by a shining membrane. Probing, he found that all of the tissue was connected to a form shaped something like an apple, almost free in the chest, attached only at the top of the pyramid”. [1, 604-606] (“Қаердан бошласам экан? (...). У пичоғини пасайтириб, дастлабки кесишни амалга оширди: кўкрак қафасидан тортиб чотигача (...) У ўз-ўзидан сўради: Қон қаерда? – чунки у оқмаётган эди. Бу ундаги совуқ ва ўлим ҳақидаги таассуротни кенгайтди. Кейин у ёғ қаватини кўрди: юмшоқ, тўқ сариқ. У бунинг нима эканлигини биларди, чунки бозорларда ҳайвонларнинг кесилган ёғини кўрган эди. У мушакларни кўриш учун чуқурроқ кесди, унинг ранги ёғ ва теридан фарқланар эди, кесиш ҳам қийинроқ эди. У тўқ қизил рангли тўқималарни ўрганишга киришди. У яна кесди ва ичакларни кўрди (...). У шамни олиб ички аъзоларни яхшироқ кўриш учун ёруғликни олдинроқ келтирди, чунки бу унинг биринчи марта тўлиқ кўриши эди. У оч қизил рангли, кўриниши тўрсимон қаттиқ тўқимали бир нарсани кўрди. Бу ўпка

деган хулосага келди. Бу тўрнинг усти жун билан ишлайдиганларга хос деб эшитганидек қоп-қора эди.

Тажриба учун у ўпкани сиқиб кўрди. Ўликнинг оғзидан пишиллаган товуш чиқди, ...ўпкага тегилганида ундаги қолган ҳавони сиқиб чиқарганини у тушунди. Биринчи марта нафас олиш қандай эканлигини англади...

Ўпкани бир томонга олиб қўйганидан кейин, у тўқ қизил рангли массани кўрди; бу юрак бўлиши керак. У ялтироқ қобиқ билан қопланган эди. Тегилиб кўриб, тўқималар олмага ўхшаган шаклда, кўкрак қафасида эркин туриб, пирамида чўққисида ёпишиб, бирикканлигини тушунди”).

Ирвинг Стоун Микеланжелонинг одам танасининг ички аъзоларини ўрганиш мақсадида мурдани ёриб кўришини тасвирлаш орқали асар воқеаларига ҳаётийлик бағишлаган. Айнан ана шу тафсилотлар буюк гуманист Микеланжелони олим, кўрқмас ва шижоатли шахс сифатида жонли тасаввур қилишга ёрдам беради. Ана шу тафсилотларсиз Микеланжелонинг мурдани ёриб кўриши қуруқ фактик қайддан иборат бўлиб қоларди. Ирвинг Стоун тасвирига кўра, Микеланжело шахсий фантазиялари ва тушунчалари асосида иш кўрадиган инсон; ҳаётда ҳам, санъатда ҳам, илоҳиётда ҳам ўзининг ҳеч кимнига ўхшамаган қарашларига эга бўлган шахс; ҳайкалтарошлик, рассомчилик ва архитектурада ўзига хосликка интиладиган санъаткордир. Ҳар бир асар Микеланжело тарафидан буюк ва жазавали илҳом билан яратилади. Муаллиф йигирма олти ёшли йигит Микеланжелонинг ақл бовар қилмайдиган ишга қўл урганлигини баён этар экан, қуйидаги тарихий воқеани қаламга олади: Дуччио – Италия ҳайкалтарошларидан бири – баландлиги беш метрдан ортиқ бўлган мрамартошдан ҳайкал ясамоқчи бўлади, аммо мрамарни бузиб қўяди. Сўнг ишни охирига етказмай, ташлаб кетади. Ярим аср давомида энг яхши ҳайкалтарошлар ҳам бузилган мрамар бўлагидан ҳайкал яшашни хоҳламайдилар. Микеланжело кўрқмасдан бузилган тош бўлаги устида ишлашга киришади. Уч йилдан сўнг афсонавий Довуднинг сиймоси яратилади. Ҳайкал Флоренция шаҳри фуқаролари, озодлик курашчилари тимсоли бўлиб қолади. Ҳатто, бугунги кунга қадар бу ҳайкал Италия музейларининг қимматбаҳо экспонати ҳисобланиб, ўз қийматини йўқотмасдан, инсон гўзаллиги, куч-қудрати тимсолига айланган.

Мақсуд Қориевнинг “Ибн Сино” биографик романида ҳам Ибн Синонинг буюк аллома, ўз даврининг илғор фикрли кишиси эканлиги мавзуси орқали олим маънавий меросининг боқийлиги ғояси илгари сурилган. Романда Ибн Синонинг “Ал-Қонун”, “Аш-Шифо”, “Китоб ал-Ҳидоя”, “Китоб Ал-Қуланж”, “Ан-Набот”, “Ал-Ҳайвон”, “Риёзат” каби асарларининг яратилиши, ўз даври табобатига янгиликлар киритиши, турли касалликларга даво топиши каби воқеалар фониди ёзувчи ўқувчини алломанинг фалсафа, астрономия, ботаника, зоология, математикага оид қарашлари билан таништиради. Бу воқеалар даврнинг турли зиддиятлари замирида ривожлана боради. Беруний, Масихий, Абу Наср Ироқ каби даврнинг илғор кишилари бўлмиш тарихий шахсларнинг қарашлари ҳам бадийий ифода этилган.

“Изтироблар ва қувончлар”да бўлгани каби “Ибн Сино”да ҳам инсон танасини ёриб кўриш эпизоди тасвирланган. Табиб Ибн Сино ҳам инсон танасининг айрим касалликлари давоси унинг танасини ёриб кўриш орқали топилишига ишонади. Умуман, мутафаккир инсон сифатида уни Аллоҳ таолонинг буюк сир-синоатларидан бири бўлмиш одамнинг ички тузилиши қизиқтиради. Аммо Ислом дини мутаассиблари (том маънодаги дин эмас, албатта!) худди “Изтироблар ва қувончлар”да кўрганимиздек, одам танасини ёришни осийлик, кечирилмас гуноҳ, даҳшатли шаккоклик ўлароқ талқин қилганлар. Табиийки, ўрта асрлар Шарқда ҳам бу ишни ошқора бажарган кишини аёвсиз жазо кутар эди. Тарихий ҳақиқатларга кўра, Ибн Сино мана шундай жазодан кўрқмасдан ва бу иш шаккоклик эмаслигига комил мусулмонлик эътиқоди билан одам танасини ёриб кўради; бу эса тиббиёт фани ривожини биратўла бир неча асрларга олдинга суриб юборганидек, миллион-миллион кишиларнинг турли касалликлар чангалидан халос бўлишларига олиб келди. Ваҳоланки, бу хатти-ҳаракатда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб қилинган катта жасорат ва улуғ инсонпарварлик бор. Ҳар қандай дин учун инсон ҳаёти муқаддас бўлганлигидан, гуманизм ҳар қандай диннинг мағзини ташкил қилганидан инсон ҳаётини қутқариш учун қилинган амалиётда ҳеч қандай шаккоклик бўлиши мумкин эмас. Ўрта асрлар хурофоти зулмати шароитида Микеланжело ҳам, Ибн Сино ҳам бу ҳақиқатни тафаккурнинг ўткир ёғдусидан ташқари, ички бир савқи табиий, ички диндорлик орқали кўра олганлар, ҳис этганлар.

Мақсуд Қориев одамни ёриб кўриш воқеасини И.Стоун сингари батафсил эмас, балки “парда ортида” – мубҳамроқ, қисқароқ қилиб тасвир этган: Ибн Сино қорни ўроқ билан кесилган йигитни даволаш чоғида ўзи олдин кўрган – одам танасининг ички аъзолари чизилган суратларда кўп хатоликлар борлигига ишонч ҳосил қилади. Устози билан мулоҳазалашиб, гуноҳ бўлса ҳам, мурдани ёриб кўриш керак, деган қарорга келдилар. Бир неча ой давомида бу истакни амалга ошириш мумкин бўлмай қолади. Вақти келиб, қорни кесилган йигит тузалиб, унинг ёнига миннатдорчилик билдиргани бир коса тут олиб келганида, табибга қишлоқдоши бўлмиш бир ғариб кимса – соқов киши ўлиб қолганлигини айтиб беради. Фурсат кутиб юрган Ибн Сино унга ўзи тезда бориб кўришини ва кафанлаб дафн этишини айтади. Устози Масиҳийнинг уйига бориб икковлон тезда бечоранинг чайласига боришади ва: “Ерга чойшаб солиб ўликни чалқанча ётқизишди. Ҳамма нарса ҳамирдан қил суғургандек... Бир неча дақиқалар ичида барча зарур ишлар бажарилди.

Хоразм диёрида биринчи марта инсон мурдаси тўла текширувдан ўтказилди” [4, 149]. Бу воқеа тўла тарихийликка асосланади. Ибн Сино ҳам Микеланжело сингари ҳеч ким бажара олмаган ишларга қўл уриб, урдасидан чиқа оладиган шахс. Романда баён этилишича, “Журжон ҳукмдори Қобуснинг жияни тузалмас бир дардга йўлиқибди, томоғидан на овқат, на сув ўтар, озиб-тўзиб дармонсизланиб, бир мажруҳ бўлиб қолган эмиш. Кўрсатмаган табиби, ўқитмаган домласи, ҳатто, фолбину афсунгарлар ҳам қолмабди. Муқаддас жойларга олиб бориб қурбонликлар қилган, чилёсин ўқитган...” [4, 200]. Ибн Сино севги дардига чалинган, шу туфайли ҳеч бир гап айта олмайдиган бемор йигитни даволайди. Бунинг учун табиб Журжонни яхши биладиган бир бечорани чақириб, касал олдида барча кўчаларнинг номини бирма-бир айттиради. Заргарлар маҳалласига келганда йигитнинг томир уриши тезлашади. Ундан сўнг худди шу тартибда хонадонлар номи ва ниҳоят, хонадон эгалари исмлари айтилади. Натижада, бемор томир уриши тезлашади ва йигит тилга кириб севгилисининг исмини айтади. Шу тариқа ошиқ йигит кучга кириб, севгилисига етишади. Ибн Сино эса сарой аҳли орасида обрўга эришиб, илм ва фан билан шуғулланиш учун кенгроқ имкониятга эга бўлади. Бу, албатта, халқ ривоятларига асосланган эпизод. Аммо шунга ўхшаш эпизодлар, бир тарафдан, Ибн Синонинг буюклиги, унинг халқ ва сарой орасида меҳр қозониши очиб берилган бўлса; иккинчи тарафдан, бундай ривоятлар воқеаларнинг вақт ўтиши билан узилган ипларни боғлашга, тирик ҳаёт манзараларини жонлантиришга хизмат қилади.

“Изтироблар ва қувончлар” ҳамда “Ибн Сино” романларининг бош қаҳрамонлари мутафаккир шахслар бўлишига қарамасдан, турли соҳа вакиллари. Шундай бўлса-да, бу асарларда типологик ўхшашликлар бўлгани сингари мавзу ва ғоя, сюжетни шакллантириш ва композицияни тузиш жиҳатдан муштарак жиҳатлар бор. Шу билан бирга ҳар бир асар ўзига хос сўз санъатининг бетакрор намуналаридир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Stone Irving. The Agony and the Ecstasy. – New York: Avenelbooks, 1981. – P. 604-606.
2. Набоков В. О хороших читателях и хороших писателях: Лекции по зарубежной литературе. – Санкт-Петербург: Азбука-Классика, 2010. – С. 39.
3. Умутов Х. Адабиёт назарияси. – Т.: Фан, 2002. – Б. 28.
4. Қориев М. Ибн Сино. – Т.: Шарқ, 2002. – 200 б.
5. Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида). Фил.фанл.докт... дисс.автореферати. – Т., 2007. – 45 б.

#### СОҚИЙ ОБРАЗИ БАДИИЯТИ

**Асадов Мақсуд Ҳусенович**

*ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими*

**Таянч сўзлар:** соқий, образ, тимсол, тушунча, истилоҳ, чилтон, комил инсон, май, жом, харобот.

**Ключевые слова:** кравчий, образ, символ, понятие, термин, сорок духов, гармонично развитый человек, вино, чаша, питейный дом.

**Key words:** cup bearer, character, concept, term, chilton(fourty inseparable spirits), perfect man, wine, goblet, drinking establishment.

*Мақолада мумтоз шеърятимизда энг кўп қўлланган ўзига хос поэтик тимсоллардан бири соқий, унинг генезиси ва маъно нозикликлари ҳақида баҳс юритилган.*

*Статья посвящена изучению одного из часто употребляемых поэтических символов классической узбекской поэзии (кравчий), его генезиса, смысловых оттенков.*

*The article analyzes the character of a cup bearer, the specific poetic symbol in Uzbek classic poetry, its genesis and shades of its meaning.*

Мумтоз шеърятимиз нафақат поэтик жанрларнинг ранг-баранглиги, балки образ, тимсол, тушунча ва истилоҳларнинг кўплиги билан ҳам ўзига хосдир. Шундай тимсоллардан бири соқий саналади. Соқий сўзи аслида арабча бўлиб, “меш билан елкасида ёки ҳайвонлар воситасида сув ташувчи киши”ни англатган [13, 1447]. Айрим маълумотларга кўра, XI-XVII асрларда тоза гуруч ва арпани эзиб, уларнинг сувидан кўлда тайёрланган, овқатдан олдин иссиқ ҳолда истеъмол қилинган маст қилувчи ичимлик ҳам соқий деб юритилган [9, 153]. Шунингдек, соқий “сув бермоқ”, “сув улашмоқ”, “чанқоқликни қондирмоқ” каби маъноларни ҳам ифодалайди [6, 730]. Мумтоз адабиётда май сузувчи, шароб куйиб тарқатувчи, даврани бошқарувчи киши, яъни косагулга ҳам соқий дейилган [15, 264]. Соқийнома шеърларларда у хурсандчилик ва кўтаринки кайфият бағишловчи бир қаҳрамон қиёфасида тасвирланган.

Ўзбек адабиётида соқий тимсолининг дастлабки илдизлари халқ оғзаки ижодига, айниқса, Гўрўғли туркумидаги дostonларга бориб тақалади. Уларда келтирилган Соқибулбул – чилтонлардан бири. Гўрўғлининг устози, маслаҳатчиси, даврасининг соқийси, Фирқўкнинг сайиси сифатида кўрсатилган. Таниқли олим М.Қодиров изоҳича, у “созни хилма-хил оҳангларда чалиб, тингловчиларни сел қилиб эритиб юборадиган моҳир созанда” ҳамдир. Соқибулбул дўмбира, най, танбур каби бир нечта чолғу асбобларини чала олган. Шунингдек, хонанда, шоир, бахши, аскиячи ва масхарабоз сифатида ҳам донг таратган [16, 120-127]. Фольклоршунос Ш.Турдимовнинг кўрсатишича, “тингловчи Соқибулбул билан дostonнинг “алпнинг қайта яралиши” куйланган қисмида танишади. “Бу ўринда Гўрўғлибекни чилтонларга танитиб, Ҳазрати Хизр: “Бизнинг фарзанд ўтиришда таълим олсин, сипоҳгарчиликни ўргансин, деди. Шунда чилтонлар қур тортиб, тиз букиб ўтирдилар. Ана шунда Соқибулбул чилтон май сузиб, пир айтган соқи эди.” Женгди туриб, ўртаға кириб, шароби антаҳурни тахлаб, жомини қўлга олиб, созни чертиб, сўзини айтаётир”. Бу ўринда Соқибулбул фақат дoston ва кўшиқ куйловчи эмас, “соқийлик, аслида, халқимизнинг кўҳна мифологик тасаввур ва ишонч-этиқодлари, айниқса, шомонлик билан узвий боғлиқ. Чунки дostonларда Соқибулбул Гўрўғли салтанатининг бош руҳонийси, шомони ҳисобланади. У салтанатдаги барча маросимларни бошқарган, қаҳрамонни сафарга кузатар экан “оқ фотиҳа” берган”. Шунга кўра олим “майхона”ни ибодат жойи, “соқи”ни ибодатни бошқарувчи руҳоний маъносида англаш ўринли бўлишини алоҳида таъкидлаган [14, 167-173]. Дарҳақиқат, соқийнинг мана шу мазмуни кейинчалик соқийномалар учун асос бўлиб хизмат қилган. Чунки уларда соқий шунчаки май қувчи киши эмас, балки қалби эзгулигу муҳаббатга тўла, илоҳий ҳақиқатларни теран англаган, олам ҳодисаларига кўнгил кўзи ила боқувчи донишманд қиёфасида ҳам гавдалантирилган.

Халқ дostonларида, хусусан, “Кунтуғмиш” дostonида ҳам соқийлик ва қадимги даврларга хос бўлган май ичиш тартиби ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Асар қаҳрамони Моҳибойнинг айтишича, майни “қирқ одам ичар эмиш, бўлмаса чортанг бўлиб ичар эмиш”. Мазкур даврада, шунингдек, бий, косагул, ўнг оталиқ, сўл оталиқ каби махсус даврабошилар ҳам бўлганки, буни Моҳибойнинг куйидаги сўзларидан билиб оламиз: “Сен Гурки гапни нима биласан, сени бий қиламан, ўзим Соқий бўламан, сенинг телпагинг ўнг оталиқ бўлади, менинг телпагим чап оталиқ бўлади, чортанг бўламиз” [17, 298]. Шу тариқа ўтмишда май базмларида махсус тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилинганлиги ҳам равшанлашади. Бундай кечаларда соқийнинг ўзига хос маънавий мақоми, беқиёс ўрни базм иштирокчиларига кўтаринки кайфият, завқу шавқ, ҳаётий лаззат бахш этган, десак хато бўлмайди.

Манбаларда ёзилишича, ўтмишда бектошийлик тариқатига кирган ҳар бир киши дастлаб соқий деб юритилган. Бу номга эга бўлиш учун эса, аввал маълум бир шартлар бажарилган. Яъни бунинг учун махсус маросим уюштирилган экан. Унда тариқатга энди кираётган киши чап қўлига шарбат тўла кўзани, ўнг қўлига жомни олиб, шайхдан бошлаб даврадаги ҳар бир кишининг олдига келаркан-да, чап тиззасини ерга қўйиб, ўнг тиззасини тик тутганча кўзадан

жомга шарбат қуяр экан. Ва “Сақоҳуллоҳи йа Хусайн” (“Эй Хусайн, сени Оллоҳ сероб айласин”) деб даврадагиларга шарбат улашар экан. Уни ичиб бўлганлар қадаҳни соқийга қайтаргач, йиғилганларнинг барчаси “саломуллоҳи ала Хусайн лаънатуллоҳи ала қотилил Хусайн”, яъни “Оллоҳнинг саломи ҳазрат Хусайнга, Оллоҳнинг лаънати унинг қотилига бўлсин”, деб дуо қилишар экан. Маросим сўнгида соқийлик қилган киши тариқат аҳли қаторидан жой олган [11, 477].

Соқий образининг адабиётда бевосита май мавзуси билан чамбарчас боғлиқлиги маълум. Мумтоз шеърятда май мавзусини янада чуқурлаштирган таълимот – тасаввуф эди. Унга кўра, бутун олам Оллоҳ нурининг зухурланишидир. Ҳақнинг жамоли мана шу нурда яширинган. Май шу нурнинг бир тимсоли. Таниқли олим Н.Комилов таъбири билан айтганда, “тимсолнинг тимсоли” саналади [19, 86]. Бу ҳақда қудсий ҳадисда шундай дейилган: “Эй Аҳмад (яъни Муҳаммад алайҳиссалом), менинг ҳузуримда дўстларим учун бир шароб бор. Қачонки (дўстларим) уни ичсалар маст бўладилар; агар маст бўлсалар, хурсанд бўладилар; агар хурсанд бўлсалар, талаб қиладилар; агар талаб қилсалар, топадилар; агар топсалар, тавба қиладилар; агар тавба қилсалар, халос бўладилар; агар халос бўлсалар, етадилар; агар бирлашсалар, улар билан менинг орамда ҳеч қандай фарқ қолмайди” [20, 23]. Сўфий олим Ибн ул Фарид: “Биз жонон жамолига етмоқ учун ишқ шаробини ичиб, маст бўлганимизда узум ҳануз пайдо бўлмаган эди” [24, 156], – деб майнинг ана шу мазмунини назарда тутди. Дарҳақиқат, маърифий атама сифатида соқий – илоҳий файз улашувчи, тариқат пири, шайх, камолотга етакловчи шахс маъноларини ифодалайди. Соқий деганда, Оллоҳ, Муҳаммад алайҳиссалом, муршид ёки комил инсон ҳам тушунилган [12, 18]. Ўзбек шеърятда, жумладан, Яссавий ҳикматларида ҳам соқий образи асосий тимсоллардан бири саналади. Чунончи, мана бу ҳикматда соқий юқоридаги барча маъноларни ифода этган:

*Соқий сунди ҳар нафас кайфиятнинг шаробин,  
Сармаст бўлуб ўшул дам нола-фарёд урсам мен... [5, 226].*

Мазкур байтда ошиқ – солиқнинг ҳар нафасда янгиладиган кайфияти, яъни ҳоли ҳақида баҳс юритилган. Тасаввуфда ҳол деганда, ғаройиб ҳолат ва хилма-хил маънавий-руҳий, психологик ҳодиса тушунилади. Шунингдек, нафас, он, лаҳза каби тушунчаларда катта бир мазмун яширинган. “Уларнинг қуввати ва шу пайтларда эришиладиган илоҳий файзлар тақдорланмасдир” [8, 11]. Ҳар бир нафас ёки лаҳзаларнинг ғаниматлигини ҳис қилган ошиқ ана шу дамларини ишқдан “сармаст бўлуб” ўтказишни хоҳлайди. Чунки соқий “сун”ган “кайфият шароби” “айнан шу лаҳзаларда уни илоҳий файзга етиштирган. Ишқ ўтида ёнган қалб бир лаҳза бўлса-да фараҳ топган. Шу қисқагина дам, лаҳза ёки нафасда ҳусни мутлаққа унсият сезган” [8, 12]. Ҳикматларда соқий тимсолнинг бир қатор маънодошлари ҳам келтирилган. Яссавийнинг “*Ўттиз бирда Хизр бобом май ичурди*”, “*Чилтон бирла шароб ичдим, ҳамроҳ бўлдим*”, “*Ғавсул ғиёс май ичурди, тўйдим мано*” каби мисраларида қўлланган Хизр, Чилтан, Ғавсул ғиёс каби ном ва тушунчалар фикримизнинг далилидир. Маълумки, “*тариқат йўлидаги маънавий устоз – пири муршидлар қутб, автод, ғавс, чилтан, рижоли ғайб, қутб ал-қутб ва бошқа унвонларга инсоний ва маънавий етуқликнинг қай даражасига эришганликларига қараб эга бўлганлар*” [18, 110]. Яссавий ҳикматларида улар ҳам маърифат ва ҳақиқатни олий даражада идрок этган, дунё иллатларидан узилиб, кўнгил покликка мушарраф бўлган инсоний камолот тимсолларидир.

Навоийгача бўлган ўзбек адабиётида соқий, кўпича, бетакрор гўзаллик соҳиби сифатида таърифланади. Шу сабабли, бу шеърларда соқийнинг гулчеҳра, озода, гулрух, дилбар, сиймтан каби бир қатор сифатлашлари жуда кўп учрайди. Чунончи, қуйидаги байтда кумуш сақоқли соқийга мурожаат қилиб, унинг висол жомидан бир қултум май ичишни истаган Гадоийнинг лирик қаҳрамони ҳам ана шу анъанани давом эттирган:

*Мен Гадоий хастага теккайму, ёраб журъае,  
Жоми васлингдин яна, эй соқийи сиймин сақоқ [7, 148].*

Ўзбек мумтоз шеърятда бошқа лирик образ, поэтик тимсол ва тушунчалар сингари соқий образи ҳам Навоий лирикасида ўзининг ҳар томонлама кенг инкишофини топган. Шоир ғазалларида соқийнинг ёш ва навқирон йигит қиёфасидаги бир қатор янги ифодалари ҳам учрайдики, бу улғу мутафаккирнинг юксак санъаткорлиги белгиларидандир.

*Давр аёгин, соқиё, қўйма йигит жонинг учун,  
Ким, йигитлик рўзғори айш даврони эмиш [1, 223].*

Зеро, Навоий шеърятдаги муайян қаҳрамонлар шундай ёшлик, беғуборлик кайфияти билан тасвирланган. Бу эса китобхонда жўшқинлик, кўтаринкилик, ҳаётга муҳаббат туйғуларини пайдо қилади. Соқийи маҳваш, соқийи гулчеҳра, соқийи давр, соқийи даврон, соқийи гулруҳ, Исавийдам соқий, соқийи Хусравнишон, соқийи ҳурваш, соқийи нўшин, соқийи кавсар, соқийи шўх, соқийи ишқ, соқийи ширин, соқийи ишрат, соқийи васл, базми тараб соқийлари, соқийи базм, нўшлаб соқий, сабукруҳ соқий, дарду бало соқийлари каби поэтик бирикмалар қўлланилган ғазалларда ана шундай мазмунлар ўз ифодасини топган. Маълум бўладики, шоир турли-туман ижтимоий-ҳаётий, ишқий-фалсафий, қолаверса, маърифий-ирфоний фикр-қарашларини юзага чиқаришда мазкур тимсоллардан самарали истифода этган.

Соқий гулчеҳра, маҳваш, шўх, ишқ, ширин, гулруҳ, ҳурваш, васл каби сифатловчилар билан қўлланилганда, анъанавий тарзда ишқ-муҳаббат туйғуларини ифода этган:

*Кетур, эй ҳурваш соқий, майи кавсар зулолидек,  
Ки, дўзахдек хумори ҳажр жонимга азоб айлар [2, 136].*

Соқийи давр, соқийи даврон, соқийи ишрат, базм соқийси каби тимсоллар шоирнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини акс эттиради. Ижодқорнинг замон ва замон аҳлига муносабати, кўпинча лирик қаҳрамоннинг май қуювчи – соқийдан шикоят тарзида ифодаланганлигини таъкидлаш жоиз:

*Мангаҳар майки, тутти соқийи давр,  
Бурун қилди ани қон бирла мамзуж [1, 96].*

Ёки бошқа бир байтда хусравнишон соқийлари тимсолида истиоранинг мазмунига мос улуғворлик, кўтаринкилик туйғулари устунлик қилади. Зеро, “хусрав” сўзининг луғавий маъносидаги “шоҳ”, “ҳукмдор”, “юксак мартаба эгаси” кабилар назарда тутилса, мисраларнинг бадиий-эстетик таъсирчанлиги ортади:

*Дафъ этар дардин Навоийнинг ёшул майким мудом,  
Хусрави хусравнишон соқийлари эҳсон қилур [1, 141].*

Сабукруҳ, кавсар, Исавийдам эпитетлари билан улуғланган соқий маърифий-ирфоний ғоялар тамсилчисидир. Маълумки, Навоий шеърларидаги образлар комилликка интилувчи инсонлар. Шунинг учун лирик қаҳрамон ўзига фано жомидан май тутиб, ўзликни англашнинг оғир юкидан халос айлашни айнан сабукруҳ, яъни хушҳол, самимий, очиқ чеҳрали соқийдан сўрайди:

*Сабукруҳ соқий фано жоми тутқил,  
Ки, ўзлук юкидин гаронборлабиз [3, 149].*

Кавсар – жаннат булоғи. Диний эътиқодга кўра, унинг суви асалдан ширин, қор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши абадул абад чанқоқлик нималигини билмас экан. Соқийи кавсар деганда эса, жаннат булоғидан ҳақиқат бодасини, ишқ майини қуйиб тутувчи киши тушунилади. Шоирнинг фикрича, соқийи кавсар тутган май тўла қадаҳ ошиқнинг ташналигини қондиришга қодир. Шунингдек, соқийи кавсар [10,304] тимсолида қиёмат кунда жаннатдаги Қутсал ариғидан ташна жонларга соф зилол сув улашувчи – Ҳазрати Алига ишорани ҳам илғаш мумкин:

*Хумор дофии бўлғайму соқийи кавсар,  
Бу дайр ичинда майи ишқ ичмаганга тўло [4, 11].*

Маълумки, Исо бадиий адабиётда кишиларни турли хасталиклардан, бало-қазолардан қутқарувчи, ҳатто жонсиз танага ҳам ҳаёт бахш этувчи тимсол сифатида тасвирланади. Қуйидаги байтда Исавийдам соқий талмеҳида унинг ана шу фазилати кўзда тутилган:

*Қоҳи юз бирлаўлармен, Исавийдам соқий,  
Бода тут хуршиди жоми каҳрабо кирдоридин [1, 354].*

Каҳрабо– сариқ рангли елимсимон тош. Уни чармга суркаб, сомонга яқинлаштирсангиз, уни ўзига тартади. Мумтоз шеърятда айрилиқ ғамида сарғайган, заҳил юзни каҳрабога нисбат берадилар. Мазкур байтда ҳам ана шундай мазмун ифодаланган. Бу ўринда майни илоҳий файз маъносида тушуниш ўринли бўлади.

Шунингдек, Навоий ғазалларида аёқчи, пири майхона, пири муғон, пири майкада, пири дайр, пири ишқ, пири харобот, пири хаммор, майфуруш, муғ, муғбача, аҳли базм, аҳли ишқ, аҳли сабуҳ, ринди харобот, бараҳман каби тушунча ва тимсоллар ҳам соқийнинг маънодошлари сифатида инсонни камолот йўлига бошлаб, уни тариқат босқичларидан олиб ўтадиган, барча ёмон одатлардан халос этиб, яхши фазилатларга ошно қиладиган, илоҳий

маърифатдан баҳраманд қилиб, комиллик мақомига кўтарадиган маънавий устоз, руҳоний раҳбар, пири муршидни англатади. Улар орасида аслида ҳиндларнинг диний уламози саналган бараҳман ҳам учрайди. Умуман олганда, ғазалларда илгари сурилайган бадиий ғоянинг янада чуқур мазмун касб этишида муҳим рол ўйнаган бу каби рамзлар Навоий ижодидаги образлар оламининг ранг-баранглигини таъмин этади.

*Май бер, эй бараҳман, ар муғбача ишқида кўнгул,  
Бўлса бад маст фироқи била таъзир этайин [2, 353].*

Диққатга сазовор томони шундаки, соқий образи қатнашган байтларда бир қатор образ, тимсол ва тушунчалар келтириладики, улар воситасида мазкур образнинг маъно қирралари янада теранроқ ифодаланади. Чунончи, мумтоз шеъриятда, Навоий ижодида ҳам ошиқ қалбига инадиган илоҳий нур, маънавий ҳузур-ҳаловат, шунингдек, солиқнинг аста-секинлик билан ўз ботинини англаш сари бораётгани, бундан ҳайратланаётганини мукамал тасвирлаш мақсадида томчи, қатра, журъа каби тушунчаларга ўрни билан мурожаат этилган. Қуйидаги соқийга мурожаат билан бошланган байт ҳам бунинг бир исботидир:

*Соқийё, ул кавсаросо бодадин бир журъа тут  
Ким, мени ҳайронға бўлмиш кашф сирри лав кушиф [3, 248].*

Маълумки, шоир учун илҳом манбаи бу – ҳаётнинг ўзи. Шу сабабли шоир фикр-қарашлари, ҳис-туйғулари, сезги-кечинмаларини юзага чиқаришга хизмат қилувчи образ, тушунча ва истилоҳларнинг моддий асоси, реал манбаси мавжуд. Жумладан, журъанинг ҳам. Аслида у “қадахдаги ичимликни бир мартада, яъни бир хўплам ёки бир қултумда ичиш деганидир. Ислондан олдинги даврларда қабристонда шаробнинг бир журъасини ерга тўкиш билан ўтганлар, марҳум кишилар хотирланган”лиги ҳақида манбаларда айтилган [21, 2121]. Маърифий адабиётда ҳам журъа “ёрнинг бетоқат қилувчи ёди”ни билдиради. Сажжодийга кўра, у “сайр мақомики, солиқ уни излаб топа билмоғи керак, яъни журъа солиққа номаълум қолиб кетган сир-асрорлар ва мақомотларни англатади” [23, 286]. Навоий соқийномасидаги “Кишига қайғудин ўлса зулмот, Журъаси бўлғай анинг оби ҳаёт” мисраларида ана шундай мазмунлар ифодаланган. Юқоридаги кўрсатилган байтда эса, журъа соқий образининг мазмунини юзага чиқариш учун хизмат қилган.

Навоийдан кейинги давр ўзбек адабиётида ҳам соқий образининг бетакрор кўринишлари яратилганки, уларда бевосита улуғ мутафаккир ижодининг таъсири яққол кўзга ташланади. Шу маънода шоир Мажзуб Намангоний соқийномасида келтирилган соқий образининг ўзига хос маънодошлари жонли ифодаси ўқувчига эстетик завқ улашиши билан, айниқса, ажралиб туради. Эътиборлиси, уларнинг кўпчилиги Мажзубгача бўлган ўзбек шеъриятида учрамайди. Шоир туркий тил имкониятларидан, унинг ўзига хос гўзалликларидан жуда унумли фойдаланган. Агар мазкур даврда яратилган бошқа соқийномаларда араб ва форс-тожикча сўзларнинг салмоғи ортиқроқ бўлса, Мажзуб кўпроқ тилнинг ички имкониятларини ишга солган. -чи шахс оти ясовчи кўшимчаси ёрдамида “соғарчи”, “сунғучи”, “қадахчи” каби соқийнинг қатор синонимлари ҳосил қилинган. Чунончи, бир байтда тик қоматли, “қора кўзли соғарчилар”га мурожаат қилган шоир бундай ёзади:

*Сиҳи қад, қаро кўзли соғарчилар,  
Қачонгача афғорлиқ тортайин [23, 98].*

Халқона иборалар, содда ифодалар воситасида гўзал поэтик манзаралар яратишда ҳам Мажзубнинг Навоийга издошлиги очиқ кўринади. Халқ орасида “юзи қора” ибораси кўпинча салбий маъноларда ишлатилади. Ушбу байтда шоир “шўх кокул”и ўзига “ярашгон аёғ сунғучи”ни ўзидан ҳол-аҳвол сўрамагани учун “сияҳрўй” – юзи қора деркан, уни ижобий маънода ишлатади. Бундан ошиқнинг маъшуқасига эркалаш оҳангида айтган енгилгина танбеҳи ҳам сезилиб туради:

*Аёғ сунғучи шўх кокул ярошгон.  
Мани сўрмағойсан сияҳрўй этиб [23, 99].*

Хуллас, мумтоз адабиётдаги хилма-хил тимсол-тушунчалар қатори соқий образи ҳам ўзига хослиги, бетакрорлиги, теран ва серқирра мазмунга эга эканлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Мазкур образнинг илк илдишлари халқ ижодиётининг қадимги намуналари саналган йирик эпик асарлар – достонларга бориб тақалади. Таҳлилларимизда кўрсатилганидек, халқ достонларида соқий кишиларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъана ва маросимлари билан боғлиқ равишда тасвирланган. Мумтоз адабиётда, хусусан, мутафаккир шоир Алишер Навоий ғазалларида мазкур образ тасвир доираси кенг, маъно олами ниҳоятда бой, ғоятда муҳим

бир тимсол даражасига кўтарилганки, буни юқоридаги мисоллар ҳам тасдиқлайди. Соқийга тегишли сифатлар, ранг-баранг маънодош сўзлар, уларнинг шеърий мисралардан англашилаётган мазмуни ўқувчида кучли қизиқиш пайдо қилади, эстетик завқ уйғотади. Соқий тимсоли замиридаги бадий ҳақиқатлар кишини руҳан юксалишга, камолотга, маънавий етукликка чорлайди. Зеро, маълум бўладики, мумтоз шеъриятда соқий пок ахлоқ, соф тийнат, эзгу қалб, ҳиммату марҳамати баланд, кенг фитрат соҳиби сифатида гавдалантирилган.

#### АДАБИЁТЛАР

1. **Алишер Навоий.** Фаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. III том. – Т.: Фан, 1988. – 616 б.
2. **Алишер Навоий.** Наводируш-шабоб. МАТ. 20 томлик. IV том. – Т.: Фан, 1989. – 560 б.
3. **Алишер Навоий.** Бадоеъул-васат. МАТ. 20 томлик. V том. – Т.: Фан, 1990. – 544 б.
4. **Алишер Навоий.** Фавойидул-кибар. МАТ. 20 томлик. VI том. – Т.: Фан, 1990. – 568 б.
5. **Аҳмад Яссавий.** Ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б. 226.
6. **Бу ҳақда:** Али Акбар Деҳхудо. Луғатнома. 69-жилд, 2-фасл. – Техрон, 1962. – Б. 153; A. Karahan. Sakinamalar //Eski türk edebiyatı arařtırmaları. – İstanbul, 1980. – S.117, Mustafa Nihat Özön. Osmanlica / türkçe sözlük. – İstanbul, 1979. – S. 730.
7. Гадоий девонининг луғати ва матни. – Т.: Давлат адабиёт музейи, 2007. – Б. 148.
8. **Жумаева С.** Рақам, маъно, тасвир. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 11.
9. **Бу ҳақда:** Büyük sözlük. XI cıddda. X cıld.–İstanbul: Arkin kitabevi, sanasiz; Али Акбар Деҳхудо. Луғатнома. 69-жилд, 2-фасл. – Техрон, 1962. – Б. 153; Karahan. Sakinamalar // Eski türk edebiyatı arařtırmaları. – İstanbul, 1980. – S. 117; Mustafa Nihat Özön. Osmanlica / türkçe sözlük.–İstanbul, 1979.–S. 730 .
10. **Esat Korkmaz.** Ansiklopedik alevilik Bektaşilik terimleri sözlüğü. – İstanbul, 1993. – B. 304.
11. **Nurettin Albayrak.** Ansiklopedik halk edebiyati sözlüğü. – İstanbul, 2010.– S. 477.
12. **Очилов Э.** Навоий ғазалларида комил инсон тимсоллари //Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. - №1. - Б. 7-14.
13. **İsmail Parlatır. Osmanli türkçesi sözlüğü.** – Ankara, 2006.– S. 1447.
14. **Турдимов Ш.** Соқибулбул образи хусусида мулоҳазалар. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. III китоб. – Т.: Фан, 2010. – Б. 167-173.
15. **Бу ҳақда:** Фарҳанги забони тожик. Иборат аз ду жилд. Жилди II. – М., 1969. – С. 264; Иброҳим Жудий афанди. Луғати Жудий. – Анқара, 2006. – Б. 463.
16. **Қодиров М.** Соқибулбул образининг талқини. Пўлкан шоир. – Т.: Фан, 1976. – Б. 120-127.
17. Булбул тароналари. 5 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1971. – Б. 298.
18. Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан. – Тошкент, 1990. – Б. 110.
19. **Комилов Н.** Тасаввуф. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – Б. 86.
20. **Муҳаййир.** Девон. – Т.: Муҳаррир, 2010. – Б. 23.
21. **Доктор Ҳасан Анварий.** Фарҳанги бузруки сухан. Иборат аз 7 жилд. Жилди 3. – Техрон, 1381 х/ш. – С. 2121.
22. **Сажодий Жаъфар Сайид.** Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. Техрон, 1332 х. – С. 286.
23. **Мажзуб Намангоний.** Девон. – Туркистон: Ислох маданияти ўчоғи, 2008. – Б. 94.
24. **Ҳаққулов И.Ч.** Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти: фил.фан.док. ....дисс. – Тошкент, 1995. – Б. 156.

#### ШАЙХИ БОДАХЎР

**Латипов Ҳаёт Рамазонович**

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси

**Турсунова Озода Фахритдиновна**

БухДУ Бошланғич ва мактабгача таълим услубиёти кафедраси ўқитувчиси

**Таянч сўзлар:** истилоҳ, шароб, шам, соқий, жом, комил инсон.

**Ключевые слова:** термин, вино, свеча, кравчий, чаша, гармонично развитый человек.

**Key words:** term, wine, candle, cup, cup bearer, perfect person.

*Ушбу мақола тасаввуфий истилоҳлар бағрида турган мазмун-моҳиятлар шарҳи ва уларнинг Шарқ ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари бадий меросини мукамал ўрганишдаги ўрни тадқиқига бағишланган.*

*Данная статья посвящена роли суфистской терминологии в изучении восточного и узбекского литературно-художественного наследия.*

*The article is devoted to the explanation of the terms found in Sufism and their role in studying the literary heritage of the representatives of Eastern and Uzbek classic literature.*

Мамлакатимиз мустақиллиги маънавий қадриятларимизни тиклаш, бой бадий мумтоз меросимиз сарчашмаларини ҳар томонлама чуқур ўрганишга катта имкониятлар яратиб ўзлгимизни теран ҳис қилишга кенг йўл очиб берди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ижтимоий ўзгаришлар таъсирида бой ўтмиш меросимизни илмий жиҳатдан холис ўрганиш жонланди. Буюк аллома ва шоирларимизнинг илгари ошкора ёхуд ишончли тарзда мукамал ўрганилмай келинган, диний-ахлоқий қарашларини ўзида мужассам этган нодир асарлари ҳам ўрганила бошланди. Чунки мумтоз адабиётимизнинг асл мақсади инсонларда умумбашарий фазилатларни камол топтириш, ижтимоий-ахлоқий, адабий-эстетик тарбия бериш, аждодларимиз бадий даҳосининг дурдоналари билан халқимизни, асосан, ёш авлодни тўла баҳраманд этишдан иборатдир.

Ўзбек ва форс мумтоз адабиётида ўзаро адабий алоқаларнинг таъсири ҳамда ижодкорларнинг ҳамкорлиги асосида қатор асарлар бунёд этилганки, уларнинг генетик асоси, типологик ва ўзаро алоқадорлик хусусиятлари, мавзуни ўзлаштириш даражаси ҳамда уларда қўлланилган истилоҳлар талқинию рамзий-мажозий образлар олами каби масалаларни ўрганишни тақозо қилади. Чунинчи, мумтоз адабиётимизни ҳар томонлама ўрганишга эътибор кучаяётган ҳозирги кунда бадий адабиётда ишорат тили, рамзий-мажозий тимсоллар, тасаввуфий истилоҳлар бағрида турган ирфоний маънолар моҳиятини таҳлил ва тадқиқ этиш асосида анъана ва ижодийлик муаммоларини ўрганиш алоҳида илмий-назарий аҳамият касб этади. Шарқ адабиётида бўлганидек, ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида ҳам тасаввуфий маъно ва фикр-қарашлар ёритилган ижод намуналарининг ўз ўрни, ҳиссаси бор. Бундай асарларнинг дунёга келишида ҳам, уларни англаш ва таҳлил этишда ҳам сўфиёна истилоҳ ва иборалар алоҳида аҳамиятга моликдир. Зеро, уларнинг юзага келиш тарихи, сабаблари ва “хусусий” маъно-мазмунини тўғри англамай туриб, бевосита тасаввуфга тегишли матнларни ишончли зайлда талқин қилиб бўлмайди.

Тасаввуф тарихини ўрганган турк олими Усмон Турар “сўфий” ва “тасаввуф” атамаларининг қўлланилиш тарихи ҳақида фикр юритиб, бундай дейди: “Фикр, тафсир, калом ва бошқа зоҳирий илмлар каби тасаввуф илми ҳам иккинчи, учинчи асрларда пайдо бўлди. ...Ҳижрий иккинчи асрдан бошлаб мусулмонлар орасида мол-дунёга ҳирс қўйиш кучайиб кетгач, уларни низомга соладиган илмга эҳтиёж пайдо бўлди. Ҳижрий учинчи ва тўртинчи асрлардагина тасаввуф мустақил илм сифатида ўрганиладиган бўлди. Илк даврлардаги зоҳидларнинг йўлидан борганлар “сўфий” деб, улар юрган йўл “тасаввуф” деб айтила бошланди [1, 23]. Демак, тасаввуф тили ва ундаги дастлабки истилоҳлар худди шу даврлардан қўлланила бошланган.

Авалло истилоҳ калимасига тўхталсак. Али Акбар Деххудо фикрига кўра, истилоҳ сўзининг луғавий маъноси ўзаро келишув, сулҳ тузиш демакдир. Бирор бир қабила вакилларининг аввалдан маълум бир нарсани бошқа бир ном билан аташга келишиб олиши ҳам истилоҳ деб аталган. Ва яна маъно аҳли ўзаро келишган ҳолда, инсон қалбида сирли ва нозик маъноларни юзага чиқариш мақсадида, луғавий маъноларидан ташқари қўшимча маънолар юклатилган сўзларга ҳам истилоҳ дейишган [2, 2763]. Тасаввуфий истилоҳларнинг асосий кўпчилиги айнан қўшимча маъно юкланган сўз ва иборалардир. Алишер Навоий лирикаси ҳамда насрий асарлари (“Хамса”, “Лисон ут-тайр” дostonлари)да ҳам тасаввуфий истилоҳ ва тимсолларнинг алоҳида ўрни ҳамда роли бор. “Лисон ут-тайр”нинг таркибига назар ташланса, айрим истилоҳлар такрор-такрор қўлланилганига ишонч ҳосил бўлади. Булар: соқий, жом, шароб, май, бода, қадаҳ, шамъ, шоҳид, харобот, дайр, муғ, бут, ринд, бутпараст, бутқада, майхона, куфр, кофир, тарсо, тарсобача, зуннор, дайр пири, пири муғон, пири харобот, пир, ориф, дарвеш, фақр, фано, бақо, тавба, тавҳид, тамкин, тажрид, тафрид, ваҳдат, касрат ва ҳоказо. Бу истилоҳларнинг келиб чиқиш “замини” билан қизиқилса, уларнинг кўпчилиги ўзга дин ва эътиқодларга мансублиги, яъни “ғайри исломий” эканлиги равшанлашади. Улар гарчи ислом дини манъ этган нарса, жой ва номларга тегишли калималар бўлса-да, мутассавифлар

уларнинг ҳар бирига муслмончилик тушунча ва қарашларга зид бўлмаган, аксинча, исломий йўл-йўриқларига мувофиқ ирфоний маъноларни сингдирганлар.

Гапни Шайх Санъон қиссасидаги тарсо маъвашнинг шартларидан бошласак:

Ким менинг васлим таманно айламиш,  
Ихтиёр этмаки керактур тўрт иш.  
Май ичиб, зуннор давр бўлғонда маст,  
Куйдуруб Мусҳафни бўлмоқ бутпараст [3, 80].

Ушбу шартлар қанчалик оғир, муслмончилик имон-эътиқодига тескари бўлмасин, уларни Шайх Санъон жисми-жонини куйдириб кул қилаётган ишқ ўти, ҳижрон балолари билан тенглаштириш асло мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Шайх бу азоб-уқубатлардан қутулишнинг бирдан-бир йўли – маъваш шартларини адо этиб, жонон васлига мушарраф бўлиш, деб билади:

Ҳар не матлуб ўлса, ошиқдин бўлур,  
Қилмасам – тиғи жафо бўйнимға ур! [3, 81]

“Май ичиб” зуннор боғлаш ёки Мусҳафни куйдириб бутпараст бўлиш – булар муслмонлик имон-эътиқоди нуқтаи назаридан ҳазилакам гуноҳми? Лекин ушбу гапларнинг бариси зоҳирий бўлиб, асл мақсад сўз ва иборалар маъзига сингдирилган иккинчи, яъни ботиний маънодадир. Ана шу маъноларни англаш, шарҳлаш ва талқин қилиш учун эса қадимда махсус луғат, катта-кичик, шеърий ҳамда насрий асарлар яратилган. Шулардан бири ва энг аҳамиятлиси Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” китоби саналади. Унда ўқиймиз:

Шаробу шаъму шоҳид айн маънист,  
Ки дар ҳар суръати ўро тажаллист.  
Шаробу шамъ сукру завқи урафон,  
Бабин шоҳидки, аз каст нист пинҳон.  
Шаробе хўрки, жомаш рўйи ёр аст,  
Пиёла чашми пок бода хавор аст [4, 83-84].

Мазмуни: шароб, шамъ ва шоҳид сўзлари бир маънони ифодалайди. Чунончи, уларнинг барчаси ҳам қалб тажаллийсига ишорат қилади. Шароб ва шамъ орифни завқ ва сукур ҳолига чорлашни тамсил этса, шоҳид пирнинг басират кўзи ила нарса ва ашёда Ҳақ жамолини кўра олиш мақомига юксалишга далолатдир. Шароб ичаётганда, лиқ тўла жомга қарасанг, ундан таралаётган нурдан нигоҳинг тозаланади. Айни шундай мусавффо нигоҳ билан нимагаки назар ташласанг, ҳаммасида албатта Ҳақ жамолини кўрасан.

Истилоҳлар таркибида сингдирилган бу маънолардан хабардор ўқувчи энди Шайх Санъон феълида юз берган “ғайри ийманий” ҳаракатларнинг асосида нима ётганлигини тушуна бошлайди. Зеро, бундай ҳодисанинг Шайх Санъон тақдирида содир бўлишига асосий сабаб, унинг ўзга динга мансуб маъваш жамолидан таралган илоҳий нурлардан воқиф бўлиши ҳамда ўша насроний гўзал таъсирида ундаги тавҳид туйғусининг кучайиши эди.

Хуллас, ошиқ Шайх бодахўрликни ҳам ҳадди аълосига етказди:

Бода кўп-кўп онда ҳозир қилдилар,  
Нуқл кўп-кўп доғи зоҳир қилдилар.  
Тахгидин тушти туман минг ноз ила,  
Келди шайх оллиға юз эъзоз ила.  
Ўлтуруб бир габраки жом этти нўш,  
Ким кўруб шайх этти тарки ақлу хуш.  
Бодадин соқийға юзлангач тараб,  
Яна қилдурди қадахни лаб-балаб.  
Деди: - “Ич ложуръа, эл улвий жаноб,  
Журъа қолса, билки, эрмастур ҳисоб” [3, 85].

Бу мисралардаги ноз, жом, соқий, тараб, шоҳид каби сўзларнинг ирфоний маъноларини ҳам назардан албатта соқит қилмаслик лозим.

Тасаввуф тилида ноз – ишқ ва муҳаббат йўлида маъшуқанинг ўз ошиғига қувват, яъни куч бағишлаши. Ёхуд ошиқларини алдаб, ҳижронда ўрташидир. Жом эса, маърифат майига тўла ошиқнинг қалбидир. Бода нима? У ҳам ишқ шароби. Қониб-қониб ундан ичган ошиқда албатта тараб – Ҳаққа яқинлик ҳоли юз очади. Ирфоний тушунчада солиқ ёки муридга маърифат, ишқ, ваҳдат майини берувчи кишига, яъни пири комил ва муршидга соқий дейилган [5, 12].

Хуллас, тарсо қизи шайхни дину иймон йўлидан оздириш қасдида, унга нозу карашмалар билан яқинлаша бошлайди. Гўзаллик бобида у қанчалик тенгсиз бўлса, айёрлик ва фирибгарликда ҳам шу қадар устаси фаранг эди. Шайх – мақсадда собит ва қатъиятли ошиқ. У бу йўлда (водийларда) учрайдиган уқубатли синовларга дош беришга қодир. Аммо, манзилга яқинлаша боргани сайин водийлардаги синовлар қийинлашиб, янада чигаллашиб бораётир. Шайх шундай бир водийга етиб келадики, унга назар ташлаган замон наинки вужуд, ақли ҳуш ларзага тушиб, руҳиятга олов туташади. Бу – истиғно водийсидаги ҳолат эди. Энг улкан бало Шайх Санъон бошига мана шу водийда ёғилади. Зеро, энди у ислом оламида қозонган шуҳрати, эгаллаган илму маърифати, ҳаттоки эллик йиллик тоат-ибодат туфайли эришган иймон ҳаловатини ҳам тамоман бой беришга маҳкум. Чунки бу водийда ваҳдатдан ўзга ҳеч нарсанинг бирор бир қиймати йўқ. Бунда гўзалнинг – Мутлақ жамол соҳибининг ҳар қандай талаби ошиқ учун матлабдир. Бу водийда солиқнинг таваққулдан ўзга паноҳи ҳам йўқ. Шайх эса энди маҳбубаси узатган қадахдан “май” сипқоради:

Кому ноком олди шайхи ишқбоз,  
 Майниким тутмиш эди ул дилнавоз.  
 Сочиб ашқ, ул майни нўш айлар чоғи,  
 Юб илик исломун иймондин доғи.  
 Чекти андоғким бошидан чиқди дуд,  
 Май ўтиға бўлди кул буду нобуд.  
 Шайхқа чун туттилар май неча давр,  
 Ишқ айлай бошлади, ақлиға жавр.  
 Бода чун ҳушини ноқор айлади,  
 Муддаои васл изҳор айлади [3, 82].

Шайх Санъон май ичгани сайин Мутлақ жамол васли орзусида барча иккиламчи хусусиятларни – қасратни йўқ қилиб, тавҳид мақомига кўтарилишига тайёр эканлигини исботлай бошлади. Ўткир ва ҳароратли “май” оташ бўлиб шайхнинг жисму жонини куйдирар, унинг учун яхшию ёмон, шоҳу гадо, ҳаттоки, куфру иймоннинг ҳам орасида фарқ сезилмасди.

Хулоса ўрнида шуни айта оламизки, Шарқ халқлари адабиётини ўрганишда, энг аввало, миллий адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва уларга хос бўлган муштарак анъаналар тарихини илмий жиҳатдан ўрганмоқ, бу соҳада мавжуд бўлган бадиий манбалардан унумли фойдаланмоқ зарур. Шунинг учун Абу Али ибн Синонинг “Рисолат ут-тайр”, Шаҳобиддин Суҳравардийнинг “Рисолайи мусаммо ба сафари Симурғ”, Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг “Рисолат ут-тайр” Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” ва Гулшаҳрийнинг “Мантиқ ут-тайр” каби асарларининг вужудга келишида адабий анъаналар жараёни қай тарзда ўз таъсирини кўрсатганлигини аниқлаш учун адабий манбаларга мурожаат этмоғимиз керак. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “Мантиқ ут-тайр” каби асарлар сюжет асосларининг илк куртаклари халқ оғзаки ижоди ва илк ёзма адабиётга бориб тақалади. Маълумки, қадим ўтмишдаги ҳикоят ва эртакларда инсон руҳи қуш сифатида тасаввур этиб келинган. Бу ўринда қадимдан ҳозиргача оғзаки ва бадиий адабиётимизда кенг қўлланиб келинаётган “жон қуши”, “кўнгил қуши” иборалари жонни қуш шаклида тасаввур қилишганлигидан далолатдир. Ва яна шуни айтмоқ жоизки, машҳур шарқшунос Е.Э.Бертельс мақолаларидан бирида тасаввуфий истилоҳларнинг ўрганилишидан баҳс юритар экан, уларнинг мукамал рўйхатини тузиш ва маъно таркибини диққат ила ўрганиш илмдаги муҳим вазибалардан эканлигини таъкидлаган. Бундай ишни муваффақиятли бажариш учун “Лисон ут-тайр”га ўхшаш тасаввуфий мазмун-моҳиятдаги асарларга таяниш лозим. Бизнинг ушбу мақоламиз шу йўлдаги дастлабки уринишлардандир. “Лисон ут-тайр”га ўхшаш асарлардаги ҳар бир истилоҳ ва ирфоний ҳақиқатлар ифодасига хизмат эттирилган иборалару ишоратларни асарларнинг умумий ғояси ва образлар олами билан боғлиқ равишда бирма-бир шарҳлаш, таҳлил ва талқинга тортиш эса тез ҳамда осонлик билан бўладиган бир иш эмас.

#### АДАБИЁТЛАР

1. **Усмон Турар.** Тасаввуф тарихи. – Т.: Фан, 1999. – Б. 23.
2. **Али Акбар Дехқудо.** Луғатнома. – Теҳрон, 1960. – Б. 2763.
3. **Алишер Навоий.** Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. Нашрга тайёрловчи: Шарафиддин Эшонхўжаев – Т.: Фан, 1965. – Б. 80-81.
4. **Маҳмуд Шабустарий.** Гулшани роз. – Теҳрон, 1952. – Б. 83-84.
5. **Сажжодий С.Ж.** Истилоҳоти урафо. – Теҳрон. Ҳижр. 1339. – Б. 246-403.

## АНГЛИЯДА ЭССЕНАВИСЛИК ТАРИХИДАН

**Мизропова Жирен Исмаиловна**

*БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** адабий танқид, эссеистика, Англия адабиёти, Чарлз Лэм, эссе, адабий жанр, журналистика, эстетик баҳо.

**Ключевые слова:** литературная критика, эссеистика, литература Англии, Чарльз Лем, эссе, литературный жанр, журналистика, эстетическая оценка.

**Key words:** literary criticism, essayistics, English literature, Charles Lamb, , essay, literary genre, journalism, aesthetic evaluation.

*Мақолада адабий танқиднинг кам тадқиқ этилган муаммоларидан бири Англия адабиёт-шунослигида эссеистиканинг ривожланиш тарихи, эссеист ёзувчилардан бир нечтасининг ижоди ҳақида фикр юритилади.*

*В статье рассматривается история развития английской эссеистики, которая является одной из малоизученных проблем, а также творчество нескольких крупнейших мастеров жанра эссе в истории английской литературы.*

*The article deals with the history of the development of essayistics in English literature, which is considered to be one of the less studied problems. It also analyzes the literary activity of a number of essayists in English literature.*

Ғарбда эссеинг йиллик тарихга эга бўлган қадимий жанр сифатида эътироф этилади. Монтендан бошланган фалсафий қарашлар Декарт, Лоррошфуко, Паскал, Вольтер, шунингдек, XX аср ёзувчилари А.Моруа, Сартр, Камю, Кафка ижодида давом этган. Жанр тараққиётига назар ташланса, унинг асрлар давомида “дидактикликдан турфа мазмун ва моҳиятга қараб эврилишга” учрагани кўринади.

Эссе ҳозирги инглиз ва америка адабиётларида кенг қўлланиладиган фаол жанрга айланиб қолди.

XVII асрнинг 1688 йилида рўй берган буржуазия революцияси буржуазлар ва дворянлар ўртасидаги низоларни келтириб чиқарди. XVIII асрда эса Англия буржуа мунособатлари ривожланган давлатга айланди. Буржуа революцияси инглиз фалсафий фикрининг ривожланишига сабаб бўлди ва XVIII аср инглиз адабиётини интеллектуал ва фалсафий жиҳатдан комиллик даражасига етказди.

Бу давр адабиёти ўзининг ижтимоий ва эстетик муаммоларга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради, шу боис биринчи ўринда маърифий мақсадларни кўзлаб, журналистиканинг янада ривожланишига олиб келди. Бундан ташқари маориф мақсадларига қўл келувчи янги жанрларга қизиқиш янада жадал равишда ошиб борди. Бу жанрлардан бири эсседир. XIX-XX асрларга келиб эссе жанрига талаб янада ортди.

Инглиз адабиётшунослигида эссе адабий жанр сифатида адабий атамалар луғати ва энциклопедик луғатларга киритилган. Уларда эссе жанрига хос қисқалик, эркин композиция-лилик, махсус фан тармоқларига хос мулоҳазакорлик белгиси, унинг чегараси аниқланмаслиги, аниқ бир тўхтами йўқ эканлиги эътироф этилади [1, 6].

Эркин мушоҳадаларга асосланган эссе жанрини француз файласуфи Мишель Монтень ўзининг тажрибалар (*Les essays*, 1580) китоби билан бошлаб берган ва алоҳида бир жанр сифатида шакллантирган эди. Инглиз адабиётшунослигида Френсис Бекон ўзининг 1597, 1612, 1625 йилларда китоб сифатида чиқарган асарларига илк бор (ингл.) *essays* деб ном беради. Инглиз шоири ва драматурги Бен Джонсон 1609 йилда биринчилардан бўлиб, эссеист (ингл. *essayist*) сўзини ишлатади. Шу тариқа эссе жанри XVIII-XIX асрларда инглиз ва француз адабиётшунослиги ҳамда журналистикасининг энг етакчи жанрларидан бирига айланди.

Тадқиқотчи А.Бурцев инглиз адабиётида эссе жанрининг етакчи ўринлардан бирини эгаллаши ҳақида фикр юритаркан, ҳикоянинг келиб чиқиш тарихи ҳам эссе билан боғлиқлиги ҳақида ёзадики, бу ҳолат инглиз эссенавислигининг ёрқин намоёндалари Д.Аддисон (*J. Addison*, 1672-1719) ва Р.Стил (*R. Steele*, 1672-1729)ларнинг ижоди мисолида тасдиқланади. Д.Аддисон ва Р.Стиллар ижоди инглиз адабиётида эссе жанрининг манбалари деб эътироф

этилади. Уларнинг маънавий-ахлоқий эсселари XVIII асрнинг энг машхур матбуотларида нашр этилган. Масалан “Вайсақи” ( “The Tattler“, 1709-1711), “Томошабин” ( “Spectator“, 1711-1712), “Инглиз” ( “The Englishman“, 1713-1714 ) кабиларни шулар қаторига киритиш мумкин.

Д.Аддисон ва Р.Стилнинг эсселари синкретик характерга эга эди. Яъни улар газета хрониклиги, матбуотлиги, фельетон, адабий-танқидий мақола, юмористик новелла кабиларнинг хусусиятларини ўзида мужассам этар эди. Демак, эссега хос қоришиқлилик уларнинг асарларида ёрқин кўриниб турар эди. Бу журнал ва газеталар буржуазия намоёндаларининг маънавий, маданий савиясини юксалтиришни ўзига мақсад қилиб қўйган эди. Аддисон ва Стилларнинг суҳбат тариқасида ёзилган эсселари бунда қўл келар ҳамда катта самарага эга эди.

Аддисон ва Стил эсселарида турли хил мавзуларга оид, масалан, турмуш масалалари, ахлоқ, фалсафа, одам табиати кабилар тўғрисида мулоҳазалар юритилади. Бу эсселарнинг деярли барчаси лотин тилида ёзилган эпиграфлар билан бошланар, улар қадимги давр ёзувчиларининг ахлоқ тўғрисидаги мулоҳазаларини акс эттирар эди. Масалан, ҳарбийларга бағишланган эсселардан бири Гомер асарларидан олинган эпиграф билан бошланади. Унда муаллиф олижанобликни ва мардонаворликни мадҳ этади. Яна бошқа бир эсседа Гораций ижодига оид эпиграфдан фойдаланган ҳолда француз тили лексикасининг инглиз тилида устунлик қилаётганлиги қаттиқ танқид қилинади.

Аддисон ва Стил юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз асарларида турли хил мавзуларга мурожаат этганлар. Жумладан, бир нечта эсселари эстетика муаммоларига бағишланиб, классицизм эстетикаси, ҳазил-мутойиба, халқ шеърляти кабиларни қамраб олган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Аддисон ва Стилнинг эсселари ахлоқий характерга эга. Уларнинг структураси ҳам ўзига хос: асарларнинг бошланиши дидактик хусусиятга эга бўлиб, кейинчалик ҳазил-мутойиба билан алмашинади. Аддисон ва Стил эсселари ўз даврининг энг машхур асарларига айланган эди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида бу эсселар Г. Филдинг, О.Гольвеций, С.Джонсон каби романтизмнинг буюк намоёндалари ижодига катта таъсир кўрсатганлигини эътироф этишганлиги ҳам фикримизни исботлайди.

Бу даврга келиб Англия адабиётшунослигида эссе жанри энг кенг тарқалган жанрлардан бирига айланади. Виллиам Хезлит, Т. Карлейль, М. Арнольд (XIX аср), М. Бирбом, Г.К.Честертонлар (XX аср) ижоди бунга мисол бўла олади.

Метью Арнолд (1822–1888). Жуда кўплаб инглиз ёзувчи ва танқидчилари эссе жанрига мурожаат этишган ва ўз асарлари орқали уни ривожлантиришган. Улардан бири инглиз шоири ва санъат устаси, викторианлар асрининг энг обрўли адабиётшуноси ва эссеистларидан бири Метью Арнолддир.

Метью Арнолд Англия черковининг ислоҳ этилиши тарафдори эди. Оксфорд университетидеги таълим йилларида унга Жон Генри Ньюман ва Оксфорд йўналишининг бошқа арбоблари ўзларининг катта таъсирларини кўрсатганлар. Бутун ҳаёти давомида Оксфорд М. Арнолд учун инсоният маданияти ва цивилизациясининг умумий йиғиндиси бўлиб қолган эди. Ўзининг асосий китобларидан бири “Маданият ва Англия” (1869) номли очерклар тўпламида санъат инқилоби давридаги пессимистик қарашларни акс эттиради. Арнолд шеърлятни улуғлайди, чунки шеърлят замонавий одам учун эътиқоднинг ўрнини боса олади, деб ҳисоблайди.

М. Арнолд “Гомер таржималари ҳақида”ги (1860) маърузасида классик даврнинг шоирлари: грек ва рим шоирларининг шеърлятидан илҳомланиб ижод қилганликлари каби ҳозирги замон шоирлари учун ҳам бу намуна бўла олиши мумкин, деган хулосага келган эди. М. Арнолднинг шахсий шеърля ижодига назар солсак, унинг шеърляти замондошлари томонидан шунчалик баланд қадрланар эдики, 1857 йилда унга Оксфорднинг шеърля маҳорат кафедраси ишониб топширилган эди.

1853 йилдан бошлаб М.Арнолд адабий танқидчи сифатида илк қадамларни ташлай бошлайди. Бунда унинг “Шеърлятга сўз боши” номли танқидий асари муҳим аҳамиятга эга. 1875 йилда М. Арнолд шеърлят профессори этиб тайинлангандан кейин унинг асарлари ва хатларида танқид биринчи ўринни эгаллай бошлайди. М. Арнолд Оксфордда ўн йил профессор бўлиб ишлади. 1861 йилда “Гомер таржималари ҳақида” номли маърузалари нашрдан чиқарилдики, уларда китобхонни ўйлашга мажбур қиладиган мулоҳазалар асосий ўринни эгаллайди. Гарчи Арнолд шеърляти унинг бутун ҳаёти давомида турли хил

хурмат, эътибор ила кутиб олинган бўлса-да, унинг адабий танқиддаги қилган ишлари анча муваффақиятлироқ эди. Чунки Арнолд адабий танқид методологиясининг вакили сифатида танилган эди. Бошқа танқидчиларга хос бўлган тарихийлик тарафдори бўлгани ҳолда ўзининг шахсий эссе услубига эга бўлган М. Арнолд адабиёт фанларидан тортиб сиёсий муаммолар ва ижтимоий масалалар орасида осон ва тез ҳаракатланар эди. Арнолднинг 1865-1888 йилларда танқид соҳасида ёзилган эсселари ҳозирги кун танқидчилари учун ҳам аҳамиятли таъсирга эгадир. Унинг “Шеърятни тадқиқ қилиш” мавзусида ёзилган эссеси энг танилган асарлардан биридир. Эсседа Арнолд “шеърятсиз фанимиз тўлиқсиз бўлиб туюлар эди” деб ёзади. Сифат ва қадр-қимматни белгиловчи ҳар бир мезон Арнолд учун муҳим бўлиб, унинг эътибори ва мақтовига лойиқ деб топилган. Бунга исбот қилиб, унинг танқидий асарларининг юксак ҳаққоният ва жиддийликка асосланиб ёзилганлигини кўрсатиш мумкин.

Чарлз Лэм (1775-1834) – инглиз адабиёти романтизм даврининг шоири, адабиёт мунаққиди, публицист, инглиз эссенавислигининг энг йирик намояндаларидан бири бўлиб, у 1775 йил 10 февралда Лондонда туғилган. Саккиз ёшида Чарлз жамиятнинг ночор қатламлари учун фаолият кўрсатадиган маҳаллий, яъни “Христос бошпанаси” номли бепул мактаблардан бирига таҳсил олиш учун юборилади. Бу таълим муассасаси деворлари ичида тақдир уни С.Т.Кольрижва Ли Хант каби романтизмнинг бўлажак таниқли намояндалари билан бирлаштиради: улар бир умрга содиқ дўст бўлиб қоладилар.

Чарлз Лэмнинг адабиётга қизиқиши катта эди, шунинг учун Лэм хизматдан бўлак вақтини адабиётга бағишлар, аммо бу унинг ижод ва шеърятга бўлган талабини қондирмас эди.

1794 йилда унинг бир қатор сонетлари “Морнинг хроникл” газетасида нашр этилади. Чарлз Лэм илк адабиётга оид тажрибаларини 21 ёшида аноним (муаллифи номаълум асар) тарзида айна шеърый сонетлар (1776) кўринишида тақдим этди. Улар маълум бир ўлчамда (14 сатрдан иборат) яратилган эди. Адибнинг ўз номи остидаги сонетлари 18 йил ўтгач, яъни 1794 йилга келиб, илк бор нашр эттирила бошланган. Адабиётга оид Энциклопедия (1929 - 1939) Чарлз Лэмни шоир дея белгилайди, аммо (АҚШ) Колумбия университетида чоп эттирилган энциклопедияда у эссенавис (essayist) ва очерк ёзувчиси дея таърифланган.

Эссебу тизимли ёки қатъий илмий кўринишда бўлмаган, эркин шаклга эга бўлган, фалсафий, ижтимоий ва бошқа муаммоларни талқин этувчи адабиётга оид очеркдир. Н.Я.Дьяконова “Чарлз Лэм ва Элия” номли қайдномасида шундай дейди: “Эссени очеркдан ажратиб турувчи асосий хусусиятлар қуйидагича белгиланади: яъни, эсседа асосий мақсад янги маълумотларни санаб ўтиш ёки уларни баён этишдан ёки асл ҳақиқатнинг тагига етишдан иборат эмасдир” [2, 198]. Эсседа адибнинг шахсияти, воқеликка муносабати, унинг фикр-хаёллари, кечинмалари акс эттирилади, зеро китобхоннинг фикр-мулоҳазаларига эмас, балки кўпроқ эҳтиросларига мурожаат этилади.

1796 йилда Лэм шоир сифатида илк қадамларини босаётган қадрдон дўсти бўлмиш Кольрижнинг китобида бир қатор сонетларини нашр эттиради. 1798 йилда Лэм адабиётшунос унвони номзодлигига янада жиддийроқ, мураккаброқ баёнотини тақдим этади, яъни “Розамунд Грей” ҳақида повестини нашр эттиради. 1802 йилда эса “Джон Вудвиль” номли шеърый тарзда ёзилган трагедиясини ҳам чоп эттиради, аммо бу асарлари унга унчалик муваффақият олиб келмайди. 1789 йилда яратилган, унча катта ҳажмда бўлмаган “Собиқ таниш чехралар” номли шеъри эса унга анча машҳурлик келтиради. Унинг яна бир кўзга кўринган асарларидан бири “Шекспирдан ҳикоялар” (“Tales from Shakespeare”, 1807) номли жилдлар жуфтлиги бўлиб, бу асар кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган, проза тарзида ёзилгандир. Унинг ўзига хос томони шундаки, бунда ижодкор Шекспир пьесаларини ҳикоя қилади.

Чарлз Лэм нашрларда адабий танқидчи сифатида тез-тез чиқишлар қилиб турар эди: бу машғулоти унга анча даромад келтира бошлаган ва оилавий эҳтиёжларини қондиришга кўмак берар эди. Лэм Шекспир ва Хогарт ижодига бағишлаган мақолаларини “Ли Хант” журналида нашр эттиради. Лэмнинг кейинги машҳур асарларидан бири бу 1808 йилда ёзилган “Англия драматурглигининг шоирлари, Шекспир замондошлари” (“Specimens of English poets lived about the time of Shakespeare”) номли антологияси бўлди, сўнгра “Шекспир трагедиялари” (“On the Tragedies of Shakespeare”, 1811) номли адабий-танқидий очерклар ҳам шулар қаторидан ўрин олди. Шунингдек, Британия энциклопедиясида Лэмга эпистоляр жанрнинг классиги деган

ном берилди. Таҳририй ишлов берилмаган хатларида Лэм ўз замонасининг турмуши ва айниқса, адабиёт соҳасидаги воқеа ва ҳодисаларни жуда аниқ тасвирлаб, уларга тўғри баҳо бера олган. Лэмнинг бебаҳо, уни дунёга эссенавис сифатида танитган асарларидан яна бири “Элия очерклари” номли эссесидир. Лэм бу эссесини ўзининг шахсий “Лондон мэгэзин” номли журналида 1820-1825 йиллар давомида нашр эттиради.

“Элия очерклари” адиб ижод даврининг кўзга кўринган, ноёб асарларидан бири ҳисобланади. 1823 йилда нашрдан чиқарилган эсселарида Лэм эссе жанрининг энг юқори чўққисини эгаллайди. “Элия очерклари” эсселарига илова тарзида 1833 йилда “Элиянинг янги очерклари” (*Last Essays of Elia*) номли янги жилдга асос солинади. Бу очеркларда турли ҳил мавзуларга мурожаат этилган: театр, нозик туйғулар, сиёсат шулар жумласидандир. Чарлз Лэм эсселарини яратишда қўллайдиган услуб доим у эътиқод қўйган Лоренс Стерн услубига анча яқин эканлигидан гувоҳлик беради.

Элия - бу Чарлз Лэмнинг адабий тахаллуси бўлиб, шу ном остида у эссе ва очеркларини нашр эттиради ва шу ном орқали ўз исмига абадийлик бахш этади. Авваламбор, Чарлз Лэм адабиёт дунёсига ажойиб, самимий ва содда тилда ёзилган асарлари билан кириб келди. Энг муҳими, улардаги ҳаққонийлик, реаллик каби хусусиятлар адибни қуйидаги, яъни “содда проза”, нозик, беғараз, мазмунан қисқа ҳикоя жанри соҳасидаги классик намояндалардан бирига айлантди. Лэм асарлари шу қадар содда, оддий, тушунарли, қулай тилда ёзилганки, зеро у китобхон онгига органик тарзда сингиб боради. Адиб асарларидаги вазминлик, оддийлик, илиқлик каби хусусиятлар орқали китобхон қалбига тўғридан-тўғри йўл топа олади. Н.Я. Дьяконованинг “Чарлз Лэм ва Элия” номли қайдномаларига назар соладиган бўлсак, олима “Агарда эссе таълимий характерга эга бўлса ҳам, у холис ва сипо шаклда бўлмоғи лозимдир, яъни китобхоннинг маънавий-ақлий хулосаларини чиқаришга қадар уни ўзи сезмаган, кўзга кўринмайдиган усуллар орқали ҳис этиш, зеро китобхон бу хулосаларининг ўз онгида томир отиб, унинг шахсий идрокдан униб чиққанига ишонади”, –деб ёзади ва Чарлз Лэм айна ана шу масаланинг уддасидан жуда яхши чиққанини таъкидлайди [1]. Чарлз Лэм эссе жанри йўналишига ўзининг катта ҳиссасини қўшган, Англия адабиёти ва адабиётшунослигининг кўзга кўринган, таниқли, йирик намояндаларидан бири эди.

Виллиам Хезлит (*William Hazlitt 1778-1830*) инглиз эссенавислигининг йирик вакилларидан, классик мунаққидлардан бири бўлиб, у Дж.Аддисон ва Р.Стилларнинг анъаналари вориси ва Шекспир ижодининг тарғиботчисидир. В.Хезлит замонавийлар орасида “энг замонавий”сидир, кейинчалик ҳам у ҳеч қачон унутилмаган. Б.Шоу, Стивенсон каби ижодкорлар ҳам уни доим ҳурмат билан тилга олишган.

XIX-XX асрлар давомида Виллиам Хезлитдек ижодкор етишиб чиқиши ҳам замон талаби, ҳам зарурияти эди. Хезлитнинг катта хизмати шундаки, у танқидга улкан адабиёт таъбини беради. Унинг Елизавета даври адабиёти, Шекспир ҳақидаги асарлари анча машҳур бўлиб, улар ҳали ҳам қайта-қайта нашр этилмоқда. Аммо шуни қайд этиш керакки, Хезлит ўзини кўп соҳаларда кўрсата олган серқирра ижодкор ҳисобланади. У рассом, файласуф, сиёсатчи, тарихчи, театр ва адабиёт мунаққиди, ёзувчи ва журналист сифатида тан олинган.

В.Хезлит инглиз журналисти, эссенависи, романтизм назариётчиси бўлиб, унинг асарлари кўплаб ёзувчиларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Хезлит (1793-1795) йилларда Англиядаги коллежлардан бирида таҳсил олиб, қадимги ва ўз даврининг тилларини пухта эгаллайди. Коллеждан сўнги 3 йилини рассомчилик санъати ва адабиётга бағишлайди. 1793 йилда В.Хезлит С.Т.Кольриж, У.Вордсворд, Чарлз Лэм каби инглиз романтизмнинг ёрқин намояндалари билан танишади. Бу унинг адабиёт соҳасига бўлган қизиқишини ва ундаги фаолликни янада ортттиради. Унинг бу каби қизиқишлари келажакдаги тақдирини белгилайди. У санъат ва рассомчиликка оид бир нечта эсселар яратиб, кейинчалик ўзини бутунлай адабиёт соҳасига бағишлайди. Бир нечта инглиз газеталарида муҳбир сифатида фаолият кўрсатиб, эссенавислик ва журналистика соҳаларида ном қозонади.

В.Хезлит 1805 йилда “Инсон маънавияти ва ахлоқи тўғрисида тажрибалар” (“*An Essay on the Principles of Human actions*”) номли эссесини яратади. У фалсафа ва инглиз шеърляти тўғрисида маърузалар ўқийди, уларнинг баъзилари алоҳида нашр сифатида босилиб чиқарилади. Масалан, “Инглиз шоирлари тўғрисида” (“*On the English poets*”, 1818), “Инглиз комедия ёзувчилари тўғрисидаги маърузалар” (“*Lectures on the English comic writers*”, 1819)ни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

1817 йилда Хезлит биринчи йирик “Давра” («The Round Table») номли китобини нашр эттиради. Бу китоб муаллифнинг билим даражаси ва дунёқарашининг кенглиги билан жамоатчилик эътиборини тортади. Китоб муаллифнинг аввал газета ва журналларда нашр этилган эсселарини ўз ичига олган. Ўша йилнинг ўзида унинг “Шекспир пьесаларининг персонажлари” (“Characters of Shakespear’s Plays”) номли китоби нашр этилади. Бу китоб уни Кольриждан кейинги Шекспир билимдони шухратига муяссар этади.

Унинг энг машхур асарларидан яна бири “Давра суҳбати” (“Table Talk”, 1821-1822 ) номли китоби бўлиб, турли хил мавзуларга оид эсселардан тузилган, жумладан, бу эсселар театр, рассомчилик санъати, спорт, фалсафа, саёҳат ва адабиёт муаммоларини ўз ичига қамраб олган. Унинг бошқа асарлари: “Тажрибалар”, “Сиёсий тажрибалар” (Political Essays), “Озод севги ёки янги Пигмалион” (“Liber Amoris or The New Pigmalion“, 1823), “Тавсифномалар” (“Characteristics”, 1823), “Соддадил суҳбатдош” (“The Plain Speaker”, 2 т., 1826), “Франция ва Италия бўйлаб саёҳат” (“Notes of Journey in France and Italy“, 1826), “Наполеон ҳаёти”, (1828), “Джеймс Норкот билан суҳбатлар” (“Conversation of James Northcote“, 1830. Джеймс Норкот рассом бўлиб, Хезлитнинг яқин дўсти эди) ҳам мавжуд.

Мунаққиднинг нодир асарларидан яна бири бу “Давр руҳи” (“The Spirit of the age“) асаридир. Унинг бу асарида Байрон, Кольриж, Годвин, Скот, Вордсворд ва Лэмдек буюк мунаққидларнинг танқидий қарашлари акс эттирилган. Хезлит “Дид тўғрисидаги” (“Экзаминаер”, 1826) эссесида XVIII аср охири ва XIX асрдаги эстетика масалаларига мурожаат этади. Эсседа у дидни “дид бу –куч ва завқдир” дея таърифлайди. Фалсафа, фан, шеърият, танқид ва сиёсат ҳам шулар қаторида бўлиб, унинг бутун ҳаётини қамраб олади. Хезлит учун санъат бу идрокни тадқиқ этиш усули ва жамият ҳаётининг мактабидир. “Санъат бу кучдир”, – дейди Хезлит. Яъни санъат ўзининг алоҳида шакли ва махсус воситаларига эга бўлган, ҳаёт ҳақиқатларини ёритиб берувчи кучдир. Яна санъат бу–“идрок микроскопидир. У торгина дунёни кичик нарсалар ичидан қидириб топишга ёрдам беради”.

Хезлит ҳар томонлама илмли, ўзига хос услубга эга ва шаклан эркин эссе устаси эди. У ҳам севишнинг, ҳам нафратланишнинг уддасидан чиқар: санъатни сеवार ва жамиятнинг ноҳақ тузилишидан эса нафратланар эди. Ҳозирги кунда ҳам унинг танқид соҳасидаги қарашлари нафақат Англия, балки бутун Европада катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Англия адабиёти ва адабиётшунослигида эссеистикани ривожлантиришда юқорида номлари тилга олинган адиб ва мунаққидларнинг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг ижоди кейинги даврлар адабий танқидининг, жумладан, эссеистиканинг бойишига катта таъсир кўрсатди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. **Дьяконова Н.Я.** Чарльз Лэм и Элия. – М.: Прогресс, 1979. – С. 181-208.
2. **Дьяконова Н.Я.** Лондонские романтики и проблемы английского романтизма. – Л.: Просвещение, 1970. - С. 209.
3. **Barnett G.L.** The Evolution of Elia Bloomington. – L.: England, 1964. – P. 24.
4. **Қўчқорова М.** Ўзбек адабиётида эссе жанри. НД автореферати. – Тошкент, 2006. – 110 б.



*Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси,  
мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири,  
шоир десак – шоирларнинг султонидир.*

И.А.Каримов

### “ЖОМ ЎЛУР ГЕТИЙНАМО...”

**Бекова Назора Жўраевна**

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Маълумки, улуғ шоирнинг ҳар бир ғазали ўз мазмун силсиласига, тизимига эга. Унинг ҳар бир ғазали инсон руҳиятининг муайян бир ҳолати тавсифига бағишланади.

«Хазойин ул-маоний» туғросининг ҳар бир байтида эса камолотга етишнинг етти руҳий-маънавий риёзат мақомоти ва унинг амалий-назарий босқичи, солиқ қалб ҳолининг ҳар мақомда ўзгариб, Ҳаққа тобора яқинлашиб бориши руҳий тараққиётнинг натижаси эканлигига ишора қилинади.

Инсон ўзининг илоҳиёт мазҳари эканлигини Ишқ ва Кўнгил орқали англайди. Девондаги ғазалда тасаввуф таълимотининг марказий масаласи - камолотга етишнинг шартлари (ошиқ қалби ва руҳини етти даражада камолга эриштириш) - кучли рамзий тизими асосида талқин этилган. Шунинг учун ҳар бир байтда жому май сўзи такрорланади.

Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор-ул худо

«Ёр аксин майда кўр» деб, жомдин чиқди садо [Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Фаройиб-ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. 25-б].

«Май косасининг кўёши аксидан ҳақиқат йўлининг нурлари порлади». Май косаси—ишқ муҳаббат туфайли яратилган бутун борлиқ. Кўёш—Оллоҳ, акси—тажаллий тимсоли. Тасаввуфий адабиётларда ёзилишича, инсон яратилгунга қадар жамики борлиқ руҳсиз қоронғулик шаклида бўлган, уни жилолантириш учун Инсон яратилган. Шоир «ҳақиқат йўлининг нурлари порлади» дейиш орқали Оллоҳ Комил инсон воситасида тажаллий айлашига ва иккинчи мисрада моддий оламнинг жавҳари—кўнгил илоҳий исмлар мазҳари маркази эканлигига ишора қилган. Ҳазрат Жомийда бу улуғ муддао куйидагича талқин этилган:

Шуд дар қадаҳи саҳбо аксе зи рухат пайдо.

Қад ашрақат ад-дунё мин каъси муҳайёно [Жомий А. Осор. Дар 8 жилд. Жилди I.

- Душанбе: Адиб, 1986. 99-б.].

«Саҳбо»да (қизил майда) юзинг акси пайдо, Дунё бизнинг қадаҳимиздан ёриди». Яъни бунинг ботиний маъноси куйидагича: Саҳбо қадаҳи—бутун борлиқ ва яратилмишлар мазҳари. Дунё, яъни ишқ маҳсули олам сиру синоати фақат Инсон кўнглида юз очади ва бутун борлиққа жило беради.

Мазкур ғазалда сайриллоҳ (Оллоҳ томонга сайр) қалб мақоми ва унинг даражалари тадрижий тараққиёти солиқ маънавий-руҳий камолотининг бирламчи шарти сифатида тасвирланган. Ғазалда ана шу даражаларга ишоралар бор. «Ёр аксин майда кўр» деб, жомдин чиқди садо. Бу талаб мақоми ва ишққа эҳтиёж сезган кўнгилнинг САДР даражасидаги ҳоли. Кўнгил ишқ орқалигина юксак даражатларга эришади ва ишқ калити воситасида кўнгил тилсими сирлари очилади. Чунки кўнгил «маърифат дунёсининг сайёҳи», ҳақ назаргоҳи, унинг илми ва ишқининг хазинасидир.

Ғайр нақшидин кўнгил жомиди белса занги ғам,

Йўқдур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

«Ғайр нақши» (дунё ғами, нафсий эҳтиёжлар) кўнгил жомини занглатади, ғамхонага айлантиради. Илоҳий ишққа мубтало кишининг кўзига дунё талаблари фоний, қадр-қимматсиз бўлиб кўринади. Камолот сари қадам эса комилларга эргашиш ва уларни севишдан бошланади. Ишқ мақомининг биринчи шарти ҳам дўстлик. Байтда соқий (ориф, пири муғон)га мурожаатдан мурод Оллоҳ дўстларига яқинлашишдир. Пири муғон ошиқнинг маънавий покланишга бўлган

ишончи (ишқ)ни янада тезлаштиради. Чунки орифнинг мақсади фақат Ҳаққа йўналгандир, у илму илоҳийда барчадан билимдон. Ошиқ ваҳдат майининг «ғамзудо»лигига ҳавас қияпти. Ҳавас эса ҳақиқий ишқнинг биринчи босқичи. Илоҳий ишқ эҳтиёжигина ошиқни иккилик ўртадан кўтарилган бирлик, яъни «ғамзудо» (ғамдан пок қилгувчи, қайғуни кетказувчи) ваҳдат мақомига эриштиради. «Ғайр нақши» дан нафсни тийиш, қаноат, муҳаббат каби туйғулар кўнгилнинг қ а л б даражаси ҳоли ва Ишқ мақоми сифатларидандир.

Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир сингон сафол,  
Жом ўлур гетийнамо, Жамшид ани ичкан гадо.

«Синган сафол»га ваҳдат майи муяссар бўлса, у Жамшиднинг сеҳрли жоми сингари «гетийнамо» (жаҳоннамо)га айланади ва уни ичган гадо ўзини Жамшиддек ҳис қилади. Жамшид Эроннинг энг улуғ мартабали ва олий даражада айш-ишрат қилган афсонавий подшоҳларидан бири. У икки жом кашф этиб қолдирган. Ўшалардан бири – Жоми Жам ва иккинчиси – Жоми гетийнамо. Жамшиднинг ўша сеҳрли жомидаги май ичган билан тугамаган (Жоми Жам) ва дунёда содир бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларни иккинчисидан (Жоми гетийнамо) кузатиш мумкин бўлган. Шоир ўз муддаосини талмеҳ санъати орқали моҳирлик билан юзага чиқаришга муяссар бўлган.

«Синган сафол»-бойлик ҳирсидан юз ўгириб, ишқ дардида пора-пора бўлган кўнгилнинг ш и г о ф даражаси ҳоли ва Маърифат босқичидир.

Ишқ-камолот калити. Ҳатто, гадо кўнглига илоҳий ишқдан файз етса, у ўзини шоҳдек ҳис қилади, салтанат шоҳларига бўйин эгмайди. Аксинча, дунё ғамидан озод эранларга шоҳлар эҳтиёж сезганлар. Ҳикмат, маърифат сирларидан огоҳ кўнгил-шоҳдир. Чунки энди Маъшуқи азал-Кўнгил ҳокими.

Жому май гар буйладир, ул жом учун қилмоқ бўлур  
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Жому май шундай қудратга эга бўлса, у зарф учун (Жоми Жам учун) юз жаҳонни нисор, ўшандай кўнгил учун эса минг жонни фидо қилсанг арзийди. Ҳақ ҳикматидан баҳраманд кўнгилга юз жаҳонни нисор этишдан мурод комил инсоннинг беқиёс қадр-қиммати ва камёблигига ишорадир. Қисқаси, ишқ ва кўнгилнинг ҳақиқий қудрати намоён бўлгач, маърифат сирлари очилади. Бу эса қалбнинг ф у о д даражаси ҳоли, Истиғно мақомининг белгиларидир.

Дайр аро хуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,  
Жоми май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо.

«Дайр» сўзи майхона маъносида ишлатилган. Хуш аҳли –ишқ майидан беҳабарлар. Ишқдан беҳабарлар ҳамиша ҳақиқий ошиқларни ақлдан озган деб, девоналикда айблайдилар. Ақлу хушдан бегона бўлмасдан ваҳдат майининг сирини англаб бўлмайди. Мазкур ғазал юқорида таъкидлаганимиздек, шоир ижодининг дастури бўлгани учун мавзулар, ғоялар кўлами жиҳатидан кенгдир. Ҳазрат Навоий ижодининг маълум қисмини маломатийлик ғоялари ташкил этади. Байтда шунга ҳам ишора бор. «Девона»–ишқ беҳушлиги, кўнгилнинг ғайбий ҳақиқатлари сиридан огоҳлик, сезгирликнинг олий мартабаси. Фақат огоҳ кўнгилгина Ҳақ тажаллийгоҳига айланади. Илоҳий ишқ Руҳнинг ақл ва вужуд устидан чинакам ғолиблигидир.

Шоир сўзларнинг ҳам ҳақиқий, ҳам мажозий маъносидан маҳорат билан фойдаланган. «Дайр»нинг ҳақиқий маъноси ғайри-исломий, оташпарастларнинг ибодатхонаси. Ишқ–инсонни нафсий сифатлардан покловчи олов. Ишқ ўтида ёнган ошиқ дунёвий ҳою ҳаваслардан бутунлай қутулади. Ишқ ўти кўнгилни ўткинчи ўю ташвишлардан мосиво айлайди. Шунинг учун ошиқ (мисли ўтсевар Самандар) ишқ ўтидан бошқа ўтга сиғинмайди. Бу ўтда куйган ошиқ ҳақиқий ишқ мақомига эришади. Юқоридаги байтда ишқ ўти ўзликдан кечиш, руҳий–маънавий покланиш асоси сифатида (оташпарастликда олов қандай улуғланса) таъкидланмоқда. Ўзликдан кечмай, Ҳақ васлига етиб бўлмайди. Шоир «дайр» (майхона) ва «муғбача» (май қуювчи бола) каби оташпарастлик эътиқоди билан боғлиқ сўз маъноларининг нозик қирраларидан маҳорат билан фойдаланади. Ишқ ўтида поклангач, кўнгил ғайб илми хазинасига айланади. Бу Тавҳид мақоми ва қалбнинг илми ладунийга етишиш, асл моҳият марказига яқинлашиш–сувайдо даражаси сифатларидир.

Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар  
Чехрайи мақсуд, маҳв ўлғай ҳамул дам моадо.

Илоҳий ишқнинг кўнгилни тамоман фатҳ (забт) этиши «моадо»-ўзга нарсалар, ўткинчи майда-чуйда эҳтиёжларнинг маҳв бўлиши билан яқунланади. Руҳий–маънавий сатҳи беқиёс кенг кўнгилда олам ва одамни бирлаштириб турувчи илоҳий мўъжизаларнинг туб моҳияти – «чехрайи мақсад» жилваланади.

Бу қалбнинг илоҳий нурлар тажаллий айлайдиган жойи (даражаси)– м у ҳ ж а т ул-қалб ва Ҳайрат мақоми сифатларидир.

Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,  
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.

Ваҳдат–бирлик, ягоналик. Жом май билан лиммо-лим тўлғач, май идишнинг муайян шаклини олади, натижада бирлик ҳосил бўлади. Бу Вужуди мутлақ билан бирлашиш, илоҳий руҳга қўшилиб кетиш – Ф а қ р у ф а н о мақоми. Ишқ кўнгилни ҳақиқат нурлари мазҳариятига айлантиради. Инсон ўзининг илоҳий руҳдан иборат эканлигини фаттоҳ ишқ орқали англаб етади. Бу аслиятни, ўзликни англаш, тавҳид нурининг манбаи кўнгилнинг л у б б мартабасидир.

Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур  
Билмайин нафи этма бу майхона аҳлин, зоҳидо!

Мазкур байт орқали шоир ишқнинг моҳияти, ҳақиқати ва қудратини кенг миқёсда исботлашга эришган тасаввуф таълимотининг тарбиявий аҳамиятига, маҳдуд қарашлардан холи эканлигига ишора қилган.

Ишқ калимаси Қуръони каримда учрамаслиги учун зоҳидлар бу сўзни қўлламаган. Бу тушунчани қўллаган зотлар эса доимий равишда қаршиликка дуч келишган. Илоҳий ишқ ошиқни маълум дин ва диний мушоҳадалардан беҳад баланд кўтаради. Динлар, мазҳаблар, тариқатлар-Оллоҳга элтадиган йўллар. Оллоҳга элтувчи йўллар Нажмиддин Кубро таъбири билан айтганда, яратиларнинг нафаслари ҳисобичадир. Манзил, моҳият эса битта. Шунинг учун шоир моҳият қаршисида уларнинг барчаси бир хиллигини эътироф этади. «Эй зоҳид, сен фақат тоат-ибодат билан жаннатга етмоқчи бўласан ва Оллоҳга етишнинг ўзга йўллари инкор этасан», - дейди шоир. Тасаввуфни тор маънода тушуниш, қолипга солиш ўзни кулги қилишдир, - дейди Амир Хусрав Деҳлавий:

Дар тасаввуф расм жустан ханда кардан бар худ аст,

Дар таяммум масҳ кардан хок кардан бар сар аст [Деҳлави Амир Хусрав. Осори мунтахаб. Дар чаҳор жилд. Жилди чаҳорум. – Душанбе: Ирфон, 1975. – 812 б.].

Осори мунтахаб Ҳазрат Навоий матлаъда бошланган фикрни шундай хулосалайди:

Ташналаб ўлма Навоий, чун азал соқийсидин

«Ишрабу йо айюҳа-л-атшон» келур ҳар дам нидо.

«Азал соқийси»–Оллоҳ. «Ишрабу йо айюҳал-атшон»-«ичингиз, эй ташналар». Инсонни яратишдан мақсад Кўнгилнинг қудратини кўрсатиш эди. Май (ишқ)–илоҳий тажаллий, Кўнгил ташналигини қондириб, илоҳий моҳиятга элтувчи восита. Қуръони каримнинг «Аҳзоб» сураси 72-оятида шундай дейилади: "Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (ўзига зулм қилгувчи ва нодон эди), яъни бу омонатнинг нақадар вазмин юк эканлигини бутун коинот билди ва уни кўтаришга қурби етмаслигини сезди, аммо инсон ўзи билмаган ҳолда ўша мушкул вазифасини ўз зиммасига олди" [Қуръони Карим. –Тошкент: Чўлпон, 1992. – 297 б.].

Орифлар "омонат" сўзини "ишқ" деб шарҳлаганлар. Ишқ эса фақат инсонга хос бўлиб, бошқа мавжудотлар ундан бебаҳрадир.

Инсон жамики мавжудотнинг сирини билишга ташна. Маърифатга шайдо инсоннинг азалий ва абадий Ваҳдатга ташналигини ишқ қондиради. Инсонни нодонлик, гумроҳликдан қутқариб, илоҳий зотнинг бир бўлаги эканлигини англадиб, бақо оламига олиб боради. Шунинг учун ҳар дам «азал соқийси»дан нидо келур: «Эй ташналар, ишқ майидан қониб ичингиз». Бу нидо эса инсонга Кўнгил орқали огоҳ бўлади. Матлаъда «жом садо»си билан бошланган фикрни шоир мақтаъда «азал соқийси» «нидо»си билан якунлайди. Бу инсоннинг Илоҳга ва Илоҳнинг «ҳар дам» инсонга (ҳадис: «Агар Менга томон бир қадам қўйсанг, Мен юз қадам яқин бораман») интилишига ишорадир.

Мазкур ғазал кўнгилнинг Ишқ билан ўтказган сирли ҳоллари, олами ғайб сари парвози ва Ваҳдат мақомига эришиши–Комилликка етишнинг тадрижий тараққиёти талқинига бағишланган. Комиллик тариқининг асоси эса Ер юзида муросою мадора орқали тинч, осуда ҳаёт завқини суришни тарғиб қилишдир. Улуғ шоир эса бутун умри ва ижодини худди шу буюк мақсад талқину тарғибига бағишлади. Бу фикрни шоирнинг ҳаётининг фаолияти–сарой ва халқ ўртасида илиқ муҳит ўрнатиши, ота-ўғил ўртасида (Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг тожпараст ўғиллари) тожу тахт низоларини, мамлакат ичкари ва ташқарисидаги турли нотинч, таҳликали вазиятларни ўзаро келишув, сулҳ орқали ҳал этиши, илму ирфон аҳлига раҳнамолиги тасдиқлайди.

Шунинг учун Ҳазрат Жомий Мир Алишернинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузини: «Муҳиб ва мўтақиди дарвешон, балки маҳбуб ва мўтақиди эшон Низом ул-миллати ваддин-Амир Алишер» («дарвешлар дўсти ва мухлиси, балки улар дўст тутган ва ихлос қўйган миллат ва дин қоидаларининг билимдони—Амир Алишер»), - дея фахр билан эътироф этган [Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. – Т.: Фан, 1999. – 69 б.].

Улуғ Навоий ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муаммоларига бефарқ қараб туrolмасди. Қолаверса, у айна турли мазҳаблар, шариат ва тариқат аҳли ўртасида низою келишмовчиликлар тез-тез содир бўлиб турган даврда яшаб ижод қилди. Шоир тасаввуфнинг турли оқимлари, тариқат намояндаларини сўз иқлимида соҳибқирон бўлишга ва шариат аҳлини эса қуруқ, сохта тоат-ибодатдан, зоҳирбинликдан, калтабинликдан қайтаришга интиланган, тариқат шариатнинг юқори босқичи, уларни айрим-айрим тушуниш эса жамият ҳаёти учун хавфли эканлигини қайта-қайта уқтирган. Чунки «Ҳақ ва инсон» муносабатлари шариат ва тариқатда турлича талқин этилган. Шоир бу низоларнинг асосий сабабини моҳиятни тушунмасликда, маърифий савиянинг пастлигида деб билади.

Алишер Навоий девонида ҳамд, наът ва мавъиза йўналишидаги маърифий-бадий ғазаллардан кейин бадий-маърифий ғазаллар жойлаштирилган. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул таъкидлаганидек: «Алишер Навоий ўзбек адабиётининг қайси жойида бўшлиқ ёки етишмовчилик сезган бўлса, ижод тажрибаси билан ўша бўшлиқни тўлдириб, камчиликларга чек қўйган» [Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 132 б.].

Шоирнинг Шарқ мумтоз адабиётида ҳамд шеърлар такомил ва тараққиётидаги хизматлари (жумладан, ҳамд ғазаллари ҳам) шу томондан таҳсинга лойиқ. Мураккаб рамзий тизимлар орқали ифодаланган ғазаллар ботиний моҳиятини кўпчилик тушунмаган. Ёки аксинча, юзаки тушуниш оқибатида турли ихтилофларга сабаб бўлган.

Ҳамд ғазаллар эса мураккаб рамзий тизимда ёзилган ғазаллар учун маънавий-руҳий пойдевор вазифасини ўтайди. Шунинг учун Алишер Навоий санъатнинг моҳиятини халққа хизмат қилишида деб билган ва амалий фаолиятини ҳам шу асосда ўтаган. Элга нафи тегмаган бадий ижоднинг ҳеч қандай қиммати йўқлиги ҳақида шоир «Лисон ут-тайр»нинг хотимасида шундай ёзади:

Қуш тили бирла такаллум қилмоғи,  
Ортуғ Осафдин, Сулаймондин доғи.  
Ким алар гар англадилар бу мақол,

Лекин элга қилмади нафъ интиқол [Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 244 б.].

Шариат ва тариқатнинг комил жамият қуриш ҳамда комил инсон тарбияси учун бир-бирини тақозо этадиган тадрижий, узвий, узлуксиз босқичли мантиқий жараёндан иборат эканлигини асослаб бориш улуғ шоир ҳамд ғазалларини бирлаштириб турувчи умумий ғоядир.

## O`ZBEKISTONDA TURIZM INFRATUZILMASINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

**Jo'rayev Abror Turobovich**

*BuxDU Ijtimoiy-iqtisodiy fakultet dotsenti, iqtisod fanlari nomzodi*

**Axmatova Mohigul Ergash qizi**

*BuxDU talabasi*

[mohigul.akmal@mail.ru](mailto:mohigul.akmal@mail.ru)

**Tayanch so'zlar:** turizm infratuzilmasi, binolar, muhandislik, Turon zamin, investitsiya, avtoyo'l, madaniy.

**Ключевые слова:** инфраструктура туризма, здания, инженерия, земля Туран, инвестиция, автодорога, культурный.

**Key words:** tourism infrastructure, buildings, engineering, the land of Turan, investment, road, cultural.

*Mazkur maqolada O'zbekistonda turizm infratuzilmasini rivojlantirish istiqbollari, turizm infratuzilmasi rivojlanish bosqichlari, o'zbekona mehmondo'stlikni va xalqaro xizmat ko'rsatish standartlarini o'zida mujassam etgan sayyohlik modelini ishlab chiqish, respublikamizning barcha viloyatlaridagi turistik maskanlarga turistlarning borishini yo'lga qo'yish masalalari o'rganiladi.*

*В данной статье рассматриваются перспективы развития туристической инфраструктуры в Узбекистане, разработка туристической модели, включающей узбекское гостеприимство и международные стандарты сервиса, а также организация туристских потоков в туристические дестинации нашей республики.*

*This article deals with the perspectives of the development of tourism infrastructure in Uzbekistan, its stages, the development of tourism model that incorporates in itself Uzbek hospitality and international standards of service, as well as the organization of tourist flow in touristic destinations in all regions of our country.*

Hozirgi kunda dunyo mamlakatlarining ko'pchiligi turizm iqtisodini rivojlantirish orqali o'z milliy iqtisodiyotini taraqqiy ettirmoqda. Mamlakatimizning turizmni shakllantirishda har qanday xorijiy mamlakatlardan qolishmaydigan imkoniyatlarga egaligi bu borada ko'plab muvaffaqiyatlarga erishishimizni ta'minlovchi asosiy manba hisoblanadi. Ana shularni inobatga olgan holda, mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki yillaridan to hozirga qadar zamon talablariga javob beradigan turizm infratuzilmasini tarkib toptirish va rivojlantirish borasida amalga oshirib kelinayotgan islohotlar o'zining ijobiy natijalarini berib kelmoqda. Turizm infratuzilmasi deganda - turistlarning turistik zaxiralardan bemalol foydalanishini ta'minlovchi binolar tizimi, muhandislik va kommunikatsiya tarmoqlari, shu jumladan, yo'llar, turizmning xilma-xil korxonalari va ularning faoliyati, shuning bilan birga ushbu faoliyatni ta'minlovchi boshqa tizimlar tushuniladi. Bular qatorida avtoyo'l, temir yo'l, havo yo'llari, dengiz va daryo yo'lari, harakatini tartibga soluvchi tizimlar, issiqlik, elektr va telefon aloqalarini sanab o'tish mumkin. O'zbekistonda turizm infratuzilmasiga Sobiq Ittifoq davridanoq asos qo'yilgan edi. Biroq, bu sohadan keladigan daromadlarning qayta taqsimlanish muammosi odatdagidek markaz tomonidan hal etilardi.

1985-1989 yillarda O'zbekistondagi ichki va hududiy turizmning hajmi 1,4-1,6 mln. kishini, bunda chet ellik turistlarning miqdori atigi 130-180 ming kishini tashkil etardi, xolos. Bu vaqtga kelib, ya'ni 1985-yilda Turkiyada 1,5 mln., 1992 - yilda esa 7 mln., 2003-yilda esa 11 mln. atrofida xorijiy turistlar tashrif buyurishdi. 1981-yilda Vengriya 14,2 mln. turistlarni qabul qilgan bo'lsa, 1991-yilga kelib bu miqdor 19,1 mingga yetdi. 1992-yilda O'zbekistonning turistik sohasi chet ellik turistlarga faqatgina 27 ta, 2008-yilda esa 50 dan ortiq xizmat turini taklif etdi. Turkiya, Italiya va Ispaniya kabi mamlakatlarda esa bu ko'rsatkich 250-400 ni tashkil etadi. Mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan so'ng Prezidentimizning bevosita tashabbuslari bilan turizmni rivojlantirish ustuvor masalaga aylandi. Umuman olganda, O'zbekiston Respublikasida turizm infratuzilmasi rivojlanishini beshta bosqichga bo'lish mumkin [4].

Birinchi bosqich (o'z ichiga 1992 - yilni oladi). Ushbu bosqich respublikamizda milliy turizmning dastlabki shakllantirilishi bilan xarakterlanadi. Bu bosqichda turizm infratuzilmasida yetakchi hisoblangan "O'zbekturizm" Milliy Kompaniyasiga asos solindi.

Ikkinchi bosqich (1993-1995 - yillar). Bunda turizmning milliy rivojlanish modeli ishlab chiqildi.

Ushbu bosqich turistik xizmatlar ko'rsatish hajmining oshib borishi bilan birgalikda yangi turistik yo'nalishlarni ishlab chiqish, xizmat ko'rsatishni yaxshilash, turizmning moddiy-texnika bazasini kengaytirish, boshqaruvning tashkiliy tizimini takomillashtirish va boshqa shu kabi vazifalar bilan bog'liq bo'lgan bir qator muammolarni yuzaga keltirdiki, ularni faqatgina "O'zbekturizm" milliy kompaniyasi doirasida hal etish imkoni bo'lmay qoldi. Kompaniya turistik operatorlar bilan to'g'ridan-to'g'ri aloqa qilish maqsadida Germaniya (Frankfurt-Mayn), Angliya (London), AQSh (Nyu-York), Birlashgan Arab Amirliklari (Sharja) va Rossiya (Moskva) kabi mamlakatlarda o'zining vakolatxonalarini ochdi.

Uchinchi bosqich (1995-1997 - yillar). Bunda turistik xizmatlar sohasida xususiyashtirish jarayoni boshlandi. 1996-yilning boshlarida "O'zbekturizm" milliy kompaniyasi tizimidagi turistik obyektlar umumiy miqdorining 90% ga yaqini davlat tasarrufidan chiqarildi.

To'rtinchi bosqich (o'z ichiga 1998 - yilni oladi). Bu bosqichda eksport salohiyatini oshirish, valyuta, turistlar, investitsiyalarning barqaror oqimini ta'minlash uchun imkoniyat yaratildi. Respublikada milliy turizmni jahon andozalari darajasida shakllantirish, turizmga bilvosita tegishli bo'lgan xizmat ko'rsatish infratuzilmasini, xususan, turistlarni xorijdan kutib oladigan chegara, bo'jxona va aeroport xizmatlarini qayta shakllantirish boshlandi.

Beshinchi bosqich (1999 - yil maydan keyingi davrlar). Ushbu bosqichda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Turizmni rivojlantirishning davlat dasturi to'g'risidagi» Farmoni nafaqat mamlakatdagi milliy va xalqaro turizmning tutgan o'rnini mustahkamlash uchun siyosiy asosni shakllantirdi, balki uning iqtisodiy asoslarini mustahkamlash imkoniyatini berdi. Ushbu me'yoriy hujjat asosida turistik korxonalariga qo'shimcha boj imtiyozlari berildi. Bundan tashqari, O'zbekistonning xorijiy mamlakatlardagi diplomatik vakolatxonalarida turizm bo'yicha maslahatchi lavozimi joriy etildi. Ushbu yilning avgust oyida mamlakat Parlamentida "Turizm to'g'risida"gi qonun qabul qilindi va buning natijasida turizm sohasi faoliyat ko'rsatishining huquqiy asoslari yanada takomillashtirildi.

Turistlariga tez tibbiy yordam beradigan va hojatlarini chiqaradigan obyektlarning o'zi yo'q hisob, borlari ham talab darajasida emas. Achchiq bo'lsa ham aytish kerak: joylarda bunday obyektlarning barpo etilishiga e'tibor past darajada. Bu nafaqat turistlar, hatto, katta yo'l trassarida qatnovchi vatandoshlarimiz uchun ham muhim ahamiyatga molik vazifa hisoblanadi. Bir vaqtlar Ipak Yo'li o'tgan joylardagi muhim maskanlarda karvonsaroylar bo'lgan. Karvonsaroylar savdo karvonlari uchun hozirgi vaqtlardagi mehmonxonalar vazifasini o'tagan. Unda karvonlar va savdogarlar tunaydigan xonalardan tortib, ichimlik suvi, ovqatlanish xizmati va boshqa xizmatlar (tabiblar, mashshoqlar, qo'riqchilar) o'z joyiga qo'yilgan. Yurtimiz ko'hna tarix va madaniyatga ega. Hozirda kanalizatsiya deb ataluvchi tarmoq bundan uch ming yil avval xizmat ko'rsatganligini isbotlovchi dalillarni arxeologik olimlarimiz tadqiqot ishlarida ko'rsatib berishgan. Ichimlik suvi sardobalarda saqlanganligi, maxsus kulolchilik quvurlari orqali suv olib kelinganligi va chiqindi suvlar ham shunday quvurlardan chiqib ketganligini isbotlovchi manbalar yetarli. Mana shunday tarixiy, an'anaviy merosimizni yana tiklash, zamonaviy holatga keltirish ham bugunning asl maqsadidir [5, 7].

Jahon mamlakatlari qatorida O'zbekiston ham o'zining uzoq va betakror boy tarixiga ega. Qadim zamonlardayoq Turon zamin deb e'tirof etilgan ona Vatanimiz turli tarixiy yozma va arxeologik manbalarga ko'ra Xitoy, Hindiston, Eron, Misr, Rim kabi qadimiy va buyuk mamlakatlar qatorida munosib o'rinni egallagan. Ko'hna, madaniy va ma'naviy yodgorliklarga boy tarixi, qadimiy me'moriy hamda tasviriy san'ati jahon turistlarini o'ziga jalb etib kelgani hech kimga sir emas. Toshkent, Samarqand, Buxoro, Shahrisabz, Xiva hamda respublikaning turli o'rinlarida joylashgan tarixiy obidalar, ko'hna yodgorliklar mamlakatimiz turizmining asosiy poydevori vazifasini o'taydi. Vatanimiz tarixi o'zbek xalqining jahon tarixi va madaniyati xazinasiga ulkan hissa qo'shgan buyuk allomalarimiz – Muhammad Muso al-Xorazmiy, Abu Nasr Farobiy, Ahmad al – Farg'oniy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy, Abu Iso at-Termiziy, Bahouddin Naqshband, Ahmad Yassaviy, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy, Bobur va boshqa yuzlab bobolarimiz bilan faxrlansa arziydi. Madaniy turizm deganda o'zga xalqlarning madaniyati, tarixi, etnografiyasi, arxeologiyasi, folklori, hayot tarzi bilan qiziquvchi turistlarning faoliyati tushuniladi. Madaniy turizm mobaynida insonlarga o'zga xalqlarning madaniyati bilan yanada chuqurroq tanishish maqsadida mahalliy teatrlarga, milliy san'at va xalq ijodiyoti namoyish etiladigan joylarga ko'proq e'tibor beriladi. Hattoki, ba'zi bir turistlar mahalliy aholi istiqomat qiladigan uylarga mehmon sifatida tashrif buyurishdan voz kechishmaydiki, buni rezidentlarning madaniyati bilan tanishishning eng yaxshi usuli deb hisoblashadi. Tarixiy turizm atamasi ostida qadimiy odamlardan bizgacha yetib kelgan mehnat qurollari, idish-tovoqlar, tanga pullar, harbiy qurol-yaroqlar, uy-joylar, qal'alar,

shaharlar, qabrlar, rasmlar, madrasalar, masjidlar va moddiy tarixiy manbalar bilan qiziquvchi turistlarning faoliyati tushuniladi. O'zbekistonda madaniy va tarixiy turizmni rivojlantirish imkoniyatlari katta bo'lib, ularning rivojlanishi O'zbekiston xalqaro aloqalarini rivojlantirishga o'z hissasini qo'shadi. Xalqaro aloqalarning rivojlanishi xalqimizni boshqa millatlar bilan yanada yaqinlashtiradi, bu esa o'zaro aloqalarni kuchaytiradi hamda o'zaro hamkorlikning o'sishiga va respublikamizda turizmni rivojlantirishga katta zamin yaratadi.

Mamlakatimiz Prezidenti I.Karimov turizm sohasini rivojlantirish va uning imkoniyatlaridan samarali foydalanish dolzarb vazifalardan biri ekanligini alohida ta'kidlaydilar: "Turizm, sodda qilib aytganda, dunyoni tushunib, dunyoni anglash, shu bilan birga dunyo sahnasiga chiqish demakdir. Toshkent, Samarqand, Buxoro, Marg'ilon, Shahrisabz va Xiva kabi shaharlarimizning 2500-3000 yillik tarixi bor. Bu juda katta ma'naviy boylik, uni sayyohlikni rivojlantirish yo'li bilan moddiy boylikka aylantirish mumkin. Turizmni "tilla tuxum qo'yuvchi tovuq"ga o'xshatishadi. Lekin, ushbu tovuq boqilmasa, u tuxum qo'yishni to'xtatishi, tuxumlar hajmi va sifati buzilishi yoki tovuqning o'zi o'lib ham qolishi mumkin.

Shunga ko'ra, turistik markazlar va hududlar nafaqat turizmdan pul ishlab qolishadi, balki turistik sanoatni barqaror rivojlantirishga, turistik mahsulotni ichki va tashqi bozorlarda harakat qildirishga juda katta miqdorda mablag'lar ajratishadi. Turizmni rivojlantirishga ajratilgan mablag'lar bir qarashda astronomik raqamlar bo'lib ko'rinishi mumkin, lekin amaliyot shuni ko'rsatadiki, bu xarajatlar o'zlarini oqlaydi va davlatga turizmdan undan ham katta hajmdagi daromadlarni keltiradi [3, 111].

Turizm infratuzilmasida bank va moliyaviy tashkilot xizmatlarining o'rnini alohida. Turistlar sayohatda va dam olishda xilma - xil xizmat turlaridan foydalanishni xohlaydilar. Ya'ni, o'z xohishi bo'yicha biror narsa sotib olishni istashadi. Bunda ular ko'ngil ochish uchun har kuni ko'p miqdorda pul sarflashadi. Pulni, ayniqsa, katta miqdordagi pulni ko'tarib yurish turistlarga noqulaylik va qiyinchiliklar tug'diradi. Turistning katta miqdorda pulni olib yurishi o'g'rilarni, qaroqchi va tovlamachilarni va har xil turdagi jinoyatchilarni jinoiy harakat qilishlariga olib keladi. Turizm tashkil topishi bilanoq, o'g'irlanishi va tortib olinishi mumkin bo'lmagan xavfsiz pul bilan ta'minlash muammosi paydo bo'ldi. Tomas Kuk turizmni tashkil etishdagi ushbu muammoni hal etish bilan shug'ullangan va turistik faoliyatni tashkil etishning hamma tomonlarini o'rganib chiqqan. Natijada, u yo'l cheklarini ixtiro qilgan. Bu xavfsiz pul turizm maqsadida yaratilgan bo'lib, uni butun dunyo banklarida bimalol mahalliy valyutaga almashtirish mumkin bo'lgan. Bir qancha vaqt o'tib, bu tashabbusni "Amerikan Ekspress" firmasi o'ziga qabul qildi.

Turizm sohasidagi bu ikki kompaniya sug'urta moliyaviy xizmatlari bo'yicha ham gigantga aylandi. Keyinroq, plastik kartochkalar ixtiro qilindi. Viza, AmEx, Diners Club kabi dunyo miqyosidagi to'lov tizimlari yaratildi. Ushbu to'lov usullarining qo'llanilishi bilan turistlarning o'zlari bilan katta miqdorda pul olib yurishlari cheklandi. Barcha do'konlar, restoranlar va boshqa turistik markazlarning korxonalarini kartochkalar bo'yicha naqd pulsiz to'lovlar qabul qila boshladilar.

Axborot xizmati ham turizm infratuzilmasida turistlarga va uning tashkilotchilariga juda zarurdir. Turist sayohatga tayyorlanayotganda hamda sayohat vaqtida o'zi boradigan joy haqida o'sha mamlakat yoki boradigan hududning qonun- qoidalari, odatlari, mehmondo'stligi haqidagi qo'shimcha ma'lumotlarga, shuningdek, o'sha joyning xaritasiga, transport magistrallari jadvaliga muhtoj bo'ladi. Bunday ma'lumotlar bundan 200 yil avval chop etilgan. Sayohat va turistlarning sarguzashtlari haqidagi ma'lumotlar ommabop va maxsus adabiyotlar ko'rinishida chop etiladi va bu holat turistlarni sayohat qilishga chorlaydi. Zamonaviy turizmda bo'lajak turistlarga bepul tarqatiladigan axborotlarni rang - barang ko'rinishida chop etishga e'tibor qaratiladi. Turizm infratuzilmasini zamonaviy kompyuter xizmatlasiz tasavvur etish qiyin. Tezkor axborot va so'zlashuv, yangiliklardan xabardorlik turizmning yana bir jihatidir. Hozirgi turist internet, faks va boshqa zamonaviy texnika vositalaridan foydalanishi turizm infratuzilmasining qay darajada ekanligidan yana bir nishonadir.

Zamonaviy elektron vositalari orqali turistik xizmatlar va turistik markazlar haqidagi ma'lumotlar joylashgan millionlab saytlarga ega bo'lgan internet tarmoqlari nafaqat turizm va turistik agentliklarni tanlash, hattoki, tur sayohat chiptalari, xizmatlar uchun to'lovlarni ham oldindan tayinlab qo'yishi mumkin. Turizm tashkilotchilari axborot xizmatidan keng ko'lamda foydalanadilar. Ular ham turistik mahsulotni tashkil etayotganida maxsus yo'l ko'rsatkichlarini o'rganadilar. "Columbs Press"

nashriyotida har ikki yilda qayta chop etiladigan dunyoga mashhur yo'l ko'rsatkich "World Travel Guide"da 200 ta mamlakatning jadvallari, turistik markazlarning va agentliklarning har xil kataloglari, mamlakat va butun dunyo bo'yicha transportning harakat jadvali chop etiladi. Mehmonxonalardagi oddiy telefon, televizor, faks, kompyuter, muzlatgich va boshqalarning bo'lishi - bular biz hozirda istasak ham, istamasak ham bo'lishi zarur bo'lgan vositalardir. Mana shular turizm infratuzilmasidir.

Keyingi yillarda respublikamizda turizm infratuzilmasini zamon talabiga moslashtirish maqsadida ko'pgina ishlar qilinmoqda. Ayniqsa, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1995 - yil 2 - iyundagi "Buyuk Ipak Yo'li"ni qayta tiklashda O'zbekiston Respublikasining ishtirokini avj oldirish va respublikada xalqaro turizmni rivojlantirish borasidagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmoni bu ishni yuksak darajaga ko'tarish muammolarini hal qilishda o'z o'rniga ega bo'ldi. Farmon g'oyat muhim xalqaro turizm yo'nalishi - "Buyuk Ipak Yo'li"ni qayta tiklash, bunga xorijiy sarmoyalarni keng jalb etish, shuningdek, zamonaviy turizm siyosatini vujudga keltirishga asosiy maqsadni qaratdi. Buning uchun esa quyidagi o'ta muhim va dolzarb masalalar o'z echimini topishi lozim. Masalan, "Buyuk Ipak Yo'li"dagi shaharlar - Samarqand, Buxoro, Xiva va Toshkentda xalqaro turizm bo'yicha maxsus ochiq iqtisodiy mintaqalar tashkil etish, mazkur shaharlarning aeroportlari va temir yo'l vokzallarida turistlar uchun bojxona rasm-rusumlarining xalqaro me'yorlarga mos soddalashtirilgan tartibi, shuningdek, tranzit turistlar uchun maxsus bojxona joylari joriy qilish ko'zda tutildi. Ushbu shaharlarda yangi tashkil etiladigan turistik tashkilotlar va korxonalar barpo etilgan paytdan boshlab, dastlabki foydani olgunga qadar o'tadigan davrda, lekin ro'yxatga olingan sanadan keyin uzog'i bilan uch yil mobaynida barcha turdagi soliqlardan ozod qilish imkoniyati tug'ildi. Shu maqsadda mazkur tashkilotlar va korxonalar foyda (daromad) olgan birinchi yili foyda (daromad) solig'ining 50% ini, ikkinchi yili 75 % ini, uchinchi yildan boshlab 100 % ini to'lashlari belgilab qo'yildi. Shuningdek, turizm sohasida qo'shma korxonalar barpo etuvchi xorijiy sarmoyadorlarning ilgari berilgan imtiyozlarga qo'shimcha ravishda olib ketadigan foydadan 5 yil muddatga soliq to'lashdan ozod qilinishi bu boradagi imkoniyatlarni yanada kengaytirish uchun muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Hozirgi kunda O'zbekistonda 400 dan ortiq xususiy turistik firmalar faoliyat ko'rsatib kelmoqda - ulardan 290 tasi poytaxtda, 200 dan ortig'i barcha viloyatlarda. Mehmonxonalarning 120 tasi Toshkent shahrida, respublikaning hududlarida esa 88 tasi joylashgan [6].

Ayniqsa, tijorat banklariga tadbirkorlar xususiy mehmonxonalarini va mehmonxona infratuzilmasi inshootlarini barpo etishlari chog'ida ularga kamida besh yil muddat ichida to'lash sharti bilan kreditlar berilishi hamda "O'zbekturizm" MK Tashqi Iqtisodiy faoliyat milliy banki bilan birgalikda investitsiya banki - "O'zsayohatinvestbank"ni tashkil etishlarining belgilab qo'yilishi soha rivoji uchun olib borilayotgan davlat siyosatining nechog'li to'g'ri ekanligini yana bir bor isbot qildi. Turizm infratuzilmasini rivojlantirish turistik zaxiralardan rejali foydalanish jarayonining asosiy bosqichidir. Turistik zaxiralar qancha maftunkor bo'lmasin, turistning bu tabiat in'omlaridan foydalana olishiga bog'liq. Agar mazkur tabiat in'omiga yo'l yoki so'qmoq bo'lmasa, ushbu obyektga ko'plab turistlarni jalb qilish qiyin bo'ladi. Ba'zi hollarda esa buning iloji yo'q. Misol uchun Venesueladagi Anxel sharsharasiga (dunyodagi eng katta sharshara, balandligi 140 m.) turistlar nisbatan kam boradi. Chunki, u erga borish uchun na yo'l bor, na samolyot qo'nadigan maydon. Ushbu sharsharaga katta qiyinchiliklar bilan tezoqar daryo bo'ylab qayiqda borish mumkin. O'zbekistonimizning Qashqadaryo viloyati Yakkabog' tumanidagi Hisor tog'i etagida joylashgan Toshqo'rg'on qishlog'i va Amir Temur g'origa olib boriladigan yo'ldagi Ho'kizburun sharsharasiga turistlar borilishi yo'lga qo'yilsa, ayni muddao bo'lur edi. Ya'ni, bu joylarda turizm infratuzilmasini barpo etish uchun katta sarmoya talab etiladi. Respublikamizda shunday maskanlar ko'p. Bulardan tashqari, turistlarni maftun qiladigan joylarga borishning qiyinchiligi bir tomonda bo'lsa, ikkinchi tomonda turistlar o'zlari uchun yetarli bo'lgan qulay sharoitlarni talab qiladilar.

Masalan, mehmonxonalar tizimida qabul qilingan standartlarda turistlarni ikki o'rinli, qulayliklari mavjud bo'lgan (hojatxona, dush, hammom, issiq suv) nomerlarga joylashtirish ko'zda tutilgan. Bu holat O'zbekistonning chekka hududlarida turizmni rivojlantirishga to'sqinlik qiladi. "Turizm infratuzilmasi"ga turizm tashkilotlari, turistlarga ko'rsatila-digan joylar, mehmonxonalar, ovqatlanish tarmoqlari, transportlar, yo'llar va turizm bo'yicha mutaxassislar kiradi.

Hozirgi kunda respublikamizda turizm infratuzilmasini jahon andozalariga javob beradigan qilib tartibga keltirish uchun bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda va mablag'lar ajratilmoqda.

Yetarli infratuzilma turlarining asosiy omillarini quyidagicha guruhlashimiz mumkin:

- ❖ hududiy qo'l mehnati va kerakli vosita;
- ❖ tunash komplekslari (hotel, motel, kemping);

- ❖ suvning, asosan, ichiladigan suvning ta'minlanishi;
- ❖ kanalizatsiya, telekommunikatsiya;
- ❖ yetarli miqdorda oziq-ovqat mahsulotlarining ta'minlanishi;
- ❖ sog'liqni saqlash tizimining bo'lishi;
- ❖ xavfsizlik jihatidan kerakli manbalarni ta'minlaydigan transportlar;
- ❖ portlar, ishonchli temir yo'l; tarixiy yodgorliklar va an'analarni himoya qiladigan dasturlarning ishlab chiqilishi;
- ❖ atrof-muhitni himoya qilish;
- ❖ madaniy ko'rsatuvlar dasturi va o'qish joylari, kutubxona, muzey, teatr, xususiy va davlatga tegishli madaniy markazlarni qurish;
- ❖ piyodalarning shovqinga, changga, tumanga qarshi tadbirlarini ishlab chiqish, yashil joylar va chiroyli bog'larning barpo qilinishi;
- ❖ piyodalarga va velosipedchilarga mo'ljallangan yo'llarni, imoratlarni, o'rindiqlarni va dam olish joylarini, axlat tashlash joylarini tartibga keltirish;
- ❖ turizmni kasb qilgan odamlarni o'qitish va o'z-o'zlarini rivojlantiruvchi imkoniyatlarning yaratilishi;
- ❖ tabiiy ofatlardan saqlanish tadbirlari, yong'inni o'chirish xizmatlari.

Prizidentimiz I.A.Karimov 2011-yil 22-yanvarda Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruzasida "O'tgan yili xizmat ko'rsatish va servis sohasida 13,4 foiz o'sishga erishildi, so'nggi o'n yilda esa aholiga ko'rsatilgan pullik xizmatlar hajmi aholi jon boshiga hisoblaganda, qariyb 20 barobar oshdi" [1], deb ta'kidladi. Darhaqiqat, hozirgi kunda xizmat ko'rsatish tarmog'ining muhim tarkibiy qismi bo'lgan turizm sohasini jadal sur'atlarda rivojlantirish mamlakatimiz iqtisodiyotining ustuvor yo'nalishlaridan biri hisoblanadi.

Turizm sohasining rivojlanishini turizm infratuzilmasisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Turizm infratuzilmasi XIX asr oxirlarida hozirgi mamlakatlar iqtisodiyotida endigina shakllanayotgan edi. Hozirgi kunga kelib turizm tarmog'i dunyoning uchinchi ko'p daromad keltirayotgan sohasiga aylanganligi hech kimga sir emas. Bu sohani o'rganishni davr taqozosi, desak bo'ladi. Bugungi kunda turizm industriyasi dinamik ravishda rivojlanayotgan xizmatlar xalqaro savdosi turi bo'lib kelmoqda. Mutaxassislar xulosasiga ko'ra, turizmning rivojlanishi bundan keyin ham davom etadi. Har xil hisoblarga tayangan holda 2015- yilda turizm sohasi yirik eksport sohasiga aylanishi kutilmoqda. Agar turizm hozirgi o'sish sur'atida davom etsa, 2015-yilda xalqaro turistlar soni 1 mlrd kishini tashkil qiladi [4].

Olimlarning hisob-kitoblariga ko'ra xalqaro turizmning rivojlanishi asosida quyidagi omillar yotadi: iqtisodiy o'sish va ijtimoiy jarayon; transport vositalarining rivojlanishi; rivojlangan davlatlarda ishchi va xizmatchilar sonining ko'payishi, ularning moddiy hamda madaniy saviyasining oshishi;

- mehnat unumdorligi va xizmatkorlar ta'tilining uzayishi;
- davlatlararo munosabatlar va madaniy aloqalar rivojlanishi, shaxslararo aloqalarning mintaq va mintaqalararo miqyosida kengayishi;
- xizmatlar sohasining rivojlanishi - texnologiya rivojlanishi (aloqa va h.k.);
- chegara to'siqlari, valyuta almashuvi va chetga chiqarish to'siqlarining kamayishi, qog'ozbozlikning qisqarishi.

Dunyo bo'yicha turizmning ahamiyati doimiy ravishda o'sib kelmoqda. Bu turizmning iqtisodiyotga bo'lgan bevosita ta'siri natijasidir. Bugungi kunga kelib, turizm MDH davlatlarida rivojlanayotgan sohaga aylandi. Foyda maqsadini ko'zlagan turizm tashkilotlari, marketing xizmatlari, mehmonxona, transport xizmatlari, oziq-ovqat xizmatlari, chakana savdo do'konlari va boshqa turli vositalar kabi bir-biridan farqli xizmatlar turizm infratuzilmasining bir bo'lagi hisoblangan, foydasining qanchasini turistlardan, qanchasini hamkorlik asosida olinganligiga bog'liqdir.

Turizm infratuzilmasi iqtisodiyotning agrosanoat kabi boshqa industriyalariga foyda keltiruvchi bir tarmoqdir. Ushbu xususiyati bilan turizm infratuzilmasi sarmoya va foyda keltiradigan tarmoq hisoblanadi. Turizm infratuzilmasining boshqa sohalar bilan xizmat qilish aloqasi mavjud, ya'ni: - turizm infratuzilmasi rivojlanayotgan davlatlar iqtisodiyotiga juda katta foyda keltiruvchi soha bo'lmoqda; - turizm infratuzilmasi ish imkoniyatlari yetarli rivojlanmagan davlatlar uchun ish joylarini yaratish, ishsizlik-ning o'sib borishiga katta to'siq bo'layotgan sektorga aylanmoqda; - turizm infratuzilmasi davlatlar va mintaqalar o'rtasida, ekologik va madaniy muloqat orasida vositachilik qilgan xizmat mehmondo'stlik industriyasidir; - turizm infratuzilmasi o'zining yaratuvchi manbalarini buza oladigan industriya xarakterini o'zida aks ettira oladi. Bundan asosiy maqsad turizmning tabiiy

ijtimoiy zaxiralarini vayron qilish emas, balki bu manbalarning samarali siyosatini rivojlantirishdan iboratdir [3,7].

### ADABIYOTLAR

- 1. Karimov I.A.** Barcha reja va dasturlarimiz Vatanimiz taraqqiyotini yuksaltirish, xalqimiz farovonligini oshirishga xizmat qiladi //O`zbekiston Respublikasi Prezidentil. Karimovning 2011-yilning asosiy yakunlari va 2012-yilda O`zbekistonni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng muhim ustuvor yo`nalishlariga bag`ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma`ruzasi. "Xalq so`zi" gazetasi, 2012-yil 21- yanvar. – B. 2.
- 2. Alimov Q.A., Qutlimurotov F.S., Rabbimov E.T.** Turizm infratuzilmasi (o`quv qo`llanma). – Toshkent, 2011. – 88 b.
- 3. Jo`rayev A.T., Axmatova M.E.** O`zbekistonda tarixiy va madaniy turizmning rivojlanishi. – B.: Buxoro davlat universiteti Ilmiy axboroti. 2014.-№4 (56). – 148 b.
- 4. Fayziyeva Sh.R.** O`zbekistonda turizm rivojlanishining iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish. Nomzodlik dissertasiyasi. O`zMU, 2006- y. – 110 b.
- 5. Qutlimurotov F.S.** Xalqaro turizm biznesi fanidan o`quv-uslubiy majmua. – Urganch, 2010. -160 b.
- 6.** [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org)  
[www.peugeotufa.ru](http://www.peugeotufa.ru)  
[www.interunion.ru](http://www.interunion.ru)  
[www.tag-group.com](http://www.tag-group.com)  
<http://www.uzbektourism.uz>

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ: АНЪАНАЛАР, РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАР

Давлатова Саодат Тиловбердиевна

ЎзР ФА тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди

[saodatdavlatova@yandex.ru](mailto:saodatdavlatova@yandex.ru)

**Таянч сўзлар:** Ўзбекистон, мустақиллик, анъанавий хунармандчилик, хунар турлари, уюшма, касаначилик, тадбиркорлик, саноат, хунармандчилик корхоналари, бадиий хунармандчилик, халқ амалий санъати, Президент фармонлари.

**Ключевые слова:** Узбекистан, независимость, национальное ремесло, виды ремесел, объединение, надомник, предпринимательство, индустрия, ремесленные предприятия, художественное ремесло, народное прикладное искусство, Указы Президента.

**Key words:** Uzbekistan, Independence, traditional crafts, types of crafts, association, artisan industry, entrepreneurship, industry, artisan workshop, arts and crafts, folk arts and crafts, Presidential decrees.

*Ушбу мақолада Ўзбекистонда анъанавий хунармандчилик соҳаларини ривожлантириш борасида мустақиллик йилларида олиб борилган давлат сиёсати, "Хунарманд" уюшмасининг бу йилларда олиб бораётган чора-тадбирлари, ривожланиш муаммолари, ўзбек миллий хунармандчилигининг жаҳонга юз тугиши ва ундаги ўзгаришлар ёритилади.*

*В данной статье рассмотрены этапы развития узбекского национального ремесла в годы независимости. Также прослежена государственная политика, направленная на развитие традиционных видов ремесла, деятельность объединения "Хунарманд", выход на мировой рынок изделий ручной работы.*

*The article is about state policy of the Republic of Uzbekistan aimed at developing traditional craftsmanship during the years of independence, the activity of the association "Hunarmand", the problems of crafts development, the entrance of Uzbek traditional craft to the world market and changes in the sphere.*

Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби хунармандчиликда ҳам ўзига хос ўзгаришлар юз бериб, бу борада Ўзбекистон барқарор давлат сиёсатини олиб борди. Ўзбекистонда саноатлашган миллий хунармандчилик соҳасини ривожлантириш, халқнинг маданий мероси, анъанавий миллий кадриятларини авайлаб асраш, хунармандларга ғамхўрлик қилиш ва уни янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Миллий маданиятни сақлаб қолиш, уни ривожлантириш, хунармандчилик соҳасидаги ишлаб чиқариш ва анъанавийликни тиклаш табиий жараёнга айланди.

Бунинг натижаси ўлароқ, социалистик режалаштиришга асосланган марказлаштирилган иқтисодий бозор иқтисодиётига айлантиришда янги мустақил давлатлар танлаб олган турлича ёндашувлар ва моделлар кўп жиҳатдан айнан мулкчилик масаласини ҳал этиш хусусиятлари билан фарқланади. Шунингдек, бозор муносабатларига ўтиш йўли бу жараёнда корхона ва ишлаб чиқариш жамоаларининг тутган ўрни кескин масала қилиб қўйилди. Яъни, бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим шарти кўп укладли иқтисодий, яъни мулкчиликнинг турли шакллари юзага келтиришдан иборатдир. "Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади" [1, 43], - деб таъкидлаган эди Президент И.А.Каримов.

Шунингдек, Ўзбекистон Республика Президентининг 1991 йил 27 августдаги "Ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва жамғармаларни партия тасарруфидан чиқариш тўғрисида"ги [2, 6] ва "Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасини тузиш тўғрисида"ги [3, 18-19] Фармонлари натижасида Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган ижодий уюшмалар, жамиятлар, уларнинг бўлимлари ва корхоналари ҳам партия тасарруфидан чиқарилди. 1992 йил 3 сентябрда "Давлат "маҳаллий саноат" корпорациясини ташкил қилиш тўғрисида"ги [2, 78-79] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Республика халқ бадиий хунармандчилиги саноат-савдо бирлашмасига қарашли корхоналар ва ташкилотлар Давлат "маҳаллий саноат" корпорацияси таркибига кирувчи Республика халқ бадиий хунармандчилиги саноат-савдо концернига айлантирилди. Республика маҳаллий саноатни бошқаришни ташкил қилишни янада такомиллаштириш, тармоқда бозор муносабатларини кенг жорий этишда, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиришда, истеъмол

моллари, халқ бадий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришда уларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш муҳим бўлиб қолди. Шу мақсадда маҳаллий хом ашёдан ҳар томонлама фойдаланиш ва аҳолининг иш билан таъминланишини жорий этиш мақсад қилиб қўйилди [4, 222].

1995 йил 24-25 октябрь кунлари Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ ustalари билан ҳунармандлари иштирок этган биринчи Республика ярмаркасининг ўтказилиши [5] муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ярмарка хорижий мамлакатларнинг сайёҳларида катта қизиқиш уйғотди ва ҳунармандлар фаолиятига эътиборнинг ошишига туртки бўлди.

Ҳунармандчилик - меҳнат маҳсули ёки хизмат турларини кичик ҳажмда ёки алоҳида буюртмалар, қўл меҳнати ҳамда ўз билим, кўникма ва маҳоратидан ижодий фойдаланган ҳолда, ҳунарманд-устанинг шахсан иштироки ва хусусий воситалари асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорликдир. Бундай таъриф ҳунармандчилик соҳасига нисбатан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ этиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, ҳунармандни маълум бир маҳсулот ва буюртмани, одатда, қўл меҳнатида, шахсий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик тадбиркорлар вакили деб аташ мумкин.

Ўзбекистонда ҳунармандчилик соҳаси бой анъаналарга эга бўлиб, асосан, уй саноати кўринишида ривожланиб келган. Унинг катта ҳудуд бўйлаб ривожланиши нотекис кечган, бироқ кўпгина шаҳарларда жуда яхши ривожланган.

Халқ ҳунармандчилигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида республикада бир қатор жамғармалар ва уюшмалар ташкил этилди. Бугунги кунда мамлакатда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати изчил олиб борилмоқда [4, 222] ва бу борада унинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ҳунармандчиликни ривожлантиришда вилоятлардаги асосий ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам ҳисобга олинди.

Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий ҳунармандчилик ривожига Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг моҳияти каттадир. Республикада миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга доир кўргазмалар, кўрик-танловлар, симпозиумлар, халқаро илмий-амалий анжуманлар ҳам ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад ҳунарманд усталар билан назариётчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, анъаналарни сақлаб қолиш ва ҳунармандларни моддий, маънавий рағбатлантириш, шунингдек, ўзаро тажриба алмашишни ҳам ўз ичига олади. Масалан, 1996 йилдан бери “Ташаббус” кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. 1996-2008 йиллар мобайнида 12 нафар ҳунарманд “Энг яхши ҳунарманд” номинацияси ғолиби бўлди. Ўзбекистон Бадий Академияси ташаббуси билан Тошкентда 2001-2002 йилларда халқаро заргарлик кўргазмалари ҳам ўтказилди.

1997 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигининг келгусидаги ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида”ги [4,10] фармонида кўра, уй шароитида юксак савиядаги бадий ҳунармандчилик буюмлар ишлаб чиқараётган халқ усталарига жойлардаги ҳокимликларнинг амалий ёрдами муҳим бўлди. Ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш мақсадида улар беш йилгача даромад солиғидан озод қилинди, Республикадан четга чиқадиган халқ ҳунармандчилик буюмлари учун бож олиш ҳам бекор қилинди. Ушбу қарор ҳунармандчилик соҳаси тараққиётини яна бир қарра юқори поғонага кўтарди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси халқ ustalари, ҳунармандлари, мусаввирлари “Ҳунарманд” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартда “Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [6, 21-22] 1741-сонли фармонида асосан ташкил топди ва барча ҳунармандлар ушбу фармонга асосан қатъий белгиланган солиқ ва божхона тўловларидан озод этилдилар.

Ҳунарманд уюшмаси аъзоларининг сафи ҳам кенгайиб уларнинг сони ортиб бормоқда. 1997 йилда уларнинг сони 700 нафар бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 21 188 нафарни ташкил этиб, Республикада 13 та ҳудудий бошқарма, бўлимлар сони 158 тага етди [7].

2008 йилда “Хунарманд” уюшмаси “Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар Миллий Ассоциацияси”га ва 2009 йилда эса Жаҳон “Хунармандлар” уюшмасига ҳам аъзо бўлди [7].

Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси ва “ISHONCH” Банклараро суғурта компанияси билан 2012 йил 15 майда тузилган № 12-04/10117-сонли шартномага асосан уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда 1400 нафар уюшма аъзолари суғурта қилинди [7].

Самарқанд, Жиззах, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида “Хунармандлар марказлари” ишга туширилди, тарихий обидалар қайта таъмирланиб, хунармандларга фойдаланиш учун топширилди, хунармандларга уюшма саъй-ҳаракати билан ҳокимликлар қарори билан ерлар ҳам ажратилди [8]. Шаҳар ва туманларда бозорлар ишга туширилиб, хунармандлар учун махсус расталар ва дўконлар қуриб берилиши хунармандларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишга имконият бўлди.

Бугунги кунда уюшма аъзолари 25 йўналиш бўйича фаолият кўрсатиб, 1000 дан ортиқ турдаги хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар [9]. 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга кўра, кичик ва ўрта корхоналар, одатда, хом ашё ва материаллардан дастлабки қайта ишлаш, кичик ҳажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиладиган бутловчи маҳсулотлар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар, халқ хунармандчилиги ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида барпо этилиши назарда тутилган.

Республикада хунармандчиликнинг ривожланиши, хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг санъат асари даражасига кўтарилиши, миллий хунармандчиликни дунё таниётганлиги Ўзбекистон ҳукуматининг хунармандчиликка бўлган эътибори ва ғамхўрлигидандир.

Таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг [5] қабул қилиниши тадбиркорлар, шу жумладан, уста-хунармандларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилинишига қаратилган.

Хунармандларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яна Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 августдаги 351-сонли қарори билан хунармандларга пенсия дафтарчалари очиш, қариганда тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи кафолатланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги “Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сонли қарорининг қабул қилиниши хунармандларга ва уларнинг оила аъзоларига хунармандчилик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар берди. Ушбу қарорга асосан уюшма ва унинг ҳудудий бошқарма ҳамда бўлимлари томонидан 728 та касаначилик ишчи ўринлари яратилди.

2011 йил 25 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисида”ги Низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги 152-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан 24 йўналишдаги хунармандчилик маҳсулотлари экспертиза йиғимидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги 327-сонли “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига асосан “Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилиндилар ва 25 турдаги бундай буюмлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди”.

ВМнинг 2012 йил 28 ноябрдаги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда “Хунарманд” бўлимлари ва уларнинг марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун давлат мулки бўлган бино-иншоотларни уларга фойдаланишга топширилиши жойлардаги “Хунарманд” бўлимлари учун катта кўмак бўлди. 2006 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида барпо этилган маданият ва санъат кўرғазмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди [10, 87-88]. Бундай кўрғазмалар биносининг қуриб ишга туширилиши ўзбек маданияти ва санъатининг ноёб дурдонаси ҳисобланмиш анъанавий хунармандчилик соҳаларини кенг

жамоатчиликка тарғиб этиш, уни авайлаб-асраш, замон билан уйғун ҳолда бой тарихий меросни дунёга кўз-кўз қилишдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон хунармандлари халқаро фестиваллар ва кўргазмаларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, “Усто” бирлашмаси кўмаги билан мисгар хунармандлар 1994 йил Малайзияда, 1997 йил Покистонда ҳамда Европанинг кўплаб кўргазмаларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар [5].

1995 йилда Тошкентда ЮНЕСКОнинг лойиҳаси асосида ташкил этилган халқ хунармандлари ярмаркаси ва 2000 йил Ганновер шаҳрида Бутунжаҳон кўргазмалари миллий хунармандчилигининг халқаро миқёсда танилишига ҳам муҳим аҳамият касб этди [4, 81].

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, “Шарқ аёли”, “Тадбиркор аёл” каби турли нодавлат, ноижорат ташкилотлари томонидан миллий хунармандчиликнинг ривожланиши учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон хотин-қизлари хунармандчилигининг зардўзлик, каштачилик, гиламдўзлик ва бошқа тармоқларида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Унутилиб бораётган хунармандчилик анъаналарини қайта тиклашда “Кантерпат консорциум” ташкилотининг “Хунармандларга ёрдам” лойиҳаси асосида Бухоро “Зебинисо” марказининг каштадўзлари Ҳиндистонда ижодий сафарда бўлиб қайтдилар [4, 86]. Миллий хунармандчилик соҳасида тадбиркор ва ишбилармон аёллар Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида кўпчиликти ташкил этадилар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида хунармандчилик академиясини ташкил этиш тақлифлари ўртага ташланди. Унда хунармандлар тайёрлашни ўқув юртлари дастурига киритиш, миллий хунармандчилик соҳаларини ўргатиш бўйича дарсликлар, методик қўлланмалар яратиш масалалари академиянинг ваколати сифатида таъкидланган эди [11].

Республика тараққиёти ва иқтисодиётининг ривожланишида хунар таълимининг аҳамияти катта. Шу билан бирга, хунар таълими хунармандчилигининг ривожланаётган тармоқларини малакали ёш кадрлар билан таъминлашда муҳим масала ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хунар таълими ислоҳ қилиниб, 1995-1996 йилларда 140 та касб-хунар ва 18 та миллий хунармандчилик коллежлари ташкил этилди. Шунингдек, миллий халқ хунармандчилигининг унутилиб кетишидан сақлаш ва ривожлантириш мақсадида мамлакатда 12 та билим юрти миллий хунармандчилик коллежларига айлантирилди. Ҳозирги вақтда 320 дан ортиқ касб бўйича таълим берилмоқда. Унга кўра бу касб-хунар коллежларида 76 та йўналиш ва 140 та ихтисослик бўйича мутахассисликлар тайёрланиши белгилаб қўйилди. Касб-хунар коллежларида ўқитиш учун энг кўп талаб этиладиган ихтисосликларга тикувчи, гиламдўз, зардўзлик, миллий кийимлар тикувчиси, ўймакорлик иши, ёғочга ишлов бериш, ошпаз, қандолатчи, сартарош, компьютерда ишлаш оладиган ҳисобчи киради [12, 6-7].

Уюшма ва касб-хунар коллежлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, ҳозирги кунда республика бўйича 532 нафар коллеж битирувчилари имтиёзли тарзда уюшма аъзолигига қабул қилиндилар [9]. Қолаверса, миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва касб-хунар таълимида хунармандчилик соҳаларини ўргатишнинг давлат дастурини ишлаб чиқиш, малакали хунармандлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва анъанавий устоз-шогирд муносабатларини қайта тиклаш масаласи тобора зарур аҳамият касб этмоқда.

2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида 5043 та ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиб, уларнинг 4814 таси ёки 95,5 фоизи кичик бизнес субъектларига мансубдир. Йирик асосий саноат корхоналари 164 та бўлиб, шаҳарда ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 67,3 фоизи айнан ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келади [13, 333]. Мустақиллик йилларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми мунтазам ўсиб борди. Айниқса, XXI аср бошларига келиб саноатда ўсиш суръатлари юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда хунармандчилик соҳаларининг ривожланиши учун керакли асос ҳамда амалий йўл-йўриқлар шакллантирилмоқда. Қолаверса, халқ хунармандчилигининг ўзига хос белги ва жиҳатлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: -хунармандчилик бозорини табиий ресурслар, меҳнат ва капитал бозорларини тўлдирувчи ишлаб чиқарувчи омил сифатида шакллантириш ҳамда ривожлантириш хунармандчилик ресурсларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг реал ресурсларига айлантиради,

аҳолининг ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда хизматларига бўлган эҳтиёжлари қондирилади;

- оммавий ишлаб чиқариш тизимида ҳунармандчилик инфратузилмасининг роли ортиб боради;

- ҳунармандчилик субъектлари мамлакат, ҳудуд ва халқларнинг иқтисодий интеграция жараёнларида тенгма-тенг иштирок этади;

- ҳунармандчилик ишлаб чиқариш имкониятларини халқаро миқий ҳамда маҳаллий кўламда кенгайтириш ҳисобига таълим, маданий ривожланиш даражаси ва ўз навбатида, малака, маҳорат ҳамда ижодий салоҳият ҳам оширилади.

Бозор шароитида ҳунармандчилик ўзининг тўла оқлаб келаётган Германия, Франция, Туркия, Ҳиндистон сингари давлатлар тажрибаси вақт ўтган сайин ҳунармандчилик соҳаси жамият ижтимоий-иқтисодий тузилмаси ҳамда мамлакатимизда мустақкам ўрин эгаллай олиши тўғрисида ҳулоса чиқариш имконини беради.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигида ҳунармандчилик корхоналари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар бўлмаса-да, ҳунармандлар кундалик ҳаётда безаклар ва ёдгорликлар сифатида қўлланилувчи кенг турдаги хўжалик истеъмоли маҳсулотлари ҳамда буюмларини ишлаб чиқармоқдалар.

Бинобарин, аънанавий ҳунармандчиликни тиклаш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, аввало, ҳунармандлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳунармандчиликнинг ўз-ўзини ташкил этишига кўмаклашишга қаратилиши лозим.

Жанубий вилоятлар шаҳарларида саноат корхоналари сонининг йилдан-йилга ошириши, аҳоли яшаши учун яратилган шароитлар, шаҳарлар инфратузилмаларидаги ютуқ ва камчиликлар, демографик муаммолар, аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш йўлидаги ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Сурхондарёдаги шаҳарларда ҳам саноат ишлаб чиқаришини тубдан ислоҳ қилиш натижасида катта ижобий натижаларга эришилди. Воҳада саноат маҳсулотлари мустабид тузум шароитида сустривожланиб, улар, асосан, маҳсулотга биринчи қайта ишлов беришга мослашган эди. Истиқболнинг дастлабки йилларидан бошлаб саноатдаги қолоқликни бартараф этиш масаласида жиддий ишлар амалга оширилди. Саноат комплексларини қайта таъмирлаш, янги замон талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод-фабрикалар қуриш долзарб масалага айланди. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг интенсив ривожланиши пахтани қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Қолаверса, мазкур соҳани модернизация қилиш жараёни шунини кўрсатадики, ҳозирги пайтда пахта толасини ишлаб чиқариш қувватидан 51%, ип ишлаб чиқаришдан 71%, газламадан 65%, трикотаждан 62%, трикотаж маҳсулотларидан 50%, тикув маҳсулотларидан 52% фойдаланилмоқда [13].

Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик соҳасининг муҳим жиҳатларидан бири унинг хом ашё базасига эгаллигидир. Тўқимачилик маҳсулотлари Халқаро федерацияси мутахассисларининг фикрича, чет эл бозорларига кенг йўл очиш, юксак сифат даражасига етишиш учун бу борада ягона марказ ташкил этиш, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришга тизимли ёндашув, экспорт қилинаётган маҳсулот сифатида нисбатан назоратни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хусусан, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш борасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мамлакат миқёсида алоҳида кластерга ажратиш, ҳамдўстлик доирасида ҳудудий ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида ўзаро манфаатли кооперациянинг муайян имкониятларидан фойдаланиш керак. Тўқимачилик соҳасидаги кластер тушунчаси якуний маҳсулот ишлаб чиқариш учун инфратузилма яратишни англатади, бу механизм хом-ашёни етиштириш, теришдан тортиб маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқишгача бўлган иш жараёнини ўз ичига олади.

Республикада миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга доир кўргазмалар, кўрик-танловлар, симпозиумлар, халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларни ўтказишдан мақсад ҳунарманд, усталар билан назариётчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, аънаналарни сақлаб қолиш ва уларни янада рағбатлантириш, шунингдек, ўзаро тажриба алмашиш ва бошқа масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Ҳар йили уюшма аъзолари иштирокида “Мустақил юрт ҳунармандлари”, “Ўзбекистон халқ амалий санъати-дунё нигоҳида”, “Мустақиллик нафасидан камол топган ҳунармандлар”, “Навқирон Ўзбекистон”, “Қайта тикланган ҳунар”, “Ташаббус”, “Ипак ва зирворлар”, “Дўппи

тиқдим ипаклари тиллодан”, “Қўли гулдир ўзбек аёлин”, “Хунарим-гавҳарим”, “Қўғирчоғим-овунчоғим” анъанавий қўғирчоқбозлик санъати байрами, “Наврўз”, “Мустақиллик” байрамлари муносабати билан ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар, турли кўргазмалар, кўриктанловлар, фестиваллар ўтказилади.

Хунаремандлар қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотлар нафақат ички бозорларда, балки чет давлатларда ҳам ўз харидорларини топиб машҳур бўлмоқда. Америка, Франция, Япония, Малайзия, Хитой, Россия, Туркменистон, Озарбайжон, Алжир каби давлатларда ўтказилган хунаремандчилик маҳсулотлари кўргазмаларида уюшма аъзолари иштирок этиб келмоқдалар. Бу каби кўргазмаларнинг диққатга сазовор томони шундаки, ўзбекистонлик хунаремандлар хориждаги хунаремандлар билан ўзаро тажриба алмашиш, улар орқали миллий хунаремандчилик маҳсулотларини чет элларга экспорт қилиш ва бунинг баробарида республика иқтисодиётига хорижий валюта кириб келишига эришилмоқда.

Миллий хунаремандчиликни янада ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларга касб-хунарем ўргатиш анъаналарини давом эттириш мақсадида уюшма, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан ҳар йили 600 дан зиёд “Уста-шогирд” мактаблари ташкил этилиб, 3000 дан ортиқ шогирдларга хунарем сирлари ўргатилмоқда [9]. 2011-2013 йилларда Республикада “Уста-шогирд” мактаблари тўғрисидаги маълумотлар куйидаги жадвалда умумлаштирилган [9].

| 2011 йил       |                | 2012 йил       |                | 2013 йил       |                |
|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
| Мактаблар сони | Шогирдлар сони | Мактаблар сони | Шогирдлар сони | Мактаблар сони | Шогирдлар сони |
| 520            | 2600           | 601            | 3005           | 716            | 3580           |

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда республикада миллий хунаремандчиликни ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу боис ҳам анъанавий хунаремандчилик ривожланишини янги босқичларга кўтариш мақсадида дастлаб хунареманд усталар фаолиятига эътибор қаратилди. Мамлакатда олиб борилаётган хунаремандчиликка оид давлат сиёсати ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ички имкониятларни ишга солиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маданий меросни тиклаш, умуман, ички ва халқаро миқёсдаги алоқалар фаолиятида Ўзбекистон ўз мавқеини мустаҳкамлади. Таъкидлаш жоизки, чуқур тарихий илдизга эга бўлган миллий хунаремандчилик совет даврида ҳам унутилмади.

Совет ҳокимиятининг сўнгги йилларидаги “Қайта қуриш” даврида миллий хунаремандчиликка бироз бўлса-да эътибор берилди. Бироқ, саноатлашган хунаремандчилик корхоналари инқирозга учради. Шунингдек, санъат ўқув юртлари миллий хунаремандчилик йўналишлари келажакда мавҳум бўлиб қолди. Яқка тартибда ишлайдиган устахоналар, дўконларда миллий хунаремандчилик билан шуғулланишга рухсат берилмади. Умуман олганда, миллий хунаремандчиликнинг бошқа соҳаларда бўлганидек мустақил ривожланишига йўл қўйилмади. Мустақиллик туфайли эса миллий хунаремандчиликни кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳуқуқий асослар яратилди. Давлат томонидан миллий хунаремандчиликни қайта тиклаш ва ривожлантириш учун ташкилотлар, уюшмалар, жамғармалар ташкил этилди, кўргазмалар, фестиваллар ўтказиш ва унда иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратилди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қолаверса, хунаремандчиликдаги анъанавий ва ноанъанавий ўзгаришларнинг бориши, ундаги муаммоларда ечимларнинг кузатилиши, халқ амалий санъатининг юксалиши ривожланиш йўлини белгилайди. Шунингдек, мустақиллик йилларида хунаремандчилик ўзига хос ривожланиш йўлидан олдинлаб борар экан, унда локал хусусиятга эга бўлган трансформацион жараёнларни кузатиш қийин кечмайди.

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 6 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Т., 1991. - 30 октябр. - №10.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Т., 1991. - 30 октябр. - №12. – Б. 18-19.
4. Ўзбекистон санъати. – Т.: Шарқ, 2001.
5. Халқ сўзи. – 1995. - 29 ноябр.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 1997. - №3.

7. “Хунарманд” уюшмаси йиллик ҳисоботидан. - 2013.
8. Дала ёзувлари. Респодент “Хунарманд” уюшмаси раиси ўринбосари Мирзаева Лутфиядан олинган маълумотлар. - 2013.
9. Хунарманд уюшмаси жорий архиви. 7-йиғма жилд. 4-чорак ҳисоботлари. - 2013.
10. Олий мажлис палаталарининг ахборотномаси. - 2006.
11. Ўзбекистон овози. – 1992. - 15 январ.
12. Касб-хунар таълими. – 2005. - №6.
13. **Раҳматуллаев Ш.М.** Тошкент – йирик саноат маркази //Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2009.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ҲАЖ ЗИЁРАТИ: РАСМИЙ ҚОИДАЛАР ВА ЙЎЛ ТАРМОҚЛАРИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ)

**Айматова Зарнигор Ғуломовна**

*БухДУ магистратура талабаси*

**Ҳайитов Шодмон Аҳмадович**

*БухДУ Тарих кафедраси профессори, тарих фанлари доктори*

**Таянч сўзлар:** мустамлака, ярим мустамлака, мусулмон аҳоли, ҳаж зиёрати, зиёратчи, сув йўллари, темир йўл, тиббий назорат, флот, савдогар, йўл тармоқлари, қоидалар.

**Ключевые слова:** колония, полуклония, мусульманское население, паломничество, паломник, водные пути, железная дорога, медицинский контроль, флот, торговец, дорожные сети, правила.

**Key words:** colony, semi-colony, muslim population, pilgrimage, pilgrim, waterways, railway, medical check-up, fleet, merchandiser, road networks, rules.

*Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Марказий Осиё халқларининг муқаддас шаҳарлар бўлмиш Макка ва Мадинага ҳаж зиёрати учун тегишли расмий қоидалар ва йўл тармоқлари илмий аспектда таҳлил қилинган.*

*В статье в научном аспекте проанализированы официальные правила и дорожные маршруты, связанные с паломничеством населения Центральной Азии в священные города Мекку и Медину в конце XIX–го - начала XX вв.*

*Official rules and routes that refer to the Central Asian people’s pilgrimage to Mecca and Medina at the end of the XIXth and the beginning of the XXth centuries are analyzed from a scientific aspect in the article.*

Марказий Осиёда VIII асрдан бошлаб ислом динининг қарор топиши туфайли бу минтақада истикомат қилиб келаётган мусулмон аҳолининг муқаддас шаҳарлар ҳисобланган Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварага ҳаж зиёрати билан боғлиқ фарзни адо қилиши одат тусига кирганди. Ҳаж зиёрати-маданиятлараро, динлараро коммуникациялараро муносабатларда муҳим ўрин эгаллаганлиги исбот талаб қилмайди. Бу мавзу Ўрта Осиё, Россия, Араб мамлакатлари ва бутун Шарқ халқлари тарихшунослигида ҳамон тўлиқ ва атрофлича ўрганилмаган тадқиқот соҳаси бўлиб қелмоқда.

Айниқса, XIX асрнинг 2-ярмида Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг босиб олиниши ва минтақада мустамлака, ярим мустамлака тартиб-қоидаларининг ўрнатилиши билан мусулмон аҳоли яшайдиган шарт-шароитлар ҳам ўзгарди. Қўқон хонлиги империя таркибига киритиб юборилди, шунингдек, Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари ички масалаларда мустақил бўлса-да, ташқи алоқаларда Россия империяси ҳукуматининг назорат органлари таъсирида эди. Бу хонликларнинг ташқи сиёсати Россия давлати измида бўлиб, улар мустақил йўл тута олмасдилар. Қолаверса, XIX асрнинг охирида мусулмон аҳоли Россия империясида яшовчи бутун аҳолининг 15 фоизини ташкил этарди, ёхуд мусулмон аҳолининг умумий сони тахминан 19 миллион киши атрофида эди [3, 46]. Ўрта Осиёда 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати бўйича ҳисобга олинган салкам 10 миллион сонли аҳолининг 95 фоизи маҳаллий мусулмон аҳоли, 5 фоизи европалик аҳоли эди. Қрим ярим ороли, Шимолий Кавказ, Кавказорти, Волгабўйи (бошқирд ва татарлар), Сибирь, Урал бўйи халқлари олдинроқ Россия империяси таркибига киритилган бўлиб, бу минтақалардаги мусулмон аҳоли ҳаж

зиёратини – муслмончиликнинг беш фарзидан бири сифатида империя қонунларига бўйсунган ҳолда бажариб келаётган эди. Империя ҳукуматининг ҳаж зиёрати ва муслмон зиёратчиларга жиддий эътибор қаратганлигини, бу ташқи сиёсатда муҳим йўналиш сифатида қаралганлигини ҳужжатлар тасдиқлайди. XIX–XX асрлар чегарасида зиёратчи муслмонлар сони Ўрта Осиё аҳолиси орасида кескин ўсиб бораётган эди. Империя маъмурияти зиёратчилар устидан назорат ўрнатиш учун махсус идораларни ишга солди. Бу борада Империя Давлат Кенгаши, Ички Ишлар Вазирлиги, Молия вазирлиги каби ҳукуматлар ўзларининг дастур ва лойиҳаларини император Николай II га тавсия этдилар. 1903 йилда Николай II муслмонларнинг ҳаж зиёрати ҳақида махсус бир буйруқ чиқариб, ушбу буйруқда Туркистон генерал – губернаторлиги ҳудудида яшовчи муслмон зиёратчиларга тааллуқли анчагина бандлар бор эди.

Император буйруғида муслмон зиёратчиларга нисбатан ҳукуматнинг сиёсати белгиланиб, дастлаб, ҳаж фарзини бажариш учун кескин қаршилик йўли тутилмади. Муслмон зиёратчилар ўзларининг моддий аҳволларидан келиб чиқиб, турли-туман транспорт воситалари билан ҳаж зиёратини адо этиб, яна ортларига қайтишлари мумкин эди. Умуман, бу борада юритилган сиёсат зиддиятли характерга эга бўлиб, Россия империясида мазлум халқлар устидан юритилаётган стратегик сиёсатга дахл етказмаслиги кўзланганди.

XIX асрнинг охириги чорагида Туркистон минтақасида халқ озодлик ҳаракатлари кучайиб, империяга душманлик кайфияти ошгани сари, муслмон аҳоли, айниқса, халқ орасида сезиларли таъсирчан кучга эга бўлган руҳоний ва уламолар устидан назорат кучайтирилди. Кейинги босқичларда зиёратчиларга нисбатан очикдан-очик қарши сиёсат юритилди, айрим ҳолларда маълум бир муддат ҳаж зиёратини адо этиш, зиёратга бориш тақиқлаб қўйилган даврлар ҳам бўлди. Жумладан, 1898 йилда Мадали Эшон (Дукчи Эшон 1846-1898 йй.) кўзғолонидан сўнг 1900 йилгача зиёратчилар икки йил давомида муқаддас шаҳарларга йўлга чиқиша олмагандилар [3, 67].

Иккинчи томондан, Россия империяси ҳукумати зиёратчиларни ўз назоратида тутиш учун уларга қулайликлар яратиб бериш чораларини кўришга ҳам мажбур бўлди. Аввало, транспорт муаммоларини ҳал этиш, Россия – Жидда – Бомбей (Мумбай) йўналишида кема қатновини йўлга қўйиш, ҳожилар сонини кўпайтириш, давлат ташкилотлари, хусусий компаниялар, муслмон жамиятлари орқали ҳожиларни моддий таъминлаш, йўл харажатларини енгиллатиш чоралари ҳам кўрилди. Жиддадаги Россия ваколатхонасига зиёратчиларга шарт-шароитлар яратиб бериш, Маккага уларнинг соғ-омон етиб бориб, сўнгра ортга қайтишини таъминлаш билан боғлиқ амалий кўрсатмалар берилган. Европа ва маҳаллий тилларда чоп этилган матбуот органларидан: “Туркестанский голос” (Андижон), “Закаспийское обозрение” (Ашхобод); “Кавказ и Средняя Азия” (Боку); “Окраина” (Самарқанд); “Среднеазиатский вестник” (Тошкент); “Средняя Азия” (Тошкент); “Хуршид”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” газеталари ва “Ойна” (Самарқанд) журналларида ҳаж зиёрати, зиёратчилар ва уларнинг хотиралари кенг миқёсда босила бошланди. Масалан, 1890-1898 йилларда Самарқанд шаҳрида чоп этиб турилган “Окраина” газетасида туркистонлик муслмон зиёратчиларнинг босиб ўтган йўллари ҳақида муқаддас ҳаж сафари билан боғлиқ маълумотлар эълон қилинди [4, 1-2].

XIX аср охири XX аср бошларида муслмон зиёратчиларнинг ихтиёрий йўлга чиқишлари тақиқланиб, уларга зиёрат учун йўлга чиқиш мустамлака маъмуриятининг назоратида, қатъий жадвал асосида ва рухсат билан амалга ошиши тўла расмийлаштирилди. Шунга қарамай, Туркистон муслмонлари орасида ҳаж зиёратига бориш истагини билдирувчилар сони камаймади. Ҳаж зиёратига боришни истовчилар ҳукуматга тўхтовсиз аризалари билан мурожаат қилардилар. Ҳаж зиёрати сув йўллари ва темир йўл транспорти воситалари орқали амалга оширилди. Россия империяси учун бу мақсадда учта йўл маршрути (йўналишлари) бор эди: Шимолий, Транскавказ ва Жанубий каби йўл йўналишлари мавжудлиги адабиётларда қайд этилади. XX аср бошларида Каспийорти темир йўлининг қурилиши билан Каспий денгизи қирғоқларидаги шаҳарларни Тошкент шаҳри билан боғлаш имконияти туғилди. Бу эса Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларидан зиёратчилар сони ошишига сабаб бўлди [7, 19-22].

Шимолий йўналиш: Ўрта Осиё – Кавказ - Красноводск - Бокуни бирлаштириш орқали Қора денгиздан Батуми ва Поти портлари орқали боғланарди.

Жанубий маршрут: Самарқанд шаҳридан бошланиб, Афғонистон шаҳарларидан Мозори Шариф - Кобул – Ҳайбар ўтиш жойи – Пешовар – Бомбей (Мумбай) – Жидда ва Ҳижоз орқали ўтарди. Бу қуруқлик йўли хавфли эди. Йўлдаги ҳар бир постда зиёратчилар бож тўлар, улар йўлни, асосан, туя ва отларда босиб ўтарди, айрим жойлардан пиёда босиб ўтишарди.

Жиддадаги рус консулининг афғон мусулмон зиёратчилардан кўп миқдорда бож олишганлиги, айрим ҳолларда, улар мол-мулкларини мусодара қилганликлари, асирга олиш, ҳатто, кўп зиёратчилар асирликда пул ва мулкларидан ажралиб бевақт ўлиб кетиши билан боғлиқ каби маълумотлар сақланган. Айрим маълумотларга кўра, 1896 йилда Макка ва Мадина ҳажига Афғонистон ва Британия Ҳиндистони орқали борганлар сони 1370 нафарни ташкил этган.

Зиёратчилар учун деярли тиббий хизмат йўлга қўйилмаганлиги туфайли улар орасида терлама, шамоллаш, вабо, куйдирги каби кассалликлар кенг тарқалган. Айрим ҳолларда зиёратчиларнинг 20 фоизидан 50 фоизи ҳаж арконларини адо этолмай, ёхуд ватанларига қайтиб келишда турли касалликлардан вафот этишган. 1896-1897 йилларда империянинг Жанубий вилоятларида юқумли касалликларнинг кенг тарқалганлиги учун зиёратчилар сони кескин камайган. Россиянинг Батуми, Феодосия, Боку, Красноводск каби портларида зиёратчилар учун тиббий назорат пунктлари ташкил этилганди, бироқ бу тиббий кўриқдан ўтказиш пунктлари замонавий тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга эмасди. Зиёратчилар пароходларга ўтиришларидан олдин шаҳар врачлари кўриқдан ўтиши керак эди. Пароходда ҳам ҳожиларга тиббий хизмат кўрсатилган. Тиббий назоратдан ўтишдан бўйин товлаганлар хибсга олинар, ёхуд 3000 рубль миқдорда жаримага тортилган. Қандай тўсиқлар қўйилмасин, ҳожилар сони йилдан-йилга кўпайиб борган. 1886 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларидан жами 274 киши ҳаж зиёратига борган бўлса, 10 йил ўтиб (1896 йил) улар сони 2 баробар кўпайган. Кўрсатилган йилларда Бухоро амирлигидан 235 нафар мусулмон зиёратчи, Хива хонлигидан 17 нафар мусулмон зиёратчи Макка ва Мадинада бўлишган. XIX аср охиридан бошлаб ҳаж зиёратига бориш расмий рухсат билан амалга оширилар, йўлга чиққан ҳар бир зиёратчи чет эл паспортини олиши керак эди. Чет эл паспортини олиш учун бўлажак ҳожилар полиция участкасига ҳужжатларини тавсия этиши, уларга йўлда ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслигини тасдиқловчи васиқа олишлари керак эди. Тасодифан чет эл паспортисиз йўлга чиққан зиёратчилар Одесса ва Севастополь портларида тўхтаб, ўзларига телеграмма орқали йўлларида давом этишларига рухсат берилишини кутишлари шарт эди. Жанубий маршрут бўйича йўлга чиққанлар учун бу ҳолат деярли қийинчилик туғдирмасди. Шунинг учун ўз ихтиёрича йўлга чиққан зиёратчилар, асосан, ушбу йўналиш орқали сафарга чиқардилар. Туркистон генерал-губернаторининг 1901 йил 23 январдаги буйруғи билан чет эл паспортини оладиган зиёратчилар ҳаж сафари йўлида Феодосия ва Батуми портлари орқали ўтиб қайтишларига ваъда беришни кафолатлайдиган тушунтириш хати ёзиб берардилар. Улар сафари Ҳижоз орқали ўтиши керак эди [1, 53].

Ўша давр даврий матбуот материаллари маълумоти бўйича йўлга чиққан кўп сонли зиёратчилар Бухоро ва Фарғонадан бўлиб, 1913 йилда Маккага бориш учун улар 42.000.000 рубль миқдорда империя хазинасига пул тўлаганлар. Россиялик мусулмон зиёратчиларнинг ҳар биридан 300 рубль (450 АҚШ долларидан ортиқроқ) миқдордаги маблағ Саудия Арабистони хазинасига тушган. Россия империясида пулнинг қадри баланд бўлиб, Шарқ мамлакатларида рус рубли 1910-1913 йилларида валюта ўрнида юрган. Шундай далилни Дукчи Эшон ҳам ўзининг тергов материалларида тасдиқлайди [6, 45].

Зиёратчилар орасида хотин-қизлар оз сонли бўлса-да бор эди. 1897 йилда Бухоро амирлигидан ҳаж зиёратига борганларнинг умумий сони 175 кишини ташкил этган бўлса, улардан 10 нафари аёллар эди. 1903 йилда Красноводскдан қайтган зиёратчиларнинг 15 нафари аёллар бўлган [1, 55].

Хуллас, Россия империяси ҳукумати мусулмон зиёратчилар масаласига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган ва зиёрат йўллари ҳамда тармоқларини ўз назоратида ушлаган. Зиёратчилар ҳаж зиёрати арконларини бажариб юртларига қайтиши ҳам қатъий назорат остига олинганди.

Туркистон минтақасида истиқомат қилувчи мусулмон аҳоли вакиллари ислом динининг беҳ фарзидан бири ҳисобланган ҳаж зиёратини илк ўрта асрлардан буён адо этиб келганликлари юқорида таъкидланди. Хонликлар ҳукмронлиги даврида Макка ва Мадина ҳаж сафарига

моддий аҳволи яхши бўлган, йўл харажатларини кўтара оладиган, соғлом шахслар хоҳлаган йўл орқали жўнаб кетар эдилар. Тахтдан ағдарилган ёки ҳукмдорлик рутбасини ворисига топширган шоҳ, хон ва амирлар ҳам кўп ҳолларда ҳаж сафарига чиқишган. Бу ўринда Муҳаммад Тарағай-Улуғбек (1394; 1409-1449 йй), Қўқон хони Худоёрхон (1851-1882 йй) кабиларнинг ҳаёт йўли ёрқин мисол бўлади.

Туркистонликларнинг Макка ва Мадинага ҳаж сафари Россия императорлиги Осиё департаменти махфий маслаҳатчиси директори Стрелюхов маълумотича, Ўрта Осиёдан келиб чиққан шахслар Константинополь (Истанбул) ва Форс (Эрон)га ўз ишлари ҳамда ҳаж зиёратига жўнаб кетиш учун кўплаб келадилар. 1869 йилда, айниқса, Бухоро ва Қўқондан келганлар Туркия ва Эронда кўпчиликни ташкил қилиб, бу маълумотларни Истанбулдаги рус элчиси ва Техрондаги рус ваколатхонаси ҳам тасдиқлайди. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, туркистонликлар ҳаж зиёратига асосан Туркия ва Эрон давлатлари орқали жўнаб кетишган.

Константинополь (Истанбул)га етиб келган зиёратчилар Кичик Осиё оролининг гаванлари орқали Мисрнинг Сувайиш каналидан ўтиб, Александрия шаҳрига етиб боришган. У ердан Жидда ёки Ҳижоз орқали Макка ва Мадинага йўл олишарди. Зиёратчиларнинг Истанбул орқали кўп сонли бўлиб, ўтиб қайтиши омилларига: турк султонининг ҳожиларга раҳномолик кўрсатиши, турк шаҳарларида ўзбек (бухоролик)лар теккелари (такя-мусофирхона) мавжудлиги, хонликлар ва Усманийлар салтанати ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Архив ҳужжатларининг маълумотича, Қўқон хонлигидан Истанбулга 18 марта элчилик юборилган бўлиб, шундан 12 таси махсус дипломатик миссия билан, қолганлари эса ҳаж зиёратига Истанбул орқали боришлари билан дипломатик характерга эга вазифаларни бажаришган. Барча элчиларнинг шахслари аниқ бўлиб, уларнинг 13 таси диний уламолар ва сўфийлик тариқати лидерларидан иборат бўлган. Ўзаро дипломатик алоқалар тизимида ҳажга Туркия орқали боришликни ривожлантириш мақсади ҳам кўзланган. Истанбул орқали ҳаж зиёратига борадиганларга улар эҳтиёжлари учун Усмонли давлат хазинасидан маблағлар ҳам ажратилган.

Бухоро амирлигининг Қушбегиси ва Бухородаги рус сиёсий агентига 1907 йил 17 мартда йўлланган маълумотномада: “Бухоро фуқароси Хўжа Абдураҳим Орифбоев Макка ҳажидан қайта туриб касалланиб қолган. Қрим – Кама (Феодосия)да даволанган. Орифбоев соғайганидан сўнг, ўз ўртоқлари билан Севастополга қараб йўлга чиққан, улар ушбу шаҳардан Ростов шаҳрига етиб келишган. Ростовда йўқолиб қолган Орифбоевни излаган дўстларидан бири Туркия фуқароси Аҳмад Афанди Ҳожи Ҳасанов рус жандармларидан битта зиёратчи поезд остида қолиб, оёғидан ажралганлиги, унинг ташқи белгилари баланд бўйли, қора соқолли, оқ саллали, сарт (ўзбек) эканлиги ҳақида маълумотнома олган. Орифбоевнинг қариндошларига ушбу маълумотномани кўрсатиш ва Жиддадаги рус ваколатхонасида 400 сўм миқдорда маблағи сақланаётганлигини хабар бериш сўралди. Чор Россияси ҳукумати 1903 йилда “Мусулмон зиёратчилар учун қоидалар” номли ҳужжатни ишлаб чиқади. Ушбу ҳужжатга кўра, ҳаж зиёратини ихтиёр қилганлар ҳукумат идоралари назоратидан ўтар, йўл чипталари ва ҳужжатларини махсус агентлик томонидан расмийлаштирар ҳамда аниқ белгиланган маршрут орқали ҳаж зиёратига бориши керак эди. 1906 йилнинг ноябрь – декабридан “Рус кемачилиги ва савдо жамияти” бошқармаси ҳаж зиёрати учун Одесса, Севастополь, Батуми портлари орқали арзон ва қулай йўлга чиққанларни Ҳижозга етказиш чораларини кўрди. Зиёратчиларга йўл чипталари Москва, Нижний-Новгород, Пенза, Самара, Оренбург, Уфа, Челябинск, Тюмень, Кавказорти темир йўл станцияларида арзон нархларда сотиладиган бўлди. Мақсад: мусулмон зиёратчиларни Россия савдо вазирлиги орқали рус кемачилиги жамиятига қайтариш эди. “1907 йил 11 октябрда вабо касали билан кураш чора-тадбирларини кўриш” баҳонасида зиёратчилар бундан кейин фақат Қора денгиз портлари бўйлаб 1907, 1908, 1909 йилларда Ҳижозга боришлари кўрсатилган. 1909 йилда Ҳижозга жойлашиш учун Одесса, Феодосия, Севастополь, Батуми портлари зиёратчиларга хизмат қилиши қайд қилинади”. Ҳижозда зиёратчиларнинг мол-мулкни қароқчи ва талончи йўлтўсарлардан асраш учун пул ва буюмларни қўриқлаш пункти ташкил қилинди. Ҳижоздаги рус ваколотхонаси вакилининг маълумотича, Жиддада бундай пункт 1891 йилдаёқ ташкил этилган эди. Ҳижозда очилган рус ваколатхонаси қошидаги пул ва буюмларни асраш бўлими 100 сўм пулни сақлаш учун 5 тийин,

100 сўм баҳоланадиган буюмни сақлаш учун эса 14 тийин ушлаб қоларди. Юқорида номлари кўрсатилган портлардан Ҳижозга жўнаб кетадиган ва ушбу шаҳардан қайтиб келадиган ҳар бир кема 20 тадан ортиқ мусулмон зиёратчиларни юкламаслик, улар соғлиғини назорат қилиб туриш учун тиббиёт ходимларини жалб қилиш чоралари кўрган. 1906 йилдан бошлаб Тошкент – Оренбург поёзи зиёратчиларни Қора денгиз портларига олиб борадиган станцияларга мунтазам етказиб турди [8, 110].

1907 йилда Россия империясидан Маккага ҳаж қилишни ташкил қилувчи ва манзилга етказувчи “Кўнгилли флот айғоқчилиги (“Агент добровольного флота”) номли уюшма тузилди. Мазкур уюшманинг идоралари Батуми, Феодосия, Одесса, Севастополь шаҳарларида очилиб, марказий идораси Одесса портида бўлган. Тошкентлик бой савдогар, бир неча бор Россия империяси орден ва нишонлари билан мукофотланган Саидазимбой 1907 йилда Кўнгилли флот бош айғоқчиси (махсус айғоқчи) қилиб тайинланади. Кўнгилли флотнинг таянч нуқталаридан бири 1909 йилда Қошғарда (Хитой) ҳам очилиб, бу шаҳардаги рус ваколотхонаси орқали зиёратчиларга йўл чиптаси сотиладиган махсус касса ташкил қилинди.

Сиртдан қараганда Макка ва Мадина ҳажини ихтиёр қилган туркистонлик зиёратчиларга чор Россияси ҳукуматининг “махсус портлар очиш”, “махсус кемалар кўйиш”, ҳожиларни “йўлтўсар ва қароқчилардан ҳимоя қилиш”, “пули, буюмлари ва мол-мулки, жонини асраш” каби ҳаракатлари бизга ҳукумат ғамхўрлигидек бўлиб кўринади. Бироқ, масалага чуқур мушоҳада билан фикр юритиб ёндашсак, Россия империяси ва мустамлакачилар маъмуриятининг бу соҳадаги фаолияти ҳам мазлум халқларни асоратда сақлашга қаратилганлигига гувоҳ бўламиз. Аввало, туркий халқлар билан узоқ асрлардан буён иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлган Туркия ва Эрон орқали ҳаж зиёратига ўтиб қайтишнинг олдини олиш орқали Россия империяси хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда мустамлакаларда озодлик ва мустақиллик учун кураш ғояларининг тарқалишига йўл қўймаслик мақсади кўзланган эди. Қолаверса, Россия ўзи билан дўстона муносабатларда бўлмаган бу икки давлатни Ўрта Осиё халқлари озодлик учун кураш майдонига кирган пайтда уларга молиявий, ҳарбий ёрдам беради, деб ҳисобларди. Туркия ва Эрон ҳудудлари орқали ўтиб, ҳаж зиёратига бориб келишга уринган айрим шахсларнинг расмий ҳужжатларидан мумкин қадар камчиликлар қидириш, уларга жарима солиш каби чоралар кўрилган. 1905 йилда Бухоро фуқароларидан 11 киши Боғдод – Карбало – Форс қўлтиғи – Боку – Красноводск йўналиши бўйлаб, ҳаж зиёратидан қайтиб келганлар. Улар вабо касалининг кенг тарқалганини била туриб, ҳаж зиёратидан қайтишда Феодосия портидаги карантин бўлимига кирмаганликлари ва ўзбошимчалик қилганликлари учун ҳар бири 5 сўмдан, жами: 11 киши 55 сўм жарима тўлашга мажбур қилинди [8,133]. XX асрнинг бошларида Россия – Англия муносабатларидаги зиддиятнинг бош тугуни ҳамон Ўрта Осиё масаласи бўлиб келаётган эди. 1907 йилнинг августида Россия Англия ва Францияни бирлаштирган Антанта ҳарбий иттифоқига аъзо бўлиб кирган бўлса-да, ушбу мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар тўла бартараф этилмаган эди. Ўрта Осиёлик зиёратчиларнинг 1910 йилларда ҳаж зиёратидан Жидда – Бомбей (Ҳиндистон) йўли билан ўз юртларига қайтиш ҳаракатида бўлганликлари ҳам Россия ҳукумати ташвишга солган. Жиддадаги Россия бош элчиси “Константинополь ва Феодосияга йўл олган рус кемаларининг чипта нархи 5 ва 8 лира, турк кемалариники эса 2,5 ва 6 лира, Бомбей Жиддадан 10 кунлик йўл бўлишига қарамай бор-йўғи чипта нархи 2 рупия. Баъзи бир моддий жиҳатдан қийналган зиёратчилар Бомбейга текин ҳам етиб борадилар. Уларга инглиз кемаларида етарли шарт-шароитлар яратилган. Инглизлар яқинда (1905 йил) ҳар бир зиёратчидан Бомбейгача бор-йўғи 2 рупия оладиган етти-саккизтагача кемалар қатновини йўлга қўйдилар. Зиёратчилар кутиб турмасдан тезда йўлга чиқадилар. Жиддада инглизларнинг таъсири кучли... Рус кемалари қатновини тезлаштириб, йўл чипталари нархини 100 рублдан 70 рублга тушириш керак” деган таклифини билдиради. Ҳиндистон ўша пайтда Англия қўл остида мустамлака бўлганлиги, бу мамлакат орқали Ўрта Осиёлик зиёратчиларнинг ўтиб-қайтиши ҳам Чор Россияси ҳукумати ташвишга солган. Ўз сиёсий мақсадлари ва империя манфаатларини ўйлаган Россия мустамлака бошқарувининг мусулмон зиёратчиларга кўрсатган “ғамхўрлиги” мажбурийлик ҳамда заруратдан келиб чиққан сохтакорликдан иборат сиёсат эди. Хуллас, Россия империяси мустамлакаси даврида Марказий Осиё мусулмонларининг ҳаж зиёрати асосан учта йўл йўналишлари орқали амалга оширилган. Империя ҳукуматининг мусулмон зиёратчиларга муносабати гоҳ юмшаб, гоҳ

кескин тус олган. Чор Россияси мусулмончилик, маҳаллий аҳоли урф-одатлари билан ҳисоблашишга мажбур бўлган. Зиёратчиларнинг Россия ҳукуматида душманлик кайфиятида бўлган мамлакатлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун империя маъмурлари уларга шарт-шароитлар яратиб беришга мажбур бўлганлиги ҳам кузатилади. Шунингдек, мустамлакачилар мусулмон зиёратчиларни назоратда ушлаш, уларнинг белгиланган манзилга етиб боришлари ва ортга қайтишларини ташкил қилишда маҳаллий миллат вакилларида фойдаланганликларини ҳам тарихий далиллар тасдиқлайди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. **Алимова Д., Шадманова С.** Из истории паломничества мусульман Центральной Азии в Мекку (конец XIX-начало XXI вв) // O'zbekiston tarixi. – 2011. – №1. – С. 49-61.
  2. **Брауэр Даниэл.** Маккага йўл // Турон (илмий оммабоп тўплам) 1993. – Б. 29-31.
  3. **Grigoriev E.** Russian Muslim Pilgrimage to Makkay in the Early Twentieth Century // Riyadh. - 2008. – P. 46-73.
  4. Возвращение паломников // Украина. - 1897. – №21. – С. 1- 4.
  5. **Маҳмудов Ш.** Қўқон хонлигининг дипломатик алоқаларига доир архив ҳужжатлари (Усмонли архиви фондидаги ҳужжатлар таснифи) // Турон тарихи. - 2012. – №2-3. –Б. 38-41.
  6. **Сайфиддин Жалил.** Бухорийлар қиссаси. – Т.:Тошкент Ислам Университети, 2006. – 279 б.
  7. **Тогаева А.З.** Железная дорога Ташкент – Оренбург и её место в социально-экономической жизни Туркестана: Автореф. дисс ....канд. ист .наук. – Т., 2010. – 29 с.
  8. УзРМДА,И-3-фонд,1-рўйхат 215-иш.
  9. **Ҳайитов Ш., Орзиев М.** Россия империяси ҳукуматининг мусулмон зиёратчиларга муносабати// БухДУ Илмий Ахбороти. 2012. – №3. – Б. 35-39.
-

## INSON HAYOTIDA O'ZINI ANGLASHNING MOHIYATI

**Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich**

*BuxDU Falsafa kafedrası o'qıtuvchısı*

**Tayanch so'zlar:** inson, hayot, tasodif, anomaliya, inson ma'naviyati, insonning ko'p o'lchovliligi, ekzistensializm, insonning bioijtimoiy mohiyati, insonning mohiyati, hayotning mazmuni, hayotni tark etish, insonning vazifasi.

**Ключевые слова:** человек, жизнь, случайность, аномалия, человеческая духовность, человеческая многорасчётность, экзистенциализм, биогуманитарная сущность человека, человеческая сущность, смысл жизни, уход из жизни, задача личности.

**Key words:** human being, life, coincidence, anomaly, spirituality, multidimensionality of a person, existentialism, biosocial essence of a human, the essence of a person, the meaning of life, death, the task of a human.

*Maqolada bugungi jadal rivojlanib borayotgan ijtimoiy munosabatlar jarayonida inson umrining mohiyati masalasiga o'tmish va bugungi qarashlar tahlil etilgan.*

*В данной статье проанализированы взгляды ученых на прошлую и настоящую жизнь человека на фоне быстрого развития социальных отношений.*

*The article deals with old and contemporary views on the essence of human life in the process of rapidly changing social relations.*

Inson hayotning tezoqarligini yodda tutishi, uning shomini kuzatishi, odamzot hayotining bebaholigi haqida o'ylashi, o'lim haq ekanligini unutmasligi lozimligi haqidagi fikrlarga biz hayotimizning har lahzasida, tarixiy davrning ilk bosqichida, turli xil davrlarda G'arb falsafiy an'anasida ham, Sharq falsafasida ham duch kelishimiz mumkin. Shundan beri o'tgan ikki yarim ming yildan ko'proq vaqt mobaynida bu borada deyarli hech qanday o'zgarish yuz bergani yo'q, zero, avvalgidek, odamzotning hayot yo'li tug'ilish va o'lish sanalari bilan chegaralanadi. Shuningdek, birinchi sana doim muayyan, aniq bo'lsa, ikkinchi sana inson umrining oxirgi soniyalarigacha mavhum bo'lib qoladi.

Ayni shu sababli hayotning mazmuni muammosi har bir inson qarshisida ertami-kechmi ko'ndalang bo'ladi va u o'ziga aniq va uzil-kesil javob topish mumkin bo'lmagan savollarni beradi. Inson o'zidan "Bu dunyoda nima uchun yashayapman?", deb so'raydi va agar bu savolga o'zi javob bermasa, o'z hayotiga muayyan mazmun baxsh etmasa, bu ishni uning o'rniga hech kim va hech qachon bajarmasligini vaqt o'tishi bilan anglay boshlaydi. Abadiyat qarshisida, o'lim qarshisida har kim oxir-oqibatda o'zi bilan o'zi tanho qoladi.

Albatta, jamiyatda inson o'zini bu darajada yolg'iz his etmaydi, biroq ekzistensialistlar fikriga ko'ra, bu hol toki inson boshqalarning ham o'z hayoti borligi va ular ham o'z hayotining mazmuni va o'zining vazifasi haqidagi o'ta shaxsiy muammolarni mustaqil yechish zaruriyati qarshisida turganini anglab yetgunga qadar davom etadi.

Donishmandlar inson sirining tagiga yetish borliq jumbog'ining tagiga yetish bilan barobar ekanligini qayta-qayta anglab yetganlar. Zero Forobiy aytganidek, "Odamlar o'zlarining xos xususiyatlariga va tabiiy ehtiyojlariga ko'ra jamiyat tuzadilar. Ularning harakat va fe'llarini dastavval bora-bora odatlarga aylanadigan tabiiy qobiliyatlar belgilaydi" [1, 528]. O'z-o'zingni angla va shu orqali dunyoni anglaysan. Dunyoni insonning teran qatlamlariga kirmasdan sirtidan bilishga bo'lgan barcha urinishlar narsalar haqida faqat yuzaki tasavvur hosil qilish imkonini beradi. Insondan sirtga qarab harakat qiladigan bo'lsak, narsalar mohiyatini hech anglay olmaymiz, zero bu mohiyat insonning o'zida mujassamlashgan.

Bu fikr qadimgi mutafakkirlarga yaxshi ma'lum bo'lgan. Unga turli ko'rinishlarda Sharqda ham, yunon-rim falsafiy an'anasida ham duch kelish mumkin. Xususan, antik davrda Delfidagi Apollon ibodatxonasiga kiraverishda ustunga o'yib yozilgan, rivoyatlarga qaraganda Suqrot takrorlashni yaxshi ko'rgan "O'z-o'zingni angla", degan ibora ayniqsa mashhur bo'lgan. Ajablanarlisi shundaki, oradan ikki yarim ming yil vaqt o'tgach, hozir ham bu fikr o'z ahamiyatini yo'qotgani yo'q. U nafaqat narsalar dunyosini, balki inson borlig'ining mohiyatini, inson va ijtimoiy munosabatlarning asl tabiatini tushunishga harakat qilayotgan har bir odam uchun o'z-o'zini anglashga chorlovchi fikr bo'lib qolmoqda.

Insonni tushunishga doir turli davrda bir-biridan farq qiluvchi konsepsiyalarga duch kelishimiz mumkin. Bu o'z navbatida insonning ko'p o'lchovli ekanligiga isbot bo'la oladi. Yuqoridagi so'zimizning isboti sifatida quyidagi konsepsiyalarni misol sifatida keltirish mumkin.

Kosmotsentrizm, teotsentrizm, sotsiosentrizm va antropotsentrizm, ayniqsa, keng tarqalgan bo'lib, turli davrlarda ularning har biri har xil ko'rinishda namoyon bo'lgan, lekin inson muammolarini o'rganuvchi falsafiy konsepsiyalarda doim u yoki bu tarzda mavjud bo'lgan.

Qadimgi Sharq, xususan, Xitoy falsafiy tizimlari, asosan, sotsiosentrik konsepsiyalardan iborat bo'lib, ularda inson, odatda, jamiyat – sotsium bilan uzviy bog'liq, deb qaraladi. Shu ma'noda mashhur qadimgi xitoy faylasufi Konfutsiy (mil. av. 551-479-yillar)ning fikrlari diqqatga sazovor. U shunday deb saboq beradi: *Qilmishlarning asoslari va tamoyillarini o'rgansang, yaxshilik va yomonlik haqidagi fikrlaring (axloqiy bilimlar) barkamollikning eng so'nggi darajasiga yetadi. Niyatlar sof va xolis bo'lsa, qalb rostgo'y va samimiy bo'ladi. Qalb rostgo'y va samimiy bo'lsa, inson to'g'ri yo'lga kiradi, kamol topadi. Inson to'g'ri yo'lga kirsa va kamol topsa, oilada tartib o'rnatiladi. Oilada tartib hukm sursa, xalqlarni boshqarish osonlashadi. Xalqlarni boshqarish osonlashsa, butun dunyo tinch-totuv yashaydi.*

Qadimgi hind falsafasiga insonning ichki dunyosini birinchi o'ringa qo'yish, ya'ni antropotsentrizm xosdir. Masalan, buddizmda Nirvanaga erishish inson barcha niyatlarining pirovard maqsadi deb e'lon qilinadi. Nirvana jonning shunday bir holatiki, bunda har qanday mayllar yo'qoladi va ichki uyg'unlik yuzaga keladi, mutlaqo erkinlik va tashqi dunyoga qaram emaslik tuyg'usi paydo bo'ladi. Qadimgi hindlarning boshqa bir diniy-falsafiy ta'limoti – jaynizm nuqtayi nazaridan inson o'zining ma'naviy mohiyati bilan moddiy mohiyatini nazorat qilish va boshqarishga erishish uchun uzoq va og'ir yo'l – jonning erkinlashuvi yo'lini bosib o'tishi lozim.

Markaziy Osiyo mutafakkirlari qarashlarida insonni nazariy aql boshqaradi. Jumladan, al-Forobiy fikricha, "Inson shaxsini shakllantiradigan, uni boshqa maxluqotlardan ajratib turadigan va unda insoniy xislatlarni rivojlantiradigan narsa uning faol aqlidir. Bu kuch avval boshda faqat qobiliyatdir, bu quvvat o'ylash, mulohaza yuritishga qobil, ammo hayotga tadbiiq etish, ya'ni joriy qilishga qobil emas" [2, 69]. Aqlni hayotga tadbiiq etish uchun, unga tashqi kuch ta'sir etishi kerak, bu esa faol aqlidir. Faol aql - mustaqil quvvat bo'lib, o'z mohiyati, birinchi va ikkinchi va boshqa sabablar mohiyati haqida fikrlay oladi. Aynan shu faol aql odam imkoniyatlarining tashqi voqealarga ta'sir etishi va uni rivojlantirishga turtki beradi. Forobiy ta'biri bilan "moddiy aqldan amaliy aqlning yuqoriroq pillapoyasiga ko'tariladi va uning faol aqlga munosabati quyosh bilan ko'zni solishtirgandek bo'ladi" [2, 73]. Agar quyosh bo'lmasa, inson narsalarni ko'ra olmaydi. Faol aql quyoshi inson ruhida paydo bo'lganidan keyin, aqliy quvvat faol aqlga qaraydi. Shuning natijasida inson tabiat gultoji, ya'ni aqli mavjudodga aylanadi.

Ibn Xaldun fikricha, inson tabiatida ezgulik va yovuzlik mavjud. Agar odamlar o'z holiga qo'yilsa va insoniylik ruhida tarbiyalanmasa, unda Xudo ne'matini qo'lga kiritish kamdan-kam kishiga muyassar bo'ladi. Xayr va sharr oralig'ida qolib, har ikkisidan birini tanlash lozim bo'lganida, usharrni tanlaydi, zero inson tabiatida sharrga moyillik ko'proq. Adolatsizlik va boshqalarga hujum qilish insonlarga xos xislat. Shuning uchun jamiyatda kishilarning bir-birlariga jabr qilmasliklari uchun ma'rifatga erishmoq zarur.

Sharq tafakkurida insonga nisbatan yuqorida qayd etilgan yondashuvlar bilan bir qatorda tabiat, kosmos muammolari ham qadimdan muayyan o'rin egallab keladi. Bunda insonga ulkan dunyodagi bir zarra sifatida qaraladi. Ammo dunyoga nisbatan kosmotsentrik yondashuv antik falsafa rivojlanishining ilk bosqichlariga ko'proq xosdir. Kosmotsentrizm nuqtayi nazaridan inson avvalo kosmosning bir qismi sifatida, "kichkina dunyo" sifatida (Demokrit), ba'zan jonli organizm sifatida tasavvur qilinadigan makrokosm bilan uzviy bog'liq bo'lgan mikrokosm sifatida idrok etiladi. Antik faylasuflar Koinotni va unda mavjud tartibni tushunish orqali insonning o'zini ham anglab yetish mumkin, deb hisoblaganlar (Platon, Aristotel). Bunda tafakkur, bilim, aql-zakovat va donishmandlik muhim rol o'ynagani bois, ular doim kosmotsentrislar tomonidan yuksak baholangan, inson va uning qobiliyatlariga baho berishda birinchi o'ringa qo'yilgan.

Bunday qarashlar Yevropa falsafiy an'anasida V asrgacha, ularning o'rnini teotsentrizm konsepsiyasi egallagunga qadar kuzatiladi. Bu konsepsiyaga muvofiq hamma narsani Xudo belgilaydi. Xristianlikning mohiyatini aks ettiruvchi turli kreasionistik nazariyalarga ko'ra butun dunyo, shu jumladan jonli dunyo (o'simliklar, hayvonlar, inson) darhol va o'zining mukammal ko'rinishida yaratilgan. Injilning dunyo olti kunda yaratilgani haqidagi rivoyatiga asoslangan bu nuqtayi nazar

yevropaliklar tafakkurida Darvinning evolyutsion nazariyasi paydo bo'lgunicha, ya'ni XIX asrning o'rtalariga qadar hukm surdi. Xristianlar dunyosida dindor odamlar orasida u bugungi kunda ham amal qilmoqda.

Teotsentrizm nuqtayi nazaridan insonning mohiyatini anglab yetish, masalan, qadimgi yunon faylasuflari yoki keyingi materialistik falsafiy konsepsiyalardagi kabi oqilona fikrlash yo'li bilan emas, balki muqaddaskitobda ta'riflangan vahiyilar yordamida amalga oshiriladi.

Teotsentrizm falsafasini boshqa falsafiy nuqtayi nazarlar – antropotsentrizm va kosmotsentrizm siqib chiqara boshlagan Uyg'onish davrida insonga doir qarashlarda jiddiy o'zgarishlar yuz berdi. O'rta asrlarda inson u yoki bu korporatsiya vakili sifatida amal qilgan bo'lsa, Uyg'onish davrida u o'zikni anglash tuyg'usi va ijtimoiy nuqtayi nazari o'sishi natijasida o'z manfaatlarini ifoda eta boshladi. Inson shaxs sifatida kamol topdi. U o'zini o'z shaxsiy hayoti va taqdirining bunyodkori sifatida tobora kuchliroq anglay boshladi. Inson mustaqillikka va tabiatni o'ziga bo'sundirishga harakat qildi, o'z ijodiy imkoniyatlari cheksiz ekanligiga ishona boshladi. Mazkur qarashlar italyan faylasufi Piko della Mirandolaning "Inson qadr-qimmatiga haqida so'z" deb nomlangan mashhur asarida o'z aksini topdi. Tasviriy san'at, me'morchilik, axloq, estetika, adabiyot va pedagogikani yaxshi tushunadigan har tomonlama komil inson o'sha davrning idealiga aylandi. Uyg'onish davri bu idealga to'la mos keladigan Leonardo da Vinchi, Alberti Bottichelli, Rafael kabi atoqli shaxslarni dunyoga keltirdi.

Bunda kosmos umumiyroq va kengroq tushuncha – «tabiat» bilan tenglashtiriladi. Shundan beri u turli falsafiy tizimlarda faol o'rganiladi. Xususan, Ma'rifat davri falsafasida fundamental tushunchaga aylanadi, Shelling ijodida markaziy o'rin egallaydi, shuningdek, ekologiyaga qarab mo'ljal oluvchi ayrim hozirgi falsafiy konsepsiyalarda dunyo va insonni tushunishda tayanch nuqtasi hisoblanadi. Mazkur yondashuvga ko'ra, inson tabiatning ajralmas qismi sifatida qaraladi. Bunday qarashlarning izchil tarafdorlari, masalan, XX asrning ikkinchi yarmida rivojlangan ijtimoiy ekologiya namoyandalari e'tiborni haddan tashqari keng qaratadigan tabiatdan uning muayyan qismiga – inson o'z hayot faoliyatini amalga oshiradigan biosferaga qaratish lozimligini qayd etadilar va bunda antropotsentristik qarashlardan voz kechib, ularni biosferotsentrizm bilan almashtirishni talab qiladilar. Biosferotsentrizm falsafiy tadqiqotlar markaziga inson o'rniga tabiatni qo'yish taklif qilinadi va shu tariqa tabiat inson ehtiyojlari nuqtayi nazaridan qaralmaydi, inson mohiyati va uning ehtiyojlari esa tabiiy qonunlarni va biosferaning tadrijiy rivojlanish tendensiyalarini bilish nuqtayi nazaridan tadqiq etiladi.

Tarixda boshqa ko'p sonli iboralar ham ma'lum bo'lib, ular vaqt, madaniyat va diniy e'tiqoddan qat'iy nazar, inson barcha zamonlarda butun dunyo mutafakkirlarining diqqat markazida bo'lgani va hozir ham shunday ekanligi, tayanch nuqtasi va hatto bilish mezonini bo'lib xizmat qilishidan dalolat beradi. Xususan, qadimgi xitoy faylasufi Lao Sizi fikriga ko'ra, "boshqalarni biluvchi – oqil, o'zini biluvchi – donishmanddir". Protagorning: "Inson barcha narsalar mezonidir", degan fikri ham juda mashhur. "Tangri saltanati bizning ichimizdadir", deb o'rgatgan Iso Masih. Buddaviylarning: "O'zligingga nazar tashla, sen Buddasan", degan chorlovi ham yuqoridagi fikr bilan hamohangdir. Islomda "Kimki o'zini bilsa, u Allohni ham bilgaydir", deyiladi.

Demak, inson o'zini dunyodan oldinroq va ko'proq biladi, ayni shu sababli u dunyoni o'zidan keyin va o'zi orqali anglab yetadi. Sharq mutafakkiri Beruniy jahon fanida birinchi marta inson va tabiat, odam va olam o'rtasidagi munosabatlarni dunyoviy fan nuqtayi nazaridan o'rganadi. U "odamlar tuzilishining rang, surat, tabiat va axloqda turlicha bo'lishi faqatgina nasablarining turlichaligidan emas, balki tuproq, suv, havo va yerning, odam yashaydigan joylarning turlichaligi hamdir. Tillarning turlicha bo'lishiga sabab odamlarning guruhlariga ajralib ketishi, bir-biridan uzoq turishi, ularning har birida turli xohishlarni ifodalash uchun zarur bo'lgan so'zlarga ehtiyoj tug'ilishidir. Uzoq zamonlar o'tishi bilan bu iboralar ko'payib, yodda saqlangan va takrorlanish natijasida tarkib topib, tartibga tushgan" [6, 16;17], deb hisoblaydi. Demak, Beruniy fikricha, insonning fe'l-atvori va ma'naviy qarashlari, surati va siyrati bevosita tabiiy muhit ta'sirida shakllanadi. Zero, aynan shu tabiiy muhit, geografik sharoit xalqlar, millatlar shakllanishining muhim asosi bo'la oladi. "Inson o'z tabiatiga ko'ra murakkab tanaga egadir. Insonning tanasi bir-biriga qarama-qarshi qismlardan iborat bo'lib, bu qismlar tobeklik kuchi asosida birlashgan" [6, 40-43]. Beruniy fikricha, hamma odamlarda o'zaro bir-biriga o'xshash va ayni paytda farq qilib turadigan jihatlar mavjud. Ibn Sino "Inson boshqa barcha hayvonot olamidani so'zi, tili va aqli, tafakkur qilishi bilan farq qiladi. Inson aqli turli fanlarni o'rganish yordamida boyiydi" [7, 59], deb hisoblaydi. Forobiy fikricha, inson o'z tabiatiga ko'ra hayotini tartibga

keltirish, mustahkamlash va takomillashtirish uchun boshqa insonlarga muhtoj bo'ladi. Yakka holda hech kim buning uddasidan chiqa olmaydi. "Inson shunday maxluqotki, u faqat jamiyatda o'z ehtiyojlarini qondirishi va oliy ma'naviy darajaga ko'tarilishi mumkin" [8, 69]. Inson o'z hayotining me'mori, ijodkori bo'lmog'i, o'zida fozila xislatlar, iste'dodlarni tarbiyalashi lozim. Bunga esa u jamiyatda yashab faoliyat ko'rsatgandagina erishadi. Inson ijtimoiy mavjudot. Yolg'izlik, uzlat uni qashshoqlashtiradi, insoniy qiyofasini va baxtga olib boradigan iste'dodini yo'qotadi. Ibn Xaldun insonga ijtimoiy voqelik sifatida qaraydi. Undan ijtimoiy mohiyat izlaydi. Inson jonzot sifatida ezgulik va yovuzlik olamidir. Shunga ko'ra, u umrining har daqiqasida yovuzlikdan ko'ra ezgulikka, yomonlikdan ko'ra yaxshilikka, nafratdan ko'ra muhabbatga intilib yashashga mahkum etilgan aql sohibi, bebaho ne'matdir.

Inson barcha ijtimoiy munosabatlar majmuidir, degan fikr insonga mexanistik nuqtayi nazardan yondashgan Ma'rifat davri mutafakkirlari, xususan, "Inson-mashina" deb nomlangan asar muallifi, fransuz faylasufi J.Lametri (1709-1751) ilgari surgan g'oyalar bilan to'qnashadi.

Boshqa bir mashhur fransuz faylasufi – R.Dekart (1596-1650) asarlarida inson mohiyati masalasiga nisbatan butunlay o'zgacha yondashuvga duch kelamiz. U «Inson fikrlovchi narsadir», deb hisoblaydi.

"Inson, u uzoq vaqt o'ylaganidek, dunyoning statik markazi emas, balki evolyutsiyaning o'zi va cho'qqisi bo'lib, bu ancha go'zalroqdir" [9, 40], deb qayd etadi atoqli fransuz faylasufi va teologi P.T. de Sharden (1881-1955). Unga zid o'laroq, A.Shopengauer (1788-1860) inson nuqsonli mavjudot ekanligini ta'kidlaydi, uni "tabiat xalturasi" deb ataydi. Fransuz yozuvchisi va faylasufi J.P.Sartr (1905-1980) bu fikrni butunlay rad etadi. Uning fikricha, inson kelajakka qarab intiladi va shu tariqa o'zini o'zi yaratadi. U "Inson – odamzot kelajagidir", deb ta'kidlaydi.

Biologik mavjudot sifatida har bir inson o'limga mahkumdur. Buni qadimgi mutafakkirlar ham yaxshi tushungan. Xususan, o'z muxoliflaridan birining: "O'ttiz tiran seni o'limga hukm etdi", degan gapiga Suqrot: "Ularni esa o'limga tabiat hukm etgan", deb javob bergan. Ammo odamzot ijtimoiy mavjudot sifatida ham o'limga mahkumdur.

Hozirgi zamon fanida o'lish jarayonining to'rt bosqichi farqlanadi. Bu bosqichlarga organizmda yuz beradigan va uning qarishini tavsiflaydigan, orqaga qaytarib bo'lmaydigan biologik o'zgarishlar sabab bo'ladi. Xususan, 25 yoshdan boshlab va ayniqsa 45 yoshdan keyin insonda har kuni u tug'ilgan paytga qadar jamlangan va boshqa hech qachon yangilanmaydigan o'n minglab nerv hujayralari (neyronlar) halok bo'ladi. Ammo bosh miya qobig'ida bunday hujayralar soni 40 milliardga yetadi va shu sababli "qariyotgan normal miya uchun bu jiddiy oqibatlariga sabab bo'lmaydi, chunki unda yana o'n milliardlab neyronlar normal faoliyat ko'rsatishda davom etadi".

Amalda insonning hayotni tark etishi u odamlardan o'zini olib qochib, jamiyatdan uzoqlashishi bilan tavsiflanadigan ijtimoiy o'lim yuz berganida boshlanadi. Surunkali giyohvand moddalarni iste'mol qilish, kashandalik, ichkilikbozlik, o'z hayotidan doimiy norozilik ijtimoiy o'limni bildiradi. So'ngra ruhiy o'lim yuz beradi, bunda inson hayot tugagani va o'limning muqarrar ekanligini va o'z hayoti davomida hech narsaga erisha olmaganini anglaydi. Miya o'lishi bilan bosh miya faoliyati butunlay to'xtaydi, organizmning turli funksiyalarini boshqarish barham topadi. Bu jarayon fiziologik o'lim bilan yakunlanadi. Bunda insonning uni tirik organizm sifatida tavsiflovchi barcha funksiyalari uzil-kesil to'xtaydi.

Muayyan inson o'z hayoti so'nishining yuqorida sanab o'tilgan bosqichlarini anglamasligi ham mumkin (aksariyat hollarda shunday bo'ladi), ammo u o'z hayot yo'lidan ilgarilar ekan, bu du nyoda nima uchun yashayapman, degan savolga o'z harakatlari, qilmishlari bilan javob beradi. Agar inson ularni hali to'la anglab yetmagan bo'lsa, mazkur vazifani yechish o'z hayot yo'lini endigina tanlayotgan odam uchun ham, umrining shomida ortga nazar tashlab, o'z hayotini sarhisob qilayotgan odam uchun ham teng darajada mushkul ish bo'lib qoladi.

Inson o'z tabiatiga ko'ra o'limga mahkum, ammo buni tushungan holda, u o'zi bilan bog'liq hamma narsa o'zining tug'ilish va o'lish sanalari bilan chegaralangan qisqa vaqt oralig'ida jamlanganini tan olishni istamaydi. U o'z taqdirini ijtimoiy muhim maqsadlar, ma'naviy uyg'onish bilan bog'lashga harakat qilishi ayni shu hol bilan izohlanadi.

Diniy qarashlarda-u dunyo chin dunyo ekanligi, bu dunyoda bajarilgan ishlarga haqiqiy baho u dunyoda berilishi va shu kabilar to'g'risida so'z yuritiladi. Adib Yusuf Xos Xojib "Inson dunyoda abadiy emas, bu dunyoga kelgan har qanday odam vaqti yetgach ketadi. Inson umrining qimmatini necha yil yashagani bilan emas, qanday ezgu ishlarni amalga oshirganligi, hayotda qoldirgan izi

bilan belgilanadi. U olamdan o'tgandan so'ng, bu dunyoda undan ikki xil, biri yomon, ikkinchisi yaxshi degan nom qoladi. Inson iloji boricha o'zidan yaxshi nom qoldirishi, yaxshi olqish olishi lozim" deb ta'kidlagan [5, 576]. Xulosa qilib aytganda, kishi umrini keksayganda emas, har kun, har lahzada sarhisob qilib bormog'i lozim. Bu unga ertangi kunga ishonch, buyuk maqsadlarga qanot bag'ishlab, insonni mangulikka muhrlaydi.

**ADABIYOTLAR**

1. **Ал-Фараби.** Философия политики. – М.: Просвещение, 1989. – С. 529.
  2. **Ал-Форобий.** Фозил шаҳар аҳолиси. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 69.
  3. **Беруний Абу Райҳон.** Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: Фан, 1968. – Б. 16-17.
  4. **Годфруа Ж.** Что такое психология. – Т. 2. – М., 1996. – С. 10.
  5. **Шермухамедова Н.** Фалсафа /ўқув услубий мажмуа. – Т.: Ношир, 2012. – Б. 576.
  6. **Ирисов А.** Абу Райҳон Беруний ҳикматлари. – Т.: Ёш гвардия, 1973. – Б. 40-43.
  7. **Ибн Сино.** Дониш-наме. – Д.: Душанбе, 1957. – С. 59.
  8. **Форобий.** Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий, 1993. – Б. 69.
  9. **Тейяр де Шарден.** Феномен человека. – М.: Радуга, 1987. – С. 40.
-

**AKADEMIK LITSEY HAMDA KASB-HUNAR  
KOLLEJLARIDA HOZIRGI O'ZBEK ADABIY TILI TA'LIMI VA UNING MAQSADI**

**Yo'ldosheva Dilorom Ne'matovna**

*BuxDU O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi*

**Tayanch so'zlar:** ta'lim, ta'lim mazmuni, bilim, tafakkur, nutq, hayotiy zarurat.

**Ключевые слова:** образование, содержание образования, знание, мышление, речь, жизненная необходимость.

**Key words:** education, content of education, knowledge, reflection, speech, vital need.

*Maqolada o'рта maxsus ta'limda hozirgi o'zbek adabiy tilining o'qitilishi va uning maqsadi masalalari tahlil qilinadi.*

*В данной статье представлен анализ целей изучения узбекского литературного языка в настоящее время в среднеспециальных заведениях на современном этапе.*

*The article analyzes the aims and problems of teaching modern Uzbek literary language in secondary specialized education.*

O'quvchilarning bilish faoliyati dinamik tarzda rivojlanishini bilamiz. Buni hisobga olgan holda belgilangan ta'limning umumiy va muayyan o'quv predmetlariga xos xususiy maqsadlari o'zaro mushtaraklikda ta'lim mazmunida namoyon bo'lishi zarur. Ta'lim mazmunining ta'lim maqsadiga muvofiq bo'lishini ta'minlovchi muhim shartlaridan biri shundaki, ta'lim jarayonida o'quvchilarni mustaqil faoliyat ko'rsatishga, erkin fikrlashga undovchi o'quv mashg'ulotlari tizimi, ta'lim jarayonidagi har bir predmet, har bir turdagi faoliyat, har bir dars va muayyan darsda o'quvchi bajarishi uchun mo'ljallangan o'quv topshiriqlari jamlanmasi - barcha-barchasi, ya'ni butun ta'lim tizimi bosh maqsadni amalga oshirishga, aqliy, mantiqiy faoliyatga kirishish vazifasini qo'yishga, amalga oshirishga xizmat qilmog'i kerak. O'quvchi kelajakda munosib o'rin egallashga intilayotgan jamiyatning siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy, madaniy, ma'rifiy hayoti, xalq turmush tarzi, ruhiyatini ham ta'lim mazmuni o'zida aks ettira olgandagina to'laqonli bo'ladi. Chunki xuddi mana shu xalqning turmush tarzi va jamiyat hayotida o'quvchi munosib o'rin egallashi uchun unga moslashishi, tayyor bo'lishi lozim. Buning uchun esa mustaqillik davrida yangilangan ta'lim maqsadi va uni amalga oshirish uchun tanlangan ta'lim usuliga mos tarzda o'quvchi dars jarayonining subyekt bo'lishi maqsadga muvofiqdir.

O'zbekiston Respublikasi «Davlat tili haqida»gi Qonunining qabul qilinishi, ta'lim bilan bog'liq siyosatni ifodalovchi «Ta'lim to'g'risida»gi Qonun [1] hamda «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» [2] ning tasdiqlanishi ta'lim sohasini isloh qilish sari qo'yilgan dadil va to'g'ri odimlar ekanligini o'tgan tarixan qisqa davr qadam-baqadam isbotlamoqda. «Ta'lim to'g'risida»gi Qonunda mustaqil mamlakatimizning kelajagi bo'lgan yosh avlodga ta'lim-tarbiya berishning ustuvor yo'nalishlari aniq ko'rsatilib, yosh avlodga davlat va jamiyat tomonidan belgilangan talablar asosida dunyoviy ta'lim-tarbiya berish uchun ta'limiy tizimlar xilma-xilligiga o'tish zarurati alohida ta'kidlandi. Buni ta'lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy prinsiplarida ham yaqqol ko'rish mumkin: «... ta'lim va tarbiyaning insonparvar, demokratik xarakterda ekanligi; ta'limning uzluksizligi va izchilligi; umumiy o'рта, shuningdek, o'рта maxsus, kasb-hunar ta'limining majburiyligi; o'рта maxsus, kasb-hunar ta'limining yo'nalishini: akademik litseyda yoki kasb-hunar kollejida o'qishni tanlashning ixtiyoriyligi; ta'lim tizimining dunyoviy xarakterda ekanligi; davlat ta'lim standartlari doirasida ta'lim olishning hamma uchun ochiqligi; ta'lim dasturlarini tanlashda yagona va tabaqalashtirilgan yondashuv; bilimli bo'lishni va iste'dodni rag'batlantirish; ta'lim tizimida davlat va jamoat boshqaruvini uyg'unlashtirish» [2] va b.

Ta'lim mazmunining xilma-xilligini ta'minlash har bir o'quv predmeti, jumladan, ona tili ta'limi bo'yicha ta'lim jarayonida ta'lim maqsadining amalga oshirilishini ta'minlash, shaxs, davlat, jamiyat, fan-texnika, ishlab chiqarishning o'zgaruvchan talablari, fan va texnikaning taraqqiyot darajasiga muvofiq tarzda ta'limning mazmunini muayyan tizimga solib, muntazam yangilab borishga e'tibor qaratishni taqozo qiladi. Bu sohada ta'lim tizimi rivojlangan mamlakatlarning tajribasiga tayanishi muhim ahamiyatga ega. Agar ta'limdan ko'zlangan maqsadning yoyilmasi, sharhi yoki yo'l-yo'riqlari ta'lim mazmunida aks etishini hisobga olsak, darhaqiqat, ta'lim maqsadiga mos ravishda ta'lim mazmunining muntazam ravishda yangilanib borishi ijtimoiy buyurtmaning asosini tashkil qiladi.

Ta'lim mazmunini yangilab borish o'quv-biluv jarayoni oldiga qo'yilgan talablar ko'lamini aniqlashni taqozo qiladi. Jumladan, bugungi kunda didaktika oldida turgan muhim masalalardan biri hozirgacha bo'lgan va undan keyingi ta'lim mazmunining yangi modellarini aniqlashdan iboratdir. O'zbekiston Respublikasida «2004-2009-yillarda maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturi»ning qabul qilinishi mazkur ehtiyojning yuzaga kelishi bilan bog'liq. Shuningdek, bugungi kun pedagoglarini maktab o'quvchilaridagi muloqot odobi hamda ulardagi ijodiy, mustaqil fikrlash darajasining mavjud «kemtiklik»lari tashvishga solib kelmoqda. Buning asosiy sababi, bugungi kunda aksariyat bitiruvchilar yozma va og'zaki fikr ifodalash, muloqotga kirishish, o'z qarashlarini erkin bayon qila olish malaka va ko'nikmalarini to'la egallay olmaganliklaridadir. Zero, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti ham o'zining bir qator nutq va ma'ruzalarida o'quvchilarning mustaqil fikrlash, ijodkorlik salohiyatini rivojlantirish zarurligini ta'lim tizimi oldiga qo'yilgan ijtimoiy buyurtma darajasida ta'kidlab o'tgan [3]. Buning uchun esa tilning ifoda imkoniyatlari va me'yorlarini chuqur o'zlashtirishga yo'naltirilgan intensiv kurslar tashkil qilish ehtiyoji vujudga kelmoqda. Bugungi kunga kelib tilshunoslar, pedagoglar, faylasuflar, psixolog hamda sotsiologlar jamiyat a'zolari, ayniqsa, yoshlarning muloqot ko'nikmalarini samarali rivojlantirishga to'sqinlik qilayotgan ijtimoiy, pedagogik, psixologik holatlarni o'rganishga kirishmoqdalar.

Xo'sh, dasturlar-u darsliklar, konsepsiyalar-u majmualarni yangilashning o'ziyoq bolalarimizning, ayniqsa, litsey, kollej bitiruvchilarining yozma va og'zaki fikr ifodalash, muloqotga kirishish, o'z qarashlarini erkin bayon qilish ko'nikmalarini rivojlantiradimi? Yo'q, albatta. Yangilangan maqsad-u mazmun, dastur-u darslik, usul-u axborot banklari o'quvchilarning o'z fikrlarini nutq sharoitiga mos ravishda og'zaki va yozma ifodalay olishlari uchun yaratilayotgan shart-sharoit bo'lib, ulardan unumli foydalanishda o'rgatuvchi, ta'lim maqsadining ro'yobini ta'minlovchi asosiy figura o'qituvchidir. Tom ma'noda o'qituvchi o'quvchi ongiga ijodiy fikrlash urug'ini sepuvchi, uning unib chiqishi, barq urishini ta'minlashga ko'maklashuvchi «bog'bon»dir. Shunday ekan, ona tili ta'limi jarayonida o'quvchining so'z boyligini oshirish, so'zlarning ma'no nozikliklari, farq va o'xshashliklarini his qilish va anglab yetish, so'zlarni bexato talaffuz qilish va yozish, ularni bog'lab gap, gaplardan esa matnlar tuza olish, birikmalardagi ma'noviy va grammatik, matnlardagi mantiqiy xatoliklarni topish va tuzatish, bir fikrni turli vositalar bilan ifodalash, uzilgan fikrning davomini tiklash kabi qator mantiqiy operatsiyalarni bajarish, nutq vaziyatini to'g'ri baholash va til imkoniyatlaridan unga mos ravishda foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish va malakasini o'stirish, o'quvchiga mana shu vazifalar uchun zarur bo'lgan muhim fonetik, leksik va grammatik qoidalarnigina berish, fikrni ifodalash va anglashning turli mexanizm va usullarini, ularni turli nutq sharoitiga mos ravishda qo'llash yo'llarini tavsiya etish, bunga asoslangan mashq va topshiriqlar tizimini ishlab chiqish, voizlik mashg'ulotlariga e'tibor ustuvor vazifalardir. Sanab o'tganlarimiz uncha chuqurlashtirilgan lingvistik bilimlar asosida bo'lmog'i, o'quvchining aqliy faoliyati zinhor lingvistik qoidalar va til qurilishiga doir bilimlar bilan band qilib qo'yilmasligi shart. (Bizning davrimizda kishini tashvishlantiradigan, o'ylashga majbur qiladigan bir holat bor: *Ona tili darsliklari tilshunoslik fanidan qo'llanmlarga aylantirib qo'yilgan*. Bunday holatda nutq o'stirish grammatizm soyasida qolib ketaveradi-ku?! Ayniqsa, oily ta'limga kirish testlarida lingvistik tahlillarga katta e'tibor qaratilishi ona tili ta'limi maqsadiga hamohang emas?! Biz qachon bu kabi muammolardan qutulamiz.)

Shu o'rinda akademik litsey hamda kasb-hunar kollejlarda hozirgi o'zbek adabiy tili (ona tili)ning o'qitilishida qiziq bir holatni kuzatamiz. Ma'lumki, akademik litsey hamda kasb-hunar kollejlarda hozirgi o'zbek adabiy tili ta'limining bosh maqsadi ta'lim oluvchida ixtisosiy nutq madaniyatini shakllantirish sifatida belgilangan. (Buning uchun, avvalo, o'qituvchining o'zi ana shunday layoqatga ega bo'lmog'i lozim. Zero, ona tili ta'limi maqsadining mohiyati bugungi kun va istiqbolda jamiyat ravnaqi uchun qanday shaxs, mutaxassis tayyorlash kerakligi bilan belgilanadi.) Kuzatishlarimiz asosida ayta olamizki, o'rta maxsus ta'limning «Hozirgi o'zbek adabiy tili» o'quv predmetidan dars berayotgan aksariyat o'qituvchilarimiz dars jarayonida faqat A.Nurmonov boshchiligida mualliflar jamoasi tomonidan 1-, 2-, 3-bosqich ta'lim oluvchilari uchun tayyorlangan darsliklardan (Hozirda mazkur darsliklarning tayyorlanganligi hamda amaliyotga tatbiq etilganligiga qariyb yigirma yil to'ldi) foydalanishmoqda. Yuqoridagilarni o'qib ko'pchiligimizda: «Nima bo'libdi, boshqa darslik bo'lmagandan keyin boridan foydalanilishi tabiiy hol-ku?!» degan mulohaza tug'iladi. Barcha muammolarning tuguni ana shu mulohazamiz va shu fikrga mahkam «yopishib olganligimiz»ga borib taqaladi. Fikrimizni bir mavzu doirasida dalillashga urinib ko'ramiz. 2-bosqich ta'lim oluvchilari uchun mo'ljallangan darslik (Nurmonov A., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –T.: Ilm

ziyo.–2012.)ning 10.2.-darsida «Sinonimlar va ularning uslubiy xususiyatlari» mavzusi o`qitiladi. Mavzu tarkibida nazariy ma'lumotlardan tashqari 2 ta o`quv topshirig`i, 3 ta savol va topshiriqlar hamda 130-139-mashqlar berilgan.

133-mashq shartida sifat (*gavdali, jussali, barvasta, norg`ul, barzangi*) hamda fe'l (*gangimoq, dovdiramoq, esankiramoq, kalovlanmoq, talmovsiramog*) sinonimlarni davom ettirish topshirig`i berilgan. Mashq tarkibida sifat hamda fe'l sinonimlar sifatida berilgan birliklar kishini ikkilantiradi. Sababi, o`quvchi bu kabi birliklarni 5-sinfda uyadosh so`zlar sifatida o`rgangan. (Mazkur darslikda nazariy jihatdan har xilliklarga ko`p o`rinlarda duch kelamiz.) Oliy ta`lim «Hozirgi o`zbek adabiy tili» dastur va darsliklarida ham formal-funksional tilshunoslik yutuqlari asosida ma`no nozikligiga ko`ra farqlanuvchi birliklar (graduonimlar) allaqachon sinonimlar doirasidan chiqarilgan.

Mavzuga oid nazariy ma'lumotlar sharhida maktab darsliklarida ham, o`quv qo`llanmalarda ham uslubiy sinonimlar sifatida takror-takror ifodalanadigan misol (*yuz, aft, bet, bashara, nusxa, turq, oraz, izor, ruxsor, chehra...*)larga duch kelamiz. Darslikning 73-betida: «...tilimizda *tilchi-tilshunos, dardchil-dardkash, o`rinsiz-beo`rin, hafsala-hafsalali* kabi qo`shimchalar yordamida bir ma`noni ikki xil shaklda yuzaga chiqarish imkoniyati ham uchrab turadi» deyiladi. Bizningcha, *dardchil-dardkash* birliklari sinonim degan fikrga qo`shilish qiyin. Yana nutqimizda beo`rin birligining ishlatilishini deyarli kuzatmaymiz. Biri ot, ikkinchisi sifat so`z turkumlariga tegishli bo`lgan *hafsala-hafsalali* birliklarida sinonimiya hodisasi (affiksial sinonimiya) kuzatiladimi?

Qizig`i shundaki, tibbiyot kolleji tahsil oluvchisi ham, pedagogika kolleji yoki avtomobil yo`llari va transport kolleji yoki san`at kolleji tahsil oluvchisi ham darslik asosida yuqorida bayon etilganlarni o`rganadi, berilgan mashqlarni bajaradi. Xo`sh, biz aynan misol tariqasida tahlil etgan mavzuni amaldagi darslik asosida tashkil etish akademik litsey hamda kasb-hunar kollejlari hozirgi o`zbek adabiy tili ta`limining–ta`lim oluvchida ixtisosiy nutq madaniyatini shakllantirish – bosh maqsadi ro`yobiga xizmat qiladimi? Yo`q, albatta.

Agar sinonimik qatorlar ham, antonimik juftliklar ham, butun-bo`lak yoki jins-tur munosabatiga ega bo`lgan birliklarning aksariyati ham uyadoshlar sirasiga singib ketishini hisobga olsak, bizningcha, mavzuni «Sinonimlar va ularning uslubiy xususiyatlari» sifatida emas, «Uyadoshlar va ularning uslubiy xususiyatlari» tarzida berilishi ma`qulroq. Shuningdek, muayyan yo`nalishdagi akademik litsey hamda kasb-hunar kollejlari tahsil oluvchilariga «Hozirgi o`zbek adabiy tili» o`quv predmetidan ta`lim mazmunida bir xil mavzu belgilansa-da, mavzuga doir o`quv topshiriqlari yoki tahsil oluvchi murojaat etishi lozim bo`lgan lug`atlar, ma'lumotnomalar yoki qomuslar (to`g`rirog`i, «Axborot banki») har xil, ya`ni yo`naltirilgan ixtisosiga mos bo`lishi shart. (Tabiiyki, bu ona tili o`qituvchisidan kasbiy mahorat, izlanish hamda hozirgi o`zbek adabiy tili ta`limining bosh maqsadini to`g`ri anglashni talab etadi.)

Masalan, «Uyadoshlar va ularning uslubiy xususiyatlari» mavzusi tibbiyot kollejida o`qitilayotganda tahsil oluvchiga quyidagicha o`quv topshirig`i berilishi mumkin:

**1-topshiriq.** Berilgan siralarni davom ettiring.

«Dori-darmonlar» uyasi

- 1) tomchi dorilar (dibazol, analgin, dimedrol.....):
  - a) bemorga faqat tomir orqali yuboriladigan tomchi dorilar: (kalsiy glyukanat,.....)
  - b) bemorga faqat teri orqali yuboriladigan tomchi dorilar: (.....)
  - d) bemorga ham teri, ham tomir orqali yuborilishi mumkin bo`lgan tomchi dorilar: (.....).
- 2) tabletkalar (sitramon, trimol, sulgin, tetrasiklin, ....):
  - a) og`riq qoldiruvchi tabletkalar: (sinipar,...)
  - b) davolovchi tabletkalar: (ampisilin, ...)
- 3) ham tomchi dori, ham tabletkalar ko`rinishidagi dori-darmonlar: (analgin, dimedrol, ferrumlik,...)
- 4) surtma dorilar: (vazelin, gletserin,....)
  - a) bel og`rig`ida surtiladigan dorilar: (.....)
  - b) oyoq og`rig`ida surtiladigan dorilar: (.....)
  - d) ko`z og`rig`ida surtiladigan dorilar: (.....)
  - e) bo`yin og`rig`ida surtiladigan dorilar: (.....)

Mazkur siralarni bosh og`rig`ida ishlatiladigan tabletkalar, qorin og`rig`ida ishlatiladigan tabletkalar, yurak og`rig`ida ishlatiladigan tabletkalar, quvvatlantiruvchi tabletkalar yoki birinchi yordam sifatida ishlatiladigan ukollar kabilar bilan ham davom ettirish mumkin.

Quyidagi mazmunda test namunalari ham tavsiya etish o`rinli:

Test namunalari

1. **Surtma dorilar: vazilen, gletserin, senipar gel, yulduzcha, yod, tetrasiklin, spirt. Berilgan uyadagi begona so`zni toping.**  
A)yulduzcha \*B)tetrasiklin C)gletserin D)senipar gel
2. **Tabletkalar: sitramon, trimol, sulgin, tetrasiklin, gletserin, senipar, analgin, kalsiy glukonat. Berilgan uyadagi begona so`zni toping.**  
A)kalsiy glukonat B)sulgin \*C)gletserin D)senipar
3. **Bosh kasalliklari: meningit, o`hma, insult, otit. Berilgan uyadagi begona so`zni toping.**  
\*A)otit B)insult C)o`hma D)meningit
4. **Davolovchi tabletkalar: ampitsilin, baralgin, trixopol, analgin, kaliyaortat. Berilgan uyadagi begona so`zni toping.** A) trixopol B) ampitsilin C)kaliy aortat \*D) analgin
5. **Og`riq qoldiruvchi tabletkalar: dimedrol, analgin, trimol, tetratsiklin, aspirin, paratsetamol, no-shpa, glyukoza. Berilgan uyadagi begona so`zni toping.**  
A) trimol B)tetratsiklin \*C)glyukoza D) analgin
6. **Terapevt-kardiolog-lor-stomotolog-jarroh-ginekolog-urolog-farmatsevt-ruhshunos-diftolog-psixoterapevt-endikrenolog. Berilgan uyadan yurak shifokori nomini toping.**  
A)terapevt B)ginekolog C)lor \*D)kardiolog
7. **Terapevt-kardiolog-lor-stomotolog-jarroh-ginekolog-urolog-farmasevt-ruhshunos-diftolog-psixoterapevt-endikrenolog. Berilgan uyadan buyrak shifokori nomini toping.**  
A)terapevt B)ginekolog \*C)urolog D) diftolog
8. **Terapevt-kardiolog-lor-stomotolog-jarroh-ginekolog-urolog-farmasevt-ruhshunos-diftolog-psixoterapevt-endikrenolog. Berilgan uyadan ayollar shifokori nomini toping.**  
A)terapevt \*B)ginekolog C)endikrenolog D) diftolog
9. **Terapevt-kardiolog-lor-stomotolog-jarroh-ginekolog-urolog-farmatsevt-ruhshunos-diftolog-psixoterapevt-endikrenolog. Berilgan uyadan bo`qoq kasalligi shifokori nomini toping.**  
A)terapevt B)stomotolog \*C)endikrenolog D) diftolog
10. **Terapevt-kardiolog-lor-stomotolog-jarroh-ginekolog-urolog-farmatsevt-ruhshunos-diftolog-psixoterapevt-endikrenolog. Berilgan uyadan ichki kasalliklar shifokori nomini toping.**  
\*A)terapevt B)stomotolog C)endikrenolog D) diftolog
11. **Sil-bod-bronxit-astma-sarg`ayma-kamqonlik-qandli diabet-stomatit-angina-meningit-burselloz-bo`qoq. Berilgan uyadan jigar kasalligi nomini toping.**  
A)sil B)astma \*C)sarg`ayma D) stomatit
12. **Termometr-qisqich-qaychi-tonometr-fonendoskop-endoskop-zond-kateter-elektro so`rgich-burselloz. Berilgan uyadan qaysi biri tibbiy anjomlar sirasiga kirmaydi?**  
A) tonometr B)endoskop \*C) burselloz D) zond
13. **Termometr-qisqich-qaychi-tonometr-fonendoskop-endoskop-zond-kateter-elektro so`rgich-tibbiyot bolg`achasi. Berilgan uyadan qaysi bir tibbiy anjomni, odatda, asab kasalliklari shifokori ishlatadi?**  
A) kateter B)fonendoskop \*C) tibbiyot bolg`achasi D) elektro so`rgich
14. **Bint-jgut-tibbiy paxta-shpris-spirt-sistema-zond. Berilgan uyadan qaysi biri shoshilinch tibbiy yordamda ishlatiladigan vositalar sirasiga kirmaydi?**  
A)jgut B)sistema \*C) zond D) bint
15. **Kalsiy xlorid-nashatir-insulin-brilliant ko`ki-analgetiklar-bronxolitik-antibiotik- yod-tibbiyot bolg`achasi. Berilgan uyadan qaysi biri shoshilinch tibbiy yordamda ishlatiladigan vositalar sirasiga kirmaydi? \*A) tibbiyot bolg`achasi B)brilliant ko`ki C) yod D) nashatir**
16. **Ketanal, dibazol, aspirin-P, no-shpa, glyukoza, natriy xlorid, geporin, kofein, lidokain. Berilgan uyadan qaysi biri tuzli eritma hisoblanadi?**  
A) glyukoza B)lidokain C) geporin \*D) natriy xlorid
17. **Ketanal, dibazol, aspirin-P, no-shpa, glyukoza, natriy xlorid, geporin, kofein, lidokain. Berilgan uyadan qaysi biri qandli vosita hisoblanadi?**  
\*A) glyukoza B)lidokain C) geporin D) natriy xlorid
18. **Ketanal, dibazol, aspirin-P, no-shpa, glyukoza, natriy xlorid, geporin, kofein, lidokain. Berilgan uyadan qaysi biri yallig`lanishga qarshi vosita hisoblanadi?**  
\*A) Ketanal B)lidokain C) geporinD) natriy xlorid

19. *Ketanal, dibazol, aspirin–P, no-shpa, glyukoza, natriy xlorid, geporin, kofein, askorbin, novokain, lidokain.* **Berilgan uyadan qaysi biri vitamin C guruhiga mansub?**

\*A) askorbin B) lidokain C) geporin D) novokain

20. *Korvalol, validol, barboval, lidokain.* **Berilgan uyadan qaysi biri efir yog`li vosita hisoblanadi?**

\*A) validol B) lidokain C) korvalol D) barboval

21. *Shpris, bint, tibbiyot paxtasi, kateter, sistema, qo`lqop, xalat, plaster.* **Berilgan uyadan qaysi biri bir marta ishlatiladigan vosita emas?** A) kateter B) bint C) qo`lqop \*D) xalat

22. *Metoklopromid, dibazol, aspirin–P, no-shpa, glyukoza, natriy xlorid, geporin, kofein, askorbin, novokain, lidokain.* **Berilgan uyadan qaysi biri ham qustiruvchi, ham qusishga qarshi vosita hisoblanadi?** A) askorbin B) lidokain C) geporin \*D) metoklopromid

23. *Tez tibbiy yordam, profilaktika, maslahat berish, diagnostika, davolash.* **Berilganlar qaysi uyaning uyadoshlari hisoblanadi?**

A) tibbiy burch B) tibbiy huquq C) tibbiy muassasa \*D) tibbiy faoliyat

24. *Zaharlanish, shamollash, moxov, sil, rak, buyrak yetishmovchiligi, infarkt, insult.* **Quyida berilgan kasallik uyasidagi qaysi kasallikning to`laoldi olingan?**

A) infarkt B) insult C) rak \*D) moxov

25. *Zaharlanish, shamollash, shalpanquloqlik, ichak toshmasi, qorason, buyrak yetishmovchiligi, infarkt, insult.* **Berilgan uyadagi qaysi kasallik og`riqsiz?**

A) infarkt B) insult C) qorason \*D) shalpanquloqlik

26. **Inson salomatligini mustahkamlash, kasallanishning oldini olish, kasalliklarning kelib chiqishini aniqlash va uni bartaraf etish chora-tadbirlari qaysi tibbiy atama bilan ataladi?**

\*A) profilaktika B) diagnostika C) tez yordam D) davolash

27. **Bemorlarni tibbiyot muassasasiga joylashtirmasdan qatnov asosida yoki ularning uylarida davolanishlarini ta`minlaydigan tibbiy muassasa qanday nomlanadi?**

\*A) ambulatoriya B) statsionar C) tez yordam D) kasalxona

28. *Terapevt–kardiolog–lor–stomatolog–jarroh–farmasevt–ginekolog–urolog–ruhshunos–diftolog–psixoterapevt–endikrenolog.* **Berilgan uyadan til nuqsoni shifokori nomini toping.**

\*A) diftolog B) ginekolog C) lor D) kardiolog

29. *Terapevt–kardiolog–lor–stomatolog–jarroh–gnekolog–urolog–farmatsevt–ruhshunos–diftolog–psixoterapevt–endikrenolog.* **Berilgan uyadagi qaysi shifokor dori-darmon bilan shug`ullanadi?**

\*A) farmasevt B) endikrenolog C) psixoterapevt D) kardiolog

30. *Analgin–dimedrol–dibazol–papaverin–natriy xlorid–gletserin–vazelin–sitramon–trimol–yod–spirt.* **Berilgan uyadan qaysi biri tomchi dorilar sirasiga kiradi?**

A) dimedrol B) analgin C) vazelin \*D) natriy xlorid

Bu kabi o`quv va test topshiriqlarini bajarishda tibbiyot kollejida tahsil olayotgan talabalar, tabiiyki, sohaga tegishli lug`atlar, ma`lumotnomalar va qomuslarga murojaat etadi, izlanadi. Zarur bo`lsa, soha mutaxassislaridan bilmaganlarini so`raydi. Qisqasi, tahsil oluvchi o`zi tanlagan yo`nalishda ishlatiladigan atamalardan qayerda, qanday foydalanish malaka va ko`nikmalariga ega bo`ladi. Asosiysi, bu kabi o`quv topshiriqlar tahsil oluvchida ixtisosiy nutq madaniyatini tarbiyalashga ko`maklashadi. O`rta maxsus ta`limning «Hozirgi o`zbek adabiy tili» o`quv predmeti o`qitilishi jarayonida tahsil oluvchilarga o`zbek tili qurilishi haqidagi bilimlarnigina berish bilan chegaralanib qolishdan chekinishimiz, ularga o`zi tanlagan yo`nalish asosida ixtisosiy nutqini o`stirishga, tartibga solishga xizmat qila oladigan ona tilimizning boy va rang-barang imkoniyatlaridan foydalanish yo`llarini o`rgatishimiz zarur.

#### ADABIYOTLAR

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 20-29.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 31-60.

3. **Каримов И.А.** Юксак маънавият- енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. –176 б.

4. **Йўлдошева Д.** Таълим мақсади таълим жараёнининг энг асосий тушунчаси (*она тили таълими асосида*) // «Тилшунослик ва методика масалалари» илмий мақолалар тўплами. – Т.: Фан, 2008. – Б. 45-50.

5. Мустақил фикрлашни шакллантириш омиллари //Вилоят илмий-амалий конференцияси материаллари. - 13 декабр. – Бухоро, 2005. –116 б.

## THE IMPORTANCE OF CONDUCTING NEEDS ASSESSMENT IN THE PROCESS OF ESP COURSE DESIGN

**Vokhidova Nargiza Nuridinovna**

Teacher at the Department of Foreign Languages at Bukhara State University  
nargizavokhidova@yahoo.com

**Akobirov Feruz Rakhmatjonovich**

PhD student at the University of Kansas  
[feruz\\_2003@yahoo.com](mailto:feruz_2003@yahoo.com)

**Tayanch so'zlar:** ingliz tilini maxsus maqsadlar uchun o'qitish, ilg'or pedagogik texnologiyalar, tilga bo'lgan talabni o'rganish, mo'ljallangan holat tahlili, hozirgi holat tahlili, fan mazmuni tahlili, manfaatdor tomonlar, ingliz tilini ilmiy maqsadlarda o'rgatish, ingliz tilini kasbiy zaruratdan kelib chiqib o'rgatish.

**Ключевые слова:** английский язык для специальных целей, инновационные педагогические технологии, анализ потребностей обучаемых, выявление целевых ситуаций, анализ настоящей ситуации, анализ содержания, заинтересованная сторона, английский язык для академических целей, английский для профессиональных целей.

**Key words:** English for Specific Purposes, innovative pedagogical technologies, Needs Assessment, Target Situation Analysis, Present Situation Analysis, Content Analysis, stakeholders, English for Academic Purposes, English for Occupational Purposes.

*Maqolada ingliz tilini maxsus maqsadlar uchun o'qitish jarayonida tilga bo'lgan talabni o'rganishning o'quv dastur tuzishdagi ahamiyati ko'rsatib o'tilgan. Shuningdek mualliflar mo'ljallangan holat tahlili, hozirgi holat tahlili, fan mazmuni tahlili kabi tahlil turlariga izoh berishgan va ularni amalga oshirish yo'llarini tushuntirishgan.*

*В данной статье подчеркнута важность проведения анализа потребностей учащихся для разработки учебной программы по английскому языку. Авторами выделены такие виды анализа, как выявление целевых ситуаций, анализ настоящей ситуации и анализ содержания курса.*

*The importance of conducting Needs Assessment before designing a course program in ESP is explained in the article. The definitions to Target Situation Analysis, Present Situation Analysis and Content Analysis are provided and the ways of conducting these analyses are presented.*

Uzbekistan is a country in which a great attention is paid to education, science and enlightenment. The generation, which has a deep knowledge of world sciences, national culture and traditions, the people who have developed a sense of responsibility for the future and the present of the Motherland can contribute to the development and prosperity of it. In his speech during the inaugural ceremony at the joint session of Oliy Majlis President of Uzbekistan Islam Karimov has stated that our most reliable support is our youth who has confidently been entering life as a decisive force that wields modern knowledge and professions, who thinks independently and in a new manner, and who is capable of assuming a responsibility for the future of the native land [6].

The role of foreign languages in the process of upbringing and educating the youth of Uzbekistan is crucial in today's world of globalization. On December 10, 2012, President of the Republic of Uzbekistan issued the Decree "On further enhancement of measures on foreign language learning system". The aim of this Decree is to teach foreign languages to a young generation using modern pedagogical technologies together with information and communications technologies by implementing innovative methods of teaching, to enhance the system that prepares specialists who can freely communicate in this language and on the basis of this to create favorable conditions and opportunities for them to use the achievements of the World civilization, world information resources and for International cooperation and communication [5].

According to this decree, it is envisaged that university modules, especially in technical and international areas, will be offered in English and other foreign languages at higher education institutions [7]. This fact shows that ESP teaching at the university level has to meet the expectations stated in the decree and prepare the professionals who can freely use English for the research, for networking with the colleagues abroad, for staying updated on the latest innovations and changes that are taking place in the world. Because it is ESP that teaches students the specific language that

is spoken in particular area and will enable them to master the language spoken at different specialties, contexts and fields.

Thomas Orr (2002) defines English for specific purposes (ESP) as an exciting movement in English language education that is opening up rich opportunities for English teachers and researchers in new professional domains. He states that growing demand for highly proficient speakers of specialized academic and workplace English is drawing increasingly large numbers of teachers into the ESP profession and awarding them higher salaries and prestige than were previously given to language instructors. Specific-purpose English includes not only knowledge of a specific part of the English language but also competency in the skills required to use this language, as well as sufficient understanding of the contexts within which it is situated [3, 1,2].

ESP is taught in combination with EGP to the students of non-philological faculties at the universities and institutes of Uzbekistan. When taught, EGP is presented as a linguistic system to a wide range of learners for application in the most general of potential circumstances, whereas ESP is taught as a tailor-made language package to specific communities of learners with highly specialized language needs [3, 1,2]. The target learners of ESP can be Law School students, the students of Medical Institutes, Technological Institutes, the students of Social Economic faculties and the students of many other areas of study that higher educational institutions offer. English is taught to them with the focus on their specialty whether it is Medicine, Economy or Physical training. In the Program of Study of a Foreign Language confirmed by the resolution of the Cabinet of Ministers in August 28, 2013, it is stated that a foreign language as a subject is connected with social economic and specialty disciplines. This subject is taught in integration with other disciplines. It is not connected directly with the process of production. The students can use the knowledge that they obtain in this course in the process of studying other disciplines required for their specialty (finding information for their area of study, analyzing it, using it in the process of acquisition) and in their future professional activity [1, 7]. We can conclude from the above stated information that the combination of two subdivisions of ESP which are EAP (English for Academic Purposes and EOP (English for Occupational Purposes) are taught to the university students and we may call it EAP/EOP Blended teaching.

The success in course design can be counted as a half way to the success of the course to be conducted. Westerfield (2010) highlights the importance of Needs Assessment in the process of course design and states that a thorough organizational and instructional needs assessment lies at the heart of a well-designed, effective ESP course. By conducting an organizational and instructional needs assessment, the ESP practitioner tries to discover information about the needs of his/her learners and other stakeholders. The term *stakeholder* refers to all the people who have an interest in the specific ESP course under development. Stakeholders are the people who, perhaps for different reasons, want the training program to succeed. Stakeholders include the client or sponsor who requests the course (a university department, company/organization, or individual), the learners, the teachers, and potentially others [4].

Conducting needs assessment may consist of conducting TSA(Target Situation Analysis), PSA (Present Situation Analysis) and CA (context analysis). All of the above mentioned analyses are conducted in order to find out and analyze the factors that contribute to the success of the course and an ESP course has to be designed accordingly taking into consideration the results of Needs Analysis.

Target Situation Analysis is conducted in order to know what the expectations of the course are. An effective ESP practitioner must study carefully the state standards in which the objectives of the course are stated, interview stakeholders to find out what they expect the learners to be able to do, talk with the learners themselves and discover their personal and professional needs to learn the language. Speaking with other teachers in ESP sphere will also enable the practitioner analyze the experience they had while teaching and study the outcome of their work. Former learners who are currently working in the sphere which is the same as that of target learners can also be very helpful in the process of TSA. They can point out to the ESP practitioner what aspects of language the teacher must focus on and what language or discourse they are facing in their current jobs. The TSA can be conducted in the form of questionnaires, interviews, reading the relevant literature, observing the works of those professionals who have already started working in the field of target learners. After consulting, analyzing and studying the needs of learners an ESP practitioner must find the

answers to the following questions: What tasks do the learners need to be able to do by the end of the course? Why is it important for them to perform these tasks in English? Why do learners want or need to learn these skills? [4] The questionnaires given to learners must comprise in itself the questions that help the ESP practitioner to find out their needs. Having analyzed the Sample Needs Assessment questionnaire intended for EAP Learners at ESP Centre of Alexandria University we found that the questions in the questionnaire were carefully constructed and designed to discover the students' needs. The questions in the questionnaire were as follows:

1. *For what immediate purposes do you need to learn/improve your English?*
2. *What activities do you, or will you soon have to, carry out in English?*
3. *Please specify these activities in more detail. Put a check (✓) beside those activities you have to do, or will soon have to do.*
  - a. **Reading:** *What do you have to read, and why?*
  - b. **Listening:** *What do you have to listen to, and why?*
  - c. **Writing:** *What do you have to write, and why?*
  - d. **Speaking:** *What kind of speaking do you have to do, and why?*
4. *Do you have longer-term purposes for learning English? If so, what are they?*
5. *What are your interests, hobbies, etc.? Would improved English help in any of these?*
6. *What aspects of English would you like your English course to cover?*
7. *Describe in 2-3 paragraphs what problems you have in English and what you would like to learn in an English course.*

For the questions 1,2,3,6 possible answers are provided in the questionnaire and the learners are asked to put them in the rank order of priority. If the answers to these questions are not in the list the learners are asked to specify another answer. Additional questions may be added to the questionnaire and it can be adapted to the context of the higher educational institutions of Uzbekistan. The TSA must be conducted before designing a course and an ESP teacher must meet the learners before the classes start and design the ESP course after careful examination of the results of TSA.

PSA (Present Situation Analysis) is one of the components of Needs Analysis and it is conducted in order to analyze the current state of the learners' English language mastery. If target situation analysis tries to establish what the learners are expected to be like at the end of the language course, present situation analysis attempts to identify what they are like at the beginning of it. As Dudley-Evans and St. John (1998: 125) state "a PSA estimates strengths and weaknesses in language, skills, learning experiences." If the destination point to which the students need to get is to be established, first the starting point has to be defined, and this is provided by means of PSA [2, 10]. Without analyzing the level of the learners' knowledge it is not possible to design an effective course syllabus. The syllabus designed without TSA can be too easy for the learners with a high level of language mastery or it can be too complex for those who are not very good at it. If the materials in the course syllabus do not match with the learners' current state of language mastery they may lose their interest in the course and demonstrate no motivation. In order to avoid it an ESP practitioner must conduct TSA in the form of placement tests, surveys, interviews and examination of written samples.

The results of the PSA must answer the following questions according to Westerfield (2010)

- What are they able to do now in the target language?*
  - What are their strengths and weaknesses in language and skills, and what are their past language learning experiences that can affect how they learn?*
- Westerfield states that the questions to ask in this process include:
- What is their current level of English?*
  - What strengths and weaknesses do they have in speaking, listening, reading, and writing?*
  - What do the learners who will use the curriculum already know about the content area or about the job?*
  - What is their background knowledge in this area?*
  - Which key job skills do they have or lack?*
  - What are their past language learning experiences and expectations?*
  - Why are they attending the course and what are their personal goals?*
- [4, 2] These questions given to the learners together with the analysis of their written and oral speech can help the ESP practitioner to determine their present level of language mastery as well as their knowledge of the area of study or job. The ESP practitioner can interview the teachers who teach the students' major and find out what

they have been taught and what is their level of theoretical and practical knowledge and take it into consideration while designing a course.

Another component of Needs Assessment is Content Analysis that analyzes the environment in which the learning will take place. Content Analysis gives the ESP practitioner a chance to analyze the resources of the course such as textbooks, teaching materials, the place where the classes will be conducted, the amount of time given for instruction and many other factors that have an influence on the result of teaching. Westerfield (2010) points out the following factors that have to be considered when defining the context. They include: people, physical setting of the course, nature of course, teaching resources and time. Sample question for Content Analysis suggested by Westerfield are:

*Who are the stakeholders in the proposed course? Why do they want this course to be developed?*

*How will the training be delivered – traditional face-to-face instruction, online, computer-based, or a combination?*

*Describe the room used for the course: size, furniture, light, noise.*

*Is this a new course or one to be revised? Is learner attendance mandatory or optional?*

*What potential materials are already available to use or adapt for the course?*

*What day/s of the week and at what time of day will the course be held?*

*How many total hours will the course be offered? Over what period of time?*

*List the equipment available: black/whiteboard, overhead projector, CD/ audio cassette player, DVD/videotape player, photocopy machine, computers (how many?), Internet access (What kind: high speed direct connection or dial-up modem), printer.*

In conclusion, we can say that success of the language teaching program, especially in ESP largely depends on the course program that meets the requirements and needs of stakeholders of the proposed course. If the ESP teacher conducts Needs Assessment and finds out information about the expectations to the course, the current level of the learners' knowledge, the environment the course will be held and its content, he will be able to design a course program that can be effective, beneficial and yielding expected results.

#### LITERATURE

1. **Akhmedova L.T., Jalolov J.J., Normuratova V. I., Nabieva K. N.** Program of Study for a Foreign language. Uzbekistan State University of World Languages. - Tashkent, 2013.
2. **Mehdi Haseli.** Songhori Introduction to Needs Analysis. English for Specific Purposes world, Issue 4, 2008. - [www.esp-world.info](http://www.esp-world.info).
3. **Orr Thomas.** English for Specific Purposes. Ed. Thomas Orr. Alexandria, VA: TESOL, 2002.
4. **Westerfield, K.** An Overview of Needs Assessment in English for Specific Purposes. *Best Practices in ESP E- Teacher Course*. University of Oregon. 2010.
5. <http://avloniy.uz/?q=uz/PQ-1875>
6. <http://www.press-service.uz/en/news/5103/>
7. <http://uza.uz>

### BARKAMOL AVLOD TARBIYASIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O'RNI

**Safarova Zakiya Teshayevna**

*BuxDU Biologiya kafedrası o'qituvchisi*

**Shamsiyev Naim Amonovich**

*BuxDU Biologiya kafedrası o'qituvchisi*

**Ergasheva Nodira Asatovna**

*BuxDU Boshlang'ich va maktabgacha ta'lim uslubiyoti kafedrası o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** yangi pedagogik texnologiyalar (YPT), interfaol usullar, innovatsion texnologiya, axborot texnologiyalari, interfaol, kognitiv, fasilitatsiya, breynrayting klaster.

**Ключевые слова:** новые педагогические технологии (НПТ), интерактивные методы, инновационная технология, информационная технология, интерактивный, когнитив, фасилитация, брейнрайтинг кластер.

**Key words:** new pedagogical technologies (NPT), interactive methods, innovative technology, information technology, interactive, cognitive, facilitation, brainwriting cluster.

*Maqolada ta'lim-tarbiya jarayonida innovatsion va yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish hamda ta'lim samaradorligini oshirish to'g'risida so'z yuritilgan.*

*В статье говорится об использовании новых педагогических и инновационных технологий в процессе преподавания и повышения эффективности обучения.*

*The article is about using new and innovative pedagogical technologies in the process of education and increasing the efficiency of it.*

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so'ng o'zining asosiy masalalaridan biri deb sog'lom avlodni tarbiyalash mezonlarini belgilab oldi. Shu munosabat bilan 1993-yil 29-aprelda "Sog'lom avlod" jamg'armasi tuzildi. 1993-yil 3-dekabrda Vazirlar Mahkamasining 589-qarori bilan o'sib kelayotgan yosh avlodni sog'lomlashtirish chora-tadbirlari haqidagi "Sog'lom avlod" davlat dasturi qabul qilindi.

Yurtimiz mustaqilligining ilk davrlaridan boshlab ta'lim-tarbiya tizimi ham isloh qilinib, yangi shakl va mazmun kasb etdi. "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da uzluksiz ta'lim o'quvchilarni o'quv fanlari bo'yicha muayyan bilimlarni egallashlari barobarida ularni bilim olishga bo'lgan ehtiyoji, mustaqil va ijodiy fikrlash, tashkilotchilik qobiliyati, amaliy tajriba va mehnat ko'nikmalarini rivojlantirish, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga asoslangan ma'naviy, axloqiy fazilatlarini, atrof-muhitga ongli munosabatni tarkib toptirishi lozimligi qayd etilgan.

Mamlakatimizda sog'lom va barkamol avlodni tarbiyalash, yigit-qizlarni XXI asr talablariga to'liq javob beradigan har tomonlama rivojlangan shaxslar etib voyaga yetkazish uchun zarur shart-sharoitlar va imkoniyatlarni yaratish bo'yicha keng ko'lamli, aniq maqsadga yo'naltirilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasida 2010-yil «Barkamol avlod yili» deb e'lon qilindi. Bunda yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzini qaror toptirish ularni zararli illatlardan, boshqa turli halokatli tahdidlar hamda biz uchun yot bo'lgan diniy va ekstremistik ta'sirlardan, tuban «ommaviy madaniyat» xurujlaridan himoya qilishga doir kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish nazarda tutilgan.

O'zbekiston Respublikasi demokratik, huquqiy va fuqarolik jamiyatini qurish yo'lidan bormoqda. Mamlakatimiz rivojlanishining muhim sharti zamonaviy iqtisodiyot, fan, madaniyat, texnika, texnologiya rivoji asosida kadrlar tayyorlashning takomillashgan tizimini yaratishdan iborat. Ta'lim-tarbiya jarayoni Respublika ta'lim xodimlari zimmasiga o'ta mas'uliyatli vazifalar yuklaydi. "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"ni amalga oshirishda uzluksiz ta'lim tizimining tuzilmasi va mazmunini zamonaviy ilm-fan yutuqlari va ijtimoiy tarbiyaga tayangan holda tub islohotlash ko'zda tutilgan. Bu vazifani amalga oshirish jarayoni ta'lim jarayonini amalga oshirishga yangicha yondashish, ta'lim oluvchilarga nisbatan o'ta talabchanlik hamda o'quvchi shaxsiga hurmat bilan munosabatda bo'lishni taqozo etadi. Buning uchun, avvalo, uzluksiz ta'lim tizimining barcha turlarida ta'lim muassasalarida ta'lim jarayoni sifatini ta'minlovchi ilmiy - uslubiy jihatdan asoslangan usullarni amalda qo'llash lozim. Fan, texnika va ilg'or texnologiya yutuqlaridan foydalangan holda yosh avlodga ta'lim berishning maqsad, mazmun, uslub va vositalarini ilmiy jihatdan asoslash pedagogikaning dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Pedagogik jarayonning eskirib qolgan texnologiyasini yangisiga almashtirish, zamonaviy maktabga davr talablari asosida yondashish, darsga esa yangicha usullarning loyahasini tadbiq etish asosiy vazifalardan biriga aylanmoqda.

Kadrlar tayyorlash sohasidagi davlat siyosati uzluksiz ta'lim tizimi orqali shaxsning har tomonlama barkamol bo'lib yetishishini ko'zda tutadi. Barkamol shaxs uzluksiz ta'limda va kadrlar tayyorlashda ta'lim xizmatlarining islohotchisi hamda ishlab chiqaruvchisi sifatida namoyon bo'ladi. Shaxs ta'lim xizmatlarining ishlab chiqaruvchisi sifatida ta'lim jarayonida bilim va tajribani egallaydi, shuningdek, madaniyat, fan va ta'lim xizmatlarida ishtirok etadi. Respublikamiz o'quvchilarga o'z ijodiy salohiyatini amalga oshirish uchun mutaxassislik ta'lim dasturini tanlash huquqi berilgan. Bugungi kunda yangicha pedagogik (innovatsion) texnologiyalar afzalligi zamon sinovidan o'tib interfaol darsning sifat va samaradorligini oshirishda muhim omil ekanligi o'z isbotini topmoqda.

Barkamol, har tomonlama yetuk shaxsni tarbiyalashda innovatsion usullardan foydalanish, yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llash muhim ahamiyat kasb etadi. Shu vaqtga qadar an'anaviy ta'limda talabalarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatib kelingan edi. Bunday usul talabalarda mustaqil fikrlashni, ijodiy izlanish, tashabbuskorlikni so'ndirar edi. Hozirgi kunda ta'lim jarayonida barkamol insonni tarbiyalashda interfaol usullar (innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalari)dan foydalanib, ta'limning samaradorligini oshirishga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan-kunga

kuchayib bormoqda [4]. Zamonaviy texnologiyalar qo'llanilgan mashg'ulotlar talabalar egallayotgan bilimlarni o'zlari qidirib topishlari, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto, xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga qaratilgan. Oqituvchi bu jarayonda shaxs va jamoaning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi, shu bilan bir qatorda, boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik vazifalarini ham bajaradi. Bunday o'quv jarayonda talaba asosiy obyekt, asosiy figuraga aylanadi.

Zamonaviy bilim berish uchun, avvalo, o'qituvchi, o'sib kelayotgan avlodning turli davrlardagi o'zgarishlarini, tashqi muhitning bola organizmiga ta'sirini, gigiyenik ahamiyatini bilib olganidagina ta'lim-tarbiya jarayonini to'g'ri tashkil eta oladi. Yosh avlodni jismoniy sog'lom, aqliy va ruhiy jihatdan tetik, qaddi-qomati kelishgan qilib tarbiyalash uchun har qanday o'qitish shaklidagi bilim muassasalari tarbiyachi va o'qituvchilari bola organizmi fiziologiyasi, uning sensor tizimi fiziologiyasining yosh xususiyatlarini bilishi, bu haqda to'liq ma'lumot va bilimga ega bo'lishi zarur.

Shuningdek, o'quvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash va ta'lim-tarbiya ishlarining samarali shakllari va usullarini ishlab chiqish, ularni amaliyotga joriy etish ko'rsatilgan. Shu sababli uzluksiz ta'lim tizimi uchun zamon talablariga javob beradigan, ijodkor va ijtimoiy faol, raqobatbardosh pedagogik kadrlar tayyorlash maqsadida tinimsiz izlanish taqozo qilinadi. Shu bilan birga yuksak umum madaniyatiga, ijodiy faollikka, siyosiy hamda ijtimoiy hayotda to'g'ri yo'l topa bilish mahoratiga ega bo'lgan, istiqbol vazifalarini ilgari surish va hal etishga qodir kadrlarning yangi avlodini shakllantirish, shuningdek, har tomonlama kamol topgan, jamiyat va turmushda moslashgan, ta'lim va kasb-hunar dasturlarini ongli ravishda puxta o'zlashtirgan, jamiyat, davlat va oila oldida o'z javobgarligini his etadigan fuqarolarni tarbiyalashni nazarda tutgan umumpedagogik g'oyani ilgari surish kerak bo'ladi.

Hozirgi davrda sodir bo'layotgan innovatsion jarayonlarda ta'lim tizimi oldidagi muammolarni hal etish uchun yangi axborotlarni o'zlashtirish va o'zlashtirgan bilimlarini o'zlari tomonidan baholashga qodir, zarur qaror qabul qiluvchi, mustaqil va erkin fikrlaydigan barkamol, komil shaxslar kerak. Shuning uchun ham ta'lim muassasalarining o'quv-tarbiyaviy jarayonida zamonaviy o'qitish uslublari-interfaol uslublari, innovatsion texnologiyalarning o'rni va ahamiyati beqiyosdir. Pedagogik texnologiya va uning ta'limda qo'llanilishiga oid bilimlar, tajriba talabalarni bilimli va yetuk malakaga ega bo'lishlarini ta'minlaydi.

Barkamol insonni tarbiyalash va voyaga yetkazishda ta'lim jarayonida "Innovatsiya", "interaktiv", "interfaol" so'zlarini kop ishlatamiz, ular qanday ma'noni anglatadi?

Innovatsiya inglizcha "innovation" - yangilik kiritish, yangilik degan ma'noni anglatadi. O'qituvchi va talaba faoliyatiga yangiliklar, o'zgarishlar kiritish, buni amalga oshirishda interfaol usullardan foydalaniladi. Interfaol so'zining ma'nosi "Inter" - o'zaro, "akt" - harakat (interaktiv) - o'zaro harakat qilmoq (ta'lim jarayonida bilim beruvchi va bilim oluvchining o'zaro birgalikda, hamkorlikdagi faoliyati), yoki kim bilandir suhbat qilmoq, muloqot tartibida bo'lishni anglatadi. Boshqacha so'z bilan aytganda, o'qitishning interfaol uslublari - bilish va kommunikativ faoliyatni tashkil etishning maxsus shakli bo'lib, unda ta'lim oluvchilar bilish jarayoniga jalb qilingan bo'ladilar, ular biladigan va o'ylayotgan narsalarini tushunish va fikrlash imkoniyatiga ega bo'ladilar. Pedagogik texnologiya masalalari va muammolarini o'rganayotgan ba'zi o'qituvchi, tadqiqotchi va amaliyotchilarning fikricha, pedagogik texnologiya bu - faqat axborot texnologiyasi bilan bog'liq hamda o'qitish jarayonida qo'llanilishi zarur bo'lgan texnika vositalari: kompyuter, videoprojekt or yoki boshqa texnik vositalardir. Aksincha, pedagogik texnologiyaning eng asosiy negizi - o'qituvchi va talabaning belgilangan maqsadi va kafolatlangan natijaga hamkorlikda erishishlari tanlagan texnologiyalariga bog'liq.

Pedagogik texnologiya ilmiy-pedagogik konsepsiyaga asoslanadi. Maqsadga erishishning didaktik, sotsial, pedagogik, falsafiy asoslariga suyanadi. Pedagogik texnologiya tizimi ketma-ketlik, o'zaro bog'liqlik, bir butunlikni saqlashdir. Pedagogik texnologiyaning boshqaruvchilik, ya'ni ta'lim jarayonini rejalashtirish, loyihalash, diagnostika qilish, xulosalash, tuzatish kiritish imkoniyatlari mavjud.

Pedagogik texnologiyalarning samaradorligi ta'limdan kutilgan natijaga erishish va vaqtni tejash imkonini beradi. Pedagogik texnologiyaning tasdiqlanuvchanligi (validnost), ya'ni ishlangan modelni boshqa pedagog qo'llaganida ham shunday, ya'ni bir xil natija beradi. Pedagogik texnologilarni qo'llashda quyidagi bosqichlar tafovut qilinadi:

1-bosqich: o'rganish, esda saqlash, eslab qolish.

2-bosqich: tushunib olish, o'zlashtirganini ayta bilish, isbot qila olish.

3-bosqich: tatbiq eta olish - qoida, qonunni bilish, undan foydalana olish.

4-bosqich: tahlil eta bilish, xulosalash, bir-biriga bog'lash.

5-bosqich: sintez-axborotni ijodiy qayta ishlay olish.

6-bosqich: baho olish, keyingi bilimga o'tish.

Yuqoridagilardan qanday natija kutiladi?

- bilim oluvchining talabi, istagi, tayyorgarlik darajasi qondiriladi;

- o'quv jarayonida bilim oluvchining mas'uliyati, burchini oshiradi;

- mustaqil bilim olish, manbalardan foydalana bilish ko'nikmalarini oshiradi (uyg'otadi);

- mustaqil bilimdan mustaqil tasavvurga, mustaqil tasavvurdan mustaqil fikrlashga o'rgatadi, mustaqil fikr bo'lgach fikrni hurmat qilishga o'rgatadi;

O'zbekiston Respublikasi "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunining 3-moddasida ta'lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy prinsiplari berilgan bo'lib, ular quyidagilardan iborat:

- ta'lim va tarbiyaning insonparvar, demokratik xarakterda ekanligi;

- ta'limning uzluksizligi va izchilligi;

- umumiy o'rta, shuningdek, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining majburiyligi;

- o'rta maxsus, kasb - hunar ta'limining yo'nalishini: akademik litseyda yoki kasb-hunar kollejida o'qishni tanlashning ixtiyoriyligi;

- ta'lim tizimining dunyoviy xarakterda ekanligi;

- davlat ta'lim standartlari doirasida ta'lim olishning hamma uchun ochiqligi;

- ta'lim dasturlarini tanlashda yagona va tabaqalashtirilgan yondashuvi;

- bilimli bo'lishni va iste'dodni rag'batlantirish;

- ta'lim tizimida davlat va jamoat boshqaruvini uyg'unlashtirish.

Pedagogik texnologiya - o'quv jarayonini harakatlantiruvchi kuch va oldindan belgilab qo'yilgan aniq maqsad yo'lidan o'qituvchining kasbiy faoliyatini yangilovchi va ta'limda yakuniy natijani kafolatlaydigan tadbirlar majmuasidir.

O'qituvchi va o'quvchi faoliyatidagi barcha jarayonlar pedagogik texnologiyalar deyiladi. O'qitish tamoyillari ilgari ham bo'lgan, hozirda esa mukammallashtirilgan va yangicha, zamonaviy nom bilan ataladi.

Pedagogik texnologiyalar tasnifiga ko'ra uch turga bo'linadi:

1. Umumpedagogik texnologiyalar (barcha fanlarda qo'llanilishi mumkin texnologiyalar).

2. Xususiy predmetli pedagogik texnologiyalar (xususiy fanlar, maxsus fanlarda qo'llash mumkin bo'lgan texnologiyalar).

3. Lokal (mahalliy) pedagogik texnologiyalar.

O'qitish jarayonida, maqsad bo'yicha kafolatlangan natijaga erishishda qo'llaniladigan har bir ta'lim texnologiyasi o'qituvchi va talaba o'rtasida hamkorlik faoliyatini tashkil eta olsa, har ikkalasi ijobiy natijaga erisha olsa, o'quv jarayonida talaba mustaqil fikrlab, ijodiy izlanib, tahlil qilib, o'zi xulosa qila olsa, guruhga, guruh esa ularga baho bera olsa, o'qituvchi ularning bunday faoliyatlari uchun sharoit va imkoniyat yaratib bera olsa, ana shu-o'qitish jarayonining asosiy negizi hisoblanadi. Pedagogik maqsadning amalga oshishi va kafolatlangan natijaga erishish o'qituvchi va talabaning hamkorlikdagi faoliyati, ular qo'ygan maqsad, tanlagan mazmun, uslub, shakl, vositaga, ya'ni texnologiyaga bog'liq.

Pedagogik jarayonning samarali va natijali bo'lishini ta'minlaydigan interfaol usullarning ba'zilarini misol tariqasida keltiramiz:

**Kognitiv** - talabaning tafakkurini shakllantirishga qaratilgan, jamoa muhokamasini tashkil etish bilan olib boriladigan uslub.

**Eksperimental** - talabaning shaxsiy (jonli) tajriba orttirishiga yo'naltirilgan.

**Rolli o'yinlar, modellashtirish** - hayotiy vaziyatlarni modellashtirish, ma'lum rollarni ijro etish, jamoa tafakkuri, muhokamasi bilan bog'liq uslub.

**Fasilitatsiya-ostonlashtirish** - guruh ishini tashkil etish, aniq, haqiqiy, amaliy topshiriqlar berish, aniq qaror qabul qilish bo'yicha muhokama, faoliyatning haqiqiy rejasini ishlab chiqish, haqiqiy, mojaroli manfaatlarni muvofiqlashtirishga mo'ljallangan uslub.

**Aqliy hujum** -(Mozgovaya ataka) bevosita jamoa bo'lib fikrlarni olib borish, uning yordamida mumkin qadar katta miqdordagi g'oyalarni yig'ish, talabalarni ayni bir xil fikrlashdan xoli qilish, ijodiy vazifalarni yechish jarayonida paydo bo'lgan fikrlarni yengish mumkin.

**Breynstorming** – (Fikrlarning shiddatli hujumi)- bu usul “miyani hayajonga solish” deb yuritiladi, uni jamoaviy ijodiy fikrlash desa ham bo'ladi.

**Breynrayting** - bunda barcha g'oya, fikrlar yozma bayon etiladi, bu uslub o'z g'oya va fikrlarini bayon etishga uyaladigan yoki qiynaladigan ba'zi talabalarga qulaydir. O'z navbatida bu uslub o'qituvchiga ham talabalar bilimini baholashda qulaylik yaratadi. Bu usul yordamida talabalar tomonidan yozilgan fikrlar, g'oyalarning imloviy va uslubiy xatolariga e'tibor qaratilmaydi, yozilgan fikrlar orasida keyinroq xayolga kelgan fikrlarni yozish uchun bo'sh joylar ham qoldiriladi. Talabalar o'z fikrlarini erkin, tanqid qilmasdan ifoda etishga chaqiriladi, g'oyalar tahlili esa keyinroq o'tkaziladi, bu usul yordamida muammoni yechish variantlari imkoni ortadi.

**Klaster** (tarmoqlar) - fikrlarning tarmoqlanishi pedagogik strategiya bo'lib, u talabalarining biror-bir mavzuni chuqur o'zlashtirishlariga yordam beradi. Talabalarni mavzuga taalluqli tushuncha yoki aniq fikrlarni erkin va ochiq uzviy bog'lagan ketma - ketlikda tarmoqlashni o'rgatadi.

**6x6x6** uslubida o'qituvchi guruhning 36 talabasini qisqa vaqt mobaynida biror masalani muhokama qilishga o'rgatish va ular ko'pchiligining fikrlarini bilib olish imkoniyatiga ega bo'ladi.

6 ta guruh (har birida 6 kishidan) ishtirokchilari o'qituvchi tomonidan o'rtaga tashlangan muammoni 6 daqiqa mobaynida muhokama qiladilar. Shundan keyin o'qituvchi 6 ta yangi guruhni shunday tuzadiki, unda oldingi munozara guruhida qatnashganlarning birortasi bo'ladi. Yangi guruh qatnashchilari o'z guruhlarining ish natijalarini muhokama qiladilar. 6x6x6- guruhning barcha a'zolarini faollashtiruvchi uslubdir. Qatnashchilardan har biri qisqa vaqt mobaynida ham munozara qatnashchisi, ham so'zlovchisi ro'lida bo'ladi. Guruhlar bitta muammoni yoki bir muammoning turli jihatlarini muhokama qilishlari mumkin. 6x6x6 uslubi o'qituvchi va guruhlarining faol ishtirokini talab qiladi. Bu usul yordamida bir misol yoki masalaning turli usullar bilan yechilishini isbotlab, guruhlar o'rtasida munozara va muhokamani rivojlantirish va qaysi guruhning isboti mukammal ekanligini aniqlash va shunga bog'liq holda talabalarining bilimini baholash mumkin.

Talabalarining psixologiyasini, xobbisini o'rganishda quyidagi usul qo'l keladi.

**Jadvallar usuli** - o'qituvchi har bir ishtirokchi (baholanadigan) talabaga flamaster va qog'oz bo'lagi beradi va uni to'rt qismga ajratib, har biriga quyidagi axborotni yozishni so'raydi:

- chap yuqorigi burchakda o'zini bir so'z bilan ifodalasin;
- o'ng yuqorigi burchakda o'zi faxrlanadigan narsasini yozsin;
- chap pastki burchakda o'zi to'g'risida birorta sirni oshkor qilsin (jiddiy sir bo'lishi shart emas);
- o'ng pastki burchakda o'zi yaxshi ko'radigan mashg'uloti (xobbisi) ni yozsin.

O'qituvchi ham talabalar bilan bir vaqtda o'z jadvalini to'ldirib boradi. Jadval ayrim kataklarining mazmuni o'quv predmeti yoki mavzuga ko'ra o'zgartirilishi mumkin. Hamma ishtirokchilar o'zlari tayyorlagan jadvallarini o'rtaga olib chiqib namoyish etadilar va devorga ilib qo'yadilar.

Vaziyatli, muammoli holatlardan chiqib ketish, talabalarining bilimi va dunyoqarashini shakllantirish, rivojlantirishda quyidagi usuldan foydalanilsa maqsadga muvofiq bo'ladi.

**Kungaboqar** - talabalar 4-5 kishidan iborat guruhlariga bo'linadi. O'qituvchi o'quv predmeti yuzasidan, mavzudan kelib chiqib, o'rtaga birtta muammoni yoki asosiy muammodan kelib chiqib, har bir guruhga bittadan muammoni tashlaydi. Har bir guruh kungaboqar yasab, uning markaziga doira joylashtirib, barglar yopishtiradi. Mavzuga qarab, doiraga yoki umumiy bitta muammoni yoki har bir guruhning muammolarini yozib doskaga yopishtiriladi.

Belgilangan vaqt ichida guruhlar birgalikda fikrlashib, umumiy yoki bir-birlarining muammolari bo'yicha fikr almashmoqchi bo'lsalar, fikrlarini bargga yozib, uni o'sha guruh muammosi yozilgan bo'lakka joylashtirib qo'yadilar va har bir guruhning “muammoli guli” vaqt o'tishi bilan o'sib boraveradi. O'qituvchi barcha guruh qatnashchilariga muammoniyechishning eng qulay yo'llarini topishga yordam berib boradi. Bu uslubdan o'tilgan mavzunu tushuntirish, uni mustahkamlash va takrorlash hamda talabalar egallagan bilimlarini aniqlashda foydalanish mumkin. Uslub talabalarga muammolarni yechish, umumlashtirish, mustaqil fikrlash va fikrlarini erkin bayon qilishga o'rgatadi.

Keltirilgan usullarni barcha fanlarda bir xil holda qo'llab bo'lmaydi, yangicha, noan'anaviy usullardan matematika fanini o'tishda foydalansa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Fikrlarni tarmoqlash quyidagicha tashkil etiladi:

1. Xayolga kelgan har qanday fikr bir so'z bilan ifoda etilib, ketma-ket yoziladi.
2. Fikrlar tugaguncha yozishda davom etiladi va fikrlar tugasa, yangi fikr kelgunicha biror rasm chizib turiladi.

3. Darsda imkon boricha fikrlarning va o'zaro bog'liqlik ketma-ketligining ko'paytirilishiga harakat qilinishi lozim.

Barkamol avlod, komil inson, har tomonlama intellektual insonni tarbiyalashda nafaqat o'qituvchi, balki talabani o'qituvchi bilan hamkorligi ham muhimdir. O'qituvchi va talabani maqsaddan natijaga erishishida qaysi texnologiyalarni tanlashlari ular ixtiyorida, chunki har ikkala tomonning asosiy maqsadi aniq natijaga erishishga qaratilgan bo'lib, unda talabalarning bilim saviyasi, guruh xarakteri, sharoitga qarab ishlatiladigan texnologiya tanlanadi. Shundagina kerakli kafolatlangan natijaga erishish mumkin.

O'rta asrlar davrida yaratilgan Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarida barkamollikdagi jismoniy yetuklikka alohida ahamiyat berilgan. Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarida voyaga yetayotgan hukmdorga ma'naviy yetuklik bilan bir qatorda jismoniy yetuklik ham muhim ahamiyatga ega ekanligi ko'rsatib o'tilgan. Abdurahmon Jomiy o'zining "Bahoriston" nomli asarida barkamollik haqida fikr bildirganida jismoniy barkamollik masalalarini ham keng yoritadi. Aynan ushbu asarda jismoniy barkamollikka erishish uchun inson o'z tanasini aqli orqali bilishi va uni mashqlar yordamida rivojlantirishi mumkinligi haqida ma'lumotlarni yozib qoldirgan. Inson komilligini uning ma'naviy va jismoniy yetukligi belgilab berishini tibbiyot ilmi sultoni mutafakkir Abu Ali ibn Sino o'zining mashhur "Tib qonunlari" asarida batafsil ta'riflab bergan.

Umuman olganda, har tomonlama yetuk, barkamol insonni tarbiyalashda interfaol, innovatsion texnologiyalarni qo'llab talabani ta'limning markaziga olib chiqish kerak, shundagina ular komillik sari intiladilar.

**ADABIYOTLAR**

1. **Каримов И.А.** Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. **Каримов И.А.** Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998. – 20 б.
3. **Векова N.** Interfaol usullar-dars samaradorligining asosiy omili.–Т.: Muharrir, 2010. – 85 b.
4. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учебное пособие /Под.ред. Полад Е.С. – М.: Академия, 2005.
5. **Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А.** Таълимда инновацион технологиялар. (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).– Т.: Истеъдод, 2008. – Б. 6-14-16.

**ТАЛАБА ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН ИККИЛАМЧИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИНГ  
ТАНЛАНИШИГА САБАБ БЎЛУВЧИ МОТИВЛАР**

**Улугова Шахлола Муслиддиновна**  
БухДУ Психология кафедраси доценти  
**Қаландарова Гулқанд Маъмуровна**  
БухДУ магистратура талабаси

**Таянч сўзлар:** касбга мослашув, ижтимоий мослашув, кенг ижтимоий мотивлар, тор ижтимоий мотивлар, ижтимоий ҳамкорлик мотивлари.

**Ключевые слова:** профессиональная адаптация, социальная адаптация, широкие социальные мотивы, узкие социальные мотивы, мотивы социального сотрудничества.

**Key words:** professional adaptation, social adaptation, broad social motives, narrow social motives, social cooperation motives.

*Ушбу мақолада талаба қизлар томонидан иккиламчи касбий фаолиятнинг танланишига сабаб бўлувчи мотивлар ҳақида сўз боради.*

*В данной статье идет речь о причинах выбора студентками 2-го профессионального образования.*

*The article deals with the motives of female students to choose a second profession.*

Интернет маълумотларига кўра, шахс у ёки бу даражадаги янги шароит билан тўқнаш келар экан, янги вазиятга мослашиш ва унумли фаолиятни таъминлаш психологиянинг асосий вазифаларидан биридир. Замонавий психология фанида бундай жараён мослашиш деб аталади ҳамда бу ибора янги шароитга хос бўлган шартларни янги касб эгаси (масалан, тадбиркор қизлар) томонидан ўзлаштирилишини назарда тутди.

Муаллифларнинг эътироф этишларича, шахснинг касбий фаолиятга мослашувида меҳнат субъекти сифатидаги шаклланиш хусусиятлари, меҳнатнинг шарт-шароитлари, йўллари ва усулларини ҳамда унга кўникишни ўзлаштириши муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятда касбий фаолиятга мослашиш муаммоларини ўрганишда қуйидагилар муҳим ўрин эгаллайди:

- муайян касбий фаолият турларининг психологик хусусиятлари (унинг воситалари, мазмуни, ташкил этиш ва шарт-шароитлар, хатолар таҳлили, касблар классификацияси ва бошқалар);
- шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг меҳнат самараси, муваффақияти ва хавфсизлигига таъсири;
- шахс касбий лаёқати шаклланишининг психологик қонуниятлари (касбга йўналтириш, касбий танлов, касбий тайёргарлик, меҳнатга мослашув);
- касбий фаолият эгасининг функционал ҳолати (толиқиш, эмоционал зўриқиш, стресс, монотония ва бошқалар) ва уларни диагностика, профилактика ва коррекция қилиш усуллари;
- инсон ва техника муносабатларининг психологик қонуниятлари;
- янги техникани яратиш ва қўллаш жараёнининг инженер-психологик таъминоти (лойиҳалаш, баҳолаш, дастурлаш) [1].

Илмий манбаларнинг далолат беришича, касбий фаолиятни такомиллаштириш йўллари, усуллари ва воситаларини ўрганишдан ташқари, инсон психикасининг фундаментал ҳодисалари (меҳнат субъектининг шаклланиши, ҳолат регуляцияси механизмлари, меҳнат шароитида шахс хусусиятларининг роли, касбий қобилиятларнинг шаклланиши ва энг асосийси, ўзгаришлар жараёнида янги касбий фаолият турига ёки иккиламчи касбий фаолиятга мослашиши ҳамда ресоциализацияси)ни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бизга маълумки, инсонга хос барча хислатлар жамиятдаги у ёки бу муносабат ва ҳодисаларнинг индивид томонидан фаол тарзда ўзлаштирилиши, деб эътироф этилади. Лекин, индивид инсоният томонидан яратилган тажрибани, маданият ютуқларини шунчаки қабул қилмай, балки ўз захираси, жинси ва ҳатто, туғма хусусиятлари билан чамалаган ҳолда ўзлаштиради. Бундай ўзлаштириш инсондан кўр-кўрона тақлид эмас, балки ички фаолликни талаб этади. Жамиятдаги хулқ намуналари ва шахс ички имкониятларининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда бунинг асосидаги уйғунлашув жараёни, бозор муносабатлари шароитида жинсий дифференциацияга асосланган турли роллар (рафиқа, она, фарзанд)ни, ҳатто, бир жинс вакилида (қизларда) мужассамлашишига имкон яратади, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишни тақозо қилади, ижтимоий-психологик мослашувчанликка таъсир этади ҳамда ресоциализация жараёнида бош омил ролини бажаради.

Ҳамкорликдаги фаолият – бу умумий мотивлар ва фаолият мақсади асосида касб эгалари томонидан олиб бориладиган иш фаолияти ҳисобланади ҳамда унинг психологик тизимида: умумий мақсад, аниқ вазибалар, умумий мотив, ҳамкорликдаги ҳаракат, умумий натижа каби таркибий жиҳатлар бўлади. Бозор муносабатлари шароитида ҳамкорликдаги фаолиятнинг умумий белгилари ва унинг субъектлари (давлат ва фуқаролар) ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Жамиятдаги ўзгаришлар хотин-қизларнинг иккиламчи касбга эга бўлишига ва шу касб бўйича касбий-мавқеига эришишга бўлган индивидуал-психологик хусусиятларига, мотивацион соҳасига таъсир этади ҳамда ҳамкорликдаги фаолият субъектининг асосий тавсифномасидан аниқ мақсадлилиқ, натижавийлилиқ, мотивация, ташкилотчилиқ каби хусусиятлари ўрин олади [2].

Тадқиқотимизда талаба қизлардаги касбий фаолият шаклланиши В.С. Мухина томонидан тақлиф этилган «Ўзини-ўзи англаш концепцияси» нуқтаи назаридан ўрганилади. Бу концепциянинг асосида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар инсон онтогенези давомида шахс томонидан жамиятдаги мавжуд нормативлар, установкалар орқали ўзлаштирилиши ва ушбу қадриятларни англаш эса ўзини-ўзи англаш жараёни орқали амалга ошиши ғояси ётади. Шу муносабат билан ўзгаришлар жараёнига шахснинг ижтимоий-психологик мослашуви иккиламчи касбий фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларини англаш ўзини-ўзи англашнинг асосий тамойилларидан бирини ташкил этади.

Бозор муносабатлари шароитида хотин-қизларнинг иккиламчи касбий фаолиятга мослашувининг асосий жиҳатлари объектив ва субъектив омилларга боғлаб ўрганилади.

Бунда касбий фаолиятга мослашувнинг куйидаги иккита ўзаро боғлиқ асосий жиҳатлари фарқланади:

- касбга мослашув;
- ижтимоий мослашув.

1. Касбга мослашув. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ мослашувнинг бундай жиҳати ҳам ўқиш, ҳам меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган талаба қизлардан ташкил топган «Т<sub>к</sub>» гуруҳ вакилаларидан бажариладиган ишга қўйиладиган талабларни ўзлаштиришни тақозо қилади. Бу хил мослашувда объектив ва субъектив омиллар мавжуд бўлиб, касбий мослашувнинг объектив омиллари сифатида талаба қизларнинг маълумоти, малакасини санаб ўтиш мумкин. Субъектив омиллар қаторига эса талаба қизларнинг тадбиркорлик фаолияти (касб)га бўлган муносабати, янги иш жойидан кутаётган даромади ва фойдасини киритиш мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўзгаришлар жараёнида ҳам ўқиш, ҳам меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган талаба қизларнинг касбга мослашувини психофизиологик жиҳатига тадбиркорлик субъектидаги меҳнат шароитининг психофизиологик ва тиббий-гигиеник томонлари киради. Мослашувнинг ушбу турини ифодаловчи асосий кўрсаткич сифатида тадбиркорнинг толиқиш даражасини олиш мумкин. Ҳам ўқиш, ҳам меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган талаба қизлар ўзининг ҳолатини, иш шароити ва бажараётган меҳнати оғирлигини баҳолаши ушбу мослашув турининг субъектив томонларидир.

2. Ижтимоий мослашув Н.Корнелиуснинг мулоҳаза этишича, ижтимоий-психологик мослашув деганда, шахснинг меҳнат жамоасидаги мавжуд муносабат тизимига мослашиши, жамоага хос бўлган меъёр (норма) ва қоидалар ҳамда унга гуруҳ томонидан белгиланган ролни ва мавқени қабул қилиш жараёнига айтилади. Бундай мослашувнинг муваффақиятли ўтиши касб эгасининг характер хислатларига, унинг мулоқотга мойиллигига, ҳаётий тажрибаси ва дунёқарашининг янги шароит талабларига мос келишига боғлиқ. Гуруҳнинг аҳиллиги, унинг маданият даражаси ва асосийси унинг эгилювчанлиги бу хилдаги мослашув жараёнининг муваффақиятли ўтиши гаровидир [3].

Касбий фаолиятни танлашда меҳнат эгаларининг шахсий-инсоний омилнинг сифати - билим даражаси, иш малакаси ва тажрибаси юқори бўлса, мослашув жараёни тез кечиб, унумдорлик ортади ёки аксинча. Ишлаб чиқаришнинг табиий шароити қанчалик қулай бўлса, ижтимоийлашув жараёни тезлашади ҳамда талаба қизлар томонидан англланган равишда танланган янги фаолият турида унумдорлик шунчалик юқори бўлади.


**Ҳам ўқиш, ҳам меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган талаба қизлар томонидан иккиламчи касбий фаолиятнинг танланилиши ва давом эттирилишига сабаб бўлган мотивлар рейтинг (n=77)**

| №   | Мотивлар                                                        | T <sub>к</sub> |
|-----|-----------------------------------------------------------------|----------------|
|     |                                                                 | n=77           |
| 1.  | Атрофдагиларга ишнинг фойда келтириши ва ватан равнақи          | 56             |
| 2.  | Хотин-қизларга яратилган комфорт шароитлар                      | 21             |
| 3.  | Мутахассисликни ошириш ёки касбий фаолиятни янгилаш имконияти   | 29             |
| 4.  | Моддий манфаатдорлик                                            | 53             |
| 5.  | мустақилликка интилиш ёки кўпроқ ўз вақтига эга бўлиш имконияти | 23             |
| 6.  | Референт гуруҳ тавсиясига асосан                                | 4              |
| 7.  | Янги жамоада ёки обрўли ташкилотда ишлаш имконияти              | 43             |
| 8.  | Имкониятларни рўйбга чиқариш эҳтиёжи                            | 13             |
| 9.  | Вазият тақозоси                                                 | 8              |
| 10. | Яна қандай?                                                     | 3              |

Ижтимоий-психологик сўровномадаги «Нега сиз айна вақтда янги меҳнат ёки иккиламчи касбий фаолият(и) билан шуғулланишни давом эттираяпсиз?» – деган саволга 72,7% респондент ўз жавобларида атрофдагиларга ишнинг фойда келтириши ва ватан равнақини; 27,3% синалувчилар ҳукумат томонидан яратилган комфорт шарт-шароитларни; 37,6%и мутахассисликни ошириш ёки касбий фаолиятни янгилаш имкониятини; 68,8% хотин-қизлар молиявий муаммоларга барҳам бериш мақсадида моддий манфаатдорликни; 29,8% и – мустақилликка интилиш мотиви ёки кўпроқ ўз вақтига эга бўлиш имкониятини; 5,2% и

референт гуруҳ тавсиясини; 55,8% и яхши жамоада ёки обрўли ташкилотда ишлаш имконияти; 16,9% и ўз имкониятларини рўёбга чиқариш эҳтиёжини ва 10,4% и вазият тақозосига кўра мажбур эканликларини сабаб қилиб кўрсатган ҳолда жавоб беришган бўлса, яна 3,9% и ўз вариантларини келтириб ўтишган.

**Ҳам ўқиш, ҳам меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган талаба қизлар томонидан иккиламчи касбий фаолиятни танланилиши ва давом эттирилишига сабаб бўлган мотивлар рейтингини (n=77)**



Адабиётлар таҳлилидан кўринадики, касбий фаолиятнинг асосий моҳияти инсоннинг ўз атрофидаги шарт-шароит, ижтимоий муҳит талабларини қабул қилиши ва ўзлаштиришида намоён бўлади. Мазкур таъриф ўзгарувчан жамият миқёсида таҳлил этилганда, талаба қизларнинг ўзлари бажариши лозим бўлган фаолият билан танишиши ҳамда янги муҳит талабига мос равишда ўз хулқ-атворларини ўзгартириб боришини назарда тутди. Ташкилотда ходимлар мослашуви ишга янги келган ёки ўзгарган меҳнат шароитларига кўникиши лозим бўлган мутахассисга тегишли деб қаралади [4].

Ходимнинг янги меҳнат жамоасига қанчалик тез мослашиши унинг самарали меҳнат фаолиятини эрта бошлаб юборишидаги асосий омилдир. Республикамизда босқичма-босқич амалга оширилаётган бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодиёт субъектлари янги касб эгасининг мослашуви учун жуда қатъий шартлар қўйяпти.

Ижтимоий-психологик сўровномадаги «Янги меҳнат ёки иккиламчи касбий фаолият(и)га мослашишингизга тўсиқ бўлган омиллар» – деган саволга респондентларнинг фикрича, ўзгарувчан шарт-шароитга мослашишдаги мавжуд қийинчилик турли хил сабаблар орқали изоҳланади.

**Талаба қизларнинг иккиламчи касбий фаолиятга мослашишда қийинчиликлар келтириб чиқарувчи асосий мотивлар (n=77, фоиз ҳисобида)**

| №  | Мотивлар                                                                                                                     | Т <sub>к</sub> |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|
|    |                                                                                                                              | n=77           |
| 1. | Мослашув даврининг қисқалиги                                                                                                 | 45,5           |
| 2. | Касбий фаолият турига доир янги технологиялар ёки инноваци яларнинг жорий этилганлиги ва уларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар | 7,8            |
| 3. | Устоз-шогирд тизимининг шаклланмаганлиги                                                                                     | 6,5            |
| 4. | Ҳатто бир меҳнат бўлими, гуруҳи чидаги рақобатнинг мавжудлиги                                                                | 40,2           |

«Т<sub>к</sub>» гуруҳига мансуб қизлар томонидан 6,5% и учун асосий қийинчилик сифатида «устоз-шогирд тизимининг шаклланмаганлиги» эътироф этилса, 45,5% и учун «мослашув даврининг қисқалиги» бош муаммо саналади. Психологик тадқиқотлардан маълумки, бир жойда бир жинсли меҳнат субъектларининг фаолият юритиши ўзаро рақобат муҳитини шакллантиради. Худди мана шу ҳолат, фикримизча, иккиламчи касбий фаолият турини танлаган талаба қизларнинг ижтимоий-психологик мослашув жараёни ўтишидаги асосий қийинчиликдир

ИПС натижалари таҳлилининг кўрсатишича, юқоридагидан ташқари қатор ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий омиллар ҳам борки, улар янги касб эгасининг ишга мослашувини қийинлаштиради ва улар ўз моҳиятига кўра объектив омиллар тоифасига киради. Булар қаторига «ноқулай иш шароити», «меҳнатнинг оғирлиги», «ходимлар ўртасида мажбурият ва ҳуқуқнинг ноаниқ тақсимланганлиги», «ходим малакасининг касб талабларига мос келмаслиги», «бажариладиган меҳнатни таъминловчи ресурслар етишмаслиги», «рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш тизимидаги хатолар», «адолат тамойилининг бузилиши» ва бошқа сабаблар киради.

Тадқиқотлар натижасига кўра, талаба қизларда ўз устида кўпроқ ишлаш ва ўзини такомиллаштириш эҳтиёжи етакчи ўринни эгаллайди. Турли устувор эҳтиёжларнинг гуруҳларга тааллуқлигини изоҳлайдиган бўлсак, бу ҳолат устувор эҳтиёжи бўйича фарқ қилувчи бошқа гуруҳ аъзоларига нисбатан талаба қизларнинг анчагина ёш, тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган бошқа шахсларга нисбатан камроқ тажрибага эгаллиги ва тадбиркорликдан ташқари ўқиш фаолияти билан ҳам шуғулланиши билан боғлиқ. Ўқиш фаолияти эса ўз навбатида шахслараро муносабатлар зичлигини ва аҳамиятлилигини эътироф этади. Шу сабабдан бўлса керак, ижтимоий эҳтиёжлар талаба қизларда устувор кўринишга эга.

Натижаларнинг умумлашган таҳлили шуни кўрсатяптики, мазкур гуруҳ тадбиркорлари жамоада, ўз ҳамкасабалари ва яқинлари нигоҳида ҳурматли ва ардоқли бўлиш истаги билан яшайдилар. Назаримизда, улар тадбиркорлик фаолиятида маълум етуқликка эришадилар, бозор муносабатларига ижобий мослашадилар ва муваффақиятли фаолиятнинг аниқ стратегиясини кўз олдларига келтира оладилар. Шу сабаб бўлса керак, бозор иқтисодиёти шароитида танланган янги касбий фаолият улар учун асосий мақсад ва ўзликни намоён этиш воситасига айланган. Бундай мослашувчан ҳолат эса улардан самарали тадбиркорлик фаолиятида бўлишни, бу касбни улуглашни эътироф этади. Юқоридаги сабаблар туфайли талаба қизлар тадбиркорлик фаолиятини ўз-ўзини такомиллаштириш воситаси деб биладилар. Ва айна пайтда улар гуруҳи аъзолари тадбиркорликни ижтимоий муносабатлар соҳасида муваффақиятга эришишининг воситаси сифатида қабул қилишлари мумкин. Бундан ташқари, кўпчилик талаба қизларнинг ўзини такомиллаштириш эҳтиёжини устувор деб кўрсатишлари, бу тоифа орасида бозор муносабатлари шароитида ушбу фаолиятнинг шахсий қийматга айланиб бораётганлигининг далолатидир.

Иқтисодий билимлар билақотлар натижасига кўра, талаба қизларда ўз устида кўпроқ ишлаш ва ўзини қуролланган талаба қизларнинг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи тўғрисидаги билимлари уларнинг шахсий тажрибаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, маълум бир тасаввурлар тизимини ташкил этади. У ёки бу объект ёхуд ҳодиса ҳақида билимнинг йўқлиги тасаввурнинг ҳам йўқлигидан дарак беради ҳамда муҳитга мослашиш жараёнини секинлаштиради. Шахсгача етиб келаётган маълумотлар ва улар асосида шаклланаётган билимлар аниқ ёки ноаниқ, тўғри ёки нотўғри бўлиб, бирор нарса ва ҳодисалар таъсири воситасида шаклланади ва бу бевосита бўлгани учун тасаввурлар ҳам ана шу замида пайдо бўлади [5].

Бозор муносабатларига оид тасаввурлар юзаки, чуқур маъноли, кенг миқёсли ёки тор бўлгани учун ҳам уларнинг ҳар бирининг шахсида қай даражада шаклланганлиги ҳақида ўзига хос фикр юритиш мумкин. Жумладан, иқтисодий тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини уч хилга бўлиш мумкин: қуйи, ўрта ва юқори даражали. Бу даражаларнинг ҳар бири тасаввурлар образининг реал объектларга қанчалик мос келиши ва онда адекват акс эттирилиши, яъни реалликдаги прототипига мос келиши билан боғлиқдир. Натижаларга кўра, талаба қизларнинг бозор иқтисодиёти жараёни билан боғлиқ тасаввурлар шаклланганлигининг қуйи даражаси, одатдагидай оддий, содда, кундалик икир-чикирлар юзасидан пайдо бўладиган образларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Унда объектлар ҳақидаги тасаввурлар анча хира, тартибга солинмаган, тизимсиз, тарқоқ бўлиб, унинг йўқолиши ҳам шунчалик осон кечади. Шунинг учун ҳам мазкур содда образлардан ушбу гуруҳ тадбиркорлари ўзлари учун аҳамиятлисини ажратиб олиш жараёни қийин кечади.

Фикримизча, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва турли хил ҳолатий моделлар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда эгилувчан ёндашувни қўллаш зарур эканлигини кўрсатади. Ҳолат тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш

учун касбий фаолиятда шахс ўзининг қобилиятлари, масаланинг моҳияти, эҳтиёжлар ва берилаётган ахборотлар сифатини жуда яхши билиши зарур. Ҳаттоки, жуда жозибали ва мукамал ҳисобланган Мак Грегорнинг «Ү» назарияси ҳам маълум бир фаразлардан холи бўлмаганлиги сабабли, мавжуд омиллар тўғрисида аниқ баҳо бера олмайди [6]. Бундан ташқари, юқорида келтирилганларни яхши тасаввур қила туриб, кишилар тўғрисида фикр-мулоҳаза қилганда жуда осон адашиш мумкин. Шунинг учун, ўзгаришлар шароитида ҳам ўқиш, ҳам меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган талаба қизлар ўзининг дастлабки фикрларини қайта кўриб чиқишга, зарур бўлиб қолса ўзининг услубига тезкор ўзгартиришлар киритишга ҳар доим руҳан тайёр бўлиши керак.

#### АДАБИЁТЛАР

1. **Свенцицкий А.Л.** Социальная психология: Учебник. – М.: Проспект, 2005. – 336 с.
2. **Каримова В.М., Ҳайитов О.Э., Акрамова Ф.А., Лутфуллаева Н.Х.** Психология: нопедагогик ва нопсихологик олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007. – 308 б.
3. **Корнелиус Н.Н.** Менеджмент: поиск, подбор, тренинг, адаптация, мотивация, дисциплина, этика. – Днепропетровск, 2005. – 520 с.
4. **Каримова В.М.** Оила психологияси: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. – Т.: Fan va technology, 2008. – 245 б.
5. **Ильин Е.П.** Мотивация и мотивы. - СПб.: Питер, 2008. – 512 с.
6. **Ҳайитов О.Э.** Иқтисодий психология: Ўқув қўлланма. Олий ўқув юртлари магистратура босқичи талабалари учун. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 234 б.

### ШАХСДАГИ АГРЕССИВ ХУЛҚ-АТВОР ШАКЛЛАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Олимов Лазиз Ярашович**

*БухДУ Психология кафедраси катта ўқитувчиси*

**Остонов Жасур Шопиржонович**

*БухДУ Психология кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** агрессия ва агрессив хулқ-атвор, шахс агрессив хулқ-атворининг шаклланиш шароитлари, агрессия ва делинквент хулқ-атвор.

**Ключевые слова:** агрессия и агрессивное поведение, условия формирования агрессивного поведения личности, агрессия и делинквентное поведение.

**Key words:** aggression and aggressive behavior, the conditions of formation of aggressive behavior of a person, aggression and delinquent behavior.

*Мақолада шахс тараққиётининг маълум бир босқичларида агрессив (тажовузкор) хулқ-атворнинг шаклланиши ва намоён бўлиши таҳлил қилинган.*

*В статье проанализированы определенные этапы формирования у личности агрессивного поведения.*

*The formation and manifestation of an aggressive behavior at a certain stages of a person's development are analyzed in the article.*

XXI асрда инсон ва унинг мукамаллиги муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди. Бугунги кунда шахслараро муносабатлар тизимида шахснинг маънавий ҳамда руҳий тарбияланганлиги катта аҳамият касб этиб, бола хулқ-атворини камол топтириш муҳим ҳисобланади. Айни пайтда шахс хулқ-атворида намоён бўладиган агрессив хулқ ва унинг келиб чиқиши, намоён бўлиши сабабларини психологик нуқтаи на зардан ўрганиш психологлар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Агрессив хулқ-атвор пайдо бўлишида кўпгина омиллар, шунингдек, шахснинг индивидуал, жинс ва ёш хусусиятлари, ташқи жисмоний ва ижтимоий шароитлар иштирок этади. Масалан, агрессивликни шовқин, тиқислик, экологик муаммолар, об-ҳаво шароитлари ва бошқалар таъминлаши мумкин. Кўпгина тадқиқотчиларининг фикрича, шахснинг агрессив хулқ-атворининг шаклланишида асосий ролни бевосита унинг атрофидаги ижтимоий муҳит ўйнайди.

Агрессив хулқ-атворнинг характери кўпгина ҳолатларда инсоннинг ёш хусусиятлари билан белгиланади. Шахс тараққиётининг ҳар бир босқичи ривожланишнинг махсус алоҳида

вазиятига эга ва шахсга маълум талаблар қўяди. Шахс тараққиётининг ёшга боғлиқ талабларига адаптация, одатда, агрессив хулқ-атворнинг турли намойишлари билан кузатилади. Маълум бўлишича, кичик ёшдаги болалар агар тез-тез, баланд овозда ва бирор нарса талаб қилиб йиғласалар, уларнинг табассум қилиши кузатилмаса, бошқалар билан алоқа қилмаса шу орқали агрессивлик хусусиятларини намоён этадилар. Шу билан бирга шундай факт маълумки, кичик болаларда она муҳаббатини сақлаб қолиш учун янги туғилган укаси ёки синглисига нисбатан ваҳшийлик намойиш этишга мойиллик кузатилади.

Болалар боғчасининг талабларига мослашиб, болалар бир бирини чимдилаши, мазахлаши, бир-бирига тупуриши, уришиши, тишлаши ва, ҳаттоки, егулик бўлмаган нарсаларни ютиши ҳам мумкин. Бундай ҳаракатлар айрилмасдан содир этилади – импульсив, онгсиз ва очиқ ойдин. Ушбу ёшда пассив агрессивлик намойиши негативизм ҳисобланади, қайсарлик, гапириш ёки овқат ейишни рад этиш, тирноқлари ёки лабларини тишлаш. Таъкидлаш жоизки, мактабгача ёшдаги боланинг уйидаги хулқ-атвори кўпроқ оиладаги эмоционал иқлимга боғлиқ, болалар гуруҳи эса ўз навбатида тарбиячи ички ҳолатининг ёрқин акси ҳисобланади. Агар у ёки бу агрессияни намоёиш этсалар ёки кечираётган бўлсалар, болалар томонидан агрессияни такрорлаш эҳтимоли ошади. Умуман олганда, болалар агрессивлиги ҳимоясиз эканлигининг тескари томони ҳам мавжуд бўлиб, агар бола ўзини ҳимоясиз сезса (масалан, қачонки унинг муҳаббатга ва хавфсизликга бўлган эҳтиёжлари қониқтирилмаса), унинг кўнглида кўпгина қўрқувлар пайдо бўлади. Ўзининг қўрқувларини эгаллашга интилиб, бола ҳимояланиш учун агрессив хулқ-атвордан фойдаланади. Қўрқувни бартараф этишнинг яна бир эҳтимолий йўли агрессияни ўзига йўналтириш, яъни аутоагрессия бўлиб, турлича ифодаланиши мумкин, масалан, ўзини йўқотиш (хаёлан ўлдириш), уятчанлик ёки ўзини жазолаш ғояларида ва ҳоказоларда кузатишимиз мумкин.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда агрессия, одатда, заифроқ бўлган ўқувчиларга нисбатан (“танлаган қурбонига”) кўпинча мазах қилиш, босим ўтказиш, уриштириш, жанжаллашиш шаклида кўлланилади. Мактаб болаларининг бир-бирига нисбатан агрессив хулқ-атвори бир қатор вазиятларда жиддий муаммога айланади. Ўқитувчилар ва ота-онанинг бундай хулқ-атворга кескин реакцияси, одатда, болалар агрессивлигини камайтирмасдан, аксинча, уни кучайтиради, чунки у агрессорларнинг мустақиллиги ва кучининг билвосита исботи бўлиб хизмат қилади. Бунга қарамасдан, айнан ўқитувчи, унинг авторитети ва агрессив хулқ-атворга очиқ муносабатини билдириш маҳорати болаларни кўпроқ ижтимоий мақулланган хулқ-атвор шакллари танлашга ундайди [3, 82-93].

Агрессив хулқ-атворнинг ўсмир ёшидаги махсус хусусияти – катталар авторитетининг қўлаши фониде тенгдошлари гуруҳига боғланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу ёшда агрессив бўлиш “кучли бўлиш ёки кучли кўриниш” маъносини англатади. Ҳар қандай ўсмир гуруҳи лидер томонидан қўллаб-қувватлайдиган ўзининг афсоналари ва удумларига эга. Масалан, аъзоликка қабул қилиш удумлари кенг тарқалган (ёки янги келганларни синовдан ўтказиш). Кўзга ташланадиган гуруҳ “униформаси” (умуман ўсмирлар модаси ҳам) удумлар характерига эга. Удумлар гуруҳга тегишлилик ҳиссиётини кучайтирадилар ва ўсмирларга хавфсизлик ҳиссиётини берадилар, бироқ афсоналар уларнинг ҳаёт фаолиятининг асоси бўлиб қолади. Афсоналар гуруҳдаги ички гуруҳ ва ташқи агрессияни оқлаш учун кенг қўлланилади. Масалан, гуруҳ аъзоси бўлмаганларга нисбатан ҳар қандай агрессия қуйидаги гаплар билан оқланади - “улар бизни сотдилар..., биз ўзимизни ҳимоя қилишимиз керак..., биз ҳамма-ни бизни ҳурмат қилишга мажбур қилишимиз керак”. Гуруҳ афсонаси билан руҳлантирилган зўравонлик ўсмирларда ўз кучини тасдиқлаш, қахрамонлик ва гуруҳга содиқлик шаклида кечади. Бир вақтдаёқ, алоҳида вазиятларда агрессив хулқ-атвор ташаббусчилари сифатида алоҳида аутсайдер-ўсмирлар турли сабаблар тўғрисида дезадаптациялашган ўсмирлар ва агрессия ёрдамида ўз мавқеини кўтаришга уриниб кўрган ўсмирлар бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, агрессив хулқ-атвор бола ва ўсмир ёши учун одатий ҳодиса бўлиб қолган. Бундан ташқари, агрессив хулқ-атвор шахснинг ижтимоийлашиши жараёнида бир қатор асосий функцияларни бажаради. Меъёрга мувофиқ, у қўрқувдан қутқаради, ўз қизиқишларини ҳимоя қилишга кўмаклашади, ташқи хавфдан ҳимоя қилади, адаптацияга кўмаклашади. Бу борада агрессиянинг иккита тури ҳақида фикр юритиш мумкин: яхши сифатли адаптив ва деструктив – дезадаптив.

Умуман олганда, бола ва ўсмир шахсининг ривожланиши учун агрессив намоишларнинг ўзи унчалик хавфли эмас, балки уларнинг натижалари ва атрофдагиларнинг нотўғри реакцияси хавфлидир. Агар зўравонлик–эйтибор, ҳукмронлик, тан олиш, пул, бошқа ҳуқуқларни берса, болаларда ва ўсмирларда куч устуворлигига асосланган хулқ-атвор шаклланиши мумкин, бу эса катта инсонларнинг ҳам ижтимоий фаолият асосини ташкил этиши мумкин (масалан, криминал гуруҳларда). Атрофдагиларнинг агрессияни куч билан босишга интилиши кутилган натижага эмас, балки қарама-қарши натижага олиб келиши мумкин.

Катта кишиларда агрессив хулқ-атвор намоишларининг турлари хилма-хил, чунки улар индивидуал хусусиятлар билан белгиланади. Агрессив хулқ-атворни тўлдирувчи, индивидуал-шахс хусусиятлари сифатида, одатда, қуйидаги феъл-атвор қирраларини кўриб чиқадилар: жамоа маъқулламаслиги, асабийлик, гумонсираш, бидъатлар (масалан, миллатига қараб) ҳамда айбдорлик ўрнида уялиш ҳиссиётини сезишга мойиллик. Зўравонликка мойилликни қўллаб-қувватлашда инсоннинг қуйидаги эhtiқоди асосий рол ўйнаши мумкин: инсон ўз тақдирининг якка ҳукмдор хўжайини (баъзан бошқа инсонлар тақдирини ҳам) ҳамда агрессияга унинг ижобий муносабати (фойдали ва нормал ҳодиса сифатида).

Шахснинг агрессив хулқ-атворига таъсир қилувчи бошқа хусусият – унинг фрустрацияни ўтказиш қобилияти. Маълум бўлишича, фрустрация - бу мақсад ёки эhtiёжини қониқтириши йўлидаги тўсқинликдан келиб чиққан ҳолат. Баъзи бир муаллифлар фрустрацияни - агрессив хулқ-атворнинг етакчи сабабларидан бири деб ҳисоблайдилар. Умуман олганда, фрустрация кенг тарқалган ҳодиса ва инсонлар уни бартараф этиш қобилиятлари билан фарқланадилар. Агар агрессив хулқ-атвор фрустрация бартараф этишига муваффақиятли кўмаклашса, у ўргатиш қонунларига мувофиқ, кучайишга кўпроқ эhtiмоли мавжуд. Бу вазиятда, инсоннинг фрустрацияга юқори сезилувчанлиги бўлса, муаммолар пайдо бўлиши мумкин, шу билан бирга агар унда фрустрация бартараф этилишининг ижтимоий рухсат этилган усуллари ишлаб чиқилмаган бўлса [3, 82-93].

Бошқа – жинсий (гендер) омилнинг таъсирини баҳолаганда - эркеклар (ўғил болалар) тўғридан-тўғри ва жисмоний агрессиянинг жуда юқори даражаларини намоиш этадилар, аёллар (қиз болалар) эса бевосита ва вербал кўринишдаги агрессияни намоиш этишга мойил бўлишади. Умуман олганда, эркек жинсига кўпроқ жисмоний зўравонликка мойиллик мансуб, бу борада аёллар кўпроқ муваффақиятли психологик вариантни қўлайдилар. Гендер, ёш ва индивидуал омилларнинг муҳимлигига қарамасдан, кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, агрессив хулқ-атворнинг шаклланишида шахс ривожланишининг ижтимоий шароитлари етакчи аҳамиятга эга.

Энг баҳсли муаммолардан бири сифатида шахснинг агрессив хулқ-атворига оммавий ахборот воситаларининг таъсири муаммосини кўрсатиш мумкин. ОАВ негатив таъсирининг тарафдорлари қуйидаги маълумотдан келиб чиқадилар: инсон қачон ўзини агрессив тутуди, энг аввало, бошқалар агрессиясини кузатиб туриб. Телевидение орқали агрессив хулқ-атворни шакллантириш механизми қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин: меъеридан ортиқ телекўрсатувларга қизиқиш - агрессив хаёллар – ўзини персонаж (қаҳрамон) билан таққослаш - муаммоларнинг ечими ва инсонларга таъсир кўрсатишнинг агрессив усулини ўзлаштириш – агрессив ҳаракатларни такрорлаш - шахсларо муносабатларда муаммоларни ечиш учун агрессияни қўллаш - қўллаб-қувватлаш - агрессив одатлар - ривожланмаган ижтимоий ва ўқув кўникмалари – фрустрация - телекўрсатувларни меъеридан ортиқ кўриш ва бошқалар.

Агрессив хулқ-атворнинг кузатиш орқали шаклланишини бир нечта шартларни бажариш орқали амалга ошириш мумкин. Биринчидан, кўраётгани реал бўлиб, шахсиятига тегиб ўтиши керак. Иккинчидан, кўргани айнан агрессия сифатида қабул қилиниши керак. Учунчидан, қачонки томошабин ўзини агрессорга тенглаштиради агрессия ўтади, аммо аниқ шахс учун агрессия объекти фильмдаги агрессия қурбони сифатида тасаввур қилинади. Ўрганишнинг кейинги принципиал шarti, фильмдаги қаҳрамон агрессия натижасида мақсадига етади ёки роҳатланади, бу эса томошабин учун аҳамиятли.

Умуман олганда, агрессив саҳналарни кўриш кўпчилик катталарга тахмин қилинганга нисбатан тўғри негатив таъсир кўрсатмайди, чунки кузатув ўзи ички ва ташқи шартлар мажмуи билан белгиланади. Зўравонлик саҳналарига инсонларнинг раекцияси турлича бўлиши мумкин: нафрат, ёқимсиз, вертуализация (тасвир этилган ҳодисаларни нореал сифатида қабул қилиш), фақатгина баъзи бир вазиятларда – қойил қолиш ва ўхшашга интилиш. Болада

агрессив хулқ-атворнинг шаклланишига турли оилавий омиллар кучли таъсир қилади, масалан, оила жипслигининг паст даражаси, жанжалкашлик, бола ва ота-она ўртасида яқинликнинг камайиши, болалар ўртасидаги ёмон ўзаро муносабатлар, оилавий тарбиянинг ноадекват усули, кўпинча, жуда қаттиқ жазоларни қўллайдиган ота-оналар, меъёридан ортиқ назорат қиладиган (гиперопека) ёки аксинча назорат қилмайдиган (гипоопека), бундай ота-оналар ўз болаларининг агрессияси ва кулоқ солмаслиги билан кўпроқ тўқнашадилар. Шунингдек, онага нисбатан отанинг агрессияси болага ифодаланган негатив таъсир кўрсатади (жисмоний зўрлаш ёки очиқчасига маънан камситиш) [3, 75].

А.Бандура ва Р.Уолтер ушбу “оилавий” муаммони ўрганиш учун махсус тадқиқот ўтказдилар ва қуйидаги маълумотларга эга бўлдилар. Агрессив ўғил болаларнинг ота-оналари назоратчи гуруҳ (агрессив хулқ-атворсиз) ота-оналарига нисбатан ўз болалари ютуқларига кичик талаблар қўйган эдилар ва уларни болалигида камроқ чегаралаб қўйганлар. Бир вақт-даёқ, кўриб чиқилган ўсмирлар ота-она таъсирига кучлироқ қаршилиқ кўрсатганлар. Агрессив хулқ-атворга эга ўғил болалар отасига нисбатан онасига кўпроқ боғланиб қолган эдилар. Агрессив ўсмирлар ота-оналари кўпроқ мажбур қилиш усулларида фойдаланганлар, назорат гуруҳидагилар эса кўпроқ ички ўзини назорат қилиш усулларида фойдаландилар, масалан, ишонтириш. Агрессив ўғил болалар оталари кескинлик ва болани тез-тез жазолаш тенденцияси билан тавсифланган, оналари эса - талабларнинг умумий паст мослиги вазиятида талабчан бўлмасликлари ва ўзаро муносабатларда самимият йўқлиги билан тавсифланган. Агрессив ўғил болалар ўзини ўз оталари билан камдан-кам солиштиради, назорат гуруҳидаги ўсмирларга нисбатан, улар отасига, одатда, танқидий ва ёмон муносабатда бўлганлар. А.Бандура ва Р.Уолтер ўсмирлар ва уларнинг оилавий шароитлари ўртасидаги ижтимоийлашиш алоқасини ўрганиб чиқиб, бола хулқ-атворини белгилаб берувчи учта асосий хусусиятни ажратганлар:

- қарамлик (жинсий—шахсият) муносабатларини ўрнатишга унинг тайёргарлиги;
- виждонининг ривожланиш даражаси;
- агрессияга нисбатан мотивациянинг кучи.

Муаллифлар фикрича, оила самарали ижтимоийлашиши учун минимал шароитларни яратиши зарур. Биринчи асосий шарт боғлиқлик мотивациясини қўллаб-қувватлаш, бу орқали бола қизиқиш, эътибор ва атрофидагиларни маъқуллашни ўрганади. Иккинчи зарур шарт - бу кетма-кет талаблар ва тақиқлар шаклида “ижтимоийлашишнинг босими” (бу вазиятнинг шarti, ота-оналарнинг ўзи ижтимоий меъёрларни ажратадилар). Аксинча, хулқ-атворнинг ёмон шакллари оилада ота-она муҳаббатига эҳтиёжнинг фрустрацияси, доимий жазолашни қўллаш (яъни хулқ-атворни рағбатлантириш усуллари устидан унинг устуворлиги) натижасида ўрнатилади.

Бошқалардан фарқли равишда “Ижтимоий ўрганиш назарияси” (бихевиорал модель)га кўра, оғма хулқ-атвор ижтимоийлашув жараёнида кузатиш орқали мос хулқ-атвор шакллари-нинг ўзлаштирилиши ва мустаҳкамланиши натижасида юзага келади. Яъни, бирон бир инсоннинг намунавий хулқини ўрганиш жараёни кетмоқда. Ушбу назария Бандура томонидан таклиф этилган бўлиб, қуйидаги жадвалда тажовузкор хулқнинг ўзлаштирилиши, юзага келтирилиши ва бошқарилиши тушунтирилган.

**Бандуранинг ижтимоий ўзлаштириш назарияси**

|                                                   |                                                                                                                                                                                                                                                                    |
|---------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Тажовузкорлик восита орқали ўзлаштирилади:</b> | Биологик омиллар (масалан, гармонлар, асаб тизими);<br>Ўзлаштириш (масалан, бевосита тажриба, кузатиш).                                                                                                                                                            |
| <b>Тажовузкорлик юзага келтирилади</b>            | Намуналарнинг таъсири остида (масалан, қўзғатиш, диққат);<br>Қабул қилиб бўлмайдиган муносабат (масалан, хужум, фрустрация);<br>Қўзғатувчи мотивлар (масалан, пул, фахрланиш);<br>Кўрсатмалар (масалан, буйруқлар);<br>Ғалати ёндашув (масалан, параноик ёндашув); |
| <b>Тажовузкорлик бошқарилади:</b>                 | Ташқи рағбат ва жазо (масалан, моддий мукофот, нохуш оқибат);<br>Кўргазмали тажриба (масалан, бошқаларни қандай мукофотлашганларини ёки жазолашларини кузатиш);<br>Ўз-ўзини бошқариш механизмлари (масалан, фахр, айбдорлик).                                      |

Бандура тажовузкор хулқни таҳлил қилишда қуйидаги учта жиҳатни ҳисобга олган:

1. Мазкур ҳаракатларни ўзлаштириш усуллари;
2. Уни юзага келтирувчи омиллар;
3. Улар мустаҳкамланадиган шароитлар.

Шу боисдан, энг катта аҳамият болаларга тажовузкорликни ўрганишга, ижтимоийлашувнинг бирламчи воситачилари, аниқроғи ота-оналарнинг таъсирига қаратилади. Хусусан, ота-она-

ларнинг хулқ-атворлари тажовузкорлик модели вазифасини ўташи ва агрессив ота-оналарнинг болаларида ҳам агрессивлик кузатилиши исботланди. Шунингдек, ушбу ёндашув намоёндалари кенг диапазондаги тажовузкор реакциянинг инсон томонидан ўзлаштирилиши – ушбу хулқни тўғридан-тўғри рағбатлантиришга киради. Яъни, тажовузкор хатти-ҳаракатининг мустаҳкамланиши мазкур хатти-ҳаракатнинг кейинчалик ҳам такрорланиш эҳтимолини оширади. Шунингдек, натижа келтирадиган тажовузкорлик, яъни тажовузкор хулқнинг қўлланилиши оқибатида муваффақиятга эришиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, “асоциал агрессия назариясига” мувофиқ, болада агрессив хулқ-атворнинг пайдо бўлиши ота-онанинг биттаси ёки иккови томонидан ғамхўрлик ва яқинликнинг етмаслиги билан боғлиқ. Боғланиб қолиш фрустрацияси болада доимий зидлик ҳисси пайдо бўлишига олиб келади, чунки у ўзи учун аҳамиятли бўлган катталарга тақлид қилиш (шу билан бирга эмоционал намоёишларига тақлид қилиш ҳам) орқали ривожланади. Боладаги хулқ-атвор ота-она билан муносабатларда ривожланган, натижада эса бошқа инсонларга ўтказилади (синфдошларига, ўқитувчиларига, турмуш ўртоқларига). Агар аниқ инсонга нисбатан агрессия намоёиши тўхтатилса (ёки турли сабабларга кўра амалга ошириш имкони бўлмаса), агрессия “хавфсизроқ” бўлган янги объектга йўналтирилади.

Кўпчилик тадқиқотчилар эса ҳар хил жинсли болаларга оиладаги ёмон муомаланинг ҳар хил таъсир қилишини таъкидлайдилар. Бир қатор муаллифлар фикрича, қиз болага болалигида ваҳшийлик муносабатида бўлсалар, унда хулқ-атворнинг мазохистик паттерининг ривожланишига мойиллик кўпроқ, ўғил бола эса ўзини кўпроқ агрессор билан таққослайди ва унда садистик йўналиш ривожланишининг катта эҳтимоли мавжуд.

Агрессив хулқ-атворнинг пайдо бўлишида оиланинг етакчи роли ҳақидаги ёндашувнинг яна бир далили - болалар уйда тарбия олаётган болаларда агрессивлик билан боғлиқ бузилишлар устуворлик қилиш вазияти (асраб олинганлардан фарқлироқ). Бир вақтда ота-она ғамхўрлигини кўрмаган барча болалар ҳам агрессив бўлавермайди. Оилавий депривациянинг бошқа натижаси - бу одамови бўлиши, меъёридан кўп қарамлик, бўйсунтиришга ортиқча тайёрлик ёки чуқур хавотирланиш.


Шундай қилиб, ички ва ташқи омилларнинг ёмон таъсирида агрессив қизиқиш ҳақиқатдан ҳам агрессивликнинг ёмон шаклларига айланади - мустаҳкам вайрон этувчи хулқ-атвордан жамият учун хавфли шакллари гача. Бироқ, агрессия, албатта, салбий натижаларга олиб келиши шарт эмас. Масалан, у нафақат янги ва янада янги объектларга йўналтирилиши мумкин, балки фаолиятнинг турли шаклларида бизнесда, ўқишда, спортда, етакчиликда ва бошқаларда алмашиши ҳам (сублимациялаши) мумкин.

А.Басс ва И.Даркининг “Агрессия шакллари ва унинг кўрсаткичларини диагностика қилиш методикаси”да шахсдаги агрессия кўринишлари қуйидаги 8 та асосий агрессия кўринишлари асосида баҳоланган:


1. Жисмоний агрессия - бошқа бир одамга қарши жисмоний куч ишлатиш.
2. Вербал агрессия – салбий ҳис-туйғуларни оғзаки тарзда ифодалаш (жанжал, қий-чув солиш, сўкиниш, таҳдид солиш, лаънат айтиш, қарғиш кабилар).
3. Орқаворотдан бўладиган ёки билвосита агрессия – бошқа шахсга қаратилган ғийбат, пичинг кўринишидаги билвосита олинандиган алам, нафратнинг йўналиши аниқланмаган бўлиши ҳам мумкин (ер тепиш, бақириб чақириш);
4. Негативизм - (воқеликка салбий муносабатда бўлиш, ҳамма нарсани инкор этиш) – раҳбарият ёки обрўга қарши йўналган хулқ-атвор, талаб, тартиб қонунларга қарши пассив монелиқдан фаол хатти-ҳаракат даражасигача бориб етиши мумкин.
5. Жиззакилик – жиззакиликка мойиллик, арзимаган нарсага ҳам портлаб кетиш, кескинлик, қўполлик қилиш.
6. Сергумонлик – ишончсизликка мойиллик, одамлар билан эҳтиёт бўлиб муносабатга киришиш, атрофдагилар зарар етказиши мумкин деган ўй билан яшаш.
7. Ранж – кимдандир ёки бутун оламдан аламзадалик, хаёлан ёки чиндан ҳам келтирилган изтироб, ғазаб, атрофдагиларга нисбатан нафрат, ҳасаднинг намоён бўлиши.
8. Аутоагрессия – ўзи ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларда кузатиладиган айбдорлик ҳисси, ўзига қарши қаратилган хатти-ҳаракат, яъни ўзини айблаш, мен ундоғман, мен бундоғман деб ич-этини ейиш.

Талабалар ўртасида А.Басс ва И.Даркининг “Агрессия шакллари ва унинг кўрсаткичлари-ни диагностика қилиш методикаси” [4, 131] орқали агрессив ҳолатларнинг намоён бўлишини диагностика қилганимизда қуйидагича кўриниш намоён бўлди:

| Агрессия турлари                              | фоизи |
|-----------------------------------------------|-------|
| Жисмоний агрессия                             | 9%    |
| Вербал агрессия                               | 23%   |
| Орқаворотдан бўладиган ёки билвосита агрессия | 21%   |
| Негативизм                                    | 7%    |
| Жиззакилик                                    | 4%    |
| Сергумонлик                                   | 14%   |
| Ранж                                          | 17%   |
| Аутоагрессия                                  | 5%    |



| Агрессия турлари                              | Намоён бўлиши |            |
|-----------------------------------------------|---------------|------------|
|                                               | қизларда      | йигитларда |
| Жисмоний агрессия                             | 2%            | 7%         |
| Вербал агрессия                               | 17%           | 6%         |
| Орқаворотдан бўладиган ёки билвосита агрессия | 16%           | 5%         |
| Негативизм                                    | 4%            | 3%         |
| Жиззакилик                                    | 3%            | 1%         |
| Сергумонлик                                   | 9%            | 5%         |
| Ранж                                          | 9%            | 8%         |
| Аутоагрессия                                  | 1%            | 4%         |



Шубҳасиз, меъёридаги агрессия ҳимояланиш характериға эға ва ҳаёт кечириш учун хизмат қилади. Шу билан бирға, инсоннинг ижодий потенциали ва ютуқларға интилишида фаоллик манбаи сифатида кўринади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Бандура А., Уолтере Р. Подростковая агрессия: изучение влияния воспитания и семейных отношений. – М.: Проспект, 1999. – С. 44-46.
2. Бютнер К. Жизнь с агрессивными детьми. – М.: Просвещение, 1991. – 65 с.
3. Змановская У.И. Девиантология (психология отклоняющегося поведения). – М.: Академия, 2003. – 76 с.
4. Олимов Л. ва бошқ. Психодиагностика. Ўқув қўлланма. – Т., 2014. – Б.131.

## AUTO CAD GRAFIK DASTURIDA DETALNING AKSONOMETRIK PROYEKSIYASINI 3D MODELLASHTIRISH

**Mamatov Dilshod Qodirovich**

*BuxDU Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi kafedrasida katta o'qituvchisi*  
[dilshod555ts@mail.ru](mailto:dilshod555ts@mail.ru)

**Aminov Akmal Shavkatovich**

*BuxDU Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi kafedrasida o'qituvchisi*  
[akmal84ts@mail.ru](mailto:akmal84ts@mail.ru)

**Qodirova Umida Murtazoyevna**

*BuxDU Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi kafedrasida ish yurituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** kompyuter grafikasi, grafik ishlar, kompyuter dasturlari, modellashtirish, 3d, (uch o'lcham).

**Ключевые слова:** компьютерная графика, графические работы, компьютерные программы, моделирование, 3d (deminsion).

**Key words:** computer graphics, graphic works, computer program, modeling, 3D (deminsion).

*Maqolada talabalarning Auto CAD dasturida detalning aksonometrik proyeksiyasini 3D modellashtirish bosqichlari ko'rib chiqilgan.*

*В статье рассматривается выполнение студентами Auto CAD в аксонометрических проекциях в 3d моделировании.*

*The article deals with the stages of 3D modeling of the object's axonometric projection using the program Auto CAD by students.*


Bizga ma'lumki XXI asr intellektual texnika asri deyiladi. Respublikamizdagi barcha oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarining maxsus xonalari zamonaviy texnik jihozlar bilan jihozlangan.

Chizmachilik ta'limi rivojlanib borayotgan mustaqil davlatimizning barcha tarmoqlarida yangi texnologiyaning yaratilishi va joriy qilinishida inson amaliy faoliyatida tutgan o'rni bilan belgilana di. Jahonda informatika va axborot texnologiyalari jadal sur'atlar bilan rivojlanib, takomillashib borayotgan sohadir.

Zamon talabiga mos fanlarga doir yangi dasturlar keng qo'llanilmoqda. Bu borada kompyuter grafikasi fanidan Auto CAD 2007 3D modellashtirishda ishlash ketma-ketligini o'rganishda quyidagilarga rioya qilinadi.

Auto CAD 2007 grafik dasturi ish stolidan tanlanadi, dastur ishga tushganda **(3D моделирование)** 3D modellashtirish hamda **(классический Auto CAD)** 2D Auto CAD tugmasi chiqadi. **(3D моделирование)** 3D modellashtirish tugmasi bosilib, Auto CAD ishga tushadi. Bu bosqichni Auto CAD 2007 grafik dasturi ish stolidan **“Рабочие пространства”** ish hajmidan tanlab olish mumkin (1-shakl).

Auto CAD dasturi ish stoli sizga uch o'lchamli fazo korinishida bo'lib, jismning gorizontal (H) ko'rinishi to'rsimon holatda bo'ladi.




1-shakl

Auto CAD 2007 dasturida ish stoli o'ng tomonidagi 2-belgida , **“3D построения”**- uch o'lchamli yaratish panelida  **(политело)** polijism,  **(ящик)** quti,  **(клин)** pona,  konus,  shar,  silindr,  piramida,  tor sirt jismlari joylashgan. Keyingi qatorda  **(3D перенос)**

3D ko`chirish,  (3D поворот) 3D burish,  (выдавить) siqib chiqarmoq,  (вытягивание) cho`zmoq,  (вращать) aylantirish,  (сдвиг) siljish,  (посечениям) kesimlar bo`ylab,  (плоская поверхность) tekis sirt, keyingi qatorda  (клеямит),  (объединение) birlashuv,  (вычитание) ayiruv,  (пересечение) kesishuv,  (секущая плоскость) kesuvchi tekislik,  (плоский снимок) kabilar joylashgan.  (3D построения) uch o`lchamli yaratish panelida qo`shimcha  tugma bosilsa, qo`shimcha qurilmalar  (спирал) o`rama,  (проверка и взаимодействия),  (разрез) qirqim,  (придать толщину поверхности) sirt qalinligini berish joylashgan bo`ladi. 3-belgida  "3D орбита" 3D fazosi panelida  (пан) qo`l,  (заморозивание) kattalashtirish,  (зависимая орбита) fazo orbitasi,  (шарнир) aylantirgich,  (обход) aylanib o`tish,  (создать камеру) kamerani yaratish,  (параллельная проекция) parallel proyeksiya,  (перспективная проекция) перспектив проекция. Keyingi qatorda,  (управление видами) ko`rinishni boshqarish,  "3D орбита" 3D fazosi panelida  qo`shimcha tugma bosilsa, qo`shimcha qurilmalardan  (фокусное расстояние) fokus masofa,  (несколько видовых экранов) ekranning bir necha ko`rinishi,  (одновидовой экран) bir ko`rinishli ekran,  (показать камеры) kamerani korsatish,  (параметры анимации) animatsiyani sozlash qurilmalari joylashganligini ko`ramiz.

Ayrim qurilmalardan foydalanib, detalning yozma tasnifiga ko`ra uning aksonometriyasini bajaramiz. Masala sharti: parallelepipedning eni 50 mm, uzunligi 80 mm, balandligi 25 mm o`lchamli, uning ustki asosining markazidan diametri 20 mm bo`lgan ochiq silindri kteshik o`yilgan, parallelepipedning o`ng va chap tomonlari o`rtasidan eni 30 mm, balandligi 25 mm va uzunligi 10 mm o`lchamli ikkita mm etrik to`g`ri burchakli parallelepiped kesib olingan bo`lsa, uning yaqqol tasviri qirqim bilan bajarilsin. Masalaning shartini uch o`lchamli modellashtirishda ko`rib o`tamiz. Auto CAD dasturidagi ish stolidagi holatlar panelida  (сетка) (сетка) to`r,  (орто) (орто) ortogonal,  (привязка) (привязка) bog`lovchi va  (динамик холат) (динамик холат) tugmasini bosib tasdiqlab qo`yish zarur.  (3D построения) uch o`lchamli panelidan  (ящик) quti tanlab olinadi (2-shakl). ish stolidagi ixtiyoriy joyda belgilab parallelepipedning gabarit o`lchamini 50 mm (,) belgisi qo`yib, uzunligi 80mm (,) belgisi balandligi 25 mm yozib probel bilan tasdiqlansa bizda parallelepipedning parametrlari yaqqol ko`rinadi, (3-shakl).



2-shakl




3-shakl

Sichqoncha yordamida Parallelepipedni belgilasak atrofida kichkina uchburchak, to`rtburchak shakllari ko`rinadi. Parallelepipeddagi kichkina uchburchak shakli jismning gabarit o`lchamlarni o`zgartirishi mumkin.

Yani, parallelepipedda berilgan o`lchamga kerakli sonni qo`shish mumkin. Parallelepipeddagi kichik to`rtburchakka sichqoncha ko`rsatgichini olib kelib belgilasak, bizda gabarit o`lchamlarni ko`rsatadi. Barcha jismlar xuddi shunday tarzda ko`riladi (4-shakl). Ikkinchi jism- silindrni belgilab olamiz (5-shakl). Silindrni parallelepipedning burchagidan qo`yamiz, silindrning aylana radiusi 10 mm o`lchamni kiritib, probel bilan tasdiqlaymiz. Silindrning balandligi 25 mmda yozilib, probel bilan tasdiqlanadi (6-shakl). Silindr kichkina to`rt burchak bilan belgilanib, parallelepipedning eni 50 mm bo`lganligi sababli eniga o`tkazilib 25 mm yoziladi va probel bilan tasdiqlanadi. Silindr markazi parallelepipedning chap tomonidagi qirra o`rtasida joylashadi (7-shakl).

Silindrning markazidan parallelepipedning uzunligi 80 mm bo`lganligi sababli, uzunligiga qarab 40 mm yozib, probel bilan tasdiqlanadi. Parallelepipedning ustki asosining markazidagi diametri 20 mm bo`lgan silindr joylashib oladi, (8-shakl). Natijada parallelepipedning o`ng va chap tomonlari o`rtasidan eni 30 mm, uzunligi 10 mm va balandligi 25 mm o`lchamli ikkita simmetrik to`g`ri burchakli

parallelepiped bajarish uchun, yuqorida silindrni bajarganimizdek hosil bo`ladi.  (3D построения) uch o`lchamli



4-shakl




5-shakl



6-shakl



7-shakl



8-shakl



9-shakl

Panelidan  (ящик) qutini tanlab olinadi (2-shakl). Parallelepipedning gabarit o`lchami qo`yib ixtiyoriy joyda yasaladi. Parallelepipedni tanlab sichqoncha menyudan  (переместить) ko`chirish tugmasi bosib parallelepipedning burchagini tanlab ikkinchi katta parallel epipedning burchagiga joylashtiriladi. (9-shakl, 10-shakl) Kichik parallelepipedni sichqonchadagi menyu tugmasini bosib  (копировать) nusxa olish tugmasini bosib olib parallelepipedning o`rtasidan o`ng tomonidagi burchakka simmetrik tarzda joylashtiradi, (11-shakl). Parallelepipedlarning ikkalasini belgilab  (переместить) ko`chirish tugmasini bosib kichik parallelepipedning burchagi tanlanib va katta parallelepipedga simmetrik tarzda eniga 10 mm li o`lcham qo`yamiz, (12-shakl).



10-shakl



11-shakl




12-shakl




13-shakl

Masalan yoki misol tarzida, parallelepipedni ong va chap tomonidagi kichik parallelepiped va markazidagi silindrni o`yib olamiz. Bunda  (3D построения) uch o`lchamli panelidan  (вычитание) ayiruv tugmasi tanlanadi. (13-shakl) Parallelepiped uchta jism kesishi uchun birinchi parallelepipedni tanlab probel bilan tasdiqlanadi. Keyin uchta jism ikkita kichik parallelepiped va silindir tanlab probel tugmasi bosiladi, (14-shakl, a,b). Parallelepipedda silindrsimon va parallelepipedsimon jismlar o`yilgan bo`ladi, (14-shakl, v).  (3D построения) uch o`lchamli yaratish panelidan  (ящик) quti tugmasini bosib detalning markazi tanlanadi. Parallelepipedning gabarit o`lchamlari 50 mm (,) -50 mm (,) -30 mm yozib probel tugmasi bilan tasdiqlanadi, (15-shakl, a, b). Jismni sichqoncha yordamida ikki marta bosilsa, ish stolining chap tomonida rang sozlash chiqadi. Jismning rangini qizil qilib qo`yiladi. Rang sozlashdan barcha jismlarni rang berish mumkin.



(b) 14-shakl



a) b) 15-shakl(a,b)

 (**3D построения**) uch o'Ichamli yaratish panelidan  (**вычитание**) ayirish tugmasi tanlanib fazoda qoladigan detal probel bilan tasdiqlanadi. Keyingi jarayonda yasalgan jism tanlanib probel tugmasi bosib tasdiqlansa, detalning yaqqolida qirqim hosil bo`ladi, (1-shakl),  (**3D орбита**) 3D fazosi panelidan  (**параллельная проекция**) parallel proyeksiyasi tugmasi bosiladi. Ekranida fazo parallel proyeksiyaga o`tadi, (1-shakl).

Xulosa qilib aytish joyizki, biz faqat yozma tasnifiga asosan jismlarning parametri bo`yicha bajardik. Parallelepedsimon jismga boshqa jismlarni kesishuvi natijasida hosil bo`lgan oddiy detalning yaqqol tasvirini qirqimda bajarish yollarini 3d modellashtirishda ko`rib chiqildik.

Dasturni o`rganishda avvalambor chizmachilik fanidagi mavzularni o`zlashtirib, Auto CAD 2D bo`yicha to`la ma`lumotga ega bo`lish zarur. Auto CAD 2007 grafik dasturida nafaqat oddiy hisoblangan detallar balki, murakkab bo`lgan detallarni bajarish va uni qay tarzda ekanligini ko`rishimiz mumkin. Bu avvalambor insonning fazoviy tasavvurini oshiruvchi muhim dasturlardan biri sifatida tavsiya qilinadi.

**ADABIYOTLAR**

1. **Yodgorov J., Sobirov T., Yadgarov N.** Geometrik va proyeksion chizmachilik. – T.: O'zbekiston, 2008. – B. 53-56.
2. **Rixsiboyev T.** Kompyuter grafikasi. – T.: O'zbekiston, 2006. – B. 64-69.
3. **Hayitov B.** Muhandislik kompyuter grafikasidan ma`ruzalar matni. – T.: Durdon, 2014. – 108 b.
4. **Badiyev M., Mamatov D., Safarov G'.** Kompyuter grafikasi. – T.: Durdon, 2014. – 68 b.

**ХОМАКИ РАСМЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ УСУЛЛАРИ**

**Авезов Шерали Наимович**

*БухДУ Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси*

**Нуриллаев Феруз Файзуллоевич**

*БухДУ Ички назорат ва мониторинг бўлими ходими*

**Таянч сўзлар:** абрис, конструкция, компоновка, хомаки расм, натура.

**Ключевые слова:** абрис, конструкция, компоновка, наброска рисунка, натура.

**Key words:** contour, construction, composition, sketch, nature.

*Мақолада хомаки расмлар ва уларни бажариш усуллари ҳамда тасвирларни чизиш қоидалари ҳақида маълумот берилган.*

*В данной статье изложены принципы и основные техники создания наброска.*

*The rules and methods of making sketches and drawing are presented in the article.*

Хомаки расмлар ҳақида гапирилганда уларнинг вазифалари, мақсад ва йўналишларини тўғри аниқлаб олиш керак. Кўпинча «хомаки» тушунчасини расм устида ишлашнинг биринчи босқичи, шаклнинг чизиқли-конструктив қурилиши билан аралаштириб юборадилар. Бу, албатта, тўғри эмас.

Хомаки расм маълум вақт оралиғида кузатилаётган натура ҳақида тўлиқ тасаввур беришни мақсад қилиб қўяди. Хомаки расмлар ҳар хил давомийлик ва ҳар хил ишланишда бўлиши мумкин: иш шарт-шароитлари ва рассомнинг ўз олдига қўйган вазифаларига қараб ярим соатли, бир соатли, ўн минутли ва ҳоказо.

Хомаки расм ўқувчини тез фикрлаш, тасвирлашнинг энг ишончли ва мантиқий воситаларини қидириб топишга ўргатади, кузатувчанлигини ривожлантиради. Хомаки расм рассомни унча моҳияти бўлмаган нарсаларни четга чиқариб ташлаб, диққатини асосий нарсага қаратади. Хомаки расм ўқувчида мустақилишга бўлган тайёргарлик даражасини намоён этади. Бундай расмлар талаба тасвирий саводхонлиги қонуниятларини осон ва тез қўллаш билишга ўргатиши лозим.

Натурадан унинг ўзига хос хусусиятлари билан қисқагина хомаки расм чизиб олиш, асосан, тез кўриш ва идрок қила билиш қобилиятларини ўстириш учун мўлжалланади.

Идрок этишнинг «умумийликдан хусусийликка ва хусусийликдан умумийликка» тасвирлаш усули таълим жараёнида босқичлар бўйича давомли ўқув расминини бажаришда ўз тасдиқини топади.

Кузатиш, идрок қилиш ва хомаки расмни ижро этишлар кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзиде содир бўлади. Хомаки расмлар чизишда фойдаланиладиган усулларни фарқлаш уларнинг олтита турини белгилаб олиш имконини беради. Хомаки расмлар ва уларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

-натурани кузатган ҳолда ундан бошидан охиригача бевосита ижро этиладиган хомаки расмлар;

-комбинация усули (дастлаб натурадан кузатиб, кейинчалик натурасиз – хотира бўйича) билан ижро этиладиган хомаки расмлар;

-фақат хотирадан бажариладиган, яъни кузатишдан кейин бирор вақт ўтгандан сўнг, онгда кўриш қобилияти мустаҳкамланганидан кейин чизилладиган хомаки расмлар;

-инсоннинг аввал онгида қабул қилинган баъзи предметлар, тирик объектлар ва атроф-борлиқ ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларни жонлантириш қобилияти билан боғлиқ ишланадиган хомаки расмлар;

-комплекс усул билан, яъни юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма иш усулларини, жумладан, тасаввур бўйича усулларни қўллаган ҳолда бажариладиган хомаки расмлар;

-хаёлга келтириш бўйича – бирор-бир ижодий фикр ёки бадиий образ, мавзу, сюжет ва ҳоказо предмет ва ҳодисалар ҳақида ўз тасаввурларини жонлантириб тиклаш асосида дастлабки умумлашган тасвирнинг хомаки расмлар чизиш.

Натурадан кузатиш бўйича хомаки расм чизиш фақат битта шарт билангина, яъни натура ҳаракатсиз тургандагина бошидан охиригача бажарилиши мумкин.

Хомаки расмнинг мақсади натурани тўлиқсиз умумлаштирилган кўринишини акс эттиришдан иборат бўлгани учун рассом нисбатан анча бамайлихотир ишлайди. Агар мақсад амалга ошган бўлса-ю, натура ҳали қимирламай турган бўлса, у ҳолда хомакиликдан чизғига (лавҳага) ўтиш мумкин. Коғоз четига кўшимча, натуранинг баъзи бўлақларини - чизғиларини анча батафсилроқ ҳам чиқарса бўлади (албатта, бунга зарурат туғилса). Шунини таъкидлаш керакки, айнан тирик моделнинг бундай кўзғалмас шартлари, яъни тинч, бамайлихотир қиёфа рассомнинг кузатувчан кўзлари учун энг қимматлидир. Аксинча, бир хил ҳолатда махсус турган тирик модель доимо ўз ифодалилигини йўқотади, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам сунъийлик мавжуд бўлади. Бунинг устига ўша сизга қараб турган сиймо ҳам охир-оқибат чарчайди, бу эса унинг қиёфасига таъсир этмасдан қолмайди.



Шунинг учун ҳам хомаки расмда кўзгалмас тирик моделни муҳрлаб қўйиш учун рассом доимо шай туриши лозим. Ишлаш учун мавжуд вақт давомида кузатиш ва хомаки расмни бажариш учун ҳар бир дақиқа, ҳатто, ҳар бир сониядан унумли фойдаланиб қолиш зарур бўлади. Шунинг учун уста рассомлар хомаки расмларни ишлашда "қисқа", "жуда тез", "бир нигоҳда", "яшин тезлигида", "бир зумда" тасвирлаш каби сўзларни ишлатишлари ҳам бежиз эмас.

Хомаки расм чизишнинг муайян мақсади кузатиш натижасини бир зумда қоғозга акс эттиришдир. Синфдаги машғулотларда, айниқса, хомаки расм чизишга ўргатилаётган дастлабки пайтларда ўқувчилар кузатишга ҳам, расм ижроси учун ҳам доимо етарли вақтга эга бўладилар.

Лекин синфдан ташқари пайтда хомаки расм устида ишлаш, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам кузатиш, ҳам чизиш пайтида (ҳатто, муҳим турган натура устида ишланаётганда ҳам) тўсатдан узилиб қолиш мумкин. Баъзан рассом тезроқ ўз олдида қўйган мақсадга эришиши, бир варақча натуранинг типик ҳамда характерли хусусиятларини дарҳол акс эттира қолишга ҳаракат қилади. Кузатиш вақти ижро вақтига тўғри келиб қолади. Ана шундай ҳолатда натурани кўриш идроки билан ижро этиш кескинлашади. Яъни эътиборни чалғитмай туриб майда, иккинчи даражали икир-чикирларга берилмай, дарҳол предметнинг энг асосий зарур томонларини ўйлаб олишга, энг оддий воситалардан минимал даражада фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Аввало, бир нечта ишончли чизғилар билан (ёки тус берувчи доғлар билан) бўлажак тасвирнинг ўрни ва ўлчамини, унинг абрисини белгилаб олиш зарур. Ана шунга қараб асосий қисмлари, конструкция ва ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда натуранинг бутун массасини тушуриб олиш керак. Агар натура кўзгалмас ҳолатини сақлаб турган бўлса, дарҳол белгиланган фикрларни деталлаштиришга киришмоқ, ва асосий, характерли хусусиятларни тезроқ ўйлаб олмоқ зарур.

Комбинациялашган хомаки расмлар чизиш. Натура ҳаракатга кела бошлаши, ўз ҳолатини ўзгартира бориши билан ва рассом кўзидан из йўқола бошлаши билан ана шу хомаки расмни ниҳоясига етказиш учун хотирадан кўриш қобилиятингизни ишга солиш тўғри келади.

Натурадан бошланиб, сўнгра унинг иштирокисиз хотирада тугалланган хомаки расм "комбинациялашган" ҳисобланади.

Хотирадан чизиладиган хомаки расм чизиш. Узлуксиз, доимий ҳаракатда бўлаётган натура ҳолатини бир зумда акс эттириш анча мушкул. Бундай пайтда ҳаммасини бирдан назардан қочирмай ўйлаб олиш ва дарҳол, ҳеч кечиктирмай хотирангизда муҳрланганни қоғозга тушириш зарур. Ана шунда хотирага муҳрланган кўриниш ўз "янгилигини" йўқотмайди. Бунга мисол қилиб олдингиздан тез югуриб ўтаётган ёки тўсиқлар оша сакраб югураётган спортчини кўришимиз мумкин. Бундай вазифани уддалаш амалда мумкин. Бунинг учун ўта тез, бир нигоҳда ҳаракатдаги ифодани ўйлаб олиш керак бўлади (масалан, югуриб бораётган спортчининг гавдаси, оёқлари, бош ва қўллари ҳаракати). Лекин бу ўринда хомаки бажарилган чизикларни бир ерга тўплаш, яъни компоновкашни унутмаслик керак.

Кўриш қобилияти кучли бўлганда, жуда қисқа, баъзан эса бир сонияда хотирага муҳрланадиган деталларни ҳам умумлаштириб юзага чиқариш мумкин.

Рассом кўриш хотирасини ривожлантириши учун ҳаракатдаги одам, айниқса, ўз характери ва ҳаракатланиш тезлиги ҳар хил бўлган бир гуруҳ одамларга қараб хомаки расмлар чизиш талаб этилади. Масалан, баскетбол, футбол, хоккей каби спорт ўйинлари вақтида, ҳайвонот боғидаги ҳайвонларга қараб хомаки расмлар чизиш фойдадан холи эмас.

Айниқса, қисман бирор ҳолатда (ёки схематик кўринишда) натурадан қоғозга туширилган чизғини диққат билан кузатган ва ўрганилган нарса хотирада яхши сақланиб қолади. Кўр-кўрона, ҳеч қандай таҳлилсиз, фақат кўчириб кўя қолинган нарса, одатда, хотирада узоқ сақланмайди.

Тасаввур қилиб хомаки расм ишлаш натурани бевосита кузатиш билан боғлиқ эмас. У аввал идрок қилинган, предмет олами ва онгда муҳрланиб қолган ҳодисалар асосидагина ижро этилади. Идрокка (қабул қилишга) нисбатан тасаввур янада умумийроқ характерга эга. Уларда тафсилот камроқ бўлади ва фақат предмет ҳамда ҳодисаларнинг асосий хусусиятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам тасаввурда чизилган хомаки расм "ўзидан



чиқариб" иборасига яқин ва ўзининг мантикийлиги билан бевосита натурага қараб чизилган хомаки расмдан фарқ қилади. Тасаввурда расм чизаётган киши уни қамраб турган вақт ва натура ҳолати каби омиллардан холи бўлади.

Оддий вазифа – полда турган оддий стул расмини тасаввурда чизиш масаласини ҳал қилиш учун рассом ана шу стулнинг шаклини, унинг конструкциясини ва асосий ўлчам нисбатларини эслай олиш лозим. Предмет шаклининг қурилиши қанча мураккаб бўлса, маълумки, уни "ўзидан чиқариб" тасаввурда чизиш ҳам шунчалик қийин кечади.

Расм чизувчи онгида (тасаввурида) предметнинг кенгликдаги образини тиклаш вазифаси туради. Бундай тиклаш жараёни нафақат предмет шакли ҳақидаги тасаввурни, балки унинг қурилиши, нисбатлари, ҳаракат йўнилиши ватезлиги каби бошқа кенгликдаги нисбатларини ҳам ўз ичига олади.

Масалан, агар одам қадди-қомати каби мураккаб тирик шаклни натурасиз, "ўзидан чиқариб" хомаки расмини (айтайлик, бўлажак картина эскизи учун) умумлашган ҳолда чизадиган бўлсак, бунинг устига тез ҳаракатда, бурилишда ёки бошқа ҳолатда (айтайлик, чўққидан тезликда тушиб келаётган чанғичи) бўлса-вазифа анча мураккаблашади. Хомаки расм ижросида олдин хотирада тасвир образини, унинг қурилишини тасаввур қилиш, умуман, ушбу шакл маълум нуқтаи назардан қоғозга қандай ўлчамни эгаллашини кўз олдимишга келтиришимиз керак бўлади. Фақат шундан кейингина, одамнинг пластик анатомияси ҳақидаги билимларни хотирага олиб, "ўзимиздан чиқариб" бир варақ қоғозга ҳаракатини қаламда белгилаб олгандан кейингина, бунинг устига гавда, бош, оёқ-қўллар нисбати, уларнинг ўлчамларини, ҳаракат пайтида қисқариш пропорцияларини, ёритилиш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда инсон танасининг қурилиши ҳақидаги билимлар етарли бўлган тақдирдагина чизишни бошлаш мумкин.

Ҳар қандай ҳолатдаги ва тез ҳаракатланаётган инсон танасини "ўзидан чиқариб" (натурасиз) эркин ва ифодали тасвирлай билиш фақат инсоннинг пластик анатомиясини, биринчи навбатда, скелет қурилиши ва скелет механизми ҳаракат-ларини яхши билиш натижасида, "натура-дан" ва "хотирадан" қилинган хомаки расмларни машқ ва янада кўпроқ машқ қилиш оқибатида юзага келади.



Тасвирий санъатнинг ҳамма тур ва жанрларида тасаввурда хомаки расм чизишнинг асосий вазифаси – бадиий образ яратишда туртки бўладиган кўмак, ёрдам кўрсатишдир.

Натурасиз ишланадиган хомаки расмлар (яъни "ўзидан чиқариб") мураккаб ижодий фикрни юзага чиқариш учун энг қулай техник восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тасвирий санъатга ўргатишда тасаввурда хомаки расмлар чизиш борасида ўқув дала амалиётларининг аҳами яти каттадир.

Комплекс хомаки расмлар (барча усулларни қўллаган ҳолда) чизиш.

Энг сўнги ва энг мураккаб ўқув хомаки расмлар тури бу – комплекс усулда бажариладиган, яъни юқорида кўрсатиб ўтилган усулларни ҳаммасидан қисман фойдаланган ҳолда (натурадан, комбинациялашган ёки дастлаб натурадан, кейин хотирадан, шунингдек, фақат хотирадан ва тасаввурдан) ижро этиладиган хомаки расмлардир.



Комплекс хомаки расм чизишга ўргатиш расм дарсларида ўтказилади. Лекин амалиётда у "Композиция" ўқув курсида кўпроқ қўлла нилади. Шунинг учун ҳам бу хомаки расмларни шартли равишда "Композицион" деб аташ ҳам мумкин. Ўз ижро усулига қараб улар у ёки бу ҳолатда натурани кузатиш билан боғлиқдир. Шунинг учун уларни хаёлан ижро этиладиган бадиий образнинг композицион ечими – хомаки-эскизлар билан чалкаштириш керак эмас. Ҳаёлан хомаки расмлар чизиш-бу жуда умумлашган хомаки

расм – эскиз бўлиб, унда бадиий тасаввурнинг муайян график натижаси сифатида пайдо бўладиган бадиий образ гавдаланади.

Рассом хаёлотни объектив борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ҳақидаги олинган тасаввурлари ва ундаги идрок этиш захирасига асослангандир. Рассом ўз хоҳишига қараб бу тасаввурларни қайта ва қайта шакллантириб, уларни комбинациялаб, улар ўртасида боғланиш ясаб ёки уларни бир-бирига зид қўйиб бадиий образнинг бир бутунлигига, максимал даражада ифодалилигига эришади. Мазмуннинг маъно ва моҳиятига чуқур таъсир қиладиган, яъни тасвир ифодасига таъсир қиладиган икки шаклнинг ўзаро жойлашуви ва ички боғланиши каби жуда кўплаб ҳар хил вариантлар туғилиши мумкин. Энг яхши вариантни қидириб топишда уларни ўзаро бир-бири билан таққослаш зарур бўлади.

Рассом ўзи ўйлаб қўйган ижодий фикри учун муайян ёрқин жавоб олиши керак бўлса, хомаки расмнинг асосий аломатлари–унинг умумийлашгани, мантиқий жиҳатдан тўғрилиги кабилар катта аҳамият касб этиб қоладика, улар ташқаридан қараганда гўё тугалсиздек кўринади. Ваҳоланки, айнан ана шу тугалсизлик бадиий тасаввурнинг кейинги фаолиятига кўпроқ туртки бўлади, муаллифни кўпроқ ифодалиликка ундайди.

Ниҳоясига етказилган расмдаги бирор қисмини техник жиҳатдан ўзгартириш, қўл ёки оёқни бироз бўлса-да суриш, тана ёки бошни бирор томонга буриш, тана ҳаракатини кучайтириш анчагина қийинлик туғдириши маълум.

Қаламда енгилгина ишланган хомаки расмда эса бу иш унчалик қийинлик туғдирмайди. Чунки бунда аввал белгилаб қўйилган нарсани ўчириш ёки йўқ қилиш зарурати туғилмайди. Оддийгина солиштириш билан бадиий фикрнинг янги, янада ифодалироқ вариантини топиш имконини беради. Хомаки расм-эскизни муддатидан олдинроқ тугатиб қўйиш кейинги ишга ҳалақит беради, тасаввурни торайтиради.

Кўп йиллик амалиёт шуни кўрсатдики, маълум бир тизимсиз, услубий принципларсиз бу иш мақсадсиз бўлиши мумкин. Хомаки расм чизишга ўргатиш ҳам ўқув вазифаларини аста-секин мураккаблаштиришни тақозо этади. Дастлаб ўқувчилар учун анча енгил ўқув вазифалари берилиши мақсадга мувофиқ.

Хомаки расм устида мунтазам ишлаш расм чизиш санъатини тезроқ эгаллаб олиш имкониятини беради. Бирорта рассом йўқки, у ўзи билан хомаки расмлар учун махсус альбом кўтариб юрмаган бўлса. Ўтмишнинг машҳур рассомлари ўзларининг кундалик ишларига жуда катта эътибор берганлар. Ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаси моҳир педагогни тарбиялаш экан, инсон танаси, бош шакли ва атрофдаги барча шаклларнинг расмини чизишга ўргатиш тизимида хомаки расмлар чизиш ишига жиддий эътибор бериш лозим. Хомаки расмлар ва қисқа чизғилар бўлажак рассомни ижобий фаолиятга узлуксиз боғлаб қўяди. Улар ўқувчини мустақилликка ўргатади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. **Amanullayev A.** Xomaki tasvirlar. – Namangan, 1992. – 78 b.
2. **Бойметов Б.** Қалам тасвир ўқитишнинг илмий асослари. Методик тавсиялар. –Т.: Фан, 1995. – 25 б.
3. **Бойметов Б.** Қалам тасвир асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 1990. – 40 б.
4. **Bulatov S.S., Ashirova M.O.** Amaliy san'at qisqacha lug'ati. – Т.: Qobuslar bosh tahririyati, 1992. – 142 b.
5. **Nabiyev M., Azimova B.** Rasm chizishni o'rgatish metodikasi. – Т., 1976. – 55 b.
6. **Ростовцев Н.Н.** Методика преподавания изобразительного искусства в школе. – М., 2000. – 65 с.
7. **Шорохов Е.В.** Основы композиции. – М.: Просвещение, 1979. – С. 67-68.
8. **Хасанов Р.** Мактабда тасвирий санъат ўқитиш методикаси. – Т.: Фан, 2004. – Б 30-32.

## ОСОБЕННОСТИ КОВРОДЕЛИЯ КАК ТРАДИЦИОННОГО ИСКУССТВА БУХАРСКОГО ОАЗИСА XIX-XX ВЕКОВ

**Кенджаева Зарина Фатуллоевна**

Мастер школы ковроделия г. Бухары, лауреат Государственной премии им. Зулфии.

**Кенджаева Гулрух Фатуллоевна**

студентка кафедры английского языка и литературы филологического факультета БухГУ

**Таянч сўзлар:** Бухоро анъанавий санъати, халқ амалий санъати, гиламдўзлик, нақш, гирих, нақшнинг тузилиши, ҳошия, бадий маҳаллий марказ, бадий хунармандчилик, ислими, рамзий нақш, тамғалар рамзи, ҳайвонот оламининг тасвирлари.

**Ключевые слова:** традиционное искусство Бухары, народное прикладное искусство, ковроделие, орнамент, диаметрический орнамент, орнаментальная композиция, кайма, локальный художественный центр, художественные промыслы, растительно-цветочный орнамент, стилизация, геральдический орнамент, зооморфные мотивы.

**Key words:** traditional art of Bukhara, national applied art, carpet weaving, ornament, diametrical ornament, ornamental composition, border, local artistic centre, artistic crafts, floral ornament, stylized design, heraldic ornament, zoomorphic motif.

*Мазкур мақолада XIX-XX аср Бухоро анъанавий санъатида гиламдўзликнинг ўрни ва аҳамиятига қисқача тавсиф берилган. Бухоро ҳудудидаги гиламдўзликнинг композицион хусусиятлари ёритилган.*

*В данной статье содержится краткий обзор роли и места ковроткачества как одного из видов народного декоративно-прикладного искусства XIX – XX веков. Выявлены его художественные особенности.*

*The article contains the brief overview of the role and place of carpet weaving art in the traditional arts of 19<sup>th</sup> – 20<sup>th</sup> century Bukhara. Compositional particularities of carpet weaving in Bukhara region have been revealed.*

Народное декоративно-прикладное искусство Узбекистана и Средней Азии имеет глубокие исторические корни и является отражением эстетических идеалов и мировоззрения народов, населяющих данный регион. В XIX веке народное искусство Бухары характеризует многообразие видов ремесел: ковроделие, паласоткачество, вышивка, золотое шитьё, керамика, чеканка по меди, ювелирное искусство, резьба, роспись и инкрустация по дереву, роспись на папье-маше, тиснение, резьба по камню и др. Формам изделий бухарских мастеров присущи лаконизм, целесообразность и пластическая выразительность.

Особое место принадлежит традиционному ковроделию как одному из наиболее выраженных ремесел утилитарного бытового характера.

Ковроделие Узбекистана, как никакой другой вид народного декоративно-прикладного искусства, несет в себе высокие художественные достоинства и традиции материальной и духовной культуры народа, и неразрывно связано с укладом жизни, обычаями и традициями. Особое место среди традиционных центров ковроделия страны принадлежит одной из старинных школ ковроделия Бухарского оазиса XIX-XX веков. Бухарское ковроделие было широко распространено среди оседлого, полукочевого и кочевого населения региона.

Исторические этапы периода, в течение которых закладывались основы художественных традиций, предопределили их главную особенность – глубокую связь художественного творчества и материальных потребностей. Основа всех видов композиций ковров – это орнаментализм, стилизация элементов живой природы и перевод их в выразительный художественный язык. Для орнаментальных композиций, обусловленных формой и назначением предмета, характерна свободная симметрия, обобщение и локальность цвета. Разработанность и богатство орнаментов сочетались с мастерским рисунком.

В композициях господствовала растительная и геометрическая орнаментация с её музыкальной плавностью ритмов. Само наименование мотивов создало поэтически образные картины. Исследуя орнаментальную систему ковроделия Бухары XIX – XX вв., необходимо помнить, что она вытекает из общей орнаментальной системы, присущей в целом традиционным видам художественного ремесла данного региона.

Само понятие “система” [греч.systema] обозначает буквально целое, составленное из частей, подразумевает порядок, обусловленный планомерным, правильным расположением частей в определенной связи, совокупность принципов, служащих основанием для какого-либо учения [3, 365]. И поэтому орнаментальный строй среднеазиатских ковров. Близок ко многим орнаментам и узорам ряда видов художественных ремесел, особенно таких как художественная вышивка. Их объединяет общность орнаментальных композиций, использование единых композиционных приёмов, схем, подходов мастеров. Композициям бухарских ковров присуще выделение центрального поля, двух-трехрядная кайма. Условно центральное поле можно разделить на три вида:

1. П-образные формы
2. Аркообразные формы
3. Нишеобразные формы

В центре композиции ковра - фигуры геометрического, символического или геральдического характера.

В формировании стиля и семантики художественного ремесла Бухары последних столетий, включая и XX век, оказали действенное влияние устоявшиеся традиции орнаментального искусства тимуридской эпохи. Искусство и художественные ремесла эпохи династии Тимуридов – это яркая страница в истории мировой художественной культуры, оказавшая огромное влияние на последующее развитие известных центров прикладного искусства.

Необходимо отметить, что с достижением независимости Республики Узбекистан искусство и культура, в том числе и традиционные виды народного прикладного искусства, переживают эпоху Ренессанса. Этому способствовали создание условий, возвращение к своим культурным истокам. Огромное значение имели Указы Президента Республики Узбекистан И. Каримова “Об образовании Академии художеств Узбекистана” от 23 января 1997 года, “О мерах государственной поддержки дальнейшего развития народных художественных промыслов и прикладного искусства” от 31 марта 1997 года.

Народному искусству, как важнейшему средству гармоничного развития подрастающего поколения, отведено особое место и в целом ряде государственных документов: “Законе об образовании”, “Национальной программе подготовки кадров” и других - основанных на Указе Президента “О коренном реформировании системы образования и подготовке кадров, воспитания гармонично развитого поколения” от 6 октября 1997 года. Как отмечал И. Каримов: “Мы должны научиться бережно относиться к тем культурным источникам, которые всегда давали возможность самым широким слоям населения приобщиться к лучшим образцам национальной классической и современной культуры” [1, 147].

В последние десятилетия проведен ряд исследований и опубликованы труды ведущих учёных республики, в том числе монографии, альбомы, пособия Л.Ремпеля, Г.Пугаченковой, В.Машковой, А.Хакимова, Э.Гюль, и др. Вместе с тем не все аспекты народного декоративно-прикладного искусства получили должное освещение в научной литературе. Особенно это касается исследования творчества известных художественных школ ковроделия в локальных центрах прикладного искусства, таких как Каракуль, Алат. Именно эти локальные центры и определили в целом своеобразие и высокие художественные качества изделий Бухарской школы ковроделия. До середины XIX в. ковроделие Средней Азии было исключительно домашним промыслом.

Ковроделие считалось, да и сейчас считается, одним из самых трудоемких художественных промыслов. Оно было связано со скотоводческим хозяйством и издавна существовало в отдельных районах Андижана, Самарканда, Кашкадарьи, Сурхандарьи и Бухары, а также Каракалпакии, причем наиболее было развито в горных и предгорных местностях. Историю развития ковроделия в Узбекистане можно проследить в Музее искусств Республики Узбекистан, Гос. музее национальной истории Узбекистана в Ташкенте, а также в музеях Самарканда, Бухары и др. Узбекские образцы ковров, в том числе и бухарских, хранятся в фондах зарубежных музеев и частных коллекциях Европы и США, России, Турции и др.

Организация труда в ковровом товарном промысле в конце XIX – начала XX вв. сохраняла некоторые черты, свойственные ковроделию потребительского характера. Несмотря на развитие товарного производства, повсеместно были распространены прежние традиционные формы коллективной работы и взаимопомощи. Ковровые изделия различаются по виду, технике работы, стилю орнаментального убранства. Техника и художественный стиль определяются традициями, сложившимися в среде народов – производителей; виды изделий – их практическим назначением.

Классификация ковров основывается на их происхождении, этнической принадлежности создателей, обусловившей и специфику художественного облика изделий, а также центра производства, определяющего его генезис.

К концу XIX века в центральноазиатском регионе сложилось несколько центров узбекского ковроткачества с присущими им локально-художественными стилевыми чертами. Из ворсовых изделий следует отметить андижанские ковры, вырабатываемые узбекским и киргизским населением Ферганской долины. В их композиции центральное поле занимает повторяющийся крестообразный мотив, окаймленный узором "волна". В колорите преобладают синий и красный цвета. Изделия – гиламы, джойнамозы, паласы и др.

Своей выделкой и разнообразием отличались высоковорсовые ковры Самаркандского оазиса, особенно "джулхирс" (медвежья шкура). Они сшивались из узких дорожек. Орнаментальные композиции состояли из символических знаков креста, прямоугольника, ромба, квадрата, треугольника, в том числе сложных – шести и восьмиугольных фигур, ромбовидных мотивов и др. Цветовая гамма построена на контрастах – светлый на темном или темный на светлом фоне.

Своеобразием отличалась и школа Нуратинского ковроделия, где создавались ворсовые, паласные изделия, а также "джулхирсы". Общий колорит нуратинских ковров – темно-красный, орнаменты – символического характера.

